

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Тошкент Молия институти**

**М. Шарифхўжаев  
З. Давронов**

**Маънавият асослари  
(ўқув қўлланма)**

**Тошкент – 2006**

«Маънавият асослари» фанидан тайёрланган ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Маънавият асослари дастури»га риоя қилинган ҳолда ёзилган. Қўлланмада кўпроқ Шарқ маънавияти ва маданий мероси, хусусан, ўзбек халқи менталитетига мос ва хос жиҳатлар, ёшларда юксак маънавият шаклланишининг таркибий қисмлари ва ривожланиш қонуниятлари ёритилган.

Қўлланма Олий ўқув юрти талабалари ва кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

## КИРИШ

Ўзбекистон катта шонли тарихга эга. Унинг ўтмишини лойга, қуяга чаплаганлар ҳам бўлади. Эсласанг, собир иттифоқ даврида Амир Темурга «босқинчи» деб ном берган эдилар. Ваҳоланки, Амир Темурнинг хизмати Жордано Бруно, Коперник, Галилейникидан зиёд бўлса зиёд эдики, кам бўлмаган. Математика, киберника илмининг асосчиси Ал-Хоразмий, улуғ аллома Мирзо Улуғбеклар ҳақида мактабларимизда маълумот берилса-да, Коперник, Галилей ёки дейлик Архимед, Ньютон каби бошқа давлатдаги тарихий шахслар ихтироси ҳақида таълим бериларди.

Энди Ўзбекистоннинг бугуни хусусида. Унинг мустақиллигини 170 ортиқ давлатлар тан олди. У жаҳон ҳамжамитида ўз ўрнига эга. Президентимизнинг ҳалқаро нуфузли ташкилотлар йиғилишиларида иштирок этиши, маъruzалар билан чиқиши замирида улкан ҳақиқат бор: дунё узра ўзбек деган миллатнинг ҳам ўз ўрни, мавқеи бор.

Мустақиллик туфайли маънавий меросимз юзага чиқа бошлади. Долзарб мавзу саналмиш ёш авлодни тарбиялаш, асосий мақсадларимиздан бирига айланиб бормоқда ва бунда юртбошимизнинг саъй-ҳаракати билан мустақилликка эришганимиздаёқ, масалага жиддий эътибор қаратилилаётганлигини олиб борилаётган ишлар мисолида кўраяпмиз.

Ушбу қўлланмада «Маънавият асослари» фанининг ҳозирги аҳволи келажакдаги ривожи таҳлил қилинади. Назарий ва амалий томонлари ҳақида муаллифлар фикр алмашадилар. Улар маълум даражада янги маълумотларни беришга ҳаракат қиласидилар. Муаммони замона нафаси билан боғлашга интиладилар. Ёшларда юксак маънавий тафаккурни шакллантириш ҳар бир етук инсонни шарафли бурчи эканлигини таъкидлайдилар. Бинобарин, қураётган янги жамиятимиз тараққиёти айнан, юксак маънавиятли шахсларга суюнган ҳолда бунёд этилади. Ҳар қандай етук мутахассис қанчалик билимли, илмли бўлмасин, унда миллий, умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият мужассамлашган бўлиши лозим. Республика Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урфодатлари, тил ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалолликни, мардлик ва сабрбардошлини, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим»<sup>1</sup>. Зоро, шундай экан, қўлланмада «Маънавият ва маърифат»нинг эскирмаслиги, унинг ҳамиша долзарб эканлиги таъкидланиб, ёшларимизнинг маънавий, руҳий дунёсини бойитишга алоҳида эътибор қаратилган. Бинобарин, «маънавият ва маърифат, маданият ва ахлоқ ҳақидаги асарларни қўплаб чоп этиш, айниқса, маданий мерос билан бирга янгиланаётган

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1996, 3-том, 283-бет.

бугунги турмуш тарзини ва янгича тус олаётган жамиятимиз мазмун-моҳиятини теранроқ ёритиш, кенгроқ ўрганиш муҳимдир»<sup>2</sup>.

Кўлланма, ҳозирги замон ўқув-кўлланмаларига қўйиладиган талабларга риоя қилинган ҳолда тайёрланди. Жумладан, унда таянч иборалар, мавзуларга оид алломалар, буюк шахслар фикрларидан намуналар, ўзини текшириш ҳамда билим соҳасидаги савиясини ошириш учун тест саволлари, адабиётлар рўйхатлари берилди. Зеро, бундай ёндашиш ҳар бир ўқувчида маънавий жиҳатларни тўлароқ шаклланишига таъсир этади, деган умиддамиз.

«Маънавият асослари» кўлланмаси дастлабки ишлардан бўлганлиги учун муаллифлар, қўлланмани ўта мукаммал деб даъво қилмайдилар, албатта. Улар қўлланмани такомиллаштириш юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни чин дилдан қабул қиласидилар.

---

<sup>2</sup> Каримов. И. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг умумий йиғилишида 1994 йил 7 июлда сўзлаган нутқи. - Т.:“Ўзбекистон, 1996, жилд II, 261-бет.

## **I - боб. «Маънавият асослари» фанининг предмети, ривожланиш қонунлари, тушунчалари ва жамият тараққиётида тутган ўрни**

### **1-мавзу: «Маънавият асослари» фанининг предмети ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни**

#### **1.1. Маънавият ва маърифатнинг моҳияти, таърифлари**

Фаннинг баҳс юритадиган йўналишлари, унинг қонун-қоидалари ва тушунчаларини аниқлаш ўта муҳимдир. «Маънавият асослари» фанининг шу жиҳатларини мазкур мавзуда ёритиш айниқса долзарбдир.

«Маънавият асослари» фанининг асосий вазифаси комил инсонни шакллантиришга асосий ҳиссани қўшиш бўлиб, бу фан халқимизнинг бош маънавий ва маданий меросига асосланади. Зоро, комил инсон тушунчаси инсоннинг иқтисодий, сиёсий, илмий фаолиятлари билан боғланиб кетади. Комиллик характери билан қуролланган шахс жамиятни баркамол қилиб ривожлантиради, ўзгартиради. Инсонлар фаолиятини ижобий томонларга етаклайди. Ана шу эзгу ниятларни амалга ошириш мақсадида Президент И.А.Каримов «Туркистон» газетаси муҳбирига берган жавобларида шундай фикрни айтган эди: «Энди олдимиизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-хуқуқларини яхши танийдиган, бокимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда шахсий манфаатларни халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир<sup>1</sup>».

Бу фикрлардан аён бўладики, Президент етук инсоннинг ички ва ташқи қиёфасини назарда тутиб, озод, эркин, ўз ҳақ- хуқуқларини ажратадиган, муносиб яшаш учун, ўзининг куч-қудрати ва билимларини ҳаракатга келтирадиган, ўз манфаати билан жамоа, жамият манфаатларини муштарак ҳолда биладиган одам фаолиятини изоҳлайди. Бинобарин, юксак маънавий, баркамол, аъло аҳлоқий хусусиятларга эга бўлган бундай шахсларда адолат ҳис-туйғуси такомиллашган бўлиб, яхшилик, шафқат ва мурувват, савобусаховат, ҳурмату-камтаринлик жиддий хислатга айланган бўлади.

Тарихдан маълумки, бир жамиятдан иккинчи жамиятга ўтиш даври ҳар қандай мамлакатда ҳам осонликча кечган эмас. Мамлакатларда моддий, иқтисодий, сиёсий, маданий ўзгариш бўлиши билан бирга маънавий ўзгаришлар ҳам рўй берган. Айниқса, маъмурий-буйруқбозлиқ тизимиға асосланган тоталитар тузумдан бозор муносабатларига асосланган демократик жамиятга ўтиш даврида бу жараён яққол сезилади. Чунки, бу даврда инсонларнинг нафақат турмуш тарзи, балки уларнинг онги ҳам ўзгара бошлайди. Бинобарин, демократик жараёнлар юқори босқичга кўтарила боргани сабабли, уларнинг дунёқарashi ҳам ўзгаради.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том, 304-бет.

Бу пайтда виждон эркинлиги масаласига ёндашиш ҳам кун тартибida турли муаммоларни келтириб чиқаради. Сиёсий жараёнларни оладиган бўлсақ, қўп партиявийликка эҳтиёж туғилади. Ягона мафкуравийликка чек қўйилиб турли мафкуралар ҳақида фикр юритила бошланади. Яъни плюрализм (қўп фикрлилик) йўналиши пайдо бўлади. Хусусий мулкнинг роли кучаяди. Ижтимоий гурухлар тузилиши жиҳатидан ҳам, характеристири жиҳатидан ҳам ўз мавқеини ўзгартиради. Янги синф – тадбиркорлар синфи шаклланиши учун замин яратила бошланади. Жамоат, давлат, хусусий мулк тузилиши ҳам маконда, ҳам замонда янги характеристерга эга бўла бошлайди.

Жамоат ташкилотларининг нафакат микдори, балки уларнинг вазифалари, сифати ҳам ўзгаради. Қизиқарлиси шуки, инсонларнинг қалбида янгича яшаш эҳтиёжи кучли тус олади. Мустақил фикрлашга ўтадилар. Инсонларнинг онгидаги табиий ҳолда ўз қадриятларини, маънавий меросини қайта қуриш ва таҳлил қилиш иштиёқи туғилади, шунингдек, ўзликни англаш, ким эдигу, ким бўламиз, деган саволлар қизиқтира бошлайди, маънавий силжиш рўй беради. Қадриятларнинг нима эканлиги, миллий ифтихор, Ватан туйғуси, озодлик, тенглик, биродарлик, Ўзбекистон давлати каби тушунчалар шу вақтга қадар ҳам ўз мазмунига кўра кенг бўлган бўлса ҳам, улар янада сержило, серқиррали бўла бошлайди.

Эндиликда ўзбек тилига муносабат ўзгариб унга давлат тили мақоми берилгандан сўнг миллионлар қалбини ижобий тўлқинлантириб юборди. Ўн йилликлар давомида ўз тили, санъати, дини, урф-одатлари, қадриятлари, ўз-ўзлиги, фойдали қазилма-ю бойликларидан ажralаётган ҳалқ қаддини кўтара бошлади. Бу жараёнларнинг барчаси инсон фаолияти билан боғланганлиги эндиликда турли муаммоларни келтириб чиқарди. Таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилишга тўғри келди. Янги даврда ишлайдиган ходимларни тарбиялаш, вояга етказиш соҳалари долзарб бўлиб қолди. Барча хатти-харакатлар инсон фаолиятига кўра қайта кўриб чиқишга қаратила бошланди. Унинг турмуш тарзини қайта кўриб чиқиш учун республика Президенти ва ҳукумати барча имкониятларни ишга sola бошладилар. Мамлакатнинг ички ва ташки сиёсатини тубдан ўзгартиришга тўғри келди. Собиқ иттифоқ давридаги ўзаро муносабатлар янгича характеристерга эга бўла бошлади. Республика қанчалик бой салоҳиятга, бойликларга эга бўлмасин, собиқ иттифоқ даврида ижтимоий соҳалар бўйича 15 та республика ичида энг охирги ўринлардан биридалиги сезилиб қолинди. Хуллас, республика ҳалқининг турмуш тарзини қайта қуриш учун жиддий ҳаракат бошланиб кетди. Ёш, мустақил давлат ўз Конституциясига эга бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан ҳам муносаб ўрин эгаллади.

Бу ўзгаришларга тепасида И.А.Каримов бош-қош бўлди. «Каримов жамият осойишталигини бузишга олиб келадиган, билибми-билмайми қилинган ҳар қандай ҳаракатни, ижтимоий омилларни, кучларни пайини қирқиш бўйича жуда ҳам пишиқ-пухта, бир текис иш кўрди...»<sup>1</sup>. Ушбу фикрда қўпроқ

<sup>1</sup> Левитин Л., Ислом Каримов – Янги Ўзбекистон Президенти. - Т.: Ўзбекистон, 1996, 10 - бет.

И.А.Каримовнинг халқимиз барқарорлиги, тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашга қаратилган ҳаракати тўғрисидаги маъно ётса-да маънавий, маърифий соҳалар ҳам шу ҳаракат билан боғлиқдир. Айтиш жоизки, ҳали мустақилликнинг илк давридаёқ «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир»<sup>1</sup> – деб таъкидланди.

Шу боисдан ҳам «Маънавият асослари»га эътибор кучайди. Унинг аҳолини тарбиялашдаги ўрнини белгилаш кун тартибиға киритилди.

«Маънавият» сўзи анча қадими тушунча бўлиб, «Маънавият» сўзига собиқ иттифоқ даврида эътибор қаратилмади, назардан четда қолдирилди. Ҳатто, илмий, илмий-оммабоп китобларда бу сўзга жиддий эътибор берилмаган. «Маънавият» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, унда инсоннинг руҳий, ақлий жиҳатлари, ўз хусусияти, моҳияти, ғамхўрлиги, қайғуриш, қувониш каби жараёнларни ўзида мужассамлаштирган. Ҳозирги даврда маънавият тушунчасининг фалсафий мазмуни тўғрисида жуда кўп таърифлар берилган. Биз уларнинг баъзиларини ўқувчига ҳавола қиласиз: «Маънавият-инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кудратидир»<sup>2</sup>. «Маънавият-инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг ажралмас таркибий қисми, онги, ақл-заковатининг маҳсули»<sup>3</sup>, «Маънавият-жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча»<sup>4</sup>, «Маънавият-инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истъедоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир»<sup>5</sup>. «Маънавият-инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-муруват, адолат, тўғрилик, соғдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзаллик, севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлар ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуасидир»<sup>6</sup> «Маънавият инсон қалбида акс этган илоҳий нур. Олий ҳақиқат нуридир. Шу сабабли инсон кўнглини «ҳақиқат асрорининг ганжинаси» - демишидир. Фақат инсон қалби ўзида ҳақиқат нурини акс этира олиши учун унга сайқал бермоқ зарур»<sup>7</sup>. «Маънавият инсонни ҳайвондан фарқлаб турадиган олий қадрият»<sup>8</sup>. Кўриб турганимиздек, маънавиятга берилган таърифлар турлича шаклда бўлса ҳам уларнинг барчаси инсон фаолиятига бориб тақалади. Инсон фаолиятининг турли томонларини баҳолайди. Инсоннинг ички ва ташқи хатти-ҳаракати, гўзаллиги, ҳис-туйғулари, кечинмаларини акс эттиради. Т. Маҳмудов фикрича:

<sup>1</sup> Ислом Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. - Т.: Ўзбекистон, 1994, 7- бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.: «Ўзбекистон», 1994, 9-бет.

<sup>3</sup> Жалолов А. Мустақиллик маъсулияти. Т.: «Ўқитувчи», 1996, 29-бет

<sup>4</sup> Иброҳимов А, Султонов Х, Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 111- бет

<sup>5</sup> Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т.: «Университет», 1998, 34- бет.

<sup>6</sup> Эркаев К. Маънавият-миллат нишони. Т.: «Маънавият», 1997, 27- бет.

<sup>7</sup> Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т.: 1996, 6- бет.

<sup>8</sup> Аъзамов Э. Юксак поғона. Маънавиятнинг ойдин йўли. Т , «Маънавият», 1996, 32-бет.

«Маънавият-инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, аҳлоқий ва руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир<sup>1</sup>». Ёки бошқа манбаларда шундай таърифлар бор: «Маънавият-одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуудидир» (Ватан туйғуси китобидан), «Инсон барча тирик мавжудотнинг гултожи, ҳаёт гули дейилганда унинг юксак маънавият эгаси эканлиги назарда тутилади. Маънавият инсонийликка олиб борадиган, инсонни инсон, миллатни миллат қиласиган ажойиб хислат ва фазилатларнинг йиғиндисидир»<sup>2</sup>. «Маънавият инсоннинг билими, тажрибаси ва меҳнат малакаси, одоб-аҳлоқи, иймон ва эътиқоди, мафкуравий қарашларининг яхлит тизимидир.»<sup>3</sup> «Маънавий етуклик шундай бир хазинаки, уни эгаллаган одам инсоний қадр-қимматни ҳамма нарсадан устун қўя олади, ўз манфаатини ўзгалар манфаати билан қўша олади, ҳаёт-мамот масалалари ҳал бўлаётган дамларда ақл-идрок доирасидан чиқмайди<sup>4</sup>». Бизнингча, *маънавият инсонларда юқори даражада такомил топган инсонпарварлик хислатларининг йиғиндисидир*. Таърифлардан кўриниб турибдики, маънавият кенг қиррали сермазмун ва инсондаги нозик томонларни қамраб олган фалсафий тушунчадир. Маънавият кенг қамровли бўлганлиги туфайли тор ва кенг маънода қўлланилади. Тор маънода ишлатилганда унинг алоҳида ҳолати инсон қўз олдида гавдаланса, кенг маънода эса инсон маънавиятининг кенг, умумий қирралари, унга амал қилиш жараёнлари тушунилади.

Ха, юқоридаги таърифларда инсоний фазилатларга эътибор қаратилган бўлсада, юксак маънавийлийк жиҳатларни ниҳоятда ноёб хислат эканлигини И.А.Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида атрофлича акс этганлигини кўрамиз. Унда: «Маънавият деганда авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиласман»<sup>5</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам, маънавият деганда инсонларда шу хислатга оид жараёнларни мужассамлашганлигини эътироф этибина қолмасдан, балки инсонларни руҳан покланишга, турли ножўя хусусиятлардан узоқ бўлишга ёрдам берадиган хислатларни ҳам тушуниш керак экан. Бинобарин, ҳар бир инсон нафақат жисмонан улғайиш балки, унинг қалбидаги инсонийлик хислатларини ўсиб улғайиши, кенгая бориши, сермазмун бўлиши талаб этилади. Маълумки, инсоннинг ички дунёси ҳам бир уммондир. Бу уммондаги ижобий соҳалар кучлироқ, бақувватроқ бўлгандагина юксак маънавиятли бўла олади. Юксак маънавиятлийк савиясига эга бўлган қанчалик кўп бўлса, бу ўз навбатида қурилаётган янги жамиятни пойдеворини ҳам мустаҳкам бўлишга ёрдам беради. Демак, юксак маънавият бу, Президент айтганларидек, иймон-

<sup>1</sup> Т. Маҳмудов. Мустақиллик ва маънавият Т.: 2001, 9-бет.

<sup>2</sup> А. Эркаев. Эзгулик сари йўналтирилган ирода. “Тафаккур”, 1997 йил, 3-сон 14-бет.

<sup>3</sup> З.Фофуров, С. Тошев. Маънавият сабоқлари Қарши «Насаф» 1998 йил 11-бет

<sup>4</sup> А. Эшонқулов. Маънавият тарбияси. «Мулоқот», 1997, 1-сонли, 20-бет.

<sup>5</sup> И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т.7. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 302-303 бетлар.

эътиқодни бутун қиладиган инсонпарварлик, жамиятпарварлик, виждонини кучли қиладиган хис-туйғу фазилатлариңидир.

Юксак маънавиятли бўлиш маърифий соҳаларини қамраб олади. Ҳа, инсоний фазилатларнинг аксарият қисми билимдонликка боғлиқ. Билимдонлик эса маърифатга бориб тақалади.

Инсон ҳаёти ўта кўп қирралидир. У жуда кўп ҳис-туйғу кечинмалар ва харакатларга бой. Шу маънода айтиш мумкинки, бу ҳолатлар инсонни маънавияти билан чамбарчас боғланган. Шу билан бирга инсоннинг жисмоний, биологик ва физиологик томонлари ҳам борки, улар ташқаридан караганда маънавиятга боғлиқ эмасдек туюлади. Лекин бу хислатлар ҳам маънавиятдан ташқарида эмас. Масалан, баъзи бир инсонларда жаҳл чиқиши, жаҳолатпастлик хислатлари бор. Бундай инсонлар вақти келганда ўзини вазиятдан чиқиб кетиши учун бошқаларга нисбатан жисмоний куч ишлатиб юксак маънавийлик ҳолатини унутади. Натижада, бошқа кишини, яъни мухолифини (муроса йўлини танламасдан) йўқ қилишгача боради. Бундай кишининг фаолиятини юксак маънавиятлилик ҳолатига киритиш мумкин эмас. Ёки баъзи бир киши қўшниси ёки танишининг ютуқларини кўриб, унинг ижобий ҳаракатини ўзига ижобий сингдира олмайди. Кўраолмаслик гирдобига қадам қўяди. Бу ҳолат биологик жараён билан боғланган десак, хато бўлмайди. Сабаби бундай ҳолат ҳайвонот оламида кўпроқ учрайди. Масалан, бир ит ўзига берилган ўлжани қорни очлигидан жон-жаҳди билан истеъмол қила бошлайди. Шу пайтда унга ҳалақит берувчи бошқа ит яқинлашса унга қараб ириллайди ва бошқа итни йўлиқтирмайди. Инсоний фазилатларда шундай хислатлар йўқ дейсизми? Албатта, бор. Фақат ўз манфаатидан келиб чиқиб, ўзгалар билан ҳисоблашмайдиган инсонларни юксак маънавият соҳиби деб бўлмайди. Шу ўринда савол туғилади. Инсонни фирибгар ёки биологик мавжудотдек ҳарактерда бўлишида маъно борми? Бор, албатта. Чунки шу ҳолат ҳам маънавият. Лекин қандай маънавият. Маъноли маънавиятми ёки маъносиз? Шунинг учун ҳам инсон фаолиятидаги ҳар қандай маънавият ҳақида эмас, балки юксак маънавият ҳақида фикр юритиш лозим. Зеро, инсоннинг ижобий хислатлари фақат юксак маънавиятлилик билан боғланган.

Ҳар бир инсонни қамраб олган маънавият оддийликдан мураккабликка қараб бориши, яъни юксак маънавиятлиликни мужассамлаштириши лозим. Инсон яшашининг моҳияти юксак маънавиятлиликдадир. Юксак маънавиятлиликни қирралари эса ўта сермазмундир. Юксак маънавиятни ҳали йўргакдаги гўдақдан талаб қилинмасада уни шунга тайёрлаш, инсонийлик хислатларини шакллантириш ўта долзарбdir. Шу сабабли ҳам «гўдак маънавияти» деган ибора ҳалқимиз ўртасида йўқ. «Гўдак одоби» ҳақида фикр юритилади. Демак, одобли бўлишни ўзи юксак маънавиятли бўлиш учун кифоя бўла олмайди. Аммо юксак маънавиятни инсонда шаклланишида одобахлоқнинг ўрнига тенг келадиган жараён камроқ. Одобли, ахлоқли болалар юксак маънавиятли шахс бўлишга интиладилар. Бола шахсга айланиши учун ўзини чуқур таний билиши «мен»лигини кўрсатиши керак. Бу «мен»лик астасекинлик билан амалга ошади. Бола ўзини таниши, яъни инсон бўлиши учун

аввало ўз она тили, миллати, миллатининг анъаналари, қадриятлари билан таниша бориши ўтмишдаги ижодиёт, тарихи, иқтисодиёти, ижтимоий фаолиятини, маданий-маънавий турмуш тарзи билан ўз «мен»лигини бойитиб бориш учун юксак маънавиятли бўлишига замин ҳозирлайди.

Инсон маънавиятининг моҳияти диалектик характердадир. Унинг турли томонлари бир-бири билан боғланган. Шу сабабли маънавиятнинг моҳиятини И.А.Каримов қўйидагича изоҳлади: «Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир Олам... Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик-маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг. Инсон уни инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқнинг бир зарраси, деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади. Бизнинг одамларимиз Ватандан узоклашганда жуда изтироб чекадилар, чунки уларнинг маънавият чашмаси гўё узоклашиб кетгандай бўлади. Шунинг учун ҳам халқ Ватандан йироқликни оғир қабул қиласи, чунки унда ҳар бир қадрдан киши учун қайғурадиган умумий қалб бор»<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, **инсоннинг ички ва ташқи оламини намоён этувчи мураккаб жараён ва хис-туйғулар йиғиндиси маънавиятдир**. Бу маънавият ҳали тўлиқ маънавият эмас. Тўлиқ маънавият юксак маънавиятни инсон томонидан қанчалик сингдирилганлигига боғлиқдир. Юксак маънавият инсонни, миллатни ақлий салоҳиятини ўзлаштирганлиги билан ўлchanади. Юксак маънавиятни инсонда намоён бўлиши инсонни табиатлашуви, жамиятлашуви, инсонлашуви кабиларни тақозо этиши керак. Бу жараён инсоннинг маърифатлашувига, илмийлигига боғлиқдир. Илмдан тўғри фойдаланиш ундан тўғри хулоса қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келвермайди. Баъзилар ўзлари билган, эътиқод этган илмдан ўзгаларни баҳраманд этмайдилар.

Шу ўринда айтиш лозимки юксак маънавиятли бўлиш, илм, маърифатликка боғлиқ. Юксак маънавийлиллик илм орқали ҳам шаклланар экан, у ҳам ўзининг хусусиятларига эга. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга» деб бежиз айтилмаган.

Расулуллоҳ саллалоҳу алайхи ва саллам айтганлар: «Оллоҳ таоло менга юборган ҳидоят (Оллоҳ таоло бандаларига кўрсатган тўғри йўл, йўлланма) сингари илм ҳам кўп ёқсан ёмғирга ўхшайдир: баъзи ер соф, унумдор бўлиб, ёмғирни ўзига сингдирадир-да, ҳар хил ўсимликлар ва кўкатларни ўстирадир ва баъзи ер қурғоқ, қаттиқ бўлиб, сувни эммасдан ўзида тўплайдир, ундан Оллоҳ таоло бандаларини фойдалантиргайдир. Одамлар сувдан ичгайдирлар, хайвонларни ва экинларни суғоргайдирлар. Баъзи ер эса текис бўлиб, сувни

<sup>1</sup> И. А. Каримов. «Ўзбекистон: миллий истиқол, иқтисод, сиёsat, мафкура». Т.: «Ўзбекистон», 1993, 78 – бет.

ўзиди тутиб қолмайдир, кўкатни ҳам кўкартирумайдир. Буларни қуидагича мукояса қилиш мумкиндири: бир киши Оллоҳ илмини (исломни) теран ўрганадир, теран тушунадир ва ундан маърифаатланадир ва Оллоҳ юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатадир. Иккинчи бир киши илм ўрганиб, одамларга ўргатадир. Аммо ўзи амал қилмайдир. Учинчи бир киши мутакаббирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайдир, ўзгаларга ҳам ўргатмайдир. Булардан биринчisi мўъмин, иккинчisi фосик, учинчisi кофирдир». Бу сермазмун ҳадисларни ўрганиш ҳам маърифатга бориб тақалади. Демак, маънавият тушунчаси маърифат билан ҳамоҳангидир. Ёки тушунча маърифат тушунчаси билан ҳам узвий боғланган. Шу туфайли, маърифат, маънавият тушунчалари бир-бiriни тўлдирувчилардир дейиш мумкин. Улар диалектик боғланган. «Маърифат» сўзи якка ва кўплик маънода ишлатилади. Бу сўз араб тилидан олинган бўлиб, «билиш», «билим», «таниш» каби маъноларни билдиради. Кўплик маънода маориф, таълим жараёнларини эслатади. Маърифат «маъруф» сўзи билан алоқададир. «Маъруф» сўзи олий химмат, яхшилик қилувчи маъноларини англатади. Бу сўзни Европада биринчи марта атоқли немис файласуфи И. Кантнинг «Маърифат нима?» номли мақоласи босилиб чиққандан сўнг кенг қўлланила бошланган. **Маърифат-инсоннинг билим даражаси ва унга алоқадор бўлган жиҳатларни акс эттирувчи тушунчадир.** Маърифатли инсон-сўзи ишлатилса, демак, у ёки бу инсон билимли, билимдон, ўқимишли, қўп нарсани мушоҳада қиладиган инсон сифатида гавдаланади. «Маърифат»сиз, деганда шу жараёнлардан хабарсиз киши тушунилади.

*Демак, маърифат деб, инсоннинг умумий маънавий-маданияти, савиясини юксалтиришига қаратилган таълим ва тарбиявий билимларга айтилади.*

Маърифат турли соҳалар, услублар орқали инсонларга сингдирилади. Булар оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари, жамоалар ва бошқалардир. Маориф сўзига келсак кўплик маънода ҳар-хил билим, ахборотларни қамраб олса ҳам маърифат сўзига нисбатан торроқдир. Маърифат том маъноси билан инсон фаолиятининг аксарият қисмини қамраб олади.

Маърифатли инсон билимлидир. Билим инсоннинг фазилатини улуғловчи хусусиятлардан биридир. Билим олиш, маърифатли бўлиш, турли соҳада маънавий ва моддий ғалаба қилиш учун зарур. Билимсиз, маърифатсиз киши ҳимоясиздир. Маърифат орқали инсон ўз онгини бойитади ва барча моддий, маънавий бойликлардан баҳраманд бўлади. «Маърифатнинг мақсади характерни тарбиялашдан иборат» деган эди инглиз файласуфи Герберт Спенсер. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш жараёнларида инсонлар маърифатли бўлмас эканлар, улар ҳаёт қийинчиликларига бардош бера олмай, қийналадилар.

Билимли, маърифатли кишиларнинг кўпайиши жамият бойлигидир. Бахтиёр келажак билим билан яратилади. Истиқболнинг кафолати билимли кишилардадир. Маънавиятни юксалтириш ҳам маърифатга боғликдир. Миллий

қадриятларни унинг тарихини, келажагини англаш маърифат орқали амалга ошади. Бунинг учун билим билан қуролланмоқ керак! Яхши яшаш, баҳтли бўлмоқ ҳам билим орқали амалга ошади! Инсон қанчалик кўп билса, унинг куч-қудрати шунчалик ошаверади. Билим орқали инсон улуғвор бўлади. Теварак-атрофни билиш, жамият тараққаётини тушуниш, ҳодисаларга баҳо бериш ҳам билим ва маърифат орқали амалга ошади. Машхур файласуф Ф. Бэкон фикрича, «Билим – куч, куч эса билимдир». А. Рудакий айтадики: «Билим – барча кулфатларга қалқон».

Илмли ва маърифатли бўлиш чексиздир. Буюк файласуф Пьер Лапласнинг фикрича, – «Билганларимизнинг чеки бор, билмаган нарсаларимизнинг эса ҳад-чегараси йўқ». Ёки, аллома А. Фирдавсий таъбирича:

Илмдан бир шуъла дилга тушган он,  
Шунда билурсанким, илм бепоён.

Инсон билим орқали дунёни қанчалик кўп билиб борса, ўз фаолиятини ҳам шунчалик яхши англай боради. Умрнинг зийнати, мазмуни ҳам инсоннинг ўз билими орқали юқорига қараб интилишидадир. Билим олиш учун вақтни аямаслик, вақтдан фойдаланиш лозим. Хулоса қилиб айтганда инсон маърифат ва билим орқали юксак маънавиятлилик чўққиларини эгаллайди, баркамол, комил инсон бўлиб етишади. Шу сабабли «Маънавият асослари» фани комил инсонни тарбиялаб вояга етказишда муҳим вазифани ташкил этади. Бу вазифа маънавият қирраларидан ташкил топади. Маънавият асосларининг баҳс юритадиган соҳалари ҳам шу қирралардан иборат. Буларга қўйидагилар киради: ахлоқ ва умуминсоний қадриятлар, ватанпарварлик, инсонпарварлик, диний эътиқод, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабат, мустақилликни мустаҳкамлаш тафаккури, билимдонлик, дўстлик, ростгўйлик, адолатпарварлик, поклик, ҳалоллик, иймон-диёнат, меҳр-шафқат, комил инсон, баркамол авлод, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий маънавият, маънавий маданият, меҳр-муҳаббат, ёвузилик, золимлик, шухратпастлик, лаганбардорлик, хаёлпастлик, порахўрлик, хасислик, урф-одатлар, ёлғончилик, қўрқоқлик, ботирлик, мардлик, одобилик ва одобсизлик, камтаринлик, самимилик, ҳақгўйлик, дўстлик, соддалик, ҳалоллик, ор-номусилик, инсонийлик, байналминаллик, меҳнатсеварлик, баҳт-саодатлилик, совуққонлик, тухмат ва мақтов, донолик, олимлик, эркинлик, виждонлилик, инсонийлик, бойлик-камбағаллик, оиласвий муносабатлар, севги ва рашқ, иродалилик, сабр-тоқатлилик, ичкиликбозлик, икки юзламачилик, такаббурлик, айёрлик, ёшлиқ, кексалик, мақтанчоқлик, миллий ғуур, миннатдорлик, мансабпастлик, ғаразгўйлик, беодоблик, қадр-қиммат, сухбатлашиш маданияти, эзмалик, журъатсизлик, димоғдорлик, ақллилик, бекорчилик, ўгит-насиҳатлар, ва бошқалар.

Тўғри, маънавиятнинг қирралари битмас-туганмасдир. Биз бу ерда инсон маънавиятига тегишли баъзи бир фаолиятларни келтирдиқ, холос. Маънавият фани мавзуларига киритиладиган бу изоҳловчи тушунчалар, асосий мавзуларни

түлдиришга ёрдам беради. Мазкур тушунчалар «Маънавият» фанининг моҳиятини очиб беришга ёрдам беради. Бу тушунчалардан асосий мавзулар танлаб олиниб маънавиятнинг асосий таркибий қисмлари шакллантирилади. Булар орқали ҳар бир шахсга «Маънавият асослари» ўргатилади.

## **1.2. «Маънавият асослари» фанининг тамойиллари уларнинг ўрганиш услуглари ва бошқа фанлар билан алоқаси**

Маълумки, Республикаиз Президенти И.А.Каримов «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида юксак маънавият ҳақида фикр юритганда XXI асрдаги маънавиятнинг шакл-тамоили, мазмун-моҳияти, таянч нуқталари ва тараққиёт уфқларининг белгилаш, унинг тамойилларини ишлаб чиқиш ҳақида сўз юритган эди. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, бугунги кунда бу муаммо жамиятшунос олимлар, барча зиёлиларнинг диққат марказида турибди. Бинобарин, Ўзбекистонда демократик ҳуқукий давлат, бозор муносабатларига асосланган жамият барпо этилар экан, ана шу жамиятга хос инсонлар тарбияланиши лозим. Шу сабабли «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанида ҳам юксак маънавиятни шакллантириш ғояларига жиддий эътибор қаратилган. Демак, «Маънавият асослари» фани бу – юксак маънавиятли инсонларни тарбиялашда етакчи ўринларда борар экан, у ўзининг тамойилларига ҳам эга бўлиши зарур. Биз юқорида юксак маънавиятнинг таркибий қисмлари ҳақида тўхтадик. Мазкур таркибий қисмлар таҳлили ҳам шуни кўрсатадики бу таркибий қисмлардан маънавият асослари тамойилларини шакллантириш ва уларни мазмун-моҳиятига эътиборни қаратиш, айни муддаодир. Бизнингча, маънавият тамойиллари қўйидагилардир:

1. Яшашдан мақсадни тўғри белгилаш, ҳаётнинг моҳиятини тўғри тушуниш;
2. Инсон қадр-қимматини ҳар қандай бойликдан устун қўя олиш;
3. Қанча кўп меҳнат қилсанг, шунча тўқ ва бадавлат яшайсан;
4. Инсон қобилиягининг ички имкониятлари чексизлигига ишонч ҳосил қилиш ва шу имкониятларни юзага чиқариш учун жиддий ҳаракат қилиш;
5. Ҳар қандай фиску фасодга, вайронкор ғояларга берилмаслик, ғийбат, кундалик ташвишларидан юқори кўтарила олиш, ирода, сабр-қаноат, меҳр-мурувват кўрсата олиш;
6. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳиссиётни жиловлаб, ақл идрокка амал қилиш, нафсни тия билиш, комиллик интилиш;
7. Ўзидан кейинги авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришда жонкуяр бўлиш;
8. Миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш ва уларни ижодий ривожланишига ҳисса қўшишга амал қилиш;
9. Инсон фуқаролар ҳукуқларини тинглаш ҳамда миллий тотувлик учун ҳаракат қилиш;
10. Мамлакат мустақиллигини сақлашда юксак маъсулиятни англаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимомий юксалишига фаоллик кўрсатиш.

1. Маълумки инсон ҳаётга онгли равишда қадам қўябошлаганидан бошлаб ўз олдига мақсадлар қўяди. Бу мақсадлар гоҳида асосли, гоҳида тарқоқ, гоҳида

ҳавас бўлади. Лекин мақсадлар ичидан шундай бир мақсад борки, бу мақсад олий мақсаддир. У ҳам бўлса ҳаётда яшаш мақсадидир. Демак, уни тўғри белгилаш ва моҳиятини тушуниб етиш, тафаккур орқали мушоҳада қилиш муҳим аҳамиятга эга. Инсон умри тез ўтиб кетади. Ана шундай тез ўтадиган умр қандай ўтиши керак? Инсон, шахс биринчи навбатда ана шунга диққат эътиборини қаратиши лозим. Ҳа, бировлар яшашдан мақсад фарзанд қўришда деб билсалар, яна бировлар қашфиётлар қилиб ном қолдириш, яна бировлар қандайдир мансабларини эгаллашда, деб тушунадилар. Тўғри булар ҳам инсон учун керак. Аммо яшашдан мақсад тор доирада мужассамлашиб қолмаслиги керак. Шахс фаолиятнинг мақсади фақат ўз соғлигини ўйлаши билан бирга яшашни ўзи нима, нима учун яшashi керақ, ким учун яшashi керак, деган саволларни қўйиб уни моҳияти ва мазмунини таҳлил қилган ҳолда иш юритиши лозим.

Халқнинг бугунги ва келажақдаги вазифалари билан ҳам ўз мақсадларини мужассамлаштириши керак. Демак, инсон ўз манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда халқнинг асрий қадриятларини ривожлантириш ўз мамлакатининг буюк келажагини яратиши йўлида қайғуриши ва ҳаракат қилиши устувор йўналишлар қилиб белгилаб, ҳаётга қадам ташлаши ўринлидир. Шундагина яшашдан мақсаднинг моҳияти-мазмунга эга бўлади.

2. Инсон қадр-қимматини ҳар қандай бойликдан устун қўйиш юксак маънавиятлиқдан далолатдир. Инсон қадри бойлик билан белгиланмаслиги керак. Инсон ўзининг хатти-ҳаракати, меҳнати, ақл-идроқи билан шу бойликни яратади. Шу жиҳатдан ҳам инсон бойликдан устун бўлишга ҳақлидир. Бойликка берилмаслик инсонийликни устун қўйишга олиб келади. Бойликка эътиқод қўйиб, мол-мулқ тўплаш ўрни келганда уни кўз-кўз қилиш эса тубанлиқдан нишонадир. Бойлик бу баъзи шахсларни манманликка етаклайди, димоғдор қилади. Баъзида бойликка берилган шахслар ўз мол-мулкнинг қанчалик қўп эканлигини яширишга ҳам ҳаракат қиладилар. Лекин уни барibir кўпдан, оммадан яшира олмайди. Натижада қўпчиликни олдида қинғир-қийшиқ йўллар билан топилган бойлик ошкора бўлабошлайди ва қўпчилик нафратига ҳам учрай бошлайди.

Инсон қадрининг бирламчилигига эътибор бериш хусусиятига эга инсонларни халқ эъзозлайди. Шундай киши вафот этиб кетганда ҳам унинг номини хурмат билан тилга олади.

Бойликка берилган жойда адолат бузилади. Бойлик ҳирси бор инсонда таъмагирлик, пораҳўрлик, ғаразгўйлик, қатъиятсизлик авжига чиқади. Ақл-закавот ўрнини жоҳиллик, манманлик, мақтанчоқлик, кибр-ҳаво эгаллайди. Булар оддий инсонлар қадрини пайсайтиришга олиб келади. Асосийси инсонлар ўртасида зиддиятларни келтириб чиқаради. Ғам-ташвиш ортади. Қонун бузилади. Фирибгарлик авжига чиқади. Инсон қадри йўқола бошлайди. Натижада оила, жамоа, жамият ва давлатда норозиликлар пайдо бўлади.

3. Қанча қўп меҳнат қилган киши ўзига ишонч билан яшайди. Қорни оч бўлганда ҳам меҳнатдан завқланади. Ўзини бадавлат кишилардек ҳис қилади. Чунки, у бирордан ўзини кам тутмайди. Меҳнат орқали жамиятнинг маънавий

соғломлиги, руҳан тетиклиги ҳам намоён бўлади. Юрт тинчлигига тинчлик қўшилади. Юрт тинчлиги эса улуғ саодат, буюк неъматдир. Шу сабабли ҳар бир фуқаро Ватан тақдири учун меҳнат қилиши, меҳнати орқали буюк давлатни барпо этишидаги масъулиятни сезиш муҳим касб этади. Меҳнат орқали тараққиёт, ривожланиш рўй беради. Оғир ва енгил саноат такомиллашади. Янги ишлаб чиқариш қувватлари пайдо бўлади. Маданий-маиший иншоотлар барпо этилади. Ободончилик амалга ошади. Боғ-роғлар пайдо бўлади. Буларнинг барчаси вақти келиб ҳар бир кишига, жамоага, жамиятга хизмат қиласиди. Натижада, инсон ўз меҳнати орқали шон-шарафга мұяссар бўлади. Ҳур ва фаровон яшашга имкон яратилади. «Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат» деган ўйтитларни азалдан ҳалқ ўртасида қўлланишда ҳам олам, олам фалсафа ётади.

4. Инсон қобилиятининг ички имкониятлари бойлигига ишонч ҳосил қилиш ва шу имкониятларни юзага чиқариш учун жиддий ҳаракат қилиш ҳар бир юксак маънавиятга интилган кишининг дастурига айланиши лозим. Мазкур ички имкониятлар инсоннинг ўзини қаноатлантириш билан бирга, оилани, ишлаб турган жамоасини, мамлакатини ҳам талабларига жавоб бериши лозим. Инсонларнинг ҳар бир иши, шу инсонларнинг ташки амалий фаолияти билан ҳам мос тушмоқлиги даркор. Инсонни интеллектуал бойлиги гарчанд шахснинг шахсий фаолиятига боғлиқ бўлсада у Ватан озодлиги, унинг истиқболи, истиқтоли билан чамбарчас боғлиқ бўлгандагина инсондаги ички имкониятларни тўғри баҳолаш мумкин. Юксак маънавиятли инсонларнинг ички имкониятлари, деганда ўша инсондаги мардлик, ваъдага вафо, шижаат, гайрат, ҳушёрлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ор-номус, ҳаё, иффат, камтаринлик, содиклик, билимдонлик, янгиликлар тарафдорлиги, яхшилик қилиш, тўғри бўлиш каби хислатлар билан биргаликда қўрқоқлик, хиёнат қилиш, ваъдага вафо қилмаслик, ватанини ўйламаслик, вайронкор фикрларга эга бўлиш, мансабпарамастлик, лаганбардорлик, порахўрликка ва бошқа хусусиятларга интилиш, хис-туйғуларини ҳам тушуниш лозим. Демак, инсонлардаги ички имкониятларни намоён қилишнинг, ҳарактерига эътиборни қаратиш шахс фаолиятининг марказий ўринларини эгаллайди. Шу ички имкониятларни ҳаётга татбиқ этишда хатоликлардан холи бўлишга интилиш ҳам юксак маънавиятликдир. Ички имкониятлардан ижобий ишлар учун фойдаланиш олий жонбозликдан далолатдир. Ўзининг ижодини, тафаккурини, билимини, меҳнатини ҳалқ ва Ватан равнақига бағишлиш юксак маънавиятлиликдан комилликка интилишдан далолатдир.

5. Ҳар қандай фисқу фасод, фийбатлардан кундалик ташвишлардан юқори туриш ирода ва сабр қаноатли бўлиб, меҳр-мурувват қўрсата олиш юксак маънавиятни эгаллаш омиларидандир. Маълумки, фийбат қилиш бидъатлидир. Инсонни кичик бир фийбат натижасида бир умрга ношуд қилиб қуиши мумкин. Фийбат инсондаги энг ёмон одатлардан биридир. Фийбат деганда инсонни орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш, инсоннинг бола-чақасини, хотини, хулқи, бойлиги, юриш туриши, ақли ва фаросати хақида тутуруксиз, bemaza сўзларни айтишлар тушунилади. Зоро, энг ёвуз ва ярамас одат фийбатчилик бўлиб, ўзгаларни айбини топишга ҳаракат қилиб, гап ташиб,

дўстларни ўртасига нифоқ туширишdir. Булар ўз навбатида инсонни камситади ва ғамга ботиради. Шу сабабли ғийбатга ишонмаслик чораларини кўриш олий фазилатdir. Ғийбатни фисқу фасодчилар, яхши фазилатларни кўраолмайдиганлар, фикри тор одамлар қиласидар. Ана шундай одамлардан устун бўлиш комилликка интилишdir. Инсон фаолияти баҳтли дамлар билан бирга ташвишли қунлар ҳам мавжудdir. Ташвишлардан етишмовчиликлардан, баҳтга эришаолмасликдан, мавқега эга бўлаолмасликдан устун бўлиш қаноатлиликдан намунадир. Бу ташвишларни сабр-қаноат илингизб үтиш олийжаноблиликдан хабар беради.

Сабр ва қаноат қилиш юксак маънавиятли кишиларга хос хусусиятларданdir. Сабр қилишни аввали заҳар, аянчли бўлсада, охири лаззат бўлишини унутмаслик керак. Унда хосият ва манфаат бўлади. Сабр қилишда инсонни феъли ўзгармаслиги, ҳар қандай вазиятда ўзини тута билиши чидамлиликdir. Шундай инсон, инсонлар ўртасида камбағалликдан, етишмовчиликдан нолимайди, тоқат ва чидам билан вазиятдан чикишини ўйлади. Бунинг ўзи инсон учун улуғ неъматdir. Демак, сабр-қийинчиликдан қутилиш, уни енгиш ва чидамлилидир. Сабрда қандай вазият бўлмасин инсон ўзини очиқ чехралилигини йўқотмаслиги лозим. Сабр ва қаноат ўзаро туташган эгизакдир. Қаноат ҳам туганмас бойликидир. Қаноатли киши битта қоқ нонига ҳам шукр қиласиди ва у ўзини камбағалман, деб ҳисоблаймайди. Қанча топса у камлик қиласиди. Бошқаларга меҳр-муруват кўрсатмайди. Тишлам нонидан бирорни баҳарманд килиб шу сабабли ҳам ушбу тамоил маънавиятнинг асосий тамоиллариданdir.

6. Юксак маънавиятли бўлиш бу ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳиссиётга берилмасдан ножӯя ҳиссиётни жиловлай олиш, ақл-идрокка амал қилиш, нафсни тия билиш комилликка интилиш кабиларга ҳам боғлиқ. Мазкур жиҳатлар ҳар бир шахсда мавжуд бўлган инсоний фазилатларdir. Ушбу фазилатларга диққат-эътиборини қаратган шахслар мўътабар шахслар бўлиб ҳисобланади. Ақл бу- шундай бир бойлики, уни пайпаслаб ушлаб ёки кўриб бўлмайди. Ақл одамнинг ёки шахснинг пешонасида ёзиб ҳам қўйилган эмас. Унинг чегарасини ҳам билиш қийин. Ақл шундай бир хусусиятки, агар у баднафслик, ҳасад ва баҳилликка йўғрилган бўлса бу тубанлик ақлидир. Ақл зарар келтирувчи жараёнлардан узок бўлса ифлосланмаган бўлсагина соғ ақлдир. Шу сабабли ақл орқали инсон ўз фаолиятини қатъий идора қилаолса ўзининг ақлий хислатини юксак дейиши мумкин. Аслини олганда, инсоннинг барча ҳаракати ақл фаолиятига муҳтож. Ақл тажриба, ҳаётий қўникмалардан билимлардан пайдо бўлади. Демак, ақлли киши шундай бир инсонки ўзининг ёмон ҳиссиётларини жиловлай олади, ўзининг ақлига, идрокига амал қиласиди. Нафсга раҳбарлик қиласиди. Ақлли инсон тириклигига шундай ишлар қиласиди, бу ишлар ўзи вафот этиб кетгандан сўнг ҳам бошқа кишилар томонидан эъзозланади. Ўлган ақлли киши тириклар қаторида юради. Ақлсиз инсон эса нафси қаёққа бошласа ўша томонга бораверади. Ақл-идрок инсонни улуғлайди. Ақлли инсонлар баъзида хато қилганларида ҳам эъзозланадилар.

Инсонларда ғазаб ҳам мавжуддир. Ғазаб келганды уни сабот ва матонат билан енгиш талаб этилади. Гуноҳ қилган кишидан дарғазаб бўлганда ўйлаб ақл билан иш тутмоқлик инсоннинг юксак фазилатидир. Дўстликка ҳаракат қилганда ўша дўст бўлмоғи бўлган кишини қийинчилик ва дарғазаб бўлганда синаб кўриш ақиллилиқдан далолатдир. Қийинчилик ва дарғазабликни боса олмаган дўст, дўст бўла олмайди.

7. Ватан бу инсоннинг киндик қони тўкилган муқаддас маскани. Шу билан бирга уни вояга етказишга ҳисса қўшган, аждодлари яшаган тарихий хотира бағишлоғчи макондир. Ватан инсоннинг, халқнинг ўтмиши ва бугуни ҳамда келажагини белгиловчи жойдир. Ватанга эга бўлган инсон ўз хаётини ғуур билан ўтказади. Эртанги кунига ишонч билан қарайди. Ватани борлиги учун қийинчиликларга бардош беради. Инсон ўзини англагандан сўнг Ватан нималигини сеза бошлайди ва унга нисбатан муҳаббат туйғуси илдиз отади. Натижада, ўз тақдирини ана шу Ватан тақдиди билан боғлайди. Демак, юксак маънавиятликка интилган инсон ўз Ватанини озодлиги, эркин ва фаровонлиги учун жон куйдириши лозим. Қалбининг фаолияти ўз Ватани ободлиги, озодлиги учун мужассам бўлиши зарур. Озод ва обод Ватани авлодларга қолдириш учун ёниб, елиб-югуриб яшаши, меҳнат қилиши талаб этилади. Ватанинн моддий бойликларидан, маданий меросидан, қадриятларидан нафақат ўзи фойдаланиши балки, ўзидан кейинги фаолият кўрсатадиган фарзандлар, набиралар, эваралар, чеваралар ва жамият учун қолидирадиган бўлиб яшамоғи керак. Сабаби Ватан фақат биргина шахсники эмас у шу заминда яшаётган барчанини. Унда келажакда ҳам минг-минглаб инсонлар истиқомат қиласиди, хизмат қиласиди, нафас олади. Тарихни яратади, ижод қиласиди. Шу сабабли бу тамоил ҳам энг муҳим тамоилдир.

8. Миллий ва умуминсоний қадрият инсон фаолиятида амал қиласидиган юксак маънавиятлиликнинг ажралмас қисмидир. Шу сабабли бу тамоил мамлакат ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг ўз миллий қадриятларини асрраб-авайлаши, эъзозлаши, ўзидан кейинги авлодга уни янги-янги анъаналар билан етказиши юксак маънавиятнинг муҳим қисмидир. Ўтмишдаги аждодларимиз қолдирган миллий мерос, маданий бойликлар мумтоз қадрият ва урф-одатларни эъзозлаш, уларни обдон ўрганиб ижодий ривожлантириш ҳар бир фуқаронинг кундалик турмуш тарзига сингиши лозим. Миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан муштараклигини сезиш керак. Миллий қадриятлар дунёвий тараққиёт тамоилларидан орқада қолмаслигига эътиборни қаратиш давр талабидир. Жаҳон тажрибасидаги умуминсоний демократик қадариятларнинг моҳиятини таҳлил қилабориш ва ҳаётга татбиқ этабориши миллий қадриятларни ривожлантиришга ёрдам беришини унутмаслик ҳар бир юксак маънавиятли шахсни диққат эътиборида туриши талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир шахснинг, фуқаронинг сиёсий маданиятини такомиллаштириш, дунёвий муаммоларни тўғри тушунишга етаклаш кун тартибига қўйилади.

9. Мамлакатимизда инсон ҳукукларига амал қилиб инсонлар ўртасида ижтимоий адолатни барқарор қилиш учун талайгина вазифалар амалга

ошириладики, улар тинчлик, миллий тотувликни барқарор қилишга ёрдам берди. Инсон ҳуқуқларига амал қилиш юксак маънавият эгасининг фаолиятидаги қирраларнинг ажралмас қисмидир. Инсон ўз фаолиятини рўёбга чиқариши учун ҳуқуқий жараёнларни ўзида мужассамлаштириши талаб этилади. Қонун кафолатларни англаш ва унга амал қилиш турмуш тарзини барқарор ўтишига ёрдам беради. Демак, ҳуқуқий маданиятни англаб етиш комилликка интилишнинг намунасиdir. Шу муносабат билан бу тамойил ҳар бир шахсдан ўз устида мазкур соҳада доимий ишлашни, билим савиясини ошириша боришни талаб этади. Шу билан бирга инсон ҳуқуқларига оид жараёнларни, барча ҳуқуқий асосларни халқ оммаси орасида кенг тарғиб қилиш ҳам масъулиягини юклайди. Масъулият ўз навбатида инсоннинг ҳар бир амали, фаолияти маҳсулини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда инсоннинг ўзига ва бошқалар олдида жавобгар эканлигини тасдиқлади. Фаолиятни ривожлантиради, оқибатларни олдини олишга қўмаклашади. Ана шу маънода ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги учун курашда тотувликни таъминлади.

10. Миллий мустақиллик халқимизнинг азалий орзуси эди. Бу орзуни амалга ошириш йўлида жон фидо қилганлар оз эмас. Эндиликда миллий мустақиллик туфайли янги тарихий ривожланиш даврига қадам ташланади. Бу қадам авлодларимиз учун хизмат қиласи. Халқимизнинг ҳозирги даврда мустабид сиёsatдан, қарамлик ва итоаткорликдан «киттифоқ» пайтидаги майда миллатликдан халос бўлганлиги қувончли холдир. Эндиликда кўп асрлик тарихга эга бўлган миллий давлатчилигимиз тикланди. Зеро, бу давлатчиликнинг ижобий томонлари сақланган ҳолда, замон талабларига мослашган ҳолда янгидан қурилмоқда. Қисқа қилиб айтганда, ўз Ватанимизда эркин ва озод яшаш, фаровон турмуш қуришга киришдик. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий-маънавий қулликдан озод бўлдик. Табиий ва маданий, маънавий бойликларимизга эришдик. Маънавий меросимиздан, азалий инсоний қадриятларимиздан баҳраманд бўла бошладик. Эркин ва мустақил фикрлайдиган бўлдик. Бинобарин, шундай экан, янгича ҳаёт биздан янгича ҳаракат, янгича англаш ва фикрлашни, ташаббускор ва шижаоткор бўлишни, мустақиллик ғояларига содик бўлишни талаб этади. Янгича масъулият юклайди. Юксак маънавиятлилик шунчаки бир талаб бўлиб қолмасдан, балки уни янада мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилиш ҳар бир шахснинг бурчидир.

Ҳар бир фан ёки курсни ўрганишнинг хусусий жиҳатлари бўлгани сингари «Маънавият асослари»нинг ҳам хусусий жиҳатлари мавжуд. Аввало, бу фан ҳам фанлар методологиясига суянади. Фанларнинг методологияси-(услубият тўғрисида таълимот) бу фалсафадир, аниқроғи диалектикадир. «Маънавият асослари» фани ҳам ўз мавзуларини шу диалектик услугга суянган ҳолда таҳлил қиласи ва назарий хулосалар чиқаради.

«Маънавият асослари» фанини ўрганишда асосан авлод-аждодларимиздан етишиб чиқсан буюк алломалар, саркардалар, давлат ва жамоат арбобларидан бизгача етиб келган маънавий меросидан, маданият ва турмуш тарзидан фойдаланилади.

Қадимий маънавий мерос, миллий урф-одатлар, қадриятлар ранг-барангдир. Улар ҳозирги давр билан боғланган ҳолда, фан ва техника тараққиётини ҳисобга олишни тақозо этади. Шуни таъкидлаш лозимки, халқимиз урф-одатлари, қадриятлари умуминсоний қадриятлар билан боғлиқдир. Ҳар бир шахс ўз тушунча доирасидагина қолмай, балки дунёвий маънавиятдан ҳам хабардор бўларди.

Бу жиҳатларни яхшироқ ҳис этиши, учун аввало ҳар бир инсон маърифатли бўлиши, унга интилмоғи лозим. Маърифатли бўлгандағина инсон умуминсоний қадриятлар билан таниш бўла олади. Унинг ўзига керакли томонларини олиб ўз ҳаётига татбиқ этади.

«Маънавият асослари» фани ҳам алоҳида услубларга амал қиласа-да, унинг мавзу ва тушунчалари бойиб боради. Бу услублар маънавият асосларини мустаҳкамлашда, ўз қонуниятларини ишлаб чиқишида ёрдам беради. Шу сабабли «Маънавият асослари» фани қуидаги услублардан фойдаланади:

- Диалектик фалсафий.
- Тарихий-мантиқий.
- Ўхшатиш ва таққослаш.
- Кузатув.
- Индуктив ва дедуктив.
- Тажриба ўтказиш.
- Социологик тадқиқот (сўров, анкета тўлдириш).
- Назарий.
- Изоҳлаш.
- Тахмин қилиш услублари ва бошқалар.

Маънавий хислатларнинг мазмуни, ҳаётийлиги, инсонга мослиги шу услублар орқали яққол кўзга ташланади. Ушбу услублар маълумки, бошқа фанларда ҳам қўлланилади. Шу сабабли, бу услублардан фойдаланилганда «Маънавият асослари» фанининг маҳсус томонлари ҳам ҳисобга олинади.

«Маънавият асослари» ҳозир дунёда ўқитилаётган 2000 дан ортиқ фанлар ва маҳсус курсларнинг барчаси билан алоқада десак, хато бўлмайди.

«Маънавият асослари» фалсафа фани билан боғланган бўлиб, фалсафанинг категория ёки тушунчаларидан, қонунларидан фойдаланади. Фалсафа берган умумий хулосалар «Маънавият асослари» учун жуда муҳимдир.

Фалсафада ўқитиладиган ижтимоий онг шакллари – санъат, маданият, ахлоқ, эстетика, дин каби соҳаларсиз инсонларда юксак маънавиятни шакллантириб бўлмайди. Бу соҳаларда фалсафа берган умумий, назарий фикрлар «Маънавият асослари» учун мушоҳада объектларидир. Шунингдек, «Маънавият асослари» фанини ўқитиш жараёнида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», диншунослик, тарих, сиёсатшунослик, адабиёт, она тили, иқтисодиёт назарияси, одобнома, мантиқ, этика, психология, ахлоқшунослик, социология, экология ва бошқа фанларга ҳам мурожаат қилинади. Шуни таъкидлаш лозимки, бу «Маънавият асослари» фани табиий фанлар билан алоқада эмас, деган фикрни билдирамайди. Бинобарин, табиий фанлардаги ўзгаришлар, кашибиётлар ҳам инсон маънавияти билан

алоқадорлигини унутмаслигимиз керак. Кашфиёт қилувчи олимларнинг фаолияти маърифат билан боғланган. Маърифат эса маънавиятнинг таркибий қисмидир. Демак, «Маънавият асослари» фани тушунча ва қонуниятларни ривожлантириш учун табиий фанларга ҳам суюнади.

«Маънавият асослари» фани тушунчалари хилма-хилдир. Уларнинг баъзи бир характер ва хусусияти ҳам фалсафий, ҳам маънавийдир. Улар ўзаро боғлангандир. Шундай бўлишидан қатъи назар, «Маънавият асослари» фанининг ўзига хос ривожланиш қонуниятларини қуидагича акс эттириш мумкин: шахс, жамоа, жамият ва миллат маънавиятларини юксалтириш.

Булар маънавий-маърифий жараёнлар билан боғлиқ қонуниятлардир. Бу соҳаларни ҳар бирига ўзгача маҳсус ёндошиш йўллари ва услублари, жараёнлари бор. Мазкур маънавий юксалишларга умумий ҳолда ёндошиб бўлмайди. Лекин, уларнинг ўзаро алоқадорлигини унутмаслигимиз талаб этилади. Юксак маънавиятли инсонни шакллантириш қонуниятлардан ташқари миллий ва умуминсоний маънавият қонуниятлари ҳам мавжуд, жумладан:

- а) турли ижтимоий гурӯҳлар маънавиятини юксалтириш қонуниятлари;
- б) миллатлар ўртасидаги маънавият хислатларини юксалтириш қонуниятлари;
- в) умуминсоний урф-одатлар, қадриятларни яқинлаштириш қонуниятлари ва ҳоказолар.

Бу кўрсатилган қонуниятлар ҳам ўзларининг хусусий жиҳатларига эга бўлиб, баъзи соҳалар чуқур таҳлилни талаб этади. Шу сабабли, бу қонуниятлар кейинги мавзуларда ўз аксини топади, деган умиддамиз.

«Маънавият асослари» фани кўпроқ инсоннинг ҳис-туйғуси, ички кечинмалари, ўзаро инсоний муносабатлари, инсоннинг табиат ва жамиятга бўлган ихтиёрий туйғулари билан боғланган. Бу жараёнларнинг ҳар бири инсон онгига мукаммал сингдирилиши «Маънавият асослари» фани билан боғлиқ бўлади. Ахлоқшунослик фанидаги тушунчалар «Маънавият асослари» фани тушунчалари билан узвий алоқада. «Маънавият асослари» айниқса, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоиллар» фани билан ҳам яқиндан алоқада ва боғланишдадир. Маълумки, «Миллий истиқлол ғояси» фанида ғоя ва мафкура тушунчалари, уларнинг инсоният тарихи ва тараққиётiga қандай таъсир кўрсатгани, ҳозирги даврнинг мафкуравий манзараси, дунёни бўлиб олиш учун кураш, ёш ғояларнинг минтақа ва мамлакатимиз аҳолисига таъсири, мамлакатда барпо этилаётган жамият ва бу жараёнда миллий ва умуминсоний ғояларнинг қай тарзда аҳамият касб этиши ўз аксини топган. Лекин бу зикр этилган соҳалар инсоннинг руҳияти ва маънавияти билан боғланган. Юзаки қараганда бу фанлар нисбатан бир-биридан узоқ туюлсада аслида чамбарчас боғлангандир. Бу фанлар тушунчалари ўзаро боғланган ҳолда таҳлил қилинса уларнинг таъсирчанлиги ошади. Ўқувчи томонидан енгилроқ қабул қилинади. Масалан, миллий истиқлол ғоясининг кенг қирралари тушунилмайди. Шу билан бирга миллий истиқлол ғоясидаги Ватан равнақи, комил инсон фаолияти, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, ҳалқ фаровонлигини

таъминлашдаги омиллар ҳақида сўз юритилганда, бу соҳаларни юксак маънавиятли кишиларда акс этиши ҳақида фикр юритилади. Зоро, истиқлол ғоясининг олий мақсади эзгу ғояларга таянган ҳолда халқни буюк келажагини бунёд этишга сафарбар қилишдир. Ўзбекистон аҳолисини ҳозирги ҳаёт талабларига жавоб берадиган, ғоя ва мустаҳкам иродаси, юксак эътиқоди, эҳтиётли ва ватанпарвар, инсонпарвар шахсларни тарбиялаб вояга етказиш юксак маънавият билан боғланган. Юксак маънавиятга эга бўлган кишилар юкоридаги жараёнларга халқ манфаати нуқтаи-назардан ёндошади.

Иккала фанда ҳам инсонларда эзгу ниятларни таркиб топтирган ғоя мужассамдир. Миллий истиқлол ғояси фани фуқароларда мустақиллик дунёқарашини ва эркин фикр юритиш, мустақил тафаккурга эга бўлиш, соғлом ижтимоий муҳитни яратишга ёрдам берса, «Маънавият асослари» мазкур фан учун замин тайёрлайди. Шу йўналишда барчани тарбиялашда кўмаклашади. Истиқлол ғояси жамиятни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, фуқароларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга ҳаракат қиласа маънавият асослари фани инсонларда Ватан туйфуси, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, саховат-яхшилик, поклик, ҳалоллик каби юксак маънавийлик туйгулари назарияларини ишлаб чиқади ва миллий истиқлол ғоясини ёшларга сингдиришни тезлаштиради. Бу фанлар ўртасидаги муносабат ва алоқадорлик нисбий бўлсада, иккала фаннинг баҳс мавзулари турличадир. Юқорида таъкидланганидек,... ахлоқшунослик фани тушунчаларини баъзилари билан яқин алоқададир. Инсоннинг ички ва ташқи гўзаллиги, ахлоқий хислатлари, донишмандлар ҳикматлари, ривоятлар, ахлоқшунослик фанида ҳам ўрганилади. Аммо, бунда уларнинг тарихий келиб чиқиши, мансублик доиралари чуқурроқ ўрганилса, маънавият асосларида эса буларни амал қилишдаги натижаларига кўпроқ эътибор қаратилади. Ёки сиёсатшунослик фанини олсак, у ҳам маънавият асослари билан алоқададир. Сабаби, сиёсат билан шуғулланувчиларнинг маънавияти «Маънавият асослари» фанида муҳокама қилинади. Шу билан бирга, сиёсатнинг ўзи маънавият билан алоқада бўлиб, жамиятни руҳий ҳолатини шаклланишида бу иккала соҳа муҳим ўринни эгаллайди. Жамият сиёсатини тўлалигича қабул қилмаган ва ўз маънавиятини сиёсатдан устун қўйган шахслар кам эмас.

Сиёсатда талаблар ўзига хос хусусиятга эга. Шахсий интилишлар, давлат ва жамият-манбаатларига мос тушмаслиги мумкин. Шу жиҳатдан ҳақиқий сиёсатдонлар маънавият асосларига эътиборни қаратиб, ундан ўз мақсадларида фойдаланиши зарурдир. Оқилона сиёсат юргизиш учун юксак маънавиятлилик талаб этилади.

«Маънавият асослари» «Диншунослик» фани билан ҳам яқиндан алоқададир. Диншуносликдаги иймон, эътиқод, ҳалоллик, инсонпарварлик, илм, меҳнатсеварлик, яхшилик ва бошқалар тўғрисидаги соҳалар «Маънавият асослари» курсида таҳлил қилинади ва бу соҳалар жамиятнинг маънавий муҳити билан боғланади. Маънавий, диний соҳалар ўзаро муносабатда эканлиги, уларни аксарият қисми мужассам бўлган шахслар, жамиятнинг келажаги «Маънавият асослари» фанида таъкидланади.

Ёки педагогика фанини оладиган бўлсак, бу фан таълим-тарбиянинг назарий асосларини ҳал этиб берса, бу назарияларнинг амалиётдаги тасдиқлари «Маънавият асослари» фанида ўз аксини топади ва ҳоказолар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу фанлар шаклан ҳар хил бўлсада, мазмунан бир-бирини бойитади ва тўлдиради.

### **1.3. «Маънавият асослари» фанининг мақсад ва вазифалари**

Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратувчилар юксак маънавиятга эга бўлмоқлари – заруриятдир. Зеро, улардан, аввало, ақлли, одобли, меҳнатсевар, билимли, сиёсатчи, миллий ғурурли, ватанпарвар, инсонпарвар, ҳалол, қўрқмас, байналминал, софдил бўлишлари талаб этилади. Бу хислатларни ҳар бир шахсда шакллантириш мазкур фанинг мақсадидир.

Мустақиллигимиз шарофати туфайли, Президент Ислом Каримовнинг улкан саъй-харакатлари ёрдамида, дунёвий билимларни ривожлантирган аждодларимизнинг ҳурматини ўрнига қўйиш, илм-маърифат, маънавиятни юксаклигини тараннум этган шахсларни муборак эканликлари ҳақида ёшларга айтиш ва улуғлаш пайти келди. Бунинг учун «Маънавият асослари» фанига мурожат этилади.

Халқимиз миллий ғурурини қўтариш, жамиятнинг маънавий ҳолатини ўзгартиришга олиб келади. «Маънавият асослари» фани ана шу долзарб муаммони ҳам ўртага қўяди ва уни ҳаётга татбиқ этиади. Ўзбек халқининг қадимий тарихи, урф-одатлари, қадриятлари ҳақида ҳозирги авлод кўпроқ билишни истайди, бунга ушбу фан ёрдамлашади.

Мамлакатимизда Ватанига ва халқига жонкуяр, мустақил фикрлайдиган, Республика муаммоларини онгли равишида масъулият билан ҳал эта оладиган ижодкор, янгиликка интилевчан, истиқлол ғоялари ва мафкурасига садоқатли авлодни вояга етказиш вазифаси «Маънавият асослари» фанинг диққат марказида туради.

Барча ислоҳотларнинг тақдири ва уларнинг самараси учун жавоб берадиган, мамлакатимизнинг эртанги куни ва истиқболи учун фидойи инсонларни тарбиялаш борасида устувор давлат сиёсати юритилмоқда. Шу сабабли, «Маънавият асослари» фани дастурида кўзда тутилган мавзулар моҳият жиҳатидан улкан мақсад ва вазифаларни кўзлайди. Бу фан мавжуд интеллектуал имкониятларни ишга солишига, миллий истиқлол мафкураси ғоясини тушунтиришга, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга, олижаноблик туйғуларини чукурлаштиришга, буюк ўтмишга ҳурмат ва порлоқ келажакка ишонч туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Ушбу фан қадимги Ўрта Осиё халқлари маънавияти шаклланган жараёнларни, ислом динидаги юксак жамият маънавияти ва шахс маънавиятини, Ўрта Осиё ўрта аср фалсафий тафаккуридаги маънавий муаммоларни, Амир Темур ва темурийлар сулоласи давридаги маънавиятни, жадидчилик давридаги маънавият ва маърифатпарварликни, мустамлакачилик ва қарамлик йилларидаги маънавият масалаларини таҳлил қилибина қолмасдан, уларнинг назарий, амалий жиҳатларини ҳам ўртага қўяди.

Баркамол инсон ҳақида сўз юритганда аввало, маънавият фани унинг қирраларини очиб беради. Шу билан бирга баркамол инсон тушунчаси орқали Шарқ ва Ғарб мамлакатларидағи алоқадорликни ўртага қўяди, таҳлил қиласи.

Миллий ва умуминсоний қадриятлардаги ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини чамбарчас боғлиқлиги ва фарқларини тушунтиришда «Маънавият

асослари» фанидан фойдаланилади. «Маънавият асослари» инсонлардаги иймон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат, поклик, ҳалоллик ва вафодорлик, меҳнатсеварлик хислатларини ўзига хос хусусиятларини, миллий ўзлигини англаш ва уни мустаҳкамлаш, байналминаллик жараёнларини шахс фаолиятидаги ўрнини, хуқуқий жараёнларни маънавиятга таъсирини, умуман шахсни баркамоллик чўққиларига чиқиши йўлларини кўрсатувчи фандир.

Асосан, «Маънавият асослари» фани мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг пайдо бўлди. Унинг муаммолари қанчалик қадимий бўлса ўзи навқирондир. У муаммоларни ўртага қўйибгина қолмайди, балки, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг янги замонавий соҳаларини пайдо бўлаётганлигини кўрсатиб беради. Тўғри, XX аср техника тараққиётининг олға қараб боришини таъминлаган бўлса, XXI аср ҳам шундай бўлади. Инсоният қадриятларсиз яшай олмайди. Техника тараққиёти эса инсоннинг маънавий ва ахлоқий муҳитига таъсир этади. Компьютер, ракета, видеотелефон, кимёвий дори-дармонлар, асад системаларининг ўзгариши, экологик жараёнлар, телевидение, космосни ўзлаштирилиши кабилар шулар жумласидандир. Маълумки, инсонлар техника ёрдамида бошқа сайёralар тўғрисида тасаввурларга эга бўлаёттир. Демак, инсонлар тафаккури ҳам ўзгараёттир. Тафаккур ва маънавият эса бир-бири билан чамбарчасдир. Шу сабабли, айтиш мумкинки, маънавият фанининг мақсад ва вазифалари янада кенгайиб боради, жиддий тус ола бошлайди. Унинг муаммолари ижтимоий ҳодиса сифатида инсон фаолиятининг барча қирраларини қамраб олади.

Оlamни салбий ёки ижобий томонга ўзгариши инсон фаолияти билан боғлиқ. Бу фаолият эса маънавиятсиз амалга ошмайди. Табиат ва жамиятнинг ўзгариши инсон рухияти билан ҳам боғлиқдир. Рухият ўз навбатида яшаш шароитлари, инсоннинг турмуш тарзи билан доимий алоқада. Шу шароитларни инсонга мос қилиб яратиш жамият тараққиётига боғлиқ. Бинобарин, жамиятнинг маънавий юксалиши шу жамият тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади. Ана шу жиҳатлар «Маънавият асослари» фанининг мақсад ва вазифаларини белгилаб беради.

**Таянч сўз ва иборалар:** мустамлака, мустақиллик, миллий маънавият, миллий тикланиш, мерос, қадриятлар, тарихий хотира, маънавият инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратувчи ижтимоий ҳодиса, услуг, услугиёт, диалектика, тарихийлик – мантиқийлик, кузатув.

### Ҳикматлардан намуналар

Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи интилаётган сўнгги даражадаги баҳт-саодатга эришади.

Абу Наср Форобий.

Келажақда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим.

И. А. Каримов.

Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур.

Абдулла Авлоний

Олтин ва кумуши бўлмаган одам камбағал эмас, балки эс-хуши ва касб - хунари бўлмаган киши камбағалдир.

Мажид Ҳавофий

Тарбия ишида ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнига катта ўрин берилмоғи лозим. Инсоният фақат мустақил ўрганиш туфайлигина тараққий этган.

Г. Спенсер

Одам болалиқдан яхшилик ва гўзаллик куртакларисиз ҳаётга қадам қўймаслиги керак, авлодларни ҳам яхшилик ва гўзаллик куртакларисиз ҳаётга йўллаб бўлмайди.

Ф. Достоевский

## **Тест топшириқлари.**

### **1. «Маънавият» сўзи арабча бўлиб**

- а) инсоннинг руҳий, ақлий жиҳатлари каби жараёнларни ифодалайди;
- в) инсонларнинг ғамхўрлиги, қайғуриши, қувониши каби ҳиссиётларни мужассамлашганлигини англатади;
- г) а) ва б);
- д) тўғри жавоб йўқ;

### **2. Қуйидаги изоҳлардан қайси бири «Маънавият» тушунчасига мос келади?**

- а) маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч - қудратидир;
- в) маънавият инсоннинг зот белгиси, фаолиятининг ажralмас таркибий қисми;
- г) маънавият инсон аҳлоқи ва одоби, билимлари, истеъоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг бир-бири билан боғланган муштарак тизимиdir;
- д) нотўғри жавоб берилмаган;

### **3. «Маънавият» сўзи тор маънода ишлатилганда, ...**

- а) инсон маънавиятининг умумий қирралари, уларга амал қилиш жараёнлари тушунилади;
- в) маънавиятнинг алоҳида ҳолати инсон кўз олдида гавдаланиши тушунилади;
- г) инсоннинг барча ижобий хислатлари мажмуи тушунилади;
- д) барча жавоблар тўғри;

### **4. «Маърифатнинг мақсади характерни тарбиялашдан иборат» деган машҳур фикр муаллифи нима?**

- а) Герберт Спенсер;
- в) Георг Гегель;
- г) Алишер Навоий;
- д) Заҳириддин Бобур;

### **5. «Маънавият асослари» фанини ўрганишда қандай услублардан фойдаланилади?**

- а) диалектик, фалсафий, тарихий-мантиқий, ўхшатиш ва таққослаш;
- в) кузатув, индуктив ва дедуктив, тажриба ўтказиш;
- г) социологик тадқиқот, назарий изоҳлаш;
- д) барча жавоблар тўғри;

**6. Маънавиятнинг миллий ва умуминсоний қадриятлари... қамраб олади.**

- а) миллатлар ўртасидаги маънавият хислатларини юксалтириш конуниятларини;
- в) умуминсоний урф-одатлар ва қадриятларнинг яқинлашиш конуниятларини;
- г) турли ижтимоий гурӯхлар маънавиятини юксалтириш конуниятларини;
- д) барча жавоблар тўғри;

**7. «Маърифат» сўзи кўплик маънода қўлланилганда қўйидаги маънони ифодалайди?**

- а) билим;
- в) маориф;
- г) таниш;
- д) а) ва в);

**8. «Билим-куч, куч эса-билимдадир» деган машҳур ибора муаллифи ким?**

- а) Ф. Бэкон;
- в) Г. Гегель;
- г) А. Навоий;
- д) З. Бобур;

**9. Маънавият асослари фанининг мақсади...**

- а) мавжуд интеллектуал имкониятларни ишга солиш;
- в) ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш;
- г) буюк ўтмишга ҳурмат ва порлиқ келажакка ишонч туйғусини шакллантириш;
- д) инсонларни маънавиятли қилиб тарбиялаш;
- е) барча жавоблар тўғри.

**10. Маънавий хислатлар қўйидаги жараёнлар таъсирида шаклланади?**

- а) иқтисодий жараёнлар;
- в) сиёсий жараёнлар;
- г) техник жараёнлар;
- д) маънавий жараёнлар;
- е) ҳамма жавоб тўғри.

**11. Аҳмад ал-Фарғоний 1200 йиллиги қачон нишонланди?**

- а) 1999 йил 17 декабрда;
- в) 1998 йил 24 октябрда;
- г) 1999 йил 18 декабря;
- д) 1992 йил 15 майда;
- е) 2000 йил 21 январда.

**12. Тож-маҳал ёдгорлиги кимга атаб қурилган?**

- а) Зебуннисога;
- в) Аржуманд бонуга;
- г) Жаҳоноро бегимга;
- д) Гавҳаршод бегимга;
- е) Сароймулхонимга.

**13. Амир Темурнинг тарихдаги асосий хизматлари нималардан иборат?**

- а) амир Темур ўзаро урушларга барҳам бериб, кучли марказлашган, давлат барпо этди.
- в) амир Темур даврида савдо сотиқ ва шаҳар маданияти гуллаб- яшнади ва ривожланди.
- г) амир Темур илм-фан ва санъатнинг ривожланишига алоҳида аҳамият берди.
- д) Амир Темур маънавиятга алоҳида эътибор билан қаради.
- е) факат А ваб.

**14. Тож-маҳал ёдгорлиги Ҳиндистоннинг қайси шаҳарида жойлашган?**

- а) Ҳайдарободда;
- в) Аграда;
- г) Лоҳурда;
- д) Аҳмадободда;
- е) Дехлида.

**15. Ўрхун-Энасой ёзуви қайси халқнинг маданий ёдгорлиги ҳисобланади?**

- а) русларнинг маданий ёдгорлиги;
- в) ёқутларнинг маданий ёдгорлиги;
- г) форс-тожик халқларининг маданий ёдгорлиги;
- д) туркий халқларнинг маданий ёдгорлиги;
- е) Хунларнинг маданий ёдгорлиги.

**16. Ўзбекистон Республикасининг мадхиясини ким ёзган?**

- а) Шукрулло;
- в) Эркин Воҳидов;
- г) Муҳаммад Юсуф;
- д) Абдулла Орипов;
- е) Омон Матчон.

**17. Умар Хайём рубоийларида қандай мазмун етакчилик қиласи?**

- а) илоҳийлик;
- в) фалсафий;
- г) тарихийлик;
- д) ижтимоийлик;
- е) сиёсийлик.

**18. Абдулла Қодирийнинг асарлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

- а) «Юлдузли тунлар», «Сароб»;
- в) «Мехробдан чаён», «Обид кетмон», «Ўтган кунлар»;
- г) «Бой ила хизматчи», «Юлдузли тунлар», «Обид кетмон»;
- д) «Шажараи Хоразмшохий»;
- е) «Кеча ва кундуз».

**19. «Рубоий жанрининг отаси» деб тан олинган шоирнинг номини топинг?**

- а) Абу Али Ибн Сино;
- в) Абдурахмон Жомий;
- г) Умар Хайём;
- д) Алишер Навоий;
- е) Пахлавон Махмуд.

**20. Ўзбек романчилигининг етакчиси ким?**

- а) Абдулла Қодирий, «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён»;
- в) Ойбек, «Қутлуғ қон», «Навоий»;
- г) Ҳамза Ҳакимзода, «Янги Саодат», «Бой ила хизматчи»;
- д) Чўлпон, «Кеча ва кундуз»;
- е) Абдулла Қаҳҳор, «Қтмишдан эртаклар», «Синчалак».

## **2-мавзу: И.А. Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепцияси ва унинг миллий мустақилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти**

### **2.1. Миллий маънавий тикланиш ва юксалиш концепциясини вужудга келтиришда тарихий манбаларнинг аҳамияти**

Ўтмишда ота-боболаримиз, давлат раҳбарлари, саркардалар, амирларнинг аксарияти халқни юксак маънавиятли ва маърифатли бўлишини истаб, ўз даври шарт-шароитларидан келиб чиқсан ҳолда, бундай масъулиятли ва шарафли ишни амалга ошириш учун қўлларидан келган барча чораларни кўрганлар. Шоир ва олимлар, ислом динининг муҳтарам вакиллари ҳамиша маънавият ва маърифатнинг асосчилари ва фидоий тарғиботчилари бўлганлар. Бизгача етиб келган манбаларда эзгу ният, яхшилик, содиқлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, одоблилик, меҳрибонлик, оддийлик, севги-муҳаббат ва камтаринлик ғоялари хукмрон бўлган. Бу ғоялар миллионлаб кишиларнинг қалбига етиб борган ва уларни тарбиялашга улкан ҳиссасини қўшган ва ҳозирда ҳам қўшмоқда. Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Умар Хайём, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Маҳмуд Кошғарий, Низомий Ганжавий, Имом Исмоил ал-Бухорий, ат-Термизий, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобораҳим Машраб, Увайсий, Нодира, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат каби минглаб алломаларнинг илмий-адабий мерослари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Жумладан, Кайковуснинг «Қобуснома», Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» ҳамда Маҳмуд Кошғарийнинг «Одоб ас-солиҳин» («Яхши кишилар одоби»), Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Умар Хайёнинг рубоийлари ва «Наврӯзнома» асари, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Ҳўжандийнинг «Латофатнома», Сайд Қосимиининг «Ҳақиқатнома» ва «Садоқатнома», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» ва «Хамса»си, Бобурнинг «Бобурнома»си ва ғазаллари, Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшан ул-асрор», Яқинийнинг «Ўқ ва ёй», Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёҳуд ахлоқ» ва «Ҳотамнома» каби асарлари таълим-тарбия ва маърифат хазинасидир. Албатта, ҳозирги замон тараққиётини, шиддатли ўзгаришларини ва сиёсий жараёнларини ўтмиш асрларга тенглаштириб бўлмайди. Янги замоннинг ўз талаб ва эҳтиёжлари бор. Зоро, дунё ўзгарган, ундаги шахслар фаолияти ҳам унга хосдир. Бу ўзгаришлар шубҳасиз қанчалик бўлмасин, замон талабига жавоб берадиган бўлиши лозим. Демақ, маънавият ва маърифат ҳам замонавий заруриятга айланиши табиийдир. Шу маънода, халқимиз орасидан етишиб чиқсан буюк ўзбек фарзанди И.А.Каримов ҳам юқоридаги сиймолар қаторида маънавият ва маърифатни давлат сиёсати даражасига кўтарди.

## **2.2. И.А.Каримовнинг асарлари ва фармонларида юксак маънавият тояларининг қўйилиши ва ривожлантирилиши.**

Республика Президенти ўзининг асарлари ва маърузаларида изчиллик билан маънавият ва маърифат соҳасига алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, «Мустақиллик-улкан масъулият», «Фан Ватан равнақига хизмат қиласди», «1997 йил-Инсон манфаатлари йили бўлсин», «Юксак маънавиятсиз келажак йўқ», «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида», «Ирода ва иймон эътиқодимиз синови», «Ватан озодлиги-олий саодат», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Қонун ва адолат устуворлиги эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир», «Сирдарёнинг салоҳияти ва шуҳратини мард, ориятли инсонлар тиклайди» каби ўнлаб асар ва маърузаларида маънавиятнинг турли қирралари ёритилганки, буларнинг барчаси республика зиёлиларини ушбу соҳада олиб бораётган ишларини янада юқори босқичга кўтарилишига ёрдам бераётир.

Маълумки, Республика халқ хўжалигининг турли жабҳаларида ўзгаришлар бўлаётганини, Ўзбекистонда яшаётган фуқароларгина эмас, балки хорижий мамлакатлар фуқаролари ҳам эътироф этмоқдалар. Бу ўзгаришлар маънавиятнинг ўзгаришига ҳам таъсир этаётир, албатта. Аввало, айтиш лозимки, мустақиллик ва миллий онг эркинлиги тафаккур озодлигини, маънавий, маърифий етуклик ва баркамолликни тақозо этади. Бу жараёнга мамлакат миқёсида эришиш шахсларда юксак маънавият шаклланишига тезроқ олиб келади. Ўз навбатида юксак маънавиятли бўлишни таъминлаш умумхалқ ишидир. Айниқса, бу-оила, боғча, мактаб олий таълим тизимининг муқаддас бурчидир. Тўғри, бу соҳада Республика Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаёқ айтилган фикрларига амал қилиб, анчагина ишлар амалга оширилди. Юртбошимизнинг ташабbusи билан 1994 йил 23 апрелда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Марказини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармон ва шу йилнинг 8 июнида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Шу қарор асосида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Маркази иш бошлади. Ундан сал олдинроқ Президентимиз ташабbusи билан «Термиз маънавият академияси» ҳам иш бошлаган эди.

Шу хайрли ишларнинг давоми сифатида 1996 йил 4 сентябрь куни Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Маркази раҳбарияти ҳамда бошқарув аъзоларининг республика Президенти билан учрашуви бўлиб ўтди. Шундан сўнг орадан сал вақт ўтмай яна бошқа фармонлар ва қарорлар эълон қилинди. Бу фармонлар ва қарорларни ҳаётга татбиқ қилиш учун улкан ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, бозор муносабатларига ўтиш давридаги беш тамойилнинг биринчисидаёқ, Президентимиз, иқтисодиётни сиёсатдан устувор бўлишини таъкидлаган эди. Бу тамойилни эндиликда ҳақиқий башорат эканлигини сезиб турибмиз, Ўзбекистон ўтган йиллар ичida иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда сезиларли ютуқларга эришди. Лекин минг афсуски, фармонларни

бирида таъкидланганидек, зўравонлик мафкурасидан, унинг баъзи сарқитларидан ҳалигача ҳам баъзи жойларда қутулганимизча йўқ. Шу сабабли, Президент «Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисоблансин», – деб уқтиради. Бинобарин, бозор муносабатларига ўтиш даврида баъзи кишиларда тушкунлик, худбинлик, боқимандалик кайфиятлари, эсанкираш хислатлари йўқ эмас эди. Бу хилдаги кайфиятларнинг олдини олиш, келажакка ишонч билан қараш хислатларини ҳар бир ёш авлодга сингдириш маънавиятни юксалтириш орқалигина амалга ошади холос. Маънавият ва маърифат, тарбия, билим-бу соҳалар ўзаро бирбири билан чамбарчас-диалектик боғланган десак муболага бўлмайди.

Амир Темур замонларида жамиятда яшовчиларни юксак савияли, маданият ва маънавият соҳиблари қилиб тарбиялашни давлат ўз зиммасига олган эди. Мана, эндиликда яна шу даврлар мустақиллик натижасида қайтиб келди. Шу сабабли, фармон ва қарорлардан яққол сезиладики, бу соҳаларни ривожлантиришдаги ҳар қандай ғовлар олиб ташланиши, тўсиқларга барҳам берилиши таъкидланган. Бу ишда ҳам тегишли моддий техника базаси яратилиши равshan белгиланган.

Маънавиятни юксалтиришнинг бош йўли эндиликда ҳам «Билим ва тарбия» эканлиги намоён бўлмоқда. Маънавиятни тор тушунишдан энди воз кечилмоғи даркор. Маънавиятли бўлиш – бу фақат тарбияли ва мўминқобил инсон бўлишгина эмас, балки бу тарихимиз ва аждодларимиз, бой маданий меросимизни ўйлаб миллат келажаги учун бош қотириш, бошқа миллат вакилларига инсонийлик муносабатларини кўрсатиш, миллий гуур ва ифтихорга эга бўлиш, эл-юрт деб, ёниб яшаш, урф-одат, қадриятларни тиклаш ва эъзозлаш каби жуда кўп соҳаларни қамраб оладики, булар ҳар бир шахсда мужассамлашган бўлиши шарт. Шу муносабат билан маънавиятга оид нашр ишларини астойдил йўлга қўйиш мақсадида Президентимиз ташаббуси Республика «Маънавият ва маърифат» маркази қошида «Маънавият» нашриёти ташкил этилди. Бу нашриётнинг ва барча зиёлиларнинг бош вазифаси И.А.Каримовнинг ҳалқимизда мустақиллик ғоялари асосида юксак маънавиятли-комил инсонларни шакллантириш концепциясини амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш бўлмоғи лозим ва шундай бўлаётир ҳам.

Фармон ва қарорларда айниқса ёшлар фаолиятига кўпроқ диққат-эътибор қаратилган. Чунончи, ёшлар давлатимиз, жамиятимиз эгалариdir. 1996 йил 9 сентябрдаги Фармонда «Ёшларимиз онгига она - Ватанга, буюк аждодларимиз мероси ва ҳалқимизнинг бугунги мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун маҳсус таништирув сайёҳатлари ташкил этиш барча ҳокимликлар зиммасига юклатилсин»<sup>1</sup>-дейилади. Бу вазифаларни амалга оширишда республикамиздаги олий ўқув юртларининг олиб бораётган ишлари

<sup>1</sup> Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида. //Халқ сўзи. 1996 йил, 10 сентябр

ҳам улкан, шарафли ва муқаддасдир. Таъкидлаш лозимки, республикамиз ниҳоятда бой тарих ва маданиятга эга. Яқин йилларгача бу бой тарих ва маданият сабиқ мустабдид тузуми ниқобида камситирилди, кези келганда яшириб ҳам келинди. Тарих обидалари, маданий мерос йўқ қилинди ва улар ҳақида босмадан чиқарилган мақолалар, рисолалар, китоблар хукмон мафкура асосида яратилди. Натижада, тайёрланган ходим ва мутахассисларнинг билим савияси ҳам «ўзига яраша» бўлди.

Худудимиздаги номлари уннутилаёзган ёдгорликлар тикланиб, миллий урф одатларимизга оид, маданий меросга тааллуқли кичик ва катта асарлар нашрдан чиқарилди. Таъкидлаш лозимки, тарихий ёдгорликларни кўриш учун борган сайёҳлар кўпинча аниқ билимга эга бўлмай қайтар эдилар. Чунки, ёдгорликларни таништирувчиларнинг кўпчилиги мукаммал билимга эга эмас эдилар. Сабаби, керакли манбалар йўқ эди. Ҳозирги кунда бунга ҳам чек қўйилмоқда. Ўз навбатида, бу мутахассисларни маҳсус олий ўқув юртларида тайёрлаш, уларни кучли билимга эга бўлишини таъминлаш ва ватанпарварлик хислатларини сингдиришга асосий омил ҳамdir.

Мустақил ҳаётимизнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиз келажаги ҳисобланган ёшларда, умуман, ахоли ўртасида ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш ниҳоятда долзарб масаладир. Аммо, Президентимиз фикрича, бу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳали ҳам давр талаби даражасида эмас. Баъзи ёшларда пайдо бўлаётган шахсий худбинлик, майший бузуқлик, ахлоқий тубанлик, катталарнинг насиҳатларига эътиборсизлик, Европанинг баъзи бир, бизга мос келмайдиган жараёнлариға (порнография, гиёхвандлик, секс) берилиб кетиши, турли экстремистик гурухларга ёшларимизни билиб, билмасдан кириб қолиши жамоатчилик фикрини менсимаслик каби салбий хислатлар ватан истиқболига нисбатан бўлган лоқайдликнинг натижасидир.

Ватанимизда бўлаётган ўзгаришларни, унинг тарихини, бой меросимизни, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг туб моҳиятини, республикамизнинг имкониятларини англамаган ҳамда порлоқ истиқболга эришиш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатмаган ёшлар ҳақиқий ватанпарвар бўла олмайдилар. Шу сабабли, ўқув тизимларининг барча босқичларида «Маънавият асослари» дарсларини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлди. Олий ўқув юртларида, академик лицейларда, касб-хунар коллежларида, мактабларда бу соҳада маълум даражада тажрибага эга бўлдик. Айни пайтда, дарслер дастурлари ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Шу билан бир қаторда «Одабнома» дарслари тўғрисидаги тортишувларга чек қўйилиб, уни мукаммаллаштириш боғча, мактаб, лицей ва коллежларда тўла татбиқ этилди.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар Президентимиз И.А.Каримов фаолияти билан боғлиқлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Лекин, эришилган ютуқлар ичida шундай бир ютуқ борки, бу ютуқни бошқа ютуқлар ичida устувор десак хато бўлмайди. Бу ютуқ маънавий юксалиш ютуғидир. Бу соҳада қилинган ва қилинаётган ишлар «инсон», деган зотни қувонтирмай иложи йўқ. Маънавий юксалиш ҳар бир инсондаги руҳий ҳолат, онг тараққиёти билан

боғлангандир. Эндиликда юксак маънавиятни шакллантиришга ҳаракат қилган зиёлилар микдори ошдики, улар маънавиятга қайта-қайта таъриф бериб уни сайқаллаштироқдалар. Бу сайқаллаштиришга И.А.Каримовнинг қўйидаги фикрлари асосий таянч бўлиб хизмат қилмоқда: «Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги саёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик – маънавиятнинг маъноси ана шундай жуда кенг... Инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади.... Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва вижданан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак»<sup>1</sup>.

Кўриб турибмизки, ушбу фикрлар халқимиз турмуш тарзидан қелиб чиқиб айтилган фикрлардир. Маънавият тарбия билан узвий боғланган. Шу сабабли, И.А.Каримов: «Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан куроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда ахлоқ-маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алиқ, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ бу – аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани»<sup>2</sup>, -деб таъкидлайди.

Маънавият инсонда меҳнат қилиш қобилиятини шакллантиради. Айниқса, ёшларни меҳнат қилишга ва уни қадрлашга йўналтиради. Меҳнат бу инсон ҳаётидир. Ҳаёт ҳам ўз навбатида меҳнатдан иборатдир. Меҳнат тифайли инсонда ташаббус, ижод, изланиш, янгиликка интилиш пайдо бўлади. Меҳнат инсонни ҳаёт қийинчиликларига бардош беришга ўргатади, тайёрлайди. «Инсоннинг ўзи ва ўз фаолияти баҳт-саодати йўлида тинмай меҳнат қилишга тайёр эканлиги унинг ички имкониятлари ва вазифаларини ташкил этади. Бу кенг кўламли ижтимоий-иктисодий, сиёсий ниятлар халқимизнинг меҳнатсеварлигидан қелиб чиқади», – деб таъкидлайди, И.А.Каримов.

Табиийки, бирорта янги жамият ҳам меҳнат жараёнисиз жамият бўла олмаган. Ўзбекистонда ҳам янги жамият қурилар экан, бу-халқнинг дунёқарashi ва бевосита маънавияти билан ҳам боғланган. Акс ҳолда, ўзбек халқидаги баъзи такаббурлик қилувчилар, фирибгарлар, мунофиқлар, пораҳўрлар, лаганбардорлар, манманлар, қолаверса жамиятнинг ривожини кўраолмайдиганлар унга салбий таъсир қўрсатадилар. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов Ўзбекистоннинг янгиланиш негизларини кенгроқ қилиб тушуниради: «Ўзбекистоннинг янгиланиш ва ривожланишининг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: Ўзбекистон, 1996, 80-81-бет.

<sup>2</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995, 53-бет.

Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик»<sup>1</sup>.

Маънавият фалсафий тушунча сифатида Президентимиз фаолиятидан мустаҳкам ўрин олди. Халқ ва маънавиятнинг диалектик муносабати И.А.Каримов асарларида яққол кўзга ташланадики, улар ҳақиқатдан ҳам чамбарчас боғлиқ ва ўзаро муносабатдадир. «Маънавият... йўқ жойда ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди. Нафақат кўхна тарих, балки, янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини билади»<sup>1</sup>.

Инсонлар жамиятда яшайди. Жамият тараққиёти шу инсонларга боғлиқ. У доимо иқтисодий, сиёсий, маданий, техникавий жиҳатлардан янгилана боради. «Биз барпо этаётган янги жамият, - дейди И.Каримов,-юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади»<sup>2</sup>. Ушбу жиҳатларни ҳал этиш кўпроқ кадрлар масаласига бориб тақалади ва у минглаб юксак маънавиятли мутахассис кадрлар тайёрланишига боғлиқ бўлади. Минг афсуски, кўпгина раҳбар кадрларнинг маънавияти юксак даражада деб бўлмайди. Уларнинг баъзилари узоқни кўриб иш тутмайдилар. «Энг аввало, ишлаб чиқаришга тадбиркор, ақлли, ташаббускор, иш ва жамоа манфаатлари ҳақида жон қуидирадиган инсонлар етакчилик қилиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Лекин минг афсуски, ишлаб чиқариш соҳасидаги айрим раҳбарларнинг суюги эски замонда қотган, ишга муносабати ўзгармаяпти...

Минг афсуслар билан айтишимиз керакки, олижаноб ва улуғвор ниятлар, одамларнинг ғам-ташвишлари, муаммо ва юмушлари четда қолиб, вазифада ўтирган айрим мансабдор ўйинчига айланиб, бир-бирининг жойини олиш, амал талашиш билан овора бўлаётган ҳолатларни кўриш мумкин»<sup>3</sup>. Аслини олганда, бундай хислатлар ўзбек халқидан этишиб чиқсан кўпгина раҳбар ходимларга ёт нарсадир. Чунки, халқимиз қалбида ўзаро ҳурмат, иззат, кўмаклашиш, жонқуярлик ҳамиша устувор йўналишлар бўлиб келган. Шу сабабли ҳам И.А.Каримов инсонда юксак маънавиятни шакллантиришнинг янги-янги услуб ва йўларини излаб топишга ҳар бир зиёлини ундейди. Сабаби, ҳар бир инсонда маънавият озми-кўпми мавжуд. Аммо юксак маънавият эса ҳамма инсонда ҳам бўлавермайди. Юксак маънавият олтину гавҳар, мансабу манманликлардан кўп маротаба устун туради. Бу кўпроқ соф вижданли, эътиқодли инсонларда шаклланган бўлиб, Оллоҳнинг шу инсонга берган олий неъматидир.

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият. - Т.: Ўзбекистон, 1994, 5-бет.

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 81-бет.

<sup>2</sup> И. А. Каримов. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. Т.: 2000, 18-бет.

<sup>3</sup> И. А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Том II, Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 12-13-бет

Маънавияти юксак инсонларнинг бағри кенг, ҳис туйғулари эса жамоа, жамият, давлат, оила манфаатлари йўлида алангаланган, чинакам бўлади. Бундай инсон соф ва тиниқ фикрлайди. Узоқни қўриб ишлай олади.

Соф инсоний туйғу, ўзбек халқида шу қадар ривожланганки, у бебаҳодир. Миллий-маънавий бағрикенглик, унинг умумий манфаати ва руҳиятининг ажралмас бўлагига айланган. Ҳа, юксак маънавият халқимизнинг руҳиятидан келиб чиқади. Бу руҳият ўзбек халқига асрлар давомида сингдирилган, шунга мослашган. Аждодларимизнинг кўпларга намуна бўладиган хислатлари осмондан туширилган қандайдир тасодифий нарса эмас. Бу хислатларнинг шаклланиши, азалдан уларнинг билимга интилиши, дунёвий билимлардан ўз вақтида хулоса қилиб, ўз маънавий жиҳатларини бойитишга бўлган муносабатлардандир.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида шундай билимдонлар зарур бўлиб бормоқдаки, бу қундалик эҳтиёждир. Бу жиддий масала барчанинг диққатини тортиши давр талабидир. Маънавий етук инсонларни тарбиялаш таълим ва тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга ҳам боғлиқ. Чунки, айни билимлилик ва юқори маънавиятлиликдан ҳамманинг баҳт-саодати йўлида фойдаланиш мумкин. Аслини олганда етук инсонларни ақлий фаолиятлари, тафаккури жаҳон фани ва маънавиятининг энг яхши ютуқларини ўзига сингдириб олган янги авлодни тарбиялаш, камол топтириш давр талабидир.

Бу муҳим ва долзарб масала Ўзбекистон Президенти томонидан 1997 йилда Олий Мажлиснинг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг ишлаб чиқарилиши ҳақидаги маърузада ҳам қайд этилади: «Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафакат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: 1997, 5-бет.

## **2.3. Маънавий юксалишнинг тарихий аҳамияти**

Ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғусини шакллантириш мавсумий иш эмас, балки ҳар куни, барча зиёлилар амалга ошириши лозим бўлган доимий муҳим тадбирдир. Айниқса, ҳозирги пайтда бу борада мақсадга мувофиқ келадиган, мантиқий тизимга эга бўлган, самарали тадбирлар зарур бўлиб қолмоқда. Шулардан келиб чикиб «Маънавий-маърифий ишлар бўйича тадқиқотлар» ўтказиш учун социологик марказлар ишини ташкил қилиш лозимлиги мақсадга мувофиқ бўлди. Бу марказ республика «Маънавият ва маърифат» маркази қошида ташкил этилиб, олийгоҳлар ва бошқа шароити мавжуд бўлган жойларда фаолият кўрсата бошлади.

Ёшлар ўртасида мазкур соҳада иш олиб боришнинг самарали йўлларидан бири бу – кўргазмали ишларга эътиборни қаратишdir. Шу муносабат билан телевидение, радио кўрсатувларини янада яхшилаш лозим. Уларда «Ватан туйғуси» номи билан замонавий ва меросимизга оид кўрсатув ва эшиттиришлар кўпроқ ташкил қилинса, тарбия самарадорлиги ошади. Шу билан бирга, маънавиятимизни юксалтирган буюк шахслар ҳақида хужжатли фильмлар, уларга оид материаллар, портретлар марказлашган ҳолда кўпроқ чоп этилиб тарқатилиши зарур.

Ҳозирги кунда хусусий нашриётлар сонининг ошиши натижасида турли рисола ва китоблар ўз ҳолиша нашр қилинаётir. Бу нашриётларда чоп этилаётган маънавиятга оид асар ва илмий ишлар Республика «Маънавият ва маърифат маркази» қошида ташкил этилган услубий марказ муҳокамасидан ўтиши лозим. Маълумки, Президентимиз талаби асосида «Маънавият ва маърифат маркази»нинг тузилиши қайта кўриб чиқилди ва қайта кўриш жараёнида маънавий-маърифий ишларни олиб бориш учун методик марказ ҳам тузилди. Унга республикамиздаги йирик педагоглар, иқтидорли ўқитувчилар, файласуф ва иқтисодчи олимлар жалб этилди ва улар иштирокида маънавият тарбиясининг методологияси тўғрисида назарий ва амалий машғулотлар ўтказила бошланди.

1999 йилнинг 3 сентябрида Президентимизнинг Республика «Маънавият ва маърифат Кенгashi»ни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Унда яна бир бор, маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши эканлиги таъкидланиб, республикада таъсис этилган «Маънавият ва маърифат кенгashi»ни қўллаб-қувватлаш ҳақида жиддий фикр юритилди. Ҳокимларнинг кенгаш раислари этиб сайланганлиги ижобий тарзда таъкидланди. Ҳатто, марказнинг жойлардаги бўлимларини қайси биноларда (ҳокимлик биноси) жойлаштирилиши ҳам кўрсатилди. Бу маънавият ривожи учун қўрсатилган бекёёс хурмат ва ғамхўрликdir.

Маънавият ишларини олиб бориш кўпроқ қуи бўлимларда амалга ошади. Шу муносабат билан эндиликда ҳар бир жамоада Маънавият марказининг таркибий қисмларини ёки бошланғич ташкилотларининг фаолияти ҳам қайта кўриб чиқилди. Вилоят бўлимлари ўтказаётган баъзи тадбирларни радио ва телевидениедан эшитамиз, кўрамиз, матбуотда ўқиймиз. Бу қувонарли ҳол.

Таъкидлаш жоизки, «Маънавият ва маърифат» марказининг таркибий қисмларини фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш кенгашларида, маҳаллаларда, корхона ва фирмаларда, барча олий ўқув юртларида ташкил этилганлиги яхши самара бераётир. Бу мақсадга эришишда яна бир туртки бўлди. Эндиликда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг бошланғич ташкилотларида ўз низоми асосида узлуксиз иш олиб бориши анъанага айланди. Барча ишлар шу бошланғич ташкилотлар орқали амалга ошадиган, омма орасига кириб борадиган бўлди.

И.А. Каримовнинг таъкидлашича, бошланғич ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш ҳокимларга боғлиқдир. Уларнинг ишларини ташкил қилишга қўмаклашиш, моддий техника базаларини яратиб бериш ютуқлар гарови бўлади. Бошланғич ташкилотлар иш бошлаган тақдирда нафақат мамлакатимиз ва дунё тан олган буюк шахсларимиз, бой маданий меросимиз, қадриятларимиз тарғиб қилинади, балки, ҳар бир жамоада яхши хизмат қилиб, шу жамоада ном қолдирган, хурмат қозонган кишилар ва шу жамоанинг урф-одатлари, ижобий томонлари ҳам тарғиб қилиниб, ҳар бир шахс тарбиясига таъсир кўрсатилади. Шу билан бирга бошланғич ташкилотлар доимий тарзда кундалик тарбиявий ишларни олиб боришга ҳам кўмаклашадилар.

Жойлардаги марказлар жамоат ташкилотлари билан алоқада бўлсалар, улар жамоа иш ривожига ўз ҳиссаларини кўпроқ қўшадилар. Улар нафақат тарғибот ишлари билан чекланиб қолмасдан балки, жамоа аҳли ўртасида ҳам кичик-кичик социологик-ижтимоий тадқиқотлар ўтказиб, улардан хуносалар олишни ҳам кўзда тутишлари лозим. Бу билан урф-одатлар, тўйлар, турли маросимлар, тадбирлар ўтказиш учун тавсиялар ишлаб чиқишда ҳам кўмаклашадилар. Шундай экан, бошланғич ташкилотлар таркибига аввало мутахассислар, малакали ўқитувчилар, оқсоқоллар, намунавий ахлоқقا эга бўлган шахсларнинг жалб қилиниши ва аъзолар этиб сайланиши мақсадга мувофиқдир. Маънавият марказлари олимлар, тарбиячилар, жамоатчилар уйига айланиши керак.

Республика Президенти томонидан миллий анъаналар, урф-одатлар, қадриятларни тиклаш, маънавий покланиш ва уларни ҳаётга кенг жорий этиш учун янада кенг имкониятлар яратилди. Бироқ, бу вазифаларни амалга ошириш ўта мураккаб, лекин шарафлидир. Шу сабабли, мамлакатимизнинг ҳар бир фидойиси, бўлажак ходимлар бу шарафли ишдан чўчимаслиги, қўлидан келганча ҳаракат қилиши керак. Шундагина маънавий юксалишнинг тарихий аҳамияти ва унинг ҳаётйлиги сезилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** давлат сиёсати, фармон, қарор, маънавий-маърифий ислоҳот, тарбия ва билим, жамоатчилик маркази, мустақиллик шарофати, маънавият ва маърифат кенгаши, маънавият ҳомийси, тарихий манбалар.

## **Ҳикматлардан намуналар:**

Мен Абдулла Авлонийнинг: Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир,-деган фикрини кўп мушоҳада қиласман.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

И. А. Каримов

Вақт пиллапояси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан зинагагина кўтариладилар, холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган навбатдаги авлодга етказиб беради.

Абу Райхон Беруний

Цивилизация нима дегани? Бу олға кетаётган инсон ҳар қадамда юзага келтираётган доимий қашфиётлардир: тараққиёт сўзининг ўзи ҳам шундан келиб чиққан.

Виктор Гюго

Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият-маърифатли инсоннинг икки қанотидир.

Ислом Каримов

Қобилиятли одамни тарбия қилмаслик-зулмкорлик ва ноқобил одамга тарбия ҳайфдир. Тарбиянгни аяб унисини нобуд қилма, тарбиянгни бунисига зое кетказма.

Алишер Навоий

### **Тест топшириқлари:**

**1. Президент И.А.Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармони қачон чиқарилган?**

- а) 1993 йил 23 апрель;
- в) 1994 йил 23 апрель;
- г) 1995 йил 15 март;
- д) 1997 йил 26 август;
- е) 1998 йил 1 сентябрь;

**2. Куйидаги нашриётлардан қайси бири Президентимиз ташаббуси билан Республикада «Маънавият ва маърифат» маркази қошида ташкил этилган.**

- а) «Маънавият»;
- в) «Ўқитувчи»;
- г) «Мехнат»;
- д) «Шарқ»;
- е) «Ўзбекистонда»;

**3. «Маънавият ва маърифат Кенгаши»ни қўллаб- қувватлаш тўғрисидаги Президент фармони эълон қилинган санани кўрсатинг?**

- а) 1999 йил 4 апрель;
- в) 1998 йил 3 сентябрь;
- г) 1999 йил 3 сентябрь;
- д) 2000 йил 21 сентябрь;
- е) 2001 йил 10 январь;

**4. «Маънавий ва маърифий ишлар бўйича тадқиқотлар» марказлари қайси ташкилот қошида фаолият олиб боради.**

- а) Маданият ишлар вазирлиги қошида;
- в) Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлиги қошида;
- г) «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошида;
- д) Вазирлар Маҳкамаси хузурида;
- е) Президент девони қошида;

**5. Жамият тараққиётини ҳалокатдан қутқариб қоладиган куч...**

- а) таълимдир;
- в) тарбиядир;
- г) мустақилликдир;
- д) маърифатдир;
- е) тафаккурдир;

**6. Ўзбекистонда халқнинг маънавий-маърифий камолотига қандай ёндашилмокда?**

- а) миллий муаммо сифатида;
- в) конкрет этник масала сифатида;
- г) умумдавлат сиёсати сифатида;
- д) илмий – назарий муаммо сифатида;
- е) тарихий-мантикий муаммо сифатида;

**7. Илм –фан қандай пайдо бўлади?**

- а) кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжлари заруриятидан;
- в) зиёлиларни етишмаслигидан;
- г) жамият талабларидан;
- д) давлат талабидан;
- е) барча жавоблар тўғри;

**8. «Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай» фикри кимга тааллуқли?**

- а) ат Термизий;
- в) Нажмиддин Кубро;
- г) имом ал-Бухорий;
- д) Алишер Навоий;
- е) Амир Темур;

**9. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарининг муаллифи ким ва у қандай характерга эга?**

- а) Аҳмад Доңиш фаолиятини акс эттирадиган;
- в) М. Беҳбудий ўгитлари характерида;
- г) Ойбек автобиографик ҳикояси;
- д) Абдулла Авлоний, ахлоқий-маънавий асар;
- е) Фитрат маърифий асар;

## **3-мавзу: Маънавият ва маърифатнинг ўзаро муносабатлари**

### **3.1. Маънавият ва маърифатнинг қадимийлиги**

Маънавият ва маърифат соҳасида Республикаизда дикқатга сазовор ишлар амалга оширилаётир. Натижада, Ўзбекистон аҳолиси янги инсонпарвар, демократик хуқуқий давлатни барпо этишга, юксак маънавиятли шахсни тарбиялаб вояга етказмасдан туриб эришиш мумкин бўлмаслигини кун-сайнин сезиб турмоқда.

Бинобарин, «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг.... ўрни беқиёс»<sup>1</sup>

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган Фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида маънавият ва маърифатнинг ўзаро яқинлиги кўрсатилиб, уларнинг ўз ўрнидаги аҳамиятлари таъкидланган. Жумладан, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 июндаги қарорида тарғибот ишларига жиддий аҳамият қаратилиб, «Социологик тадқиқотлар, сўровлар ўтказиш орқали ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илфор ғояларни юзага чиқариш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиши» назарда тутилган.

Маънавият, маърифат бу бир бутуннинг икки томонидир. Маънавият муайян ижтимоий тузум замирида ривожланади. Ҳар бир ижтимоий тараққиёт босқичида ўзига хос маънавият хусусиятлари таркиб топганки, уни тарих зарваракларини очиб таҳлил қилганда яққол кўзга ташланади. Маънавият ва маърифат ўша ижтимоий ҳаётда ўз аксини топган ва шу ҳаётга гоҳида салбий, гоҳида ижобий таъсирини кўрсатган. Бинобарин, ижтимоий борлиқ инсоният ҳаётида етакчи ўринни эгалласа ҳам аслида инсонларнинг онгли фаолияти, маънавий хислатлари, шу борлиқни ўзгартиришга олиб келган. Шуни таъкидлаш кераккни, ҳамма вақт ҳам кишиларни моддий тараққиёт юксак маънавиятли қилиб боравермайди. Бой бўлиб кетган инсоннинг ҳаммаси ҳам бирданига юксак маънавиятли бўлган эмас. Инсон маънавияти маълум тарихий ижтимоий замин асосида, атроф-муҳит, шарт-шароитдан келиб чиқиб такомиллашади.

Маънавият манбалари «Авесто», исломий фикрлар, ўтмишнинг илфор қадриятлари, удумлар, Қобуснома, Зафарнома, Хотамнома, Бобурнома, Темурнома, Шайбонийнома, Абу Райҳон Берунийнинг «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлари», Ибн Синонинг «Донишнома», Баҳовуддин Нақшбанд тариқатлари, Абу Наср ал-Форобийнинг фалсафий қарашлари, Амир Темур ўгитлари ва бошқа минглаб асарлар маърифат орқали аҳолига сингдирилган. Демак, халқимиз азалдан маърифатга интилган эканки, бу бебаҳо маънавият масканларини, маданий ёдгорликларни, удум ва қадриятларини кўз

<sup>1</sup> И. А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 26-бет.

қорачиғидай сақлаб келмоқдалар. Гўзал ва нафис обидаларни меъморчилик сирларини эса авлоддан-авлодга ўтказиб, мерос сифатида эъзозлайдилар.

Маънавиятнинг таркиб топиши халқимизга монанд бўлган удумларда ҳам ўз мазмунини топган. Удумларимиз болаларда беғуборлик, ўсмириликда баркамоллик, инсонийликда камолот ва эътиқод каби ҳаётий жараёнларни шакллантиради. Маънавий удумларимиздан турли ўйинлар, ашулалар, қўпкари, кураш, дастурхон ёзиш, ҳашар, фотиҳа қилиш, яхшилик қилиш, ҳайитлар, совчилик, тўйлар, тўёналар, онт ичиш, иримлар, худойи, хайр садақа, ибодат ва бошқа соҳалар маънавиятни табиий шакллантириш соҳалариdek туйилса ҳам, уларни инсонга сингиши маърифатга бориб тақаладики, бу соҳалар маърифатсиз инсонга сингмайди. Маънавият ва маърифат соҳасидаги узоқлик нисбатандир. Уларни бир-биридан ажратиш асло мумкин эмас. Маънавият бирламчи, маърифат иккиласми дейиш ҳам бу аснода ўринсиздек. Организм яримта бўлмагани сингари маънавият маърифатсиз бир бутун бўла олмайди. Бозор муносабатлари ривожланаётган ҳозирги даврда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш даврида, маънавият ва маърифатни юксалтириш ҳамманинг иши ва бурчидир. Алломаларимиз таъкидлаганларидек, «Нажот маърифатдадир». Умуминсоний маънавият билан умуминсоний маърифат бирикканда жамият тараққиёти янада юксалади. Умуминсоний маънавиятлардан узоқлашмаслик маърифатга боғлиқ. Умуминсоний маънавият билан танишиш эса тил билишга боғлиқ. Чет тилларини билиш, ҳар бир маърифат эгаси бўламан, деган шахснинг асосий вазифаси бўлмоғи даркор.

Юксак маънавиятли бўлишни орзу қилган инсон қадимий умуминсоний маънавий хислатлар билан ҳам бойиши зарур. Маълумки, жамиятда яратувчиликнинг икки тури мавжуд. Биринчиси моддий яратувчанлик бўлса, иккинчиси маънавий яратувчанликдир. Маънавий яратиш маърифат орқалидир. Жамиятнинг етуклиги маънавият даражасига боғлиқ. Истеъдод эгаларида маънавиятнинг юксак даражалари қўпроқ ўз аксини топади. Улар инсон истеъдодининг турли соҳалари: меҳнати, ҳаракати, қобилияти, ватанпарварлиги, миллат учун жонкуярлиги, ақл идроки орқали намоён бўлади. Бошқаларга таъсир этиб, уларни ҳам маънавий бойитади. Инсон маънавият ва маърифатдан лаззат олади.

Инсонлардаги одоб, иймон, виждон, ҳалоллик, яхшилик, меҳнатсеварлик, байналмилалчилик, инсонпарварлик, дўстлик, ахлоқ каби маънавий мезонлар она қорнида шаклланмайди, гарчи бу хислат ва мезонлар инсон боласининг қон томирлари, биологик тил билан ифодаланганда, генларда мужассам бўлган бўлса ҳам, жамият умуман ижтимоий муҳит таъсирида яққол шаклланади.

Бозор иқтисодиётига асосланган, ўзимизга хос шарқона урф-одат, қадриятларга мос инсонпарвар, демократик хуқуқий жамият қуарар эканмиз, давр талабига жавоб берадиган юксак маънавият соҳибларини тайёрлаш - жамият талабидир.

Маънавият сўзи ўта кенг қамровли фалсафий тушунча сифатида, халқимиз онгига эндиликда чукур сингиб бораётир. Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чиқарилганда баззи кишилар ва ҳатто баъзи бир

раҳбар ходимлар ҳам маънавият сўзини маъносини таҳлил қила олмай эсанкираб қолган пайтлар бўлди. Унинг бой сержило мазмунини тушуниб етмадилар. Бу соҳада олиб бориладиган ишларни пайсалга солдилар. Бундай муносабатлар барадла айтамизки, собиқ совет давлати олиб борган сиёсатнинг маҳсули эди. Буни сезган Президентимиз Ислом Каримов яна ташаббусни қўлга олиб маънавият ва маърифатни «бош ҳомийси» сифатида ўрнак кўрсатди. Тадбирлар ишлаб чиқиш ҳақида йўл-йўриқларни белгилаб берди. Алломаларнинг маънавият ва маърифатга муносабатини истиқлолга эришган ҳозирги давлатимиз, ахолиси ўртасида тарғиб қилиш зарурлигини таъкидлади. Одобилик, ахлоқийлик, виждонлилик, камтаринлик, табиий-маънавий хислатларни янгича шакллантирибгина қолмай балки, эндиликда, озодлик қадри, Ватан туйғуси, миллийлик ғоялари ҳам, маънавият қирралари сифатида барчага сингдирилиши ўта зарур ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа бўлиб қолди. Янгича миллий, умуминсоний маънавий қадриятларни ҳалқ ўртасида тиклаш осонликча бўлаётгани йўқ. Бунинг учун жамият ахолиси ўта маърифатли бўлиши кераклиги талаб қилинаётир. Тарихимиздан маълумки, маърифат, илм соҳасида ва унинг мазмуни, таъсири, аҳамияти тўғрисида буюк алломалар ҳамиша ҳалқ эътиборини қаратганлар. Масалан, Абу Наср Форобийнинг «Билим, маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим», Абулқосим Фирдавсийнинг «Шубҳа йўқ, илмдан тириқдир инсон, мешақат, меҳнатни енгади инсон», Абу Ҳамид Газзолийнинг «Маърифатнинг энг юқори даражаси инсоннинг ўзини ва мартабасини билишидадир», Юсуф Ҳос Ҳожиб «Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, билим кимда бўлса буюклик бўлар», каби фалсафий фикрлари бежиз айтилмаган. Бас, шундай экан, энди маърифатпарварлик ўзи нима? Унинг маънавиятга таъсири ва муносабати қандай?

Маърифатсиз маънавиятнинг кенг қирралари очилмайди, усиз юксак даражадаги маънавиятга эришиб бўлмайди.

Маърифатда инсоннинг ақлий, ахлоқий, маданий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, фалсафий ва бошқа қарашлари мужассамлашади. Зоро, бу йўналишлар, инсонларнинг маънавий қиёфасини турли қирралари бўлса ҳам, буларни маърифий жараёнсиз эгаллаб бўлмайди. Маънавий юксаклилик, маърифат қирраларисиз гўёки япроқсиз дараҳтдир. Сабаби дараҳт танаси япроқсиз ривожланмайди, қуриб қолади. Маърифат маънавий қиёфага сайқал бериб уни ўткирлаштириб боради. Шу сабабли ҳам инсоният тарихига эътиборни қаратсақ, ижтимоий тараққиётнинг барча даврларида бой маънавиятга эга бўлиш учун, ўша даврнинг алломалари, давлат раҳбарлари ўз хоҳишлири билан маърифатли бўлишга интилганлар. Бинобарин, тарихдаги инқилобий ўзгаришлар, янги бир тараққиёт босқичидан иккинчи босқичга ўтиш даврида дастлаб маърифатпарварликдан бошланган.

Инсон бошқа соҳаларда бўлгани сингари ўзининг маънавий ҳаётида ҳам, амалий ва кундалик фаолиятида ҳам, билим, маърифатга таянса, унга интилса тўхтовсиз камол топади, ақлий ривожланади.

Маърифат инсонни озод, эркин ва улуғвор қилиб тайёрлайди. Бинобарин, теварак атрофдаги барча предмет ва ҳодисаларни билиш инсон заковати, ақлига хосдир. Бу билиш қўпинча тажриба орқали амалга ошади.

Амалиётни билан такомиллаштириш зарур. Такомиллаштириш ҳам маърифатни қай даражада қучли эканлигига боғлиқ бўлади. Илм-маърифат бор жойда истиқбол бордир. Шунинг учун ҳам ўз замонаси ва ҳалқи учун жонқуяр кишилар Ватанининг фаровонлиги йўлида қурбон бўлганлар. Маънавиятли бўлиш билан бирга маърифатли ҳам бўлганлар. Маърифатпарварлик эса ҳамиша ўз давр тақозосидан келиб чиқиб заруриятга айланган, натижада маърифатли алломалар муаммоларни ўртага ташлаганлар ва уларни амалга ошириш учун тинмай кураш олиб борганлар, жамият учун қайғурганлар, қолаверса эртанги кун равнақини маърифат орқали белгилаганлар.

Маънавият, маърифат тўғрисида фикр юритганда маърифатпарварлик тушунчасига ҳам жиддий эътиборни қаратмоқ лозим. Маълумки, бу сўз ҳам инсоният ҳаётида янгича сўз эмас, юқоридаги инсонийликка хос бўлган тушунчалар сингари қадимийдир, фақат давр ўтиши билан унинг мазмуни, мавқеи янгича тус олган холос. Марказий Осиё мутафаккирлари таълимотларига назар ташлайдиган бўлсак, бунинг айнан тўғрилигига икрор бўламиз.

Кўпгина олимлар маърифатпарварликнинг Ватани бу – Фарбий Европа мамлакатларидир деган тор фикрни ўртага ташлайдилар.

«Европацентризм» деб аталувчи оқимнинг фаолиятига бир ёқлама баҳо бериб уни қўллаб қувватлайдилар. Аслини олганда эса, маърифатпарварликнинг илдизлари (бошқа соҳаларда бўлгани сингари), Шарқ мамлакатлари, айнан, арказий Осиё мамлакатлари донишмандлари фаолиятига ҳам бориб тақалади. Лекин, баъзилар маънавият ва маърифат муаммолари, яъни фан, санъат, адабиёт, философия, маданият Европадагина ривожланган деб тарғиб қиласидар, уларнинг фикрича, тараққиётнинг маркази ҳам Европадир. «Евроцентризм» оқими рим-юонон тараққиётидаги маънавий, марказий «папачилик» деб юритилувчи католиклар фикрларига қарши чиқиш натижасида пайдо бўлган бўлиб, кўпроқ немис файласуфи Георг Гегель (1770-1831) таълимотида яққол кўзга ташланади. Бундай қарашга ўз вақтида «востокоцентризм» тарафдорлари қарши чиқиб «Европацентризм»ни салбий томонларини очиб ташлаганлар. Ҳатто, европалик олимларнинг ўзлари жумладан, Монтесъке, Готфрид, Вольтерлар маънавий ривожланиш ҳар бир миллатга тааллуқли ва уни ҳар бир миллат ривожлантиришга қодир деб, чиқдилар. Умуминсоний қадриятлар барчага тааллуқли эканлигини тарғиб қиласидар. Ҳақиқатда эса инсоният даврини илк бошланишидаёқ Шарқ, умуман, Осиё мамлакатларида йирик-йирик кашфиётлар бўлганлигини инсоният гувоҳидир. Жумладан, биргина Хитойнинг ўзида дунёда биринчи бўлиб яратилган қўплаб кашфиётлар фикримизни тасдиқлайди. Масалан, Бишен ёзув шрифти эрамиздан олдинги 1045 йилдаёқ яратилган. Илк қофоз пулнинг ватани ҳам Хитайдир. Чунки, эрамиздан 1900 йил олдин ундан фойдаланилган. Европада эса қофоз пул саккиз юз йил кейин пайдо бўлган. Дунёда ер

силкиниши ҳодисаси ҳам биринчи Хитойда аниқланган. Чинни буюмлар европаликлардан 1000 йил илгари ясалган. 2000 йил аввал дунёда ягона ҳисобланган 40 машқдан иборат яхлит бадантарбия машғулотлари ўйлаб топилган. Хитой халқи Исо Масих туғилишидан 300 йил олдин оҳанграбо компасни кашф этган. Европада бу қурилма 1400 йил кейин пайдо бўлди. Хулоса шундан иборатки, Европацентризм оқимининг тарафдорлари қўпгина жиҳатлардан Шарқ мамлакатлари маънавиятини, маданиятини, маърифатини тан оладиларми, йўқми, тарих эса ҳақиқий ўлчовдир.

Хитойдаги фан, маданият, маърифат соҳасидаги ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам жиддий таъсир қилмай қолмаган. Натижада Марказий Осиёда буюк алломалар етишиб чиқдики, улар маърифат соҳасида, диний эътиқод ҳамда маънавий соҳаларда дунёда етакчи ўринларни олдилар. Масалан, Ватандошимиз Замахшарий «Жоруллоҳ» деган (Аллоҳ қўшниси) мўътабар номга сазовор бўлган. Ундан аввалроқ аллома Абу Наср Форобий эса Аристотелдан сўнг, «иккинчи Муаллим» деган фахрий номни олдилар. Эндиликда маълум бўлаётирки, Ўрта асрларда маънавият ва маърифатни тарғиб қилувчилар айнан Марказий Осиёда кўп мингликни ташкил қиласди. Яқин йилларгача, минг афсуслар бўлсинки, биз улардан хабардор бўлмай келдик. Буларга мисол: Юсуф Ҳамадоний, Замахшарий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Имом ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Вали, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Абу Мансур Мотурдий, Бурхониддин Марғиноний ва бошқалар. Бу улуғ зотларнинг ҳар бири битмас-туганмас билим жараёнларини эгаллабгина қолмадилар, балки илгор ғояларни ўртага ташлаб юксак маънавият ва маърифатпарварликни олдинги сафларида бордилар.

Собиқ совет давлатининг баъзи бир «ўткир» идеологлари эса мазкур буюк шахсларни, маънавият ва маърифат соҳасидаги ишларини факат динга тақаб танқид қилдилар ва улар фаолиятини (асл нусхада) ўрганишга йўл қўймадилар. Совет давридаги луғатларда, энциклопедияларда факат француз, инглиз, рус маърифатпарварлари тўғрисида фикр юритилди, холос. Тўғри, жаҳон маънавияти, маданияти, илм фаннинг ривожида Европалик алломаларнинг ҳиссаси бекиёсдир. Аммо, ҳар бир замон ва маконнинг ўз хусусияти, мавқеи бор.

Маърифатпарварликни баъзи адабиётларда, жумладан, совет энциклопедиясида феодализмдан капитализмга ўтиш даврида ривожланган деб кўрсатилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, аслида ҳали қулдорлик, феодализм жамиятларида ҳам маърифатчилик, иқтисодиёт, сиёsat, санъат билан шуғулланилган. Маълум бўлдики, ўша даврларда ҳам маънавият маърифатчиликдан ажralмаган ҳолда улар бир бутун ақлий ва жисмоний ишлаб чиқаришни ташкил қилган. Бинобарин, уларнинг тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Маърифатчиликнинг илдизлари узоқ бўлмаганда эди, Шарқ мамлакатларидаги (Ҳиндистон, Хитой, Марказий Осиё мамлакатлари) ҳозирги, бизгача етиб келган архитектура ёдгорликлари, иншоотлари, қадимий қўллэзмалар, адабиёт, санъат асарлари бўлмаган бўларди. Маънавият ва

маърифатнинг мавжудлигини унинг ўрнини жиддий баҳолаш нисбатан ўша вакъларда ҳам назардан четда қолган холос.

Тўғри, бизга маълум бўлган адабиётлар ва манбаларнинг қўпчилиги маърифатпарварлик фақат XVII-XVIII асрларда Ғарбий Европада жиддий тус олган деган фикрни беради. Аслида ундаи эмас.

### **3.2. Маънавиятнинг шаклланиш жараёнлари босқичлари**

Мустақиллик шарофати билан бошқа соҳаларда бўлгани сингари, оила ва унда тарбияланадиган баркамол фарзанд ҳақида тез-тез фикр алмашиниладиган бўлди. Айниқса, бу муаммони давлат сиёсати даражасигача кўтарилиши муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чиқириқ IX сессиясида И.А.Каримов томонидан қилинган маърузаси баркамол, соғлом авлодларнинг ўтган вақтдаги ва бугунги ҳамда келажакдаги ҳолатини таҳлил қилиб бердики, эндиликда бу эса тарбия ва таълимни асосий дастурини ташкил қиласди, десак хато бўлмайди. Чунки юртбошимиз бола туғилганидан бошлаб то унинг юқори малакали кадр бўлишига қадар ҳамда унинг меҳнат фаолиятидаги юксак маърифат ва маънавиятлилиги ҳақида сўз юритади: «Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

Бу мукаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг баҳту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қиласди, ўзини аямайди.

Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оиласа хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради.

Энг муҳими, фарзандлар оиласи ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади».

Ўзбек халқи урф-одатлари, қадриятлари ўзига хос нозиклик билан шаклланганки, уларда инсоний хислатлари устувор. Бу инсонийлик хислатлари асрлар оша силсилаарга бардош бериб, ўз моҳиятини йўқотгани йўқ. У ўзининг фалсафий теранлигини ҳамиша намоён қиласди. Шу сабабли ҳам ота-она билан фарзандлар ўртасида илиқ муносабатлар, ўзаро хурмат-иззат, меҳроқибатлар марказий ўринни олади. Улар ўртасидаги бу ҳолатлар зарурий даврда бир-бирини тўлдиради ҳам. Тўғри, ота-она фаолияти фарзанд учун тенги йўқ меҳроқибат билан йўғрилган асосли ҳис-туйғулар йиғиндисидир. Отонанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор. Дину-диёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб санаб беради: **яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касбли-хунарли қилиш, бошини икки, уйли - жойли қилиш.**

Ана шу истаклар заминида ота-она ўз фарзандларини келажагини мустаҳкамлаш учун ҳали уларни турмуш қуришидан олдинроқ, ҳаётга тайёрлашни унутмайди. Аввало оила қуришга ундалаётган фарзандларни ўзаро мослиги, соғлиғи, руҳий тайёрлиги, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлиги, касб-хунарига эгаликлари таҳлил қилинади. Бу ўринда бобоколонларимиздан Амир Темур фаолиятига назар ташласак, у киши фарзандларининг уйланишини нафақат бир оила учун кераклиги балки, жамият миқёсидаги вазифа эканлигини сезган ҳолда:

«Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим.

Келин бўлмишнинг насли-насабини, етти пуштини суриштиридим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолатини аниқладим. Келин бўлмиш насли-насибаси, одоб-аҳлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан ҳоли бўлсагина эл-юртга катта тўй-томуша бериб, келин туширидим», - дейди.

Амир Темур яшаган даврда ҳозирги замон медицинасининг янги ютуқлари ҳали тушуниб етилмаган бўлсада, узоқни кўра билган Соҳибқирон ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб мазкур фикрларни билдирганки, уларга ҳозирги кунда ҳам амал қилиниш бўлажак оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун шундай фаолиятлар қўл келади.

Фарзандаларни тарбиялаш ҳомиладорлик давридан бошлаб муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бўлажак инсон, шахс ўзини шакланишини асосини шу даврларда пойдеворини қўяди. Баъзи халқларда инсонга ёш берганда она қорнидаги 9 ойни ҳам эътироф этиб айтишлари бежиз эмас. Албатта, ота-она фарзанди тўғрисида соғлом фикр юритиб уни ардоқлаши, севиши, қайғуриши даркор. Болага таъсир қиласиган ҳар қандай ножӯя ҳаракатдан ҳимоя қиласиди. Мутахассислар фикрича, ҳомиладорликнинг иккинчи ойидан тўртинчи ойигача кўп оналарнинг ўзига нисбатан лоқайдлиги натижасида бола тушириш ҳодисалари бўлиб туради. Оғир юмушлар билан машғул бўлиши, қўркув босиши, камқувватлилик, изтироб чекиш, қайғуриш кабилар нохуш ҳолатни пайдо қиласиди. Бундай жараённинг олдини олиш қўпроқ аёлнинг турмуш ўртоғи бўлмиш эркакка боғлиқ. Яъни ўз турмуш ўртоғига ғамхўрлик қилиш, уни узоқ муддатда ёлғиз қолдирмаслик, оғир ишларни буюрмаслик, аёлнинг истаган озиқ-овқатларидан ўз вақтида истеъмол қилдириш, сайларга олиб чиқиш, ёқимсиз ҳолатлардан асраш бўлажак «ота» исмини олувчига боғлиқ. Акс ҳолда ҳаёт юзини кўрадиган фарзанд ҳаётига зомин бўлиши эҳтиимолдан ҳоли эмас. Мазкур вазифаларни ўз бўйнига олмаган эркак фарзанд тарбиясидан узоқлигини билдиради. Фарзандлари жонига қасд қиласидилар. Айниқса бу пайтларда эр ва хотиннинг бирга ётиб туриши ҳам эҳтиёткорликни талаб этади. Бундай пайтларда қизиққонлик билан иш тутиш, темпераментни жиловлаш айниқса муҳимдир. Сабр ва эҳтиёткорлик ривожланишини таъминлашга ёрдам беради. Ҳомиладор аёл ана шу пайтларда турли жиҳатдан нозиклашган бўлади. Ҳар хил вазиятни тушунишда инжиқлик ҳолатлари рўй беради. Натижада қайғуришга молик бўлади. Бу ҳолатларнинг таъсири пайдо бўлаётган болага ҳам ўтади ва уни ривожланишини қийинлаштиради. Шу сабабли эркак киши ўз турмуш ўртоғини асраб-авайлаши, ардоқлаши яхши натижалар беради. Аёллар ўзини парваришига эътиборини қаратганда биринчи галда парҳезни ҳам унумаслиги лозим. Қийин ҳазм бўлувчи овқатлардан истеъмол қилишдан огоҳ бўлишлари талаб этилади. Мабодо касал бўлғанларида дўхтирлар қармоғида вақти-вақти билан маслаҳатлар олиб туришлари соғлом бола кўришнинг асосий сабабларидандир.

Боланинг она қорнида ривожланиши жуда тез ва мураккаб тараққиёт даврини босиб ўтади. Унинг ривожланиши она қорнидаги физиологик ҳаракатга ҳам боғлиқ. Бола она қорнида ривожлансада у маълум даражада

ташқи муҳит таъсирида ҳам бўлади. Шунинг учун бу ташқи таъсирини ижобий бўлишини таъминлаш зарур. Мутахассисларни кўрсатишича, соғлом туғилган боланинг ўртача оғирлик вазни 2,8-3,5 кг, бўйи эса 45-52 см. бўлади. У олти ойга етганда эса уч баробар ортади. Бир ёшли соғлом болани оғирлиги 9 кг етади. Бир ёш атрофида боланинг вазни ва бўйи тез ўсади. Агар бола бир ёшгacha 25 см.га ўсса, кейинги икки йил давомида 18 смга ўсади. Бу ҳолатда ривожланиш болада маънавий хислатларни яхши шаклланишига ёрдам беради.

Маълумки, бола туғилгандан сўнг бир неча кун ўтиши билан она овозини таний бошлайди. Турли ҳаракатларни амалга ошира бошлайди. Онанинг ўзига хос ҳидини ҳам аниқлайди. Ҳатто 15 кунлик бола она кайфияти, ҳис-туйғусини ҳам сеза бошлайди. 20-25 кунлигига эса ўзига кўрсатилаётган меҳр-оқибатни сезиб йиғлаши ёки қулиши мумкин. Ўзининг безовталигини ҳис-туйғуси билан билдира бошлайди. Бу айтилган фикрлар қуруқ бир гап, сўз эмас, балки илмий изланишлар, ҳаётий тажрибаларга асосланган фикрлардир. Демак, бола ҳис-туйғуси жуда нозик бўлиб ана шу даврлардаёқ унинг эгилувчанлиги ёки ўжарлиги шаклланди. Бинобарин, бола ҳулқининг шаклланиши ҳам кўпроқ шу даврнинг маҳсулидир. Шу сабабли ота-она гўдакнинг ҳулқ- атворига қараб нима истаётганини ҳам сезиши даркор. Бунинг учун ота-она зийрак ва ўта хушёр бўлиши керак. Бола ҳулқини сезадиган ва шаклланаётган ҳулққа қараб тарбия устида бош қотириши лозим. Зоро, туғилган фарзандларнинг баъзилари фаол бўлса, фаолликка қараб ювош бўлса ювошликка қараб, ҳулосалар чиқариш айни муддао бўлади. Боланинг ҳис-туйғуларига жавоб қайтариши тарбия қаёққа кетаётганидан далолат беради. Чунки боланинг таъсирчанлиги нозиклик даврини бошдан ўтказаётганигини билдиради. Мабодо шу даврларда болани кўп кулдирадиган бўлсангиз катта бўлганида ҳам кўп куладиган, йиғлаш жараёни болада кўп кечган бўлса, йиғлайдиган бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Фарзандда шаклланаётган ҳис-туйғуда севилиш ва ардоқланиш устувордир. Шу билан бирга болада ҳам бошқаларни айниқса ота- онани севиш туйғуси шакллана бошлайди. Демак, боладаги бу жараёнларни меъёрида билмаслик тарбияда ҳам кеч қолишлиқ демакдир. Боладаги бу давр ва ҳолатлар маънавият шаклланишининг биринчи босқичларидан биридир. Шу муносабат билан айтиш керакки, бу даврларда фарзандга ёқадиган ишларни бажариш унда маълум бир малакани шакллантиришга олиб келади. 1-3 ёшдаги болани ҳатто саноқли вақтларда ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди. Улардаги сезгирилик ўта шиддат билан шаклланади. Шу пайтлардан бола билан мулоқот умр давомидаги (ижобийми ёки салбийми ундан қатъи назар мулоқотни белгилаб беради. Чунки бола айнан ана шу даврларда улкан эътиборни талаб қиласи ва шундан ҳулоса қила бошлайди. Алла айтадиган бўлса, аллани бола томондан ҳис қилишини сезилдими, демак тарбияни ҳам қабул қилиши шу даврдан бошланган. Ана шу пайтларда болани фақат ардоқлаш севиш ёки яхши тўйинтириш, кийинтириш билан машғул бўлиб қолиш келажакда кўп хатоларга олиб келади. Тўғри, болани она сути билан тўйдириш, бу бебаҳо жараёндир. Она сути гўдак организмини нафақат чиникиради, балки болага бир умрли

мехр, оқибатни таъминлайди, маънавий озукани ҳам беради. Шу сабабли, ҳам болани 2 ёшга тўлганига қадар эмизиш талаби ўта муҳимдир.

Болани етуқ, юксак маънавиятли бўлишини таъминловчи асосий омиллардан бири оналик-оталик қобилиятини ижобий ҳолда намоён қилишга боғлиқ. Масалан, оналар «Алла болам»ни айтиш билан бирга болани бешикка белаш пайтида «эгалари кирсин, ёмонлари чиқсин», «болам вақтида ётсин, вақтида турсин» деган илиқ сўзларни кўплаб айтиши боладаги интилишларга сабаб бўлади. Она ўз боласини турли эркалашлар билан маънавий юксалтируса, ота эса турли ўйинчоқлар орқали зарурий характерни шакллантиради.

1-3 ёшли болаларда нутқни ўстириш, теварак-атроф билан танишириш, уларда турли ҳаракат ва кўникмаларни ҳосил қилиш, тасвирий жараёнларга эътиборини қаратиш, мусиқа машғулотларини сирлари билан танишириш йўлга қўйилади. Ана шу жараёнларда болани маънавий юксалишига таъсир этувчи омиллардан тўғри фойдаланилмас экан тарбия етарли берилади, деб бўлмайди.

Мазкур ёшларда турли кўникмаларни шакллантиришда болани овутища қўлланиладиган ўтитларнинг ўрни жуда аҳамиятлидир. Жумладан, чапак чалиш «Бармоқча бармоқ», «Ғоз-ғоз», «Той-той», «Ачом-ачом», «Эсонмисиз-омонмисиз», «Қайси қўлимдагини топ», «Кўзингни юм, оғзингни оч» каби соҳалар орқали ҳам болани хатти- ҳаракатларига таъсир этилади. Ушбу ўйинлар билан биринчидан болани соғломлаштиришга ҳаракат қилинса, иккинчидан ўйлашга тафаккур эллементларини пайдо қилишга кўмаклашилади. Ўз навбатида тафаккур элментлари болада пайдо бўлар экан, демак маънавият шаклланиши учун ҳам шарт-шароит яратила бошланади. Бу ёшларда айниқса, нутқ ўстиришга кўпроқ эътибор бериш зарур. Нутқ бўлажак инсон, шахс фаолиятини негизидир.

Бунинг учун қўғирчоқлар, копток, машиналар, турли тасвиirlар айниқса муҳим аҳамият касб этади. Булар орқали болага турли саволларни берилиши, ўртоқларини фаолиятини мисол қилиниши, табиатдаги нарсаларни сўралиши расмлар билан машғулот ўtkазилиши болада фикрлаш қобиллиятини ўстирибгина қолмасдан, унинг нутқига ҳам таъсир қиласди.

Бола тарбияси узлкусизликни талаб этади. 1-3 ёшдаги болалар тарбияси 3-7 ёшдаги болаларда юқорироқ босқичда давом этади. Айниқса, боланинг кўп сўраш ва кўп гапириш даври шу ёшларга тўғри келади. Шу сабабли бу даврда саломлашиш одобидан бошлаб бола нутқидаги грамматик тузилишини шакллантириш теварак-атроф билан танишириш, она Ватан ҳақида, Буюк сиймолар ва байрамлар, катталар меҳнати, буюмлар ҳақида сухбат шеърларидан ёд олдириш, ҳикоя айтиш, ифодали ўқиши, миқдор ва сифат ҳақида тушунча бериш, фазо ҳақида тасаввурлашга интилтириш, расмлар чиздириш, турли обьектлар қуриш, ясаш, жисмоний тарбияга ўргатиш кабилар орқали амалга оширилиши лозим.

Зеро, Ватан туйғуси ватанпарварлик хислари миллий ғуур, миллий истиқлол ғояси ҳамда Ватан худуди, ўлкаси, халқига меҳр ва садоқати боланинг

ёшига мос равишда шакллантирилиши маънавий вазифаларнинг негизини ташкил қиласди.

5-7 ёшдаги болалар тарбияси, 3-4 ёшдаги тарбиянинг мураккаброқ босқичларини қамраб олади. Бу даврда ҳам болаларда луғат ёки сўз бойлигини ошириш мақсадида «Ўзбекистон мустақил давлат» мавзусида сухбат уюштириш бола маънавияти юксалишига ҳам таъсир этади. Маълум малакага эга қиласди.

Болада маънавият юксалиш мактабга борганда янада юқорироқ босқичгга кўтарилади. Энди бола, оила ва боғчада олган тарбиявий малака мактабда ўз самарасини бера бошлайди. Бу самарани тўғри баҳолаш, ижобийларини болада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мактаб ўқитувчисига боғлиқ. Мактаб ўқитувчиси бераётган маънавий тарбия олдинги олинган тарбия билан узвий алоқада бўлиши лозим. Мактаб ёшидаги болани тарбия қилишда, болани ҳаракатини ўта чегараламаслик, жаҳл ва зулм қилмаслик лозим. Ёш болани ўта қаттиқ қўллик ва зулм, баджаҳллик билан тарбияласа болани хотирасига, шодлигига, мавқеига путур етказилади. Бундай тарбия натижасида унинг маънавий юксалиши ҳам кўнгилдагидек натижа бермайди. Болада қўрқувлик алломатлари пайдо бўлади. Паришонхотирлик, ғамгинлик, хафсаласизлик элементлари пайдо бўлади. Бу эса ўз навбатида тарбия ва билим олишга ўта салбий таъсир этади. Унда сусткашлик хислатлари мужассамлаша бошлайди. Ўз устидан нафратланган ўқувчи ёлғонлик, риёкор, ҳийлагар руҳияти пас, ножӯя ишларга эгилувчан бўлиб қолади. Юксак маънавийликка элитадиган хислатлар иккинчи ўринга тушиб қолади.

7-12 ёшларда болаларга жисмоний тарбияни аҳамиятини йўқотмаган ҳолда кўпроқ ақлий ва ахлоқий тарбияни шакллантириш ўта муҳимдир.

Юқорида биз болаларнинг 3-7 ёшларидағи тарбиясига таалуқли омиллар устидаги тўхталган эдик. Энди айтмоқчимизки, юқорироқ ёшдаги болаларга бериладиган ақлий тарбия боланинг кейинги, яъни етуклиқ даврини кўпроқ белгилаб беришга асос бўла олади. Инсоннинг ақли фаросатини юксаклик даражаси нимада, деб савол кўйилганда, инсоннинг яхши билимга эга бўлиши, билимни чукур ўрганиши ва ўрганган билимни тўғри фикрлашидир, десак хатто бўлмас. Бунинг учун мактабда ўқитилаётган фанлар айниқса катта рол ўйнайди. Мазкур фанлардаги тарбиявий жиҳатлар устувор бўлса юксак маънавиятни шаклланиши ҳам осон кечади. Айниқса, биринчи ва иккинчи синфлар дастурларида кўрсатилган мавзулар ўта эҳтиёткорлик билан болаларга сингдирилса, унинг келажақдаги натижаси ёмон бўлмайди. Бу синфларда ўқиётган болаларга саводхонликни ўргатиш, ҳикоялар айтиш буюк сиймолар фаолияти билан танишириш байрамлар ҳақида халқ ижодидан сўзлаб, меҳнат қилиш ҳақидаги бадиий адабиётдан мисоллар олиш, шеърлар ўқиб бериб улардан намуналар ёдлатиш, ифодали ўқишлирига интилтириш юксак маънавият шакллантиришнинг асосий омилларидандир. Жумладан: саводхонликка ўргатиш учун гап ҳақида тушунча бериш, гапнинг сўз таркиби ҳақида сухбат уюштириш учун халқ эртакларида «Эгри ва тўғри», «Зумрад ва Киммат», А. Навоийнинг «Шер билан Дуррөж», А. Авлонийнинг «Хўроз ва

бўри», теварак атроф билан таништирганда «Она юртим Тошкентим», «Самарқанд қадимий шаҳар», «Ўлкамизда олтин куз» кабилар юксак маънавийлик шакллантиришни илк босқичлари дир. Ёки буюк сиймолар ҳақида гапирганда Мирзо Улуғбек, Абу Али Ибн Сино фикрлари, Беҳзод расмлари, Амир Темур, Жалоллидин Мангуберди фаолиятлари маънавийликни сингдиришда ёрқин мисоллардир. Тарбия ва билим бериш жараёнида яқиндан ёрдам берадиган соҳалар: меҳнат ва она тили ҳақида сухбат ва шеърлар борки болаларни завқ ва шавқини оширишга ёрдам беради. Бинобарин, дехқончилик ва чорвачилик, тадбиркорлик, ўймакорлик ва бўёқчилик, кийим-кечак ва тикишлар, шеърлардан А. Ориповнинг «Она тилимга», Барот Истроилнинг «Шундай ўлка бор», Сафо Очилнинг «Ота-она дуоси», «Ўз тилим», Нурбекнинг «Менинг Ватаним» каби шеърлари шулар жумласидандир. Номлари зикр қилинган ушбу асарлар орқали болани ички дунёсига таъсири этиш мумкин. Бу даврда болалар характери ўта эгилувчан бўлганлиги учун асарларни мазмуни ва моҳияти ҳам танланиши зарур. Мазкур ёшларда ақлий тарбия сингдирилар экан салбий хислатларни эслатадиган (ишқий ёки чекишлиқ) асар ва ҳикоялардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур. Сабаби бундай ҳолатларни изоҳхайдиган соҳалар умумий тарбияни салбий томонга етаклаб кетиши эҳтимолдан узоқ эмас. Мактабда мазкур соҳага оид бўлган кўргазмали ашёлар-таъсиран видеофильмлардан фодаланиш лозим. Мактаб ўқувчисини руҳий ҳолатини синчилаб ўрганишнинг самарали воситалари ҳақида бошқотириш улардан унумли фойдаланишда кеч қолмаслик тарбияда муҳимдир. Ижобий руҳни 3-12 ёшли болаларда шакллантириш юксак маънавиятни шакллантириш учун асосий замин бўлади. 7-13 ёшлардаги болалар фаолиятига кўпроқ мактаб ўқитувчи, жамоаси масъул бўлсада, бу пайтларда ота-оналарнинг масъулияти янада ошади. Болани бу ёшларда куруқ сўзлар, дўқ-пўписалар билан эмас, ҳақиқий далиллар, тўғри сўзлик, жонкуярлик билан қўлга олиш мумкин.

Юксак маънавиятни шаклланишида аҳлоқий тарбия асосий негизни ташкил этади. Аҳлоқий тарбия ҳам кўпроқ боланинг 3-12 ёшларда изчил ҳолда берилиши унинг кейинги бутун умри билан боғланган. Инсоннинг баҳтли ёки баҳтсиз бўлиши кўп жиҳатлардан ўзига боғлиқдир. Аввало таъкидлаш лозимки, ёшлидан бошлаб ҳамма ҳам баҳтли бўлишга интилади. Тўғри, 7-12 ёшли болаларга энг муҳими ўша баҳт ҳақида фикрларни содда қилиб сингдирилиши ютуқларга олиб келиши мумкин. Болада ана шу баҳт ҳақидаги тасаввур аҳлоқий нормалар билан бирга тушунтирилса, у самарали бўлади. Мазкур ёшдаги болалар орзулар қилишга жуда мойилдирлар. Ана шу мойилликнинг ўз вақтида англаб уни бошқариш имкониятига эга бўлинса, боладаги аҳлоқий хусусиятларни ижобий томонга бориши учун қулайлик яратилади. Ёмон ишларнинг оқибатини болага ҳаётий воқеалардан келиб чиқиб англалиш керак. Баҳт изловчи бола, баъзида, «шу баҳт эҳтиёжи» жирканч ҳолатларга олиб келишини ўқитувчи томонидан моҳирлик билан тушунтира олсагина мақсадга эриша олади. Айниқса, бу ёшлардаги болаларга кимор ўйнаш, шароб ичиш, аҳлоқиз ўйинларни қилиш, вақтни бекорга кетказиш хатти-ҳолатларга дучор бўлиш натижасида, вақтинча баҳтга эришиши, аммо охири «вой бўлиши»

ҳақидаги таъсирчан фикрлар берилганды ҳар бир боланинг умр бўйи эсида қолади. Бу ёшдаги болаларни турли ножӯя сўзлар ёки қўрқитиш йўллари билан тарбиялаш натижага бермайди. Урушиш, сўкишиш натижасида қалби лат еган боладан яхшилик чиқмайди. Юксак маънавият қирраларидан узоқлашади. Шу сабабли, бу ёшдаги болалар тарбияси ўта нозик лекин шарафлидир.

### **3.3. Ғарб мамлакатларида маънавият ва маърифатга муносабат**

Бир неча асрлар муқаддам Шарқ мамлакатларида маърифатпарварлик ҳақида қўпроқ фикр юритишган. Аммо кейинроқ, Ғарбий Европада фан ва техника қўпроқ тараққий қилиб, ишлаб чиқариш жараёнига катта таъсир кўрсатиши натижасида жамиятни, фақат инсон ақл идроки билан юксак даражага кўтариш ва уни ўзгартириш мумкин, деган хулосага келишган. Шу боис, ўша даврнинг илғор фикрловчи кишилари маърифатини кескин ҳолда тарғиб қилганлар. Бинобарин, Ғарбий Европа учун «Маърифатпарварлик» сўзининг ўзи ҳам янги ибора бўлиб, уни Вольтер, Гердер ва бошқалар биринчи бор илмий мулоқотга олиб кирдилар. Олдинги мавзуларнинг бирида таъкидлаганимиздек, Э. Кантнинг «Маърифатпарварлик нима?» (1784) мақоласи босилиб чиқди ва бу сўз кенг тус ола бошлади. Маълумки, у даврларда Ғарбий Европада табиат, жамият, тафаккур ҳақидаги илмлар ривожланди. Бу даврда Томас Гоббс, Декарт, Лейбниц, Ньютон, Спиноза ва бошқа европалик буюк табиатшунослар ва философлар етишиб чиқиб, турли фанларда айниқса, физика, кимё, математика, геометрия, механика, астрономия соҳаларида кашфиётлар қилдиларки, натижада, бу кашфиётлар маърифатпарварликнинг кенгайишига олиб келди. Ўз навбатида маърифатпарварликнинг Европадаги Ренессанс (Ўйғониш) даври билан ҳам узвий алоқада бўлди. Маълумки, Ўйғониш давр вакиллари инсонпарварлик ғояларини илгари сурган эдилар. Уларнинг фикрича, капиталистик ривожланиш феодализмга нисбатан устунроқ бўлиб, инсон фаолиятини фақат капитализм янги поғонага кўтарар эди. Шу сабабли, Ўйғониш даврининг тарғиб қилувчилари билан маърифатпарварлари ўртасида бирмунча фарқлар бўлиб, маърифатпарварлар кўпроқ Ўйғониш даври тарафдорларини танқид қилиб ҳам чиқдилар. Бу эса жамият ва давлат тузилишларини қайта кўриб чиқишига ва уларни жиддийроқ ҳал қилишига олиб келар эди. Ғарбий Европа маърифатпарварлари таълимотида маънавий соҳалар яққол кўзга ташланмасада ҳам, улар маърифатни иқтисодий соҳа, хусусий мулкчилик, дунёқараш, эстетик қарашлар, бадиий жараёнлар, шахс фаолиятлари билан боғлаб тушунтиридилар. Бу деган нарса, уларнинг таълимотида маънавий тарбия масалалари қўйилмаган, деган хулосани келтириб чиқармаслиги лозим. Бизнинг фикримизча, маънавий тарбия масалаларига эътибор берилган бўлса ҳам, лекин маънавиятнинг таркибий қисмлари умуминсоний фаолиятнинг умумий қўринишларида қоришиб кетган эди. Шу ўринда Локк, Гельвеций, Диdro, Жан Жак Руссо ва бошқа философларнинг ёзган асарларини тилга олиш кифоядир. Бу олимлар тарбия тўғрисида умуминсоний фикрларни ўртага ташлаш билан бирга, мазқур соҳадаги янги тамойилларни ишлаб чиқдилар. Шу билан бирга улар қўпроқ ижтимоий соҳаларни тарғиб қилувчи маърифатпарварлар бўлиб чиқдилар. Ўша давр шароити маърифатпарварликнинг турли мамлакатларда турлича шакл ва мазмунда намоён бўлишига олиб келди. Шу боис Россиядаги маърифатпарварликка назар ташлайдиган бўлсак, бу жараённинг гувоҳи бўламиз. Чунки Россия

маърифатпарварлари буржуа революцияларини маънавий жиҳатдан тайёrlаш ва амалга ошириш тарафдорлари эдилар. Жумладан, Россия маърифатпарварлиги (1760-1861 й.й) узоқ давом этиб, унинг асосчилари Н. И. Новиков, Д. И. Фонвизин, А. Я. Поленов ва бошқалар эдилар. Улар Россияда крепостнойлик тузумини йўқ қилиб ташлашни тарғиб қилганлар. Адолатли подшоҳлар, адолатли қонунлар бўлишни истаганлар. А. Н. Радишчев сингари маърифатпарварлар халқни маърифат кучига ишониб иш олиб боришга чақирганлар. Тарихдан маълумки, бундай ғояларни «декабристлар» деб аталувчи гурухлар ҳам амалга оширишга ҳаракат қилган ва улар ҳам, халқни ҳокимиятга қарши кўтариб уларни ғалаба қозонишга умид боғлаган эдилар. Лекин, бу умид амалга ошмаган. Шуни эътироф этиш керакки, шу давларда Россияда маърифатпарварлик ўзининг юқори чўққисига кўтарилган эди.

Маърифатпарварлар XIX асрни ўрталарида икки оқимни ташкил қилдилар. Булар Либерал-ислоҳотчилик ва революцион-демократик оқимлардир. Биринчи оқим, ижтимоий-сиёсий фаолиятга, халқни жалб этмасликка даъват қилган бўлса, иккинчи оқим халқда инқилобий ташаббусни уйғотишга чақиради. Улар кўпроқ дехқонлар фаолиятини қўллаб-қувватладилар ва бунга эришдилар. XIX асрнинг олтмишинчи йилларида Россияда ислоҳот юз бердики, бу ислоҳотлар билан шу давр маърифатчилари бирмунча чекланиб қолдилар. Шундай қилиб, маънавият ва маърифатнинг Ғарбий Европа ва Россиядаги тарихий тараққиёт даврида маънавият ривожланиши тўхтамаган. У умуминсоний қадриятларда турлича тус олган ва ҳаракатларда амалга ошган.

**Таянч сўз ва иборалар:** маънавият, маърифат, муносабат, тарихий маънавият, маърифатпарварлик, Уйғониш даври маънавияти ва маърифати, бола тарбияси, мактаб, боғча тарбияси, Ренесанс.

## **Ҳикматлардан намуналар**

Инсон фаннинг у ёки бу соҳаси ҳақида илмий амалиётга ва аниқ тадқиқотларга суянган ҳолдагина мулоҳаза юритишга ҳақлидир.

Абу Райҳон Беруний.

Билим қидиришга урдим бошимни,  
Бекорга ўтказмадим умримни бир дам...  
Қайдаки, эшитсам илму донишни,  
Эшиги тагида ўлтиридим маҳкам.

Носир Хисрав.

Фақат ўзи учун яшаш инсонликни сустеъмол қилишdir.

Вильям Шекспир

Энг разил, айни пайтда оддий ва азалий кўрнамаклик – бу фарзандларнинг ота – онани қадрламаслигидир.

Люк Вовенарг.

Ўзни бенуқсон ҳисоблаш адашишнинг энг тўғри йўлидир.

Пьер Буаст.

Бироннинг хатоси - бошқага сабоқ.

Жон Рей.

Инсоннинг биттагина золими бор, у ҳам бўлса жаҳолатdir.

Виктор Гюго.

Ҳар қандай одамга унинг қилган ишларига қараб баҳо бериш керак.

Сервантес.

## **Тест топшириқлари :**

**1. «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг ўрни бекиёс»лиги тўғрисидаги фикр Президентимизнинг қайси асарида айтилган?**

- а) «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда»;
- в) «Миллий истиқлол мағкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир»;
- г) «Ўзбекистон буюк келажак сари»;
- д) «Тарихий хотирасиз келажак йўқ»;
- е) «Қзбекистон келажаги буюк давлат».

**2. Маънавият ва маърифат ўртасидаги муносабатларни қандай изоҳлаш мумкин?**

- а) маънавият ва маърифат бир бутуннинг икки томонидир;
- в) маънавият хислатлар маърифий жараёнлар орқали инсон онгига сингдирилади;
- г) маънавият ва маърифат нисбатан бошқа тушунчалар ҳисобланади;
- д) маънавият – таълим-тарбиядир;
- е) а ва в.

**3. «Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, билим кимда бўлса, буюклик бўлар», деган фалсафий фикр қайси алломага тегишли?**

- а) Алишер Навоий;
- в) Захириддин Бобур;
- г) Юсуф Хос Ҳожиб;
- д) Абдулла Авлоний;
- е) Абу Райхон Беруний.

**4. «Европаентризм» деб аталувчи оқим тўғрисидаги қарашлар кўпроқ қайси файласуф таълимотида учрайди?**

- а) И. Кант;
- в) Г. Гегель;
- г) К. Маркс;
- д) А. Смит;
- е) Ф.Энгельс.

**5. Инсоният даврини илк бошланишидаёқ Шарқ мамлакатларининг қайси бирида кашфиётлар қилинган?**

- а) эрамиздан олдинги 1045 йилда, Хитойда қофоз ва ёзув кашф қилинган;
- в) эрамиздан олдинги 1090 йилда, Ҳиндистонда санаш машинаси;
- г) милоддан аввалги I асрда, Юнонистонда учиш аппарати ихтиро қилинган;
- д) Барча жавоблар тўғри;
- е) Тўғри жавоб йўқ.

**6. Қайси оқим «Европацентризмнинг» салбий қирраларини очиб ташлаган?**

- а) рационализм;
- в) востокоцентризм;
- г) неопозитивизм;
- д) иррационализм;
- е) софизм.

**7. XIX асрнинг ўрталарида Россиядаги мавжуд икки оқим қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

- а) либерал ислоҳотчилик ва революцион демократик;
- в) монетаризм ва либерал ислоҳотчилик;
- г) монетризм ва гейнечилик;
- д) либерал ислоҳотчилик ва евроцентризм;
- е) барча жавоблар тўғри.

**8. Жадидчиликнинг асосий мақсади ...**

- а) ҳалқимизни маърифатли қилиш;
- в) дунёвий билимларни эгаллашга ёрдамлашиш;
- г) ҳокимиятни эгаллаш;
- д) а ва б;
- е) барча жавоблар нотўғри.

**9. 1894 йилда Туркистонда мактаб ва мадрасалар сони нечта эди?**

- а) 6445 та;
- в) 7000 та;
- г) 5346 та;
- д) 4310 та;
- е) 5070 та.

**10. XX аср бошларида Ўзбекистонда маърифатпарварликни тарғиб қилган газеталар қайси жавобда тўғри қўрсатилган?**

- а) «Тараққий», «Хуршид»;
- в) «Хуршид», «Ўзбекистон овози»;
- г) «Ойна», «Умид»;
- д) «Ҳуррият», «Осиё»;
- е) а ва в.

**11. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқичи қайси йилларга мўлжалланган?**

- а) 2001 йилга;
- в) 2003 йилга;
- г) 2005 йилга;
- д) 2007 йилга;
- е) 2010 йилга.

**12. Қайси ҳукмдор томонидан қурилган мадрасанинг дарвозаси пештоқига «Илм олмаққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарзи фарздир» деб ёзилган?**

- а) Амир Темур;
- в) Шоҳруҳ;
- г) Улуғбек;
- д) Абдуллахон;
- е) Феруз.

**13. Маъмун Академияси қайси шаҳарда ташкил топган?**

- а) Самарқанд;
- в) Қарши;
- г) Термиз;
- д) Хива;
- е) Гурганж.

**14. Кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси ким?**

- а) давлат;
- в) вазирлик;
- г) жамоат ташкилоти;
- д) шахс;
- е) мактаб, ўқитувчи.

**15. Малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашни асоси нимада?**

- а) узлуксиз таълим;
- в) ўрта таълим;
- г) фан;
- д) иқтисодиёт;
- е) маънавият.

**16. Ўзбекистонда мажбурий-ихтиёрий таълим неча йил?**

- а) 9 йил;
- в) 12 йил;
- г) 7 йил;
- д) 11 йил;
- е) 8 йил.

## **4-мавзу: Маънавият, маърифат ва маданий мерос**

### **4.1. Маънавий мерос тушунчаси ва унинг тарихий ривожланиши**

Инсонпарвар, хуқуқий-демократик ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ўз-ўзидан бўлмайди, балки, ўзидан олдинги тарихий манбаларга суюнган ҳолда тажриба, моддий ва маънавий мерос асосида қурилади. Буларни барчаси тажриба ва моддий томонлардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Айниқса, буюк аждодларимиз яратган маънавий бойликлар таъсирида янги авлодни тарбиялаш шу куннинг долзарб вазифасидир. **Маънавий мерос ўтмишда ҳалқ томонидан яратилган ва авлодларга қолдирилган, уларнинг хис-туйғу, билим ва малакаларини оширишга хизмат қиласиган маънавий, моддий бойликлардир.** Бу маънавий ва моддий бойликлар тарих сил-силаларига бардош берган, турли ҳаёт ва табиат қийинчиликларини босиб ўтган ҳақиқий ҳаракатлар натижасидир.

Маънавий мероснинг шаклланиши узоқ даврни ўз ичига олади. Маънавий мерос ҳар бир миллат, элат, уруғ фаолиятида кўзга ташланади. Албатта, ҳар қандай ҳаракат ёки моддийлик маънавий мерос бўлиб қолавермайди. Маънавий меросда ҳар бир уруғ, элат, миллатнинг турмуш тарзини ифода этадиган ва келажакда маълум бир фойда келтирадиган соҳалар бўлса ва улар ҳалқ фаолиятига сингиб кетган бўлса, маънавий меросга айланади. Улардан келадиган фойдани эса бошқа фойдалар билан тенгглаштириб бўлмайди. Бу фойда инсон тарбияси фойдасидир. Шу сабабли, республика хукумати бу жиддий масалага мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ эътиборни қарата бошлади.

Ҳалқимиз меросининг ноёб намуналарини аниқлаш ва тўплаш, уларни асраб авайлаш, ҳалқ, айниқса ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, улар орқали мустақиллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимиз давомийлигини, равнақини, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб боришини таъминлаш барчанинг, айниқса зиёлиларнинг вазифасидир. Бу вазифа жамият ўзгарганда ҳам ўз кучини йўқотмайди. Чунки, жамиятлар ўзгариши билан тараққиёт тўхтаб қолмайди, аксинча илгарилаб боради. Демак, маънавий мерос ривожланиши ҳам тўхтамайди. Янги ҳарактер ва хусусият билан яшайверади.

Маънавий мерос ҳам давомийлик жараёнидир. Унда ҳам ворислик хусусияти мавжуд. Маънавий мерос ривожланишининг тўхташи нисбийдир. Жумладан, собиқ иттифоқ даврида республикамизда бу муҳим соҳага эътиборсизлик билан қаралди. Турли бўлмағур сабаблар билан ҳалқимиз тарихини унинг маънавий меросини йўқ қилишга ҳаракат қилинди. Масалага синфийлик нуқтаи назаридан ёндошилиб, ўтмишдаги сарқитлар, деб баҳоланди. Дарҳақиқат, «Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи-ҳалқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, улуғ аждодларимиздан авлодларга ўтаётган маънавий мероснинг кучлилигига, фуқароларимизнинг эл-юрга, она заминга битмас-

туганмас меҳрида, миллий ғуруримизда»<sup>1</sup> эканлигини иттифоқнинг баъзи бир раҳбарлари тушуниб етмадилар, менсимадилар.

Ўзбек халқи дунё ҳамжамиятида азалдан муносиб ўрин олган халқ сифатида миллий ва умуминсоний маънавий мерос хазинасига улкан улуш қўшиб келган халқдир. Дунё мамлакатлари ўртасида кўп соҳаларда бўлгани сингари, бу соҳада ҳам етакчи ўринларни олади. Фақат ҳозирги авлод-аждодлари яратган маънавий меросни яхши англаши, унинг илдизларини билиб дунёга қайтадан тиклашга ўз ҳиссасини қўшмоғи, шунга ҳаракат қилиши давр талабидир. Бу соҳада фахрланишга арзигулик томонлар йўқ эмас. И.А.Каримов таъкидлаганидек, «бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёsat, ахлоқ, фалсафа, тибиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, дехқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин»<sup>1</sup>. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, биз аввало ўзлигимизни, давлатчилигимизни, насл-насабимизни чуқур билишимиз албатта, зарур. Бу жараёнсиз, келажакда муносиб тарғибот ишларини олиб бора олмаймиз. Субъектив фикрга эга бўлиш мумкин, у осон. Лекин, шу субъектив фикр, чуқур таҳлил ва мантиққа асосланмаса, бир ёқлама бўлиб қолади, натижада таъсирчанлиги ва холисоналигини йўқотади. Даилисиз бирор инсонни ишонтириб бўлмайди. Зоро, бундай вазиятда миллий маънавиятимизнинг жонкуярлари бўла олмаймиз. Маърифатчиликни тушуниб етмаймиз.

Бошқа соҳаларда бўлгани сингари маънавий меросимизнинг тарғиботи маърифатга бориб тақалади. Сир эмаски, жамият тараққиётининг негизи ва асосини илму маърифат белгилайди. Тараққиётни ҳалокатдан сақлайдиган қурол ҳам маърифатдир. Шу сабабли айтамизки, маънавий меросимиз ҳам маърифат орқали бизгача етиб келган. Демак, маънавий мерос маърифат билан ажralмасдир. Кўпгина қадриятларни маърифатимиз орқали ўқиймиз, биламиз.

Турли мамлакатларда ёзилган асарларни таржима қилиш, ўрганиш йўлга қўйилганлиги муносабати билан маънавий мерос ўрганилади. Жумладан, отабоболаримиз ёзиб қолдирган бебаҳо асарлар лотин, қадимий француз, итальян, испан, немис тилларига таржима қилинган бўлиб, инсонларнинг янада маърифатли бўлишига ёрдам бериб келаётир. Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Бурхониддин Марғиноний, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек ва бошқа улуғ алломаларимиз асарлари бунга мисол бўла олади. Баралла айта оламизки, қадимий Туроннинг маънавий меросини ўрганиш учун қуйидаги манбаларга таяниш мумкин:

- Қадимий ёдгорликлар.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т.: «Ўзбекистон», 1994, 72-бет.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ» нашриёти, 1998, 3-4 бет

- Археологик ашёлар, топилмалар.
- Этнографик манбалар.
- Диний манбалар.
- Топономик манбалар.
- Қадимги ёзувлар.
- Урф-одатлар.
- Қабила ва уруғчилик, қавму-қардошлиқ, оиласи муносабатлар манбалар.

Айниқса, қадимий ёдгорликларда асосан халқимизнинг азалий урф-одатлари, турмуш тарзи акс этади. Шу ўринда маънавий меросимизга нималарни киритишими мумкин, деган савол туғилади. Бизнинг назаримизда, маънавий меросга маданиятнинг таркибий қисмлари: тарихий маданий бойликлар, қадриятлар, адабиёт, санъат дурдоналари, ривоят ва эртаклар, фольклор, урф-одатлар, анъаналар, аҳиллик, қўшничилик, тенглик муносабатлари, тинчлик ва барқарорликни исташ хислатлари, меҳмондўстлик, кўп фарзандлилик,adolатли бўлиш, поклик, ҳалоллик, комил инсон бўлиш, билимга интилишилик, ота-онага ҳурмат-иззат кўрсатиш, оиласи бирдамлик хислатлари, фалсафа, диний эътиқод, кийиниш маданияти ва бошқалардан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аждодларимиз жамият тарқиётидаги маънавий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа турли соҳаларни ўзларида мужассамлаштирган ва шу соҳаларда ўз билим малакалари орқали битмас-туганмас мерос қолдирганлар. Шундай буюк инсонлардан бири Аҳмад ал-Фарғоний бўлиб, унинг таълимотини баъзи қирралари асосида математика, астрономия, механика фанлари ҳозиргача ривожланиб келади. Бу буюк алломанинг таваллуд топганлиги муносабати билан ўтказилган маросимда И.А.Каримов аллома тўғрисида шундай деган эди: «Унинг мероси инсониятнинг янги илм чўққиларига қўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди»<sup>1</sup>. Бинобарин, бошқа алломалар: Абу Наср Форобий фалсафа, сиёсат, адабиёт, мусиқа, мантиқ, Абу Али Ибн Сино тиббиёт, фалсафа, математика, адабиёт; Абу Райҳон Беруний минералогия, геодезия, фалсафа, тарих, география; Ал-Хоразмий математика, астрономия; Мирзо Улуғбек астрономия, тарих; Алишер Навоий адабиёт, тасаввуф, Захириддин Мухаммад Бобур тарих, адабиёт ва илм-фанинг бошқа соҳаларида ўчмас, битмас-туганмас мерос қолдирдиларки, бу мерос ҳозирги кунда ҳам қз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ёки иккинчи бир мисол. Буюк саркарда Амир Темурнинг давлатни бошқариш услублари ҳақида панд-насиҳат сифатида қолдирган «Темур тузуклари» ўз ҳукмронлик даврида қурдирган ҳашаматли ва гўзал бинолар каби маънавий ва маданий мерос асрлардан-асрларга ўтиб келмоқда. Учинчи бир мисол: Наврўз ва Ҳайит байрамлари.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. Т.: “Ўзбекистон” 1999, 189-бет.

Халқымыз тарихига назар ташлар эканмиз, унинг бой мероси айниңса, күркам ва абадийлигидан ҳайратда қоласан киши.

## 4.2. Маънавий ва маданий мерос

Маънавият кенг маъноли эканлигини биз олдинги саҳифаларда баён қилган бўлсак, энди маънавият ва маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда муносабатлари ҳақида фикр юритамиз. Маданият ва маънавият инсонга хос хислатлар эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Иккала тушунча ҳам энг қадимий тушунчалардир. Маънавият сингари маданият тушунчаси ҳам инсоннинг фазилатларини ўзида акс эттиради.

Маънавий мерос бўлгани сингари маданий мерос ҳам мавжуддир.

**Маданият-инсонга тааллуқли бўлган ақлий ва жисмоний ҳаракат, хистайғу, кечинмалар, ҳамда жамиятни ўзгартиришга қаратилган илғор фаолиятлар йиғиндисидир.** Маданият инсон ва жамият тараққиётининг барча соҳаларида ишлаб чиқариладиган моддий ноз-неъматларда, маънавий жараёнларда кўзга ташланади. Ушбу тушунча маълум бир даврлар, жамиятлар, уруғ, элат ва миллатлар ривожланишини, инсонларнинг моддий-маиший, маърифий-маънавий ҳаётини, турмуш тарзини ифодалаш учун фойдаланилади.

Таъкидлаганимиздек, маданият сўзи кўп қирралидир. Бунга сабаб, у ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлиб, берилган таърифлар ҳам турличадир. Жумладан, Э. Юсупов «Маданият – бу кишилар фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёти соҳасида яратган, ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарилган моддий ва маънавий бойликлар тизимдир»<sup>1</sup>-дейди. Ёки «Маданият – энг умумий тарзда инсон ва жамиятнинг ўзгарувчилик фаолиятининг барча турлари, ҳамда шу фаолият натижаларининг мажмуидир»<sup>1</sup>. «Маданият – умуминсоний ҳодиса»<sup>2</sup>. «Маданият-инсоннинг олган билимлари ва ҳосил қилган тажрибаларига асосланган малакали ҳаракати бошқаларда завқ уйғота олган ижтимоий ҳодиса»<sup>3</sup>. Маданият-инсон фаолияти билан яратилган маънавий ва моддий бойликлар, хис-туйғу уйғотадиган жараёнлардир.

Ўз-ўзидан маълумки, таърифлар характер ва мазмун жиҳатидан ҳам ҳар хилдир. Аммо, ҳамма таърифларда ҳам инсон фаолияти ҳисобга олинган. Демак, маданият аввало инсоний хусусиятдир. Унда инсоннинг ақл идроки, ҳаракати, талант ва истеъоди, меҳнати, индивидуал ва ижтимоий онги, илмий, бадиий, ҳуқуқий, диний, аҳлоқий, фалсафий қарашлари ҳам ўз аксини топади. Шу сабабли, маданият тушунчаси қадимий фалсафий тушунчадир. Бу тушунча фалсафа фанида мукаммалроқ ўрганилиши туфайли, биз бу қринда маданиятнинг бир таркибий қисми бўлган маданий мерос устида, унинг қадимийлиги, инсон ҳаётидаги ўрни устида тўхталамиз.

<sup>1</sup> Э.Юсупов. “Инсон камолотининг маънавий асослари” Т.: 1994, 60-бет.

<sup>1</sup> Туленов Ж, Фофуров З. Фалсафа. Т.: «Ўқитувчи», 1997, 268-бет.

<sup>2</sup> Иброҳимов А, Султонов Х, Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т. : «Ўзбекистон», 1996, 115-бет.

<sup>3</sup> Зиёмухамедов Б, Зиямухамедова С, Қодирова С. Маънавият асослари. Т. : 2000, 32-бет.

Маданий мерос барча даврларда ҳам халқ томонидан яратилади. Унда энг кимматли ва қадрли ютуқлар ўз аксини топади ва у инсон тафаккурининг буюк маҳсули сифатида сақланади.

Маданий мерос билим бойликларининг қонуний тараққиётидан пайдо бўлади ва маданий меросдан келажак авлод фойдаланади, ўз навбатида у авлод ҳам маданий мерос ривожига ўз ҳиссасини қўшади. Маданий мерос тараққиёти тўхтамайди, у гарчанд бойиб боради. Ёки келажак авлод ўтмишдаги маданий меросга асосланиб янги маданий меросини шакллантиради. Барча фан, барча техника, кашфиётлар, билим, санъат, адабиёт, сиёсий ва ҳуқуқий жараёнлардаги ижобий томонларни маданий мерос ўз ичига олади. Чунки, булар маданий мероснинг негизларини ташкил қилган соҳалардир. Маданий меросда ҳам инкор қоидаси амал қиласи. Эски инкор ўрнида янгиси пайдо бўлади. Ушбу жараён ҳам спиралсимон ҳолда давом этади. Маданий мерос тараққиётида ҳам чекинишлар, нисбий тўхташлар, қайта олға силжишлар бўлиб туради.

Гўзалликни сақлаб уни ривожлантириш, уларни намуна сифатида олиш, ҳатто эски бўлганда ҳам инсон маънавияти учун фойдали бўлса келажак учун зарурдир. Эски маданий мерос деювчилар тарихда кўп хатолик ва камчиликларга йўл қўйдилар. Маданий меросни юксалтироқ учун аввало маданий мерос тарихини англаб этиш лозим. Бозор муносабатларига ўтиш даври тарихий маданий меросни инкор этмайди, балки ривожлантиришга ҳаракат қиласи. Бозор муносабатлари даврида шаклланадиган маданий мерос юксакроқ даражага эга бўладиган мерос бўлиши мумкин.

Маданий меросдан ҳамма бирдек фойдалана олмаслиги табиий, лекин турмушда унга дуч келади ва ўз хулосасига эга бўлади. Инсониятнинг илғор тафаккур намояндадари яратган маънавий, маданий мерос албатта ҳар бир янги авлод вакилларига у ёки бу ҳолда таъсир этади. Шундай умумий маданий мерос бойликлари борки, улар даҳолик нишоналарини ўзида сақлаб келади. Улар жумласига, айниқса, кўплаб архитектура ва санъат, адабиёт асарлари киради. Бу асарлар буюк асарлар бўлиб, инсоният маънавиятини юксалиши учун битмас-туганмас хазинадир. Оламдаги эртаклар, афсоналар, достонлар, романлару эсдаликлар, саркардаю ботирлар, қадимий бинолару қадриятлар, кашфиётлару назариялар шулар жумласидандир. Рус алломаси Лев Николаевич Толстой айтганидек: «Бизда минглаб йиллар давомида миллиард-миллиард одамлар орасидан етишиб чиқсан буюк донишманлар тафаккурининг шундай асл мевалари мавжудки, бу буюк инсонларнинг ақл дурдонлари вақт синовига чидам бериб, ғалвирдан ўтиб келмоқда. Ўртамиёна нарсаларнинг бари итқитиб ташланиб фақат ўзига хос, теран, зарур асарлар қолган»<sup>1</sup>.

Ўзбек халқининг маданий бўлиб, унинг бошланиши 4000 йиллардан олдинга бориб тақалади. Ўзбекистон худудида маданий меросни қолдиришда турли давлатчилик тузумлари ҳам муҳим роль ўйнаган. Буларга: Сўғдиёна, Парфия, Юнон-Бақтрия, Паркана, Кушон, Тоҳаристон, Турк хоқонлиги, Сомонийлар, Фазнавийлар, Қораҳонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир

<sup>1</sup> Вл. Воронцов. Тафаккур гулшани. Т.: 1981, 12-бет.

Темур ва темурийлар давлатлари мисол бўла олади. Улардан қолган нафақат қадимий ёдгорликлар ёки буюмлар балки, давлатни бошқариш услублари ҳам маданий мероснинг дурдоналариданdir. Бу баркамол давлатчилик урфодатлари, анъаналари жаҳон давлатчилигининг ривожланишига таъсир этган ва этиб келмоқда.

Эндиликда маълумки, бобокалонларимиз Афросиёб, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темурлар адолатпарвар, инсонпарвар давлат бошқарувини ташкил этганлар. Республика Президенти И.А.Каримовнинг таъкидлашича: «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига, қайтиб ўтмишимиздаги бой анъаналаримизни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак. Ёки алломалардан бири айтганидек, ҳар бир давлат қурилиши маълум халқ миллий маънавий маҳсули, ўзлигини намоён этиш ва маънавий онглийк тараққиётининг пиллапоясидир. Бу тараққиёт зинасини қадамба-қадам босиб ўтиш бир меъёрдаги ҳаракатни ҳисобга олиш, шу билан бирга вақтдан ўзиб кетмасликни тақозо этади. Вақт ҳамма нарсага қодир бўлиб, унда тафаккур, фалсафа... ҳамма нарса мужассамдир».

Маданий-маънавий соҳалар диалектик характерда бўлганлиги сабабли, улар бир-бирини тўлдирадилар. Масалан, жамиятдаги маънавий маданиятнинг турли мезонлари бўлиб, улар мамлакат халқи ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, бу мезонлар давлат хўжалиги маданияти, давлатни бошқариш жараёни, миллий ғурурни тиклаш соҳалари, санъат ва маориф, фан ва техникани тараққий эттириш кабилардир.

Биз яшаётган давр шунинг учун ҳам улуғворки, у кўп асрлик кишилик жамиятидаги энг асл бойликларни ўзида мужассамлаштираётir. Қадимий аждодларимизнинг илғор намояндлари яратган маънавий-маданий меросдан фойдаланмоқдамиз. Ҳатто эрамизгача яшаб ижод этган буюк файласуфлардан бири ҳам ўзидан олдинги ўтган донишмандларнинг фаолиятини фаҳр билан тилга олган. Мен, деган у, қадимги донишмандларнинг ўз асарларида бизга қолдириб кетган ақл дурдоналарини кўздан кечираман; агарки, биз уларда нимадир яхши бир нарсага дуч келсак, уни ўзлаштириб оламиз ва жуда катта фойда орттирган ҳисобланамиз. Демак, ўтмишдаги маънавий, маданий меросдан фойдаланиш ҳам ота-боболаримиздан меросдир. Бинобарин, маънавий ва маданий мерос бу аждодлардан турли вақтларда яратилган ва қолдирилган, маънавий ҳамда маданиятни ўзида акс эттирган маънавий ва маданий бойликлардир. Тараққиётни таъминлаш ўтмиш бойликларидан оқилона фойдаланишга ҳам боғлиқдир. Ҳар бир зийрак инсон ўз зийраклигини янада ошираман деса, аввалги асарлар ва бошқа маданий-маънавий манбалар билан яқиндан танишади ва уларни ўзида мужассамлаштиради. У ҳаётдаги дурдоналарни излайди ва ўзига хос энг нодир ва ноёб нарсаларнигина ажратиб олади. Уларни авайлаб асрайди, керак бўлса авлодларга етказади.

Қадимги алломалар, донишмандлар шу даражада кўп маданий-маънавий дурдоналарни мерос қолдирганларки, улар бамисоли бир уммондир. Уммондан тегишлиси олиниб ҳаётда фойдаланилса, улар бугунги кундагидек хизмат қиласеради.

«Халқимизнинг маънавий пойдевори бўлажак давлатимизнинг пок таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Тарихимиз неча-неча минг йилликларга бориб тақалади... Халқимизнинг таянчи-аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим. Аждодлар васиятига содик ва муносиб бўлмоғингиз керак»<sup>1</sup>.

Доно кишилар фақатгина ўз даври ёки ўтмишни изоҳлаб дурдона қолдирмаганлар, балки келажакни ҳам ўйлаб фикрлар билдирганларки, уларни биз жонсиздек қабул қиласак бўлгани. Ҳақиқатдан ҳам уларни эъзозлаб ўз ҳаётимизни безасак ниҳоятда баҳтли ва маънавияти бой инсонлар бўлишимиз турган гап эди.

Маънавий маданият инсон фаолиятини қамраб олади. У қачон ва қаерда бўлмасин, ҳаракат қилмасин, ишламасин инсон ҳамиша унга дуч келаверади. Натижада, инсон жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади, ишга интилади. Маълумки, жамиятда ишлаб чиқариш турлари кўп. Шулардан энг муҳимларидан бири маънавий бойликлар ишлаб чиқаришдир. Маънавий бойликлар аввало ҳалқ, қолаверса, маълум одамлар, олимлар, донишмандлар, файласуфлар, ёзувчилар, бастакорлар, зиёлилар, назариётчилар, сиёсатчилар томонидан ишлаб чиқилади, яратилади. Маънавий бойликлар маънавий маданиятни, жамиятни ривожлантиришга ўз таъсирини кўрсатади. Салбий ёки ижобий роль ўйнайди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, маънавий маданият индивидуал ва ижтимоий онгни шакллантириш учун хизмат қиласиган назарий ва амалий қарашлар йиғиндисидан иборатdir.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: «Ўзбекистон», 1993, 168-бет.

#### **4.3. Маънавий-маданий мерос ва қадриятларни тарғиб қилишда маданий-маърифий муассасаларнинг ўрни**

Маълумки, маънавий мерос тарғиб ва ташвиқот қилинмаса, ундан ҳеч ким баҳра ололмайди. У ўлик мулкка айланиб қолади. Шунинг учун ҳам мерос жавҳарларидан фойдаланиб ёш авлодни тарбиялашда турли муассасаларнинг ўрни бекиёс даражада муҳимдир. Жумладан, Республика «Маънавият ва маърифат» Марказининг бу соҳада роли каттадир. Бу Марказнинг вазифаси тўғрисида Юртбошимиз шундай таъкидлайди: «Халқимиз адолат, тенглик, аҳил-қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлиш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждан эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдир»<sup>1</sup>.

Бу Марказ ташкил этилгандан буён республикада бу соҳада анчагина ташкилий ишлар амалга оширилди. Жумладан, кичик, ўрта ва катта корхоналарда, жамоат ташкилотлари ва олий ўқув юртлари, мактаблар, лицейлар, коллежларда, жамоа ва давлат хўжаликларида, ўз-ўзини бошқариш органларида, маҳаллаларда Марказнинг бошланғич ташкилотлари тузилди. Улар ўз низом ва дастурлари асосида иш бошлаб юборганлар. «Маърифатчилар», «Файласуфлар», «Тарихчилар» жамиятлари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Камолот», «Нуроний», «Наврӯз», «Олтин мерос», «Оммавий ахборот» воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократиялаштириш жамғармалари, Республика «Маънавият ва маърифат» Маркази, Ёзувчилар, Бастикорлар, «Тасвирий ойна» уюшмалари, Бадиий Академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими, Маданият ишлари вазирлиги каби ташкилотларнинг, ҳамда маърифий-маънавий тарбия, тарғибот билан боғлиқ қатор давлат ва нодавлат ташкилотларнинг Республика «Маънавият ва маърифат Кенгаши» ни таъсис этиш тўғрисидаги таклифларини хисобга олиб, уни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги 1999 йилнинг 3 сентябридаги Президентнинг фармонида айтилишича:

- «мамлакат аҳли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва тафаккурида миллий ғоя, миллий мафкура ва умумбашарий қадриятларга, демократик тамойилларга асосланган дунёқараашни шакллантириш;
- жамоатчилигимиз онгига истиқлол ғояларига чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан барпо этишдек улуғ ва олижаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидоийлик руҳини янада чукур сингдириш;
- миллий қадриятларимиз ва улуғ мутафаккирларимиз меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, ислом

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. : Ўзбекистон, 1993,  
74-бет.

динининг инсонпарварлик фалсафаси, ғоялари ёш авлод қалбидан жой олишига кўмаклашиш;

-ҳар бир фуқарода ўз ҳақ-хуқуқи, имконияти ва иродасига ишониш, ўз тақдирининг бунёдкори бўлиш, мамлакатда кечеётган янгиланишлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларнинг маъно-моҳияти, мақсадини теран англаган тарзда унинг фаол иштирокчиси ва курашчисига айланиш тафаккурини камол топтириш;

-маърифий тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғунлиги ва мунтазамлигини, халқил ва ҳаққонийликка, жамоатчилик фикри ва кучига, барча соҳалардаги соғлом фикрловчи фуқаролар салоҳияти ва ҳаракатига асосланишини таъминлашдир»<sup>1</sup>.

Бу олижаноб мақсадларни амалга ошириш, албатта, ўз самарасини бериши табиий. Бунинг учун барча мутасадди ташкилотлар масалага ўз бурчлари ва вазифалари сифатида қараб ҳаракат қилганларида маънавий мерос инсонларга сингади. Айниқса, таълим тизими фаолиятида ушбу муаммо устувор бўлиши лозим. Маълумки, 1997 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Унда шундай дейилади: «Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи қучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир…

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, хуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади»<sup>2</sup>. Ҳақиқатда ҳам, маънавий ва маданий мерос, қадриятларимиз доимий тарғиб қилинсагина улуғ мақсадларга эришиш мумкин. Уларни тарғиб ва ташвиқот қилиш учун: халқ таълими тизими, оммавий ахборот воситалари, кутубхоналар, маънавият уйлари ва марказлари, нашриётлар, маданият бўлимлари, театр ва тарихий музейлар, туризм муассасалари, мусиқий таълим ва маданият, санъат ўқув юртлари, кўргазма марказлари, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш кенгашлари, маҳалла қўмиталари, баъзи жамғармалар бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишлари лозим. Бу ташкилот ва муассасалар ўз иш режа ва дастурлари асосида (жорий ва узоққа мўлжалланган) иш олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Айнан, кўпгина таъсисчилар таклифи билан тузилган «Олтин мерос» жамғармаси ҳам бу соҳада сезиларли ўрин эгаллайди. Жамғарманинг асосий

<sup>1</sup> Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида. Халқ сўзи. 1999 йил, 4-сентябр.

<sup>2</sup> Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: «Шарқ», 1997, 34-бет.

мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўрсатилган. Унда қуидаги фикрлар мавжуд: - «Буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий-маърифий меросини кўз қорачигидай асраб-авайлаш, келгуси авлодларга ёдгорлик қилиб қолдириш, халқимизнинг умумисоний қадриятлар хазинасига қўшган улкан ҳиссасини бутун дунёга қайта танитиш, уни кенг тарғиб этиб кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига миллий ғурур, миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириш;

- ўтмиш маданиятимизга оид қадимий қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, халқ хунармандчилиги, амалий санъати намуналари ва тарихий-маданий қимматга молик бошқа ёдгорликларни мамлакатимизда, хориждан излаб топиш ва ўрганиш, улардан улкан меросимизнинг узвий қисми сифатида фойдаланиш;

-республикадаги ва чет эллардаги маданий-маърифий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида турли танлов, аукцион, фестиваллар уюштириш, ижодий-илмий делегациялар алмашиш;

-истеъододли ёшларни танлаб, уларнинг ижодий камолотига моддий ва маънавий ҳомийлик қилиш;

-ўз ва давлат дастурини бажариш учун маблағларнинг маълум қисмини мамлакатимиздаги ва хориждаги фаолият ҳисобидан, шу жумладан, қўшма корхоналар очиш йўли билан жамғаришдан ва низомда белгиланган бошқа хайрли ишлардан иборат эканлиги инобатга олинсин».

Маънавий-маданий мерос ва қадриятларни тарғиб қилиш факат юқорида номлари тилга олинган ташкилот ҳамда муассасаларнигина иши бўлиб қолмай, балки ушбу соҳаларни тарғибот ва ташвиқот қилиш барча зиёлиларнинг вазифасидир. Қолаверса, уларнинг муқаддас бурчи ҳамдир.

**Таянч сўз ва иборалар:** интеллектуал мерос, умумбашарий қадриятлар, қадрлар тайёрлашнинг миллий модели, умумисоний қадриятлар, миллий ғурур, миллий ифтихор, Маънавият ва маърифат маркази, маънавий мерос, маданий мерос, маданият, миллий давлатчилик, маънавий пойdevor.

## Ҳикматлардан намуналар

Ҳар кимки илм-ҳикматини ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлишига интилсин, ахлоқ - одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақлансин, хиёнат ва макр - хийладан узоқ бўлсин.

Абу Наср Форобий.

Бир кун келар экан қўлингдан зинҳор,  
Азизлар хотирин шод эт, эй дилдор.  
Нокасдан сир беркит, тилингни боғла,  
Аблаҳдан яширин бўлмоққа чоғла.

\* \* \*

Бозорда бир кулол кўрсатиб хунар,  
Бир бўлак хом лойни тепиб пишитар,  
Лой инграб айтади: ҳой, секинроқ теп,  
Мен ҳам кулол эдим, сенек биродар.

Умар Хайём.

Шиддатли жанглардан сўнг Ҳабаш подшоси Яман ҳокими Сайфи Зиязан устидан ғалаба қозонди. Сайфи юртидан қочиб, Эрон шоҳи Анушервондан мадад сўради. У ўз лашкаридан уч минг йигитларни ажратди.

- Эй, Анушервон, эллик минглик лашкарга уч минг сипоҳий қандай бас кела олади, - сўради Зиязан.
- Кўп ўтинни озгина оташ ҳам ёндириб юборади, - жавоб берди Анушервон.

ХХХ

Искандар Эронга қарши лашкар тортишга тайёргарлик кўраётганини эшитган Доро уни ваҳимага солмоқчи бўлиб, Доро шоҳ саксон минг йигитлар орасида жавлон урмоқда, деган гап тарқатади. Буни эшитган Искандар «чаққон қассоб учун қўйнинг кўп бўлиши аҳамиятсиз» деган хабар юборади.

ХХХ

- Шўрвани араб тилида нима дейдилар, - сўрашибди бир арабдан.
- Сахун! – жавоб берибди араб.
- Совуғини- чи? – яна сўрашибди.
- Биз шўрвани совутмасдан ичиб қўямиз – таъкидлабди у.

## Тест топшириклари

### 1. Маънавий мерос-бу ...

- а) ўтмишда халқ томонидан яратилган ва авлодларга қолдирилган адабиёт, санъат дурданалари, ривоят ва эртаклар кабилардир;
- в) авлодлардан ўтиб келаётган қадриятлар, урф-одат ва анъаналар.
- г) а) ва б);
- д) тарихий ворислик ва анъаналар;
- е) барча жавоблар тўғри.

### 2. Моддий ва маънавий бойликлар маънавий мерос бўла олади, агар ...

- а) ҳар бир уруғ, элат, миллатнинг турмуш тарзини ифода эта олс;.
- в) келажакда маълум бир фойда келтирадиган соҳа бўлса;
- г) халқ фаолиятига сингиб кетган бўлса;
- д) халқ томонидан яратилган бўлса;
- е) тўғри жавоб йўқ.

### 3. Қуйидаги манбалардан қайси бири маънавий меросни ўрганишда асос бўла олади?

- а) қадимий ёдгорликлар;
- в) диний манбалар;
- г) урф-одатлар, анъаналар;
- д) археологик ашёлар;
- е) юқоридагиларни ҳаммаси.

### 4. Қуйидагилардан қайси бири Абу Наср Форобийнинг ўлмас асари ҳисобланади?

- а) «Фозил одамлар шахри»;
- в) «Қутадғу билиғ»;
- г) «Бобурнома»;
- д) «Хамса»;
- е) «Шоҳнома»

### 5. Маданият бу ...

- а) инсон фаолияти натижасида яратилаган моддий ва маънавий бойликлардир;
- в) таниш, билиш демакдир;
- г) инсоннинг руҳий ҳолатини ифодалайдиган тушунча;
- д) инсоннинг етуклик даражаси;
- е) тўғри жавоб йўқ.

**6. Ўзбек халқи маданий меросининг илк сарчашмаси қачон пайдо бўла бошлаган?**

- а) 2000 йил олдин;
- в) 3000 йил олдин;
- г) 4000 йил олдин;
- д) 2500 йил олдин;
- е) 3200 йил олдин.

**7. «Олтин мерос» жамғармаси қачон ташкил топган?**

- а) 1999 йил 3 сентябрда;
- в) 1998 йил 10 сентябрда;
- г) 1999 йил 4 ноябрда;
- д) 2000 йил 10 декабрда;
- е) 2001 йил 27 августда.

**8. Республикаиз ҳудудида ўлмас маданий мерос қолдирган давлатчилик тузумларини аниқланг?**

- а) парфия;
- в) паркона;
- г) кушон;
- д) хоразм;
- е) юқоридагиларнинг барчаси.

**9. «Иккинчи муаллим» деб ном олган алломани кўрсатинг?**

- а) Абу Наср Форобий;
- в) Абу Али Ибн Сино;
- г) Абу Райхон Беруний;
- д) ал-Хоразмий;
- е) ал-Фарғоний;

**10. «Қутадғу билиг» асарини ёзган алломанинг номи қайси қаторда берилган?**

- а) Абдураҳмон Жомий;
- в) Заҳириддин Муҳаммад Бобур;
- г) Юсуф Ҳос Ҳожиб;
- д) Абу Али Ибн Сино;
- е) Аҳмад Юғнаки.

**11. Улуғбек асосан кимнинг ёрдами билан ҳокимиятга келган?**

- а) руҳонийлар ёрдамида;
- в) сиёсий муҳит таъсирида;
- г) отаси Шоҳруҳ ёрдамига таяниб;
- д) шаҳар аҳолиси ёрдамида;
- е) илм-фан аҳли ёрдамида.

**12. Захириддин Мұхаммад Бобур марказлашған давлатни түзиш үчун кимларга қарши қурашды?**

- а) маҳаллий ҳукмдорларга қарши;
- в) Олтин Ырда хонларига қарши;
- г) темурий ҳукмдорларга қарши;
- д) динсизларга қарши;
- е) ташқи душманга қарши.

## **5-мавзу: Иқтисодиёт, маънавият ва маърифатнинг ўзаро муносабати ва жамият ҳаётидаги аҳамияти**

### **5.1. Иқтисодиёт тушунчаси ва маънавият ва маърифат тушунчасининг боғлиқлиги**

«Бизга эски маъмурий-буйруқбозлик, маҳсулотларни, маблағларни тақсимлаш тизимидан бирёклама ривожланган ночор иқтисодиёт оғир мерос бўлиб қолди. Чунки эски тузумнинг кўп нуқсонлари бор эди. Лекин ҳеч тоқат қилиб бўлмайдиган томони шундай эдикӣ, Ўзбекистон иқтисодиёти собиқ СССР халқ хўжалиги таркибида унинг ажралмас қисми бўлиб, ягона умумиттифоқ комплекси деб аталмиш ушбу тизимда, аввало, арzon хом ашё базаси сифатида хизмат қилар эди.

Ўша даврдаги республика саноати ва у билан боғлиқ тармоқлар асосан қишлоқ хўжалик хом ашёси, минерал хом ашё ресурсларини дастлабки қайта ишлаш ва бу маҳсулотларни СССР нинг бошқа марказий минтақаларига етказиб бериш билан банд бўлган.

Айни вақтда республиканинг тайёр маҳсулотларга бўлган эҳтиёжининг 70 фоиздан кўпини таъминлайдиган товарлар, биринчи галда, кенг халқ истеъмол моллари ташқаридан олиб келинар эди.

Жумладан, гўшт ва сут маҳсулотлари, ун, қандолат каби озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарият қисми, болалар озиқ-овқатларининг 100 фоизи, ҳатто Ўзбекистоннинг ўзида тўлиб-тошиб ётган ош тузи ҳам четдан келтирилар эди. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланмаган, ибтидоий бир ҳолатда эди».<sup>1</sup>

Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгандан сўнг бошқа мустақил республикалар сингари иқтисодий қийинчиликларга дуч келди. Сабаби, собиқ иттифоқ даврида кўпгина ишлаб чиқариш маҳсулотларига, моддий нознеъматларга талаб катта эди. Чунки марказдаги раҳбарлар «биз сизларга тайёр маҳсулот етказиб берамиз» ниқоби остида Ўзбекистоннинг хом ашёсини талонторож қилиб олиб кетар эдилар. Шу боис улкан миқдордаги маҳсулотлар республикада ишлаб чиқарилмас эди. Бу маҳсулотларни республикада тайёрлаш анча мураккаб кечди. Аҳолининг кайфиятига ҳам бу вазият қаттиқ таъсир қила бошлаган эди.

Иқтисодиётнинг маънавият ва маърифат билан узвий боғлиқлиги, уни тиклаш вазифаси эндиликда кўндаланг бўлиб қолди. Иқтисодий тафаккурнинг етишмаслиги сезилди. Бинобарин, собық иттифоқ даврида қадриятларимиздан бўлган ислом динидаги иқтисодий соҳаларда айтилган ҳаётий ўгитлар назардан четда қолган эди. Ҳолбуки, муқаддас Қуръони Каримнинг 300 га яқин оятлари иқтисодий маънавиятга, иқтисодий тафаккурга бағишиланган. Булар халқимиз таълим тарбиясида қўлланилмади. Иқтисодиёт ва маънавият, маърифат бирлиги, уларнинг ўзаро боғланишларига эътибор берилмади.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Жамиятда тадбиркорлик рухини қарор топтириш-тарққиёт гарови. \\«Халқ сўзи»\\, 2001 йил, 18-июль

Маълумки, иқтисодиётни «Иқтисодиёт назарияси» ўрганади. Шундай бўлса-да, талабаларда иқтисодиёт соҳасида қисман тасаввур пайдо қилиш учун «Иқтисодиёт» устида тўхталамиз: «Иқтисодиёт ҳар бир кишининг, ҳар бир оиланинг, жамоа ва умуман, жамиятнинг ҳаётида муҳим ўрин тутади. Иқтисодиётга қараб ижтимоий ҳаёт ўзгаради. Иқтисодиёт-бизнинг нафақат бугунги, балки эртанги ҳаётимиз, ҳозирги ва келажакдаги фаровонлигимиз. Иқтисод бақувват бўлмаса, фаровонлик кафолатланмайди, моддий етишмовчилик бўлади, турмуш ташвишлари ортади. Аксинча, иқтисодий ўсиш шароитида фаровонлик ортади, социал вазият барқарорлашади, одамларда келажакка ишонч пайдо бўлади, уларнинг фаоллиги ҳам кучайиб боради»<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, бу таъриф иқтисодиётнинг турли соҳаларини, унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, жамият ҳаётида тутган ўрнини изоҳлайди. Ёки бошқа бир манбада иқтисодиётга қўйидагича таъриф берилади: «Иқтисодиёт одамлар фаолиятининг ўзлари истеъмол қиласиган неъматларни ишлаб чиқариш, унинг натижаларини ўзлаштириш, мавжуд моддий ва меҳнат имкониятларидан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларининг жуда муҳим томонидир. Иқтисодиёт қизиқ бир олам бўлиб, турли касбдаги, миллат ва жинсдаги, қарашлар ва руҳиятдаги, турли минтаقا ва қитъалардаги одамларнинг тирикчилик воситаларини яратиш ва истеъмол қилиш бўйича амалга оширадиган алоқалари ва боғлиқликларининг ифодасидир»<sup>2</sup>-дейилади. Учинчи бир таърифда эса: «Иқтисодиёт деганда кишилар ҳаётини таъминлайдиган моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва унинг истеъмоли билан боғлиқ барча соҳаларнинг йиғиндиси ва айни жараёнда иштирок этаётган одамларнинг фаолияти, улар ўртасидаги алоқа ва боғланишлар, муносабатларнинг яхлит бирлигини тушунмоқ керак»<sup>3</sup> -дейилади. Таърифлардан кўриниб турибдики, иқтисодиётга қандай таъриф берилмасин, барчасида ҳам, инсонлар фаолияти, инсоннинг моддий ноз-неъматга бўлган талаби ва маҳсулотларни ишлаб чиқариши ва уларнинг тақсимоти билан боғлиқ. Шу боис бу жараёнлар, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳалар билан муштарак бўлса халқ манфаати ошади, ривожланиш тез амалга ошади. (Иқтисодиёт сўзининг луғавий маъносига келсак у «сарф-ҳаражатда эҳтиёткорлик, тежамкорлик» мазмунини беради. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том, М.: «Рус тили», 1988 йил, 346-бет). Иқтисодиёт сўзи рус тилига таржима қилинганда эса «Экономика» маъносини беради). Иқтисодиёт сўзи кенг маънода ишлатилганда, бирор ижтимоий тузумнинг, ижтимоий ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг ишлаб чиқариш муносабатларига мос келиши, ижтимоий тузумнинг базисидир. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том, М.: «Рус тили», 1981 йил, 441-бет).

Иқтисодий соҳадаги олдинги маъмурий буйруқбозлиқ усулидан воз кечиш айнан долзарб бўлиб, кадрларни янги маънавият ва мафкура асосида тарбиялашнинг кун тартибида кўйилиши республикани янги поғонага кўтарди.

<sup>1</sup> А. Ўлмасов, М. Шарифхўжаев. Иқтисод назарияси. Т.: «Меҳнат», 1995, 3-бет

<sup>2</sup> Қ. Йўлдошев, К. Муфтойдинов. Иқтисод илмий асослари. Андижон, 1995, 8-9 бетлар.

<sup>3</sup> Абдуллаев А. Маънавият ва иқтисодий тафаккур. Т.: «Маънавият», 1999, 7-бет.

Шу сабабли, иқтисодиётнинг инсонлар фаолияти билан боғлиқлиги ҳисобга олинниб, Қонунчилик палатаси томонидан кўплаб зарурый қонунлар қабул қилинмоқдаки, уларнинг барчасида ҳам иқтисодиёт, маънавият ва маърифат ўзаро боғлиқлиги қайд қилинган. Ҳатто, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган «Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунларда ҳам юқоридаги фикрлар ўз ифодасини топган.

Инсоният фаолиятида моддий ноз-неъматлар етакчи рол ўйнар экан, демак, унга эҳтиёж камаймайди. Аксинча, ортиб боради. Сабаби, шахсий манфаат бўймаса инсон ҳаётининг долзарблиги йўқолади. Аммо, шахсий манфаат жамият манфаатларига мос тушмоғига эришиш лозим. Бу эса, жамиятда яшаётган шахснинг маънавияти ва маърифатлилигига боғлиқ. «Мавжуд улкан ресурслар, ақл-зиё ва ишлаб чиқариш потенциали давлат мустақиллиги билан биргаликда республикада иқтисодиётни янгилаш, уни маърифий ривожланиш йўлига ўтказишга доир туб ислоҳотларни амалга оширишга ҳақиқий шартшароит ва имконият яратади»<sup>1</sup>. Ана шу хуносалардан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон ҳукумати, кадрлар тайёрлашга доимий эътиборни қаратиб, ушбу соҳада талайгина вазифаларни амалга ошириб келаётир. Истеъодли ёшларни чет давлатларга юбориш, чет эл иқтисодий назарияларини ўрганиш, мутахассисларни тажриба алмашиш ва ўрганишга юбориш, турли амалий тадбирлар, анжуманлар, иқтисодий соҳаларда делегациялар таклиф қилиниб учрашувлар ташкил қилиш шулар жумласидандир.

Жамиятда яшовчи кишилар ҳамиша ва ҳар доим озиқ-овқат, кийим-кечак, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига муҳтож. Бу муҳтожликни бошқариш, унга адолатли ёндошиш ҳар бир раҳбар ва фуқаронинг бурчидир. Бурч эса инсон маънавияти, маърифати даражасига боғлиқ. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини кишилар таъминлар экан, аввало юксак маънавият ҳақидаги режалар амалга оширилиши, заруриятга айланиши керак. Шу иқтисодиётни юксак маънавиятлilar ҳал этадилар. Иқтисодий маънавият қанчалик юксалса, жамият ҳам барқарор ривожланади. Маънавий юксак шахсларгина давлат ва мамлакат ривожига ўз ҳиссасини қўшадилар. Улар мамлакат менга нима берди? деб эмас, балки мен мамлакатга нима бердим? қабилида иш тутадилар. Маънавияти юксак инсонлар мамлакат бойликларини асраб авайлайдилар, тежаб-тергаб фойдаланадилар. Халқ олдидаги масъулиятиларини чукур ҳис этадилар. Яратувчилик, ижодкорлик, ташаббускорлик ишлари билан шуғулланадилар. Иқтисодиёт ҳаётни ҳаракатлантирувчи куч эканлигини бошқалардан кўра кўпроқ тушунадилар. Миллий мустақилликни мустаҳкамловчи манбаларни эъзозлайдилар.

Маълумки, мутахассисларнинг фикрича, мамалакатимизда Д.Менделеев даврий системасидаги барча элементлар бор. Булар миллий бойликлардир. Уларнинг қиймати 3,3 триллион долларни ташкил этади. Фойдали ер

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 300-бет.

қазилмаларидан: олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузлари, фосфоритлар, каолинлар бўйича мамлакатимиз дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. Газ захиралари 2 триллион куб метрга яқин, кўмир эса 2 миллиард тоннадан ортиқ, ҳажми 350 миллион тоннага яқин нефть заҳираси бор. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Демак, иқтисодиётни ривожлантиришнинг моддий базаси етарлидир. Бу база юксак маънавиятли инсонлар томонидан тежамкорлик билан фойдаланилса, халқ эҳтиёжи ва манфаатлари тўла қондирилади. Фойдаланиш эса маънавиятли ва маърифатли кишиларнинг фаолиятига боғлиқdir.

## **5.2. Бозор иқтисодиёти тушунчаси, унинг концепциялари ва маънавият**

Маълумки, бозор иқтисодиёти тушунчасига собиқ иттифоқ даврида салбий баҳо берилиб, унинг ижобий томонлари ҳам танқид қилиниб келинди. Чунки мавжуд бўлган системалар: «капитализм» ва «социализм» бир-бирига бутунлай зид эдилар. Биринчиси хусусий мулкни муболағалаштириб кўрсатса, иккинчиси унга мутлақо салбий баҳо бериб, мулкни ёппасига давлат тасарруфига олиш тарафдори эди.

Шулардан хулоса қилиб совет иттифоқи таркибидан ажралиб кетган ёш мамлакатлар турли назариялар асосида ўз ривожланишини белгилашга ҳаракат қилдилар. Президент И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида назарий концепциялар устида тўхталиб, уларнинг моҳиятини қўйидагича очиб беради:

«Асосий эҳтиёжлар» концепцияси. Аҳолининг энг кам тириклик эҳтиёжини кафолатли тарзда таъминлаш ва иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этиш ушбу концепциянинг асосий мақсадидир;

«Мақбул ёки тегишли технология» концепцияси. Бу концепция аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва маҳаллий хом ашёни, аввало қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашга қаратилган сермеҳнат технологияни ривожлантириш зарурлигига асосланади;

«Ўз қучига жамоа бўлиб таяниш» концепцияси. Бу концепция мавжуд заҳиралардан тўлиқроқ фойдаланишга ва ривожланаётган мамлакатларнинг тараққий этган мамлакатларга қарамлигини камайтириш мақсадида улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган;

«Янги халқаро иқтисодий тартиб» концепцияси. Бу концепция ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан мустамлака ҳолатидан қутулишга ва иқтисодий қолоқлигини тугатишга, teng ҳуқуқли шериклар сифатида тан олиниш, хом ашё ва саноат молларига ўз манфаатларига мувофиқ келадиган янги нархларни, халқаро савдо меъёрларини, валюта курсини белгилашга, замонавий технологияларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтиришга бўлган умумий интилишларини акс эттирди».

Ривожланаётган мамлакатларнинг андозалари, уларнинг иқтисодий йўллари, ушбу келтирилган концепциялар ва назарияларнинг ўзига хос қўшилмасидан иборат, деб кўрсатади. Шу билан бирга улар бир-биридан фарқ қиласидиган, яъни бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич шартларига кўра ажратиладиган уч хил ёндошувни ўзига хос жиҳатларининг назарий томонларини кўрсатиб бердилар. Бинобарин:

Биринчиси: бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва ривожлантириш, узоқ давом этган эволюцион тараққиёт йўлини босиб ўтган, ривожланган мамлакатларда аралаш иқтисодиёти шакллантиришdir.

Иккинчиси: ривожланаётган мамлакатларнинг энг оддий ва бозор патриархал-феодал муносабатлари кўринишларига эга бўлган анъанавий иқтисодиётини маданий бозор муносабатларига айлантиришdir.

Учинчиси: собиқ социалистик мамлакатларнинг яккаҳокимлик тартибидан маъмурий-буйруқбозлиқ бошқарув ва марказлаштирилган раҳбарлик усулидаги режалаштиришдан бозор муносабатларига, демократик жамиятга ўтишидир. Яъни, ўз тараққиётининг илк босқичларида нархларни эркин қўйиб юбориб, кейинчалик иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган.

Ўзбекистон ҳукумати ана шу йўналишларни таҳлил қилар экан, Ўзбекистоннинг ўзида бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўл ва усулларини ишлаб чиқди.

Бозор иқтисодиёти ва ислоҳотларнинг негизини ташкил қилувчи йўлларнинг ғоят хилма-хиллиги, эркин бозор рақобатчилиги, иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши билан қай даражада қўшиб олиб борилиши, уларнинг ижтимоий йўналиши, ҳал қилинаётган катта иқтисодий муаммоларнинг устуворлиги билан боғлиқдир.

Шу сабабли, бизнинг қатъий нуқтаи назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлаб олишдан иборатдир.

Жумладан, «Америкача андоза» да эркин бозор муносабатлари катта аҳамиятга эга бўлса, «Япон», «Француз» андозаларида хўжалик фаолиятини ташкил қилишда давлат кўпроқ иштирок этади. «Немис» ва «Швед» андозаларида ижтимоий фаолиятга эътибор кўпроқ қаратилади. Лотин Америкаси ва Африка мамлакатларида андозаларда асосий эътибор иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бюджетни тўлдиришга кўпроқ эътибор қаратилади. Баъзи мамлакатларда «фалаж» (шок) ҳолатидан, яъни ўз тараққиётининг илк босқичларида нархларни эркин қўйиб юбориб кейинчалик иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган.

Ўзбекистон ҳукумати ана шу йўналишларни таҳлил қилар экан, Ўзбекистоннинг ўзига хос бозор муносабатларига ўтишнинг маҳсус йўлини танлади. Бу танлашда барча тажрибалар бутунлай инкор этилмасдан, уларнинг ижобий томонларидан тўла фойдаланилди.

Ўзбекистон учун ўзи танлаб олинган маҳсус йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатлари, шарт-шароитлари ва хусусиятлари кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир.

Айни мана шундай йўл Ўзбекистон халқининг муносаб турмушини, унинг маънавияти, ҳуқуqlари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий анъаналари ва маданиятининг қайта тикланишини, инсоннинг шахс сифатида маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин.

Бу ўринда тарихан таркиб топган ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг мазмунига кўра, Осиёда шаклланган анъанавий ишлаб чиқариш усули ва меҳнатни ташкил этиш шакллари Ўзбекистонга хос эканлиги ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг йўллари ва андозаларини танлаб олишга таъсир қилаётган жиддий омилдир. Шу билан бирга, бозор муносабатларига ўтишнинг

махсус йўлини танлаб олиш, аҳолининг тафаккур ва миллий-тариҳий турмуш тарзини, ҳалқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама эътиборга олиш ҳал қилувчи омиллардандир. Ижтимоий жиҳатдан уюшиб яшашнинг жамоа шакли Ўзбекистон ҳалқига тарихан хос бўлиб, бу унинг анъанавий турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқдир. Унда Ўзбекистон ҳалқининг миллий руҳиятига хос бўлган этнопсихологик меъёрларнинг хусусиятини ҳам эътиборга олиш зарур. Бу ҳол, ижтимоий онг даражасида одамларнинг янгиликларга, қадриятлар тизимини ўзгартиришга, қарор топган меъёрларни, уларнинг хатти-ҳаракат қоидалари ва андозаларини барбод қилишга олиб келадиган туб ўзгартишларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатида намоён бўлади.

Туб аҳолининг ерга яқинроқ бўлиши, ўз уйи ёнида томорқа хўжалигига эга бўлишга анъанавий интилиши, унинг манфаатлари ва турмуш тарзида ўз изини қолдирмоқда. Ҳаётий қадриятлар, оиласи турмуш муносабатлари нормалари, меҳнат фаолияти соҳасидаги кўнкимлар шундай турмуш тарзига хосдир.

Шу сабабли, иқтисодиётдаги ислоҳотларни амалга оширишнинг беш тамойили ишлаб чиқилдики, бу тамойилларда республика аҳолисини турмуш тарзи, фаолияти ҳисобга олинди. Бу танланган йўлни эндиликда «Ўзбек модели» деб кўп мамлакатларда эътироф этилди. «Ўзбек модели»даги тамойиллар қуидагилардир:

## **1. Иқтисодий ислоҳотлар сиёsatдан, мафкурадан холи бўлиши**

Мустақил Ўзбекистон ҳаётида бу тамойил айниқса зарурлигини ҳаёт тасдиқлади. Зеро, сиёsat иқтисодиётга тазиқ ўтказиб келган даврларни Республика аҳолиси яхши билади. Ўша собиқ иттифоқ давридаги айнан шу ҳолат аҳолининг ижтимоий яшаш даражасини салбий оқибатларга тушириб қўйган эди. Шу сабабли иқтисодиёт ҳам етарли тараққий этмаганди. Бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодий турмуш етакчи бўлгандағина бошқа соҳаларни самарали ривожлантириш мумкин. Бу даврда мафкуранинг вазифаси жамиятдаги аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаши лозим эди.

## **2. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида давлат бош ислоҳотчи бўлишидир**

Бу даврда давлат иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг мукаммал режаларини тузиши ва уни ҳаётга татбиқ этиш учун чора тадбирлар кўриши талаб этилади. Ўтиш даврида иқтисодиётни тартибга солиш ўта муҳим бўлиб, унга кимдир албатта жавобгар бўлиши керак. Бу давлатдир. Бозор ҳам ўз-ўзидан тартибга тушмайди, шу сабабли давлат бозорни тартибга туширувчи қуролдир. Айниқса, собиқ тузумни талабга жавоб бермайдиган томонларини янгилаш, пайдо бўлган янги бошқарув системаларини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожини таъминлаш, нарх-наволарни тартибга солиш, солик тизимини мустаҳкамлаш, банк-кредит муаммоларини ечиш,

миллатларо тотувликни кафолатлаш давлатнинг муҳим вазифасидир. Шу сабабли, ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчилигини сақлаш фақат ютуқларга олиб келади, холос.

### **3. Республика фаолиятида қонун ва қонунлар устуворлигини таъминлаш муҳимдир**

Демократик йўл билан қабул қилинган Республика Конституцияси ва бошқа қонунларга риоя қилиш ва уларни ҳурмат қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчига айланиши лозим. Бозор муносабатлари шароитида, бозор хўжалигининг ўзи ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаса, тартибсизликларни келиб чиқишига олиб келади. У ҳуқуқий норма ва қоидаларга таяниши керак. Бозор муносабатларига ўтган мамлакатларда қонунчиликка риоя қилиниши таъминланган. Қонунчилик, бозор муносабатлари иштирокчилари таркибини аниқлабгина қолмайди, балки уларнинг ўзлари қарорлар қабул қилиши, қоидаларга риоя қилишини ҳам таъминлайди. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос ва мос келадиган ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш уч-тўрт йилнинг вазифаси эмас. У узоқ муддатни ўз ичига оладиган мураккаб жараёндир. Қонунларни мукаммал қилиб яратиш, уларни ҳаёт билан боғлаш айниқса муҳимдир.

### **4. Кучли ижтимоий сиёsatни ўtkaziш**

Бу тамойил бевосита аҳолини ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқдир. Ўтиш даврида аҳоли таркибини, унинг аҳволини назардан четда қолдирмаслик айниқса долзарб масаладир. Аҳолининг энг камбағал, ёрдамга муҳтож табақаларини аниқлаб, уларга ёрдам кўrsatiш, фуқаролар осойишталигини барқарорлаштириш, ислоҳотларни ўтказиша тўсиқлар бўлмаслигини таъминлайди. Ўтиш даврида одамларни кучли даражада ижтимоий ҳимоялаш бош мақсад бўлиши керак. Уни кечиктириб бўлмайди, акс ҳолда бекарорлик вужудга келиб бозор муносабатларига зарар келтиради. Бозор муносабатларига ўтишни жадал олиб бориб кам таъминланган ночор оиласлар, нафақадагилар, талаба ва ўқувчиларга ёрдам кўrsatiш, кучли ижтимоий сиёsatни амалга оширишнинг асосий мақсадидир. Ишсизликнинг олдини олиш, соғлиқни сақлаш, маориф тизимини ривожланишини барқарорлаштириш улкан вазифадир.

### **5. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг эволюцион ёки босқичма-босқич амалга ошириш**

Маълумки, жамият тараққиёти икки йўл билан, яъни «инқилобий сакрашлар» ёки «аста - секинлик» билан амалга оширилади. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш даврида босқичма-босқич ўтишдан фойдаланиш

қўл келади. Тўғри, республикадаги марказдан режалаштиришга мослашган иқтисодиётни йўқ қилиш ёки бирдан ютуқларга эришиш қийин муаммодир. Маъмурий-буйруқбозлик услубларидан янги бошқарув системасига ўтиш ҳам мушкулдир. Бу соҳаларнинг ҳаммаси бир сифатдан иккинчи сифатга ўтишдир – янги ҳаётдир. Бу янги ҳаётни шиддат билан қуриб бўлмайди. Ҳар бир йўналишни мукаммал ўрганиш, ҳаёт талаблари даражасига кўтариш вақт ва ижодни талаб қиласди. Бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш «фалаж қилиб даволаш» йўли билан борса яхши натижаларни бермайди. Аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетади. Бозор иқтисодиётига сакрашларсиз, инқилобий ўзгаришларсиз, аксинча, изчиллик, сабр-тоқатлилик ва босқичма-босқич ўтиш давр талаби ҳамдир.

Кўриниб турибдики, бозор муносабатларига ўтишнинг тамойиллари нафақат назарий жиҳатдан мустаҳкам, балки, амалий фаолият дастури ҳамдир. Бу тамойиллар И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида янада мукаммаллаштирилди.

### **5.3. Ўзбекистон миллий мустақиллигининг иқтисодий ва маънавий-маърифий асослари**

Мустақилликка эришган мамлакатимиз мустақил ҳолда ўзининг ривожланиш имкониятларини ҳисоблаш учун бир қанча тадбирларни амалга оширди. Ўз худудидаги фойдали қазилмалар турлари ва уларнинг миқдори, сифати, табиий иқлим шароитлари аниқланди. Халқимизнинг куч-қудрати, миллий кадрлар тайёрлаш, уларнинг илмий ва ташкилотчилик фаолияти ҳисобга олинди.

И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли асарларида шу муаммолар ҳақида батафсил фикр юритилиб, иқтисодиётнинг маънавий-маърифий асослари назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган. Ўзбекистон ўзининг ер ости бойликлари ва илмий салоҳияти жиҳатидан фахрланишга лойиқ. Эндиликда 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилмалар конлари бўлиб, улар 100 дан ортиқ минерал хом ашё турларини ўз ичига олган. Шулардан ҳозир 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ кон қидириб топилиб, уларнинг қиймати 970 миллиард АҚШ долларини ташкил қиласди. Табиий газ бўйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо металлар бўйича 40 дан ортиқ рангли, нодир ва радиоактив металлар, 15 та кон қидириб топилди. Ҳар йили Ўзбекистонда конлардан тахминан 5,5 миллиард долларлик фойдали қазилмалар олинмоқда, уларнинг ёнига 6,0-7,0 миллиард долларлик янги заҳиралар топиб қўшилмоқда. 160 дан ортиқ нефт кони мавжуд. Демак, республика тараққиётини таъминлашда иқтисодий манбалар мавжуд. Шу манбаларни ишга тушириш инсон салоҳиятига, маърифатига боғлиқ. Жамиятнинг улкан бойлиги, тараққиёти халкнинг абадий қадриятларига, урфодатларига, маънавиятига бориб тақалади. Ўз навбатида халқни миқдор ва сифат жиҳатдан ўсиши ҳам катта аҳамият касб этади. Бу омилларнинг кучи, таъсири энг аввало юксак маънавият билан, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг даражасини белгилаб беради.

Меҳнат заҳираларини кўпайтириш ҳам ривожланиш омилларидан бирини ташкил қиласди. Бир йилда ярим миллионга яқин аҳоли ўсиши кузатилмоқда. Аҳолининг саводхонлиги эса 99,06 фоизни ташкил этаётир. Ҳозирги кунда 65 дан ортиқ олий ўқув юрти, 300 га яқин ўрта маҳсус ўқув юртлари, шулардан 260 таси қасб-хунар коллежларидир. 47 та академик лицейлар қурилиб фойдаланишга топширилди. 10 йилда бу ишларга 135 миллиард сўм сарфланди. 101 та илмий тадқиқот институтлари, 65 та лойиҳа-конструкторлик ташкилоти, 32 та илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, 30 та ахборот-ҳисоблаш марказлари ишлаб турибди. Фан соҳасида 50 мингга яқин киши, шулардан, икки минг саккиз юзтаси фан доктори, тахминан 16,1 мингги фан номзодларидир. Ҳозирги даврда фаннинг 20 та тармоғи бўйича малакали илмий кадрлар тайёрланмоқда. Бинобарин, ушбу соҳаларнинг барчаси аҳолини юксак маънавият сари етаклашда муҳим омил ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнда

айниқса, иқтисодиёт ва маънавият бирлигига эришилса, ривожланиш шунчалик тез амалга ошади. Бу соҳалар бир-бирини инкор этмай, балки, бир-бирини тўлдиради. Маънавияти юксак инсонлар жамоа ва давлатнинг, бирорнинг мулкига хиёнат қилмайди. Маънавияти қашшоқ кишилар эса буни аксини қиласи. Фақат ўз манфаатини ўйлаб иш юритади. Иқтисодиётни ривожлантириш кўп жиҳатдан тадбиркорлар синфининг маънавиятига боғлиқ. Ҳозирги тадбиркор ўта тежамкор бўлиши билан бирга, қўйидаги юксак маънавият қирраларига эга бўлиши зарур:

- Ватан олдидаги ўз бурчини тўғри англаши;
- савдо-сотиқ ва ўз корхонасининг фаолиятини аниқ тасаввур қилиши, ўз соҳасининг илмий ва амалий жиҳатларини мукаммал билиши, маърифатли бўлиши;
- дунёвий билимларга ва ўз дунёқарашига эга бўлиши;
- ўз соҳасига оид қонун ва қарорларни мукаммал билиши;
- бойликка, шахсиятпарастликка, манманликка берилмаслиги, камтар, олижаноб, софдил, одоб-ахлоқли бўлиши;
- барча соҳаларда ҳалол ва ҳаромни ажратса билиши, меҳнатсевар, инсонпарвар бўлиши;
- хорижий тилларни билиши;
- инсофли ва адолатли, мард, қатъиятли, бошлаган ишининг натижасини олдиндан кўра билувчи бўлиши ва ҳакозо.

Биз биргина тадбиркорнинг юксак маънавияти қирралари тўғрисида тўхталганимиз билан, лекин, барча иқтисодиёт билан шуғулланадиган инсонлар тўғрисида ҳам шу хислатларнинг бўлиши зарур деймиз. Минг афсуслар бўлсинки, инсонлар орасида юксак маънавият қирраларини тўғри тушунмайдиганлар ҳам оз эмас. Улар жамият олдидаги бурчларинида ҳам унугдилар. Аслида, инсон бурчлари ҳам бугун ўйлаб чиқилган эмас, улар отабоболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибасининг натижасидир. «Бозор, иқтисодиёти - деган эди, И.А.Каримов, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида – инсон маънавиятини унтиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан кувсақда, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса-бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ». Шу сабабли, ҳам Республика мустақилликка эришгандан бўён ўтмиш маданияти ва маънавияти, қадриятларни тиклаш, миллий онгни ўстириш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб олган. Қайси жамиятда маънавий жиҳатлар қадрланар экан, ўша жамиятда яшаётган инсонлар ижтимоий тарафдан кўпроқ кафолатга эга бўладилар. Шу сабабли юксак маънавиятли бўлиш борасида тинмай ҳаракат қилинмоқда. Зоро, миллий истиқлол мафкураси маънавий, маърифий қадриятларга ҳам боғлиқ. Собиқ иттифоқ даврида гоҳида яширин, гоҳида очиқ халқимиз камситилиб келинди. «Сизлар ўз-ўзларингни мустақил бошқаришга, мустақил давлат қуришга қодир эмассизлар», «Сизлар муте, қарам миллатсизлар», «Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, амру фармон берамиз, сизлар эса бажарасиз,

холос»<sup>1</sup> деб келгандар. Президентимиз И.А.Каримов сиёсий бюро аъзоларининг бу фикрларини бекорга мисол қилиб айтмаган. «Биз юқоридамиз» деб туриб олганларни фикрлари нақадар ҳаёсизлик эканлигини тарих кўрсатаётир. Мафкура якка ҳокимлигидан қутулган халқ ўз маънавияти ва мафкурасини тиклаб цивилизациянинг юқори чўққиларига қараб интилиб бораётир. Бинобарин, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук инсонлар ҳал қиласи.

Дунёвий билимларни эгаллаш, маънавий баркамолликни ҳам таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади. Баркамоллик эса инсоннинг руҳий ва маънавий салоҳиятини, маърифий хислатининг олий нишонасидир. «Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз ва уни тўла татбиқ этамиз. Одамларимиз омилкор, салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтимоий майдонларда собит турадиган бўлсинлар»<sup>1</sup>. Ҳозирги қунда ҳам ушбу фикрларга амал қилинган ҳолда иш олиб борилмоқдаки, бу давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Давлат томонидан, маънавий ва маърифий ишларга ёрдам қўлини чўзаётган кишиларга, тадбиркорларга, барча ҳомийларга ёрдам кўрсатилиб, баъзи имтиёзлар берилаётганинг гувоҳимиз. Маълумки, маънавий-маърифий соҳаларни ривожланиши учун аввало давлатнинг ўзи ҳомийлик вазифасини ўтамоқда. Чунки, маънавият ва маърифат ўта эътиборни талаб қиласидан соҳалардир. Бу масалани ҳал этишда ҳам донишманларимиз ўгитларига, яъни «Маърифат-бу шиҷоатдир» деган фалсафий фикрларга амал қилинган ҳолда иш олиб борилаётир.

Маърифатга ишонганлар маърифатли кишиларни эъзозлайди ва уларни ўз вақтида ижоди учун шарт-шароит яратади. Сабаби, маърифатга эътибор берган жамият ўзининг ёш авлодларини унутмайди. Ёш авлод эса келажак пойдеворидир. Мақсадга эришиш, янги жамият қуриш шу авлодга боғлиқ. Иқтисод ва маънавият, маърифат, сиёsat нима эканлигини уларга ўз вақтида тушунириш шу жамиятда яшовчи кекса ва ўрта ёшли зиёлиларнинг улкан вазифасидир. Чунки барча соҳалардаги ислоҳотларнинг тақдири шу ёшларнинг қўлидадир. Шу маънода иқтисодий ислоҳотларда давлат бош ислоҳотчи эканлигини эътироф этар эканмиз, маънавий-маърифий соҳаларда ҳам шундай бўлса, бу ютуқлар гарови бўлади. Яъни давлат маънавий йўналишларни белгилаб бериши айни муддаодир. Бозор муносабатлари даврида маънавий тарбиянинг самарадорлигига айниқса диққат-эътибор қаратилиши зарур. «Маънавият тарбиянинг ажралмас қисми экан, ундан оқилона фойдаланиш, ёшларни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш давр талаби. Ахлоқ маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи ноёбдир. Ахлоқ аввало инсоф, диёнат,adolat туйғуси, меҳр-шафқат, иймон, ҳалолликдир. Демак, жамият аъзоларини ахлоқли қилиб тарбиялаш, ўз иқтисодиётини ўнглашда муҳим

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. З-том, Т.: «Ўзбекситон», 1996, 34-бет.

<sup>1</sup> И.А.Каримов Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.

Т.: «Ўзбекистон», 1995, 47-бет.

омилдир. Бу соҳада муқаддас динимиз исломнинг ҳам беқиёс ўрни бор. Ислом дини – бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йигиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиласидилар ва яхши ўгитларга амал қиласидилар. Мехр-оқибатли, ор-номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиласидилар»<sup>1</sup>. Бундан ташқари маълумки, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Абдухолик Фиждувоний, Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби алломаларимиз қолдирган тариқатлар ҳам маънавий заминларимизни ташкил этади. Бу тариқатлар инсонларни маърифатли, юксак маънавиятлиликка чақирган. Умуман олганда, динимиз халқ маънавиятини юксалиши учун замин яратувчи беқиёс манбадир. Ундан фойдаланиш бизнинг вазифамиздир.

**Таянч сўз ва иборалар:** иқтисод, интеллект, тадбиркор, бизнес, мулкдор, интеллектуал мулк, маънавий бойлик, ижтимоий тараққиёт, тариқат, ахлоқ, ижтимоий салоҳият, регрессив тараққиёт, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели, эркин бозор рақобатчилиги, бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари, ижтимоий ҳимоялаш, «инқилобий сакрашлар», маъмурий буйруқбозлик методи, тоталитар тузум, «фалаж қилиб даволаш» йўли.

### Ҳикматлардан намуналар

Хунар бирла ақлинг бириккан ҳамон,  
Ҳар иш бу жаҳонда юришгай равон.

**Абулқосим Фирдавсий**

Суқ одамлар мол – мулкка интилар,  
Ўлимтикка ташлангандек қузғунлар.

**«Девону луготит турк»**

Жаҳон шодлигининг боиси деҳқон,  
Унинг бирла экинзор, боғу бўстон.  
Бу ишдин яхши оламда не бордур,  
Одам наслига бу иш ёдгордир.

Косибдан шод хуррам йўқ жаҳонда,  
Хунардан яхши дур ҳам йўқ жаҳонда.

**Носир Хисрав**

Мардлар каби сен хунар талаб эт,  
Хунарсизлардан узоқ - узоқ кет.

**Хусрав Дехлавий**

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-том, Т: «Ўзбекистон», 1996, 40-бет.

## **Тест топшириқлари**

### **1. Иқтисодиёт – бу....**

- а) моддий ва маънавий бойликлар яратиш билан боғлиқ жараёнлар тизими;
- в) кишилар истеъмолини таъминлайдиган моддий неъматлар;
- г) ишлаб чиқариш билан боғлиқ муносабатлар мажмуи. Инсоннинг бутун фаолияти давомида билим олишга бўлган интилиш;
- д) кишилар эҳтиёжини қондириш;
- е) барча жавоблар тўғри.

### **2. Иқтисодиёт сўзи кенг маънода ишлатилганда ...**

- а) бирор ижтимоий ишлаб чиқариш кучлари ривожининг ишлаб чиқариш муносабатларига мос келиши тушунилади;
- в) муайян ижтимоий тузумнинг бальзиси тушунилади;
- г) алоҳида субъектнинг иқтисодий муносабатларида қатнашиши тушунилади;
- д) иқтисодий тафаккур ва дунёқарашни ўзгартириш тушунчалари;
- е) а ва в

### **3. Маъмурий-буйруқбозлик тизимида иқтисодиётимизга хос бўлган жиҳатларни аниқланг?**

- а) ривожланган мамлакатлар билан алоқа яхши йўлга қўйилган эди;
- в) республикадан хом ашё базаси сифатида фойдаланилар эди;
- г) иқтисодиётда рақобат кучли эди;
- д) инсон омилига эътибор кучли эди;
- е) аниқ жавоб йўқ.

### **4. Муқаддас «Қуръони Карим»да иқтисодий маънавият, иқтисодий тафаккурга оид оятлар нечтани ташкил этади?**

- а) 300 га яқин;
- в) 100 га яқин;
- г) бундай оятлар учрамайди;
- д) 50 га яқин;
- е) 400 га яқин.

**5. «Мавжуд улкан ресурслар, ақл-зиё ва ишлаб чиқариш потенциали давлат мустақиллиги билан биргаликда Республикада иқтисодиётни янгилаш, унинг маърифий ривожланиши йўлига ўтказишга доир туб ислоҳотларни амалга оширишга ҳақиқий, шарт-шароит ва имкониятлар яратади» – деган фикр И. А. Каримовнинг қайси асарида айтилган?**

- а) «Ўзбекистон буюк келажак сари»;
- в) «Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёsat, мафкура»;
- г) «Тарихий хотирасиз келажак йўқ»;
- д) «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда»;
- е) «Эгали юрт эркини бермас».

**6. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели» ...**

- а) ўзбек халқининг миллий, тарихий турмуш тарзини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилади;
- в) иқтисодий плюрализмга асосланиб, эркин рақобатни тақозо этади;
- г) иқтисодиётда давлат ролини оширишга асосланган;
- д) мулқдорларни шакллантириш;
- е) а ва в.

**7. Таракқиётнинг «Ўзбек модели» қайси моделларга суянган?**

- а) «Америкача андоза» асосида ишлаб чиқилган;
- в) ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт йўлини чуқур таҳлил қилган ҳолда ишлаб чиқилган;
- г) «Япон» ва «Француз» моделларига асосланади;
- д) «Туркия» моделига асосланади;
- е) барча жавоблар тўғри.

**8. Иқтисодий маънавиятли шахс деганда қандай кишини тушунасиз?**

- а) иқтисодий билимларга, кенг дунёқарашга эга киши тушунилади;
- в) бойликка, шухратпарастликка берилмаган инсон ҳақида тасаввур пайдо бўлади;
- г) иқтисодий жараёнларни олдиндан кўра биладиган, тадбиркор, ҳалол ва ҳаромни ажратса оладиган кишилар тушунилади;
- д) иқтисод ва сиёsatни тушунадиган кишини;
- е) барча жавоблар тўғри.

## **6-мавзу: Маънавият ва сиёсат, хуқуқ, мафкура**

### **6.1. Маънавият ва сиёсат ижтимоий ҳодиса сифатида. Адолатпарварлик ва зўравонлик сиёсати**

Демократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш учун юксак маънавиятли кишиларга эга бўлиш биринчи вазифадир. Маънавият, сиёсат, мафкура жараёнларининг ўзаро бирлиги ҳақида олимлар томонидан мукаммал фикрлар ишлаб чиқилмаган бўлса-да, Президент И.Каримов асарларида уларнинг узвий алоқадорлиги ҳақидаги жараёнлар кўрсатилган. Зеро: «Сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамиятда демократия, фикр ва виждан эркинлиги тамойилларини, гуманизм ғоялари ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, демократиянинг зарурий шарти бўлган қўппартиявилик муҳитини вужудга келтириш лозим. Амалдаги қўппартиявилик – бу ҳар хил қараш ва ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, муҳолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир. Миллий демократик давлатчиликни қонун чиқарувчи, ижро ва суд хокимиятларига бўлиниш борасидаги конституциявий тамойил асосида барпо этиш»<sup>1</sup> олижаноб вазифадир.

Маънавият ва сиёсат-ижтимоий ҳодисадир. Булар инсон фаолиятини, унинг турмуш тарзини қамраб олган, ўзаро боғлиқ бўлган икки соҳадир. Дунё ҳалқлари фаолиятида маънавият катта аҳамият касб этган бўлса, сиёсат ҳам назардан четда қолган эмас. Шу сабабли, бу масалага қадимдан эътибор қаратилган. Турли мамлакатларда турлича ёндошилган. Зеро, сиёсат салтанат ёки давлатни бошқариш билан боғлиқ бўлган. Энг қадимги ҳалқ оғзаки ижодиёти, ёзма асарлар ва ёдгорликлар жумладан, «Авесто», «Маҳабҳорат» Конфуций асарлари, Платон, Аристотель, Сократ, Абу Наср Форобий фикрлари шулардан далолат беради. Қадим даврларда «сиёсат» сўзини ишлатибгина қолмаганлар, балки асарлар ҳам ёзганлар. Жумладан, Аристотельнинг «Сиёсат» асари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўша вақтдаги сиёсат тўғрисидаги асарлар, жамият ва давлат доирасидаги барча бошқарув ёки адолатпарвар ғоялар тамойилларини тарғибот қилишдек соҳаларни қамраб олган. Шу сабабли, сиёсат маънавий жараёнларга мазмуни билан жуда яқин туради. Лекин улар алоҳида-алоҳида характерга эга. Сиёсат ва маънавият ўртасидаги муносабат, уларнинг бир-бирига таъсири, кўпинча кишилар ўртасида бўладиган мулоқотларда яққол кўринади. Сиёсий ишда жамиятларда ўз тараққиётидан келиб чиқиб ҳамиша ҳам маънавий жараёнларга жиддий ёндошилмаган. Сабаби, сиёсат ўз олдига ҳамиша мақсад қилиб у ёки бу революцион, эволюцион ўзгаришларни қўяди. Бу жараёнларда маънавий соҳалар қисман иккинчи даражали бўлиб, четда қолдирилади. Чунки сиёсатда ижтимоий соҳалар кўпроқ қамраб олинади, яъни давлат тизимини ўзгартириш, ахолининг фаровонлигини таъминлаш, унинг тоифалари ўртасида тенглигини

<sup>1</sup> И.А.Каримов.. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 13-14-бетлар.

сақлаш, халқ маорифига эътибор қилиш, иқтисодий соҳаларни тараққий қилдириш кабилар кўзда тутилади.

Собиқ иттифоқ даврида «Сиёсат» деганда иқтисодни уюшмаси (концентрацияси) тушунилар эди. Ўша даврда сиёсат иқтисоддан устун қўйилган бўлиб, маълум маънода кўп жараёнлардан ажратиб қўйилган эди. Бу кўпгина салбий оқибатларга олиб келганлигини биз сиз билан гувоҳимиз.

Олиб борилган ички сиёсат миллий урф-одатларга қарши эди. Маҳаллий халқлар қадриятларини ҳисобга олиш ва уларнинг миллийлигини сақлаш, аҳолини иш билан таъминлаш каби соҳаларга асосланмаган эди. Сиёсатни маънавият билан боғланиши тўғрисида ҳатто сўз юритилмас эди. Маълумки, маънавият-жамиятнинг, миллатнинг, айрим бир кишининг ички ва ташқи ҳаёти, маданияти, руҳий кечинмалари, ахлоқий қобилияти, идрокини ифода этадиган тушунчадир. Демак, уни сиёсатда ҳисобга олмасдан илож йўқ. Уларни ҳисобга олгандагина жамият, давлат ўз сиёсатини тўғри белгилаши мумкин.

Манъавиятни сиёсат билан боғлашда энг аввало, умуминсоний манфаатларни ҳисобга олиш бўлса, ундан кейин эса ҳар бир шахснинг, инсоннинг, гуруҳнинг маънавий жиҳатларини ҳисобга олиш керак бўлади. Тарихдан маълумки, айрим шахс ёки маълум бир гуруҳлар мамлакат аҳолиси учун хизмат қилган, аммо хизмат қилиш ҳам турлича бўлади. Масалан, Германия мамлакати фашизми вакиллари фақат ирқий муносабатларни сиёсат билан аралаштириб дунё аҳолисини тинчлигини бузган ва ўз аҳолисига шу йўл билан хизмат қилган эдилар. Ана шундай сиёсат ҳозирги кунда ҳам мавжуддир. Россиядаги бемаъни баъзи шахслар, сиёсатчилар, бир гуруҳ кишилар ҳам шунга ўхшаш муносабатларни тиклашга интиладилар (Бунга мисол дума депутати, Россия либерал демократик партиясининг бошлиғи Жириновский В.В ва унинг гумашталаридир). Шу тоифадаги сиёсатчиларни, миллатчи, ирқчи, умуминсоний қадриятларни ҳисобга олмайдиган, кўр-кўронга иш олиб борадиган шахслардир деб қараш лозим. Улар тилда сиёсатчилару, дилда фашистлардир. Сиёсат сўзидан бир томонлама фойдаланувчилардир.

Сиёсат тушунчасида турли манфаатларни кўзлаш, амалга ошириш ётади. Аслида, сиёсат – бу жамият ҳаётининг турли жабҳаларида пайдо бўладиган зиддиятларни, мураккаб вазифаларни бажаришга, аниқ мақсадларга эришишга қаратилган гуруҳ, партия, синф, давлат фаолиятидир. Сиёсатни олиб бориш, ҳаётга татбиқ этиш ўта мураккабдир. У юксак маънавиятни талаб этади. Қачонки сиёсатнинг мазмунида, жамиятнинг, жамоатнинг, давлатнинг маданий, маънавий фаолияти акс этсагина, бу сиёсат халқ томонидан қўллаб қувватланади. Чунки, унда умумхалқ эҳтиёjlари мужассамлашган бўлади. Сиёсат ҳам юксак маънавиятни юксалишига таъсир этса, у барқарор бўлади. Шу боис И.А.Каримов «Давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг мазмuni шуки, деган эди, мустақиллигимизнинг бир йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқида-юртимизда яшаётган барча миллат вакилларининг манфаатлари ва хуқуқларини ҳимоя қилиб, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришга, уларнинг давлат тузилмалари ишида ва

жамоат турмушида фаол қатнашишига кафолат берилади»<sup>1</sup>. Ушбу фикрларнинг шу кунларда тасдигини кўраяпмиз, оқилона сиёсат туфайли республикада барқарор ривожланиш ва тинчлик ҳукм сурмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, сиёсат ҳам, маънавият сингари бекиёс мазмунли аҳамиятга эга.

Ижтимоий ҳаётни бошқариш жуда мураккаб, лекин заруриятдир. Давлат бошқаруви, табиатан сиёсий бошқарув демакдир. Унинг вазифаси ҳалқ ҳаёти мураккаблигини ҳисобга олиб, ижтимоий гурӯҳларни бирлаштиришга ҳаракат қилишдир. Бунда у турли воситалардан фойдаланади, жумладан маънавий соҳалардан фойдаланиш ҳам шунга киради.

Сиёсатда адолатли бўлиш ҳалқ ютуғидир. Адолатпарварликни қарор топиши қабул қилинаётган қонунларда, олиб бориладиган тўғри сиёсатда ўз аксини топади. Шу сабабли, сиёсатнинг, адолатнинг кучи, юксак маънавиятда десак, хато бўлмайди. Юксак маънавиятли киши ўз билими билан барча жараённи қамраб олади. Қонун-қоида, маданият, урф-одат, қадриятлардан юксак маънавиятли кишигина ўз ўрнида фойдаланади. Ўтган 1917-1991 йилларда республикамиз ҳаётида шундай воқеалар ҳам бўлдики, уларни ҳалқимиз унутмаслиги лозим. Яъни, саҳоват ниқоби остида кўпгина ёвузликлар қилиндики, (тилимизга, динимизга, урф-одат, қадриятларимизга қилинган ёвузликлар кўзда тутилади) натижада бу ўзбек ҳалқи шаънига салбий таъсир этди. Булар ҳақиқатдан ҳам ёвузлик эди. Бу ёвузликтан Россиянинг ўзи ҳам фаровон бўла олмади. Ҳалқ каттами, кичикми у ёвузликни кўтара олмайди. Шу сабабли, Россияда ҳозир ҳам тинчлик йўқ. Ахир бекорга Кайковус «қўркув билмайин десанг, ёвузлик қилма» деб, аллома Саъдий эса: «Ким ёвузлик уругини сепса пушаймон йиғар», -деб бежиз айтмаганларда.

Зўравонлик сиёсатида кўпроқ ижтимоий манфаатлар ётади. Мамлакат ҳалқи манфаатидан ўзининг тор, шахсий манфаатини устун қўйиш ғаламислик сиёсатини юргизишидир. Бу менсимаслик, кўролмаслик, иқтисодий манфаат-сиёсатидир. Бу ҳалқни моддий ва маънавий жиҳатдан талон-торож қилиш зўравонликнинг негизидир. Таъкидлаш лозимки, чор Россияси амалдорлари, кейинроқ Компартия сиёсий бюроси аъзолари ўлкаларда маънавий-маданий тарқоқликни кучайтиришга, ерли миллат ҳалқларини тутқунликда саклашга интилдилар. Улардан чиқсан олим ва буюк кишиларни назардан четда қолдирдилар. Илм маърифатли бўлишга зимдан қаршилик қилдилар. Уларнинг тил ва урф-одатлари билан астойдил қизиқмадилар. Улардаги ижобий томонлар ҳисобга олинмади. Натижада, бу маҳаллий ҳалқларга жумладан, ўзбек ҳалқи маънавиятига салбий таъсир кўрсатди. Маънавий мерос бутунлай камситилди. «Пролетар маданияти», «Маданият ва маънавиятга партия раҳбарлиги», «шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият», «миллий маданиятларнинг бир-бирига яқинлашуви ва келажакда қўшилиб кетиши» каби келажаги йўқ ғоялар ҳалқларга мажбурлаб сингдира бошланди. Рус тили ва рус маданиятини Ўрта Осиё ҳалқларига зўрлик билан сингдиришга уриниб кўрилди. Петроградда 1917 йилда ишлаб турган Петроград Давлат думасидаги Туркистон масалалари бўйича котибнинг эсдаликлари бизни хайратда қолдиради. У киши 1917 йил 10-

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т.: “Ўзбекистон”, 1994, 71-бет.

апрелда Тошкентда очилган Туркистон вилоят «Ишчи ва солдат» шўроларининг қурултойида иштирок этиш учун келганида шу нарсанинг гувоҳи бўлади: «залга кирган чоғим-деб ёзади, у киши,- мен танимайдиган бир рус минбарда эди. У кишининг қайраб-қайраб такрор- такрор айтган сўзларидан қўйидагилар хотираамда: «Инқилобни рус инқилобчилари, рус ишчилари, рус солдатлари амалга ошириди. Шунинг учун ҳам Туркистонда ҳам идора, ҳокимият биз, русларницидир. Ерлилар биз нима берсак, шу билан қаноатланиши керак»<sup>1</sup>. Бу сўзларни Кўқондан келган муаллим, халқчи, социалчи гуруҳига мансуб Некора исмли кимса айтган.

Бу фикрлар зўравонлик сиёсатининг намунасиdir десак, хато бўлмайди. Албатта зўравонликнинг турли йўл ва услублари бор. Шундай йўл ва услублардан чор Россиясининг Туркистон ўлкасидағи генерал-губенатори М. Скобелев сўзларида яққол кўрамиз. Унинг: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас. Унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди», -деб айтиши ашаддий душманлик сиёсати эди. Бундай ёвуз сўзлар Скобелев сингари кимсалар томонидан фақат бир марта эмас, балки минглаб маротаба айтилганлигига ишончимиз комил. Бунга мисол қилиб, XX асрнинг 80-90 йиллардаги «ўзбеклар иши», «Рашидовхина» ҳақидаги фикрларни олса ҳам бўлади.

Маънавият ва сиёsat шахслар ва давлатнинг муҳим иш юритиш хислатларини қамраб олади. Уларни ўз ўрнида тушуниш, уларнинг илмий моҳиятига эътиборни қаратиш амалий фаолиятда ютуқлар гаровини белгилаб беради.

---

<sup>1</sup> "Тафаккур" . Т.: 1996, 3-сони, 110-бет.

## **6.2. Маънавият ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабати**

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат барпо этиш замонимизнинг конституциявий олий мақсади қилиб қўйилган ва бу мазкур йўналишда жиддий амалий ишлар олиб борилаётир. Маънавият ва ҳуқуққа ҳам турли бошқа соҳалар каби диалектик характерга эга. Шу боис ҳуқуқий давлат диалектикасини кичик бир жараёнлари ҳақида, сўз юритар эканмиз, аввало маънавият ва ҳуқуқга диалектик ёндашувнинг характеристи нима? Диалектик ёндашувнинг хусусияти шундаки, у эски фикрлар, қарашлар, ҳаракатларни ўзаро муносабатини аниқлаб, уларга ҳар томонлама ёндашувни тақозо этади дейиш мумкин.

Диалектика мазкур жараёнларни изоҳлабгина қолмай, балки ҳуқуқий ва маънавият соҳаларни ҳам турли томондан ифодалайди. Уларнинг қонун ва қонуниятларини моҳиятини ечиб, мукаммал, илмий билим беришга ҳаракат қиласи. Шу маънода айтиш лозимки, диалектика маънавий ва ҳуқуқий жараёнда ҳисоб қилинган инсон билимларининг илмий якуни ва инсон амалиётининг кейинги ривожланишини кўрсатиб берувчи назарий асос ҳамдир. Аммо собиқ иттифоқ даврида шу масалага ҳам синфий ёндошишга ҳаракат қилинди, бу айниқса ҳуқуқ соҳасига тааллуқлидир. Минг бора шукроналар бўлсинки, ҳозир эса инсонлар тафаккури ўзгариб бормоқда. Ҳуқуқнинг моҳиятини эскича тушуниш ҳам ўз-ўзидан барҳам топмоқда. Ҳуқуқни ҳақиқий тушуниш, маънавиятни, руҳиятни, диний эътиқодларни сирли олам мўъжизаларининг фаолиятини тўғри тушунишга ёрдам беради. Жумладан, демократик ҳуқуқий давлат ривожланишида ҳам минглаб қарама-қарши жараёнлар борки, уларнинг баъзиларини таҳлил қилиш бизнингча ўринсиз эмас. Маълумки, ҳуқуқий давлат тўғрисида узоқ йиллардан бери фикр юритиб келинади. Кўпгина мамлакатларда бу соҳада озми-кўпми ютуқларга эришилди ва эришимоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришган шу қисқа вақт ичida айниқса, бозор муносабатларига ўтиш даврида, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида анча-мунча ишларни амалга оширди, 500 га яқин қонунлар қабул қилинди. Демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг назарий асослари ва йўл-йўриқлари, унинг амалий томонлари Ўзбекистон Конституциясида (1992) кўрсатилди. И.А.Каримовнинг «Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» номли интервьюоси, «Ўзбекистон-келажаги буюк давлат», «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати», «Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидир», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» каби асарларида ҳуқуқий жараёнларнинг тамойиллари кенг ёритилди.

Уларда демократик ҳуқуқий давлат шаклланишининг асосий соҳалари камраб олинган. Таъкидлаш лозимки, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, факат қонунлар қабул қилиш билан чегараланиб қолмайди. Бу жараён ҳалқимизнинг юксак маънавиятли бўлиши билан боғлиқ. Аввало, ҳалқимиз яратган бой маънавий камолот қирраларидан фойдаланиб, шулар асосида ёш авлодни тарбиялаш, ахлоқли, одобли, меҳнатсевар, байналминал ва

ватанпарвар, мустақил ватанга содиқ авлодни ўстириш лозим. Бинобарин, жамиятда демократик жараёнларни шаклантириш эски дунёқараашини ўзгартиrolмайдиган ходимлар билан амалга ошмайди. Эски дунёқараашдаги камчиликларни сезадиган, унинг ижобий томонларини ҳаётга татбиқ этадиган, янгича ҳуқуқий ва сиёсий тафаккурлайдиган, етук маънавиятли ходимлар талаб қилинади. Демак, энди мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос мутассадди институтлари, ижтимоий соҳадаги академиялари бўлиши зарур. Чет эллардаги билимлар, тажрибалар олиниб, у билимларни Ўзбекистонга мослаб татбиқ этиш зарур. Бунинг учун ақл-заковатли мутахассислар керак. Ўз мутахассислигининг устаси бўлган кадрлар жамият бойлигидир. Эндиликда ватан ва халқнинг манфаатини ўйловчи, ислоҳотларни тўғри тушунадиган инсонни тарбиялаш асосий мақсад бўлмоғи даркор.

Жамиятда яшайдиган ҳар бир шахснинг индивидуал ва ижтимоий онгини, маънавиятини ўстириш асосий вазифалардандир. Давр талабидан ортда қолган маънавиятсиз, порахўр, виждонсиз кишилар билан демократик давлатни барпо этиш мумкин эмас. Бунинг учун мактаблардаги дарс жараёнларининг тарбиявий томонларини мукаммаллаштириш, Олий ўкув юртларидағи ижтимоий фанлар таъсирини кучайтириш лозим. Фан ва техника тараққиётини ўз вақтида тушунтириш, уларни амалиётга татбиқ этиш, ҳуқуқий маънавият жараёнларини назардан четда қолдирмаслик талаб этилади. Мулкчилик жиҳатларини тўғри тушунадиган ходимлар бозор муносабатларига ўтиш даври учун айниқса зарур. Мулкчилик хислатларини фақат шахсий манфаатларда деб биладиган кадрлар билан ҳам демократик ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайди. Бу соҳалар юксак маънавиятни шаклланишига боғлиқ. Юксак маънавият эса ҳуқуқий демократик давлатнинг пойдеворидир. Акс ҳолда тараққиётдаги зиддиятли, тафовутли, зарарли жараёнларнинг олдини олиб бўлмайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис томонидан, давлатнинг миллатлараро, ижтимоий, маънавий, иқтисодий тенгликларини таъминловчи ҳаракат тарозуси механизмини ишлаб чиқиш зарурдир. Зеро, ривожланиш жараёнида, ҳаётнинг барча қирраларида ҳуқуқий нормалар билан бошқаришга ва фуқаролар фаолиятига бевосита тааллуқли бўлган кўплаб қонунларни ишлаб чиқишга эътиборни қаратиш лозим. Бу эса мутахассис ва барча фуқаролардан тинмай изланишни, ўйлашни, меҳнатни талаб этади. Ҳуқуқий давлат қуришда ҳуқуқ ижодкорлари – олимлар, мутассадди раҳбарлар, ташкилотлар ва бирлашмалар ҳамкорлик қилишлари, холисона, ўзаро фикр алмашишлари ютуқлар гаровидир. Шундай муносабат билан ишлаб чиқилган қонуннинг умри узоқ бўлиши табиийдир. Айниқса, умумий, ижтимоий-сиёсий нормалар маънавият билан узвий алоқада, ўзаро таъсирда бўлгандағина самаралидир.

Демократик ҳуқуқий ҳужжатлар ўз шакли ва мазмуни жиҳатидан, демократик бўлиб давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Улар маънавий ҳолатнинг давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари фаолиятларида қўллашда устувор бўлиб бораверишида ёрдам беради. Бу эса ҳуқуқий демократик давлатни мустаҳкамлашга олиб келади. Шу ўринда айтиш керакки, ҳаётнинг ўзи турли корхоналар, туман ва вилоятлардаги

давлат идораларинингadolatli иш юритишини таъминлаш учун шуларга оид қонунлар ишлаб чиқилишини талаб этмоқда. Бу қонунларда марказ фаолияти билан туман, шаҳар, вилоятлар фаолиятлари алоқадорлиги ўз аксини топиши керак. Уларнинг ҳар бирига оид бўлган имтиёз ва масъулиятлар борки, улар илмий ҳал этилиб, қонунлар орқали мустаҳкамланиши лозим. Бу ўринда, давлат раҳбар ходимларининг маънавият мақоми ҳам назардан четда қолмаслиги керак.

Қонунларнинг мукаммаллиги таъминланса улкан самара бериши табиий. Айниқса, демократик ҳуқуқий давлатда қонун ва тартибот таъминланмаса, у давлатнинг ютуқларга эришиб, олға юриши шубҳа остига қолади, акс ҳолда, жиноятчилик кўпаяди. Юридик таълимни йўлга қўйиш, ҳуқуқий билимларга эга бўлиш, ҳар бир ходим ва фуқаронинг бурчи бўлмоғи лозим. Чунки, фуқаролар сиёсий жараёнларда ва давлатни бошқариш ишларида қатнашадилар. Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ҳаракатлар, ёшлар ташкилотлари, турли хил хайрия ва ижодий жамғармаларда, акционерлик бирлашмаларида шу фуқаролар иш юритадилар. Демак, бу соҳаларда ҳам қонунлар қабул қилиниб, уларни такомиллаштириш ҳозирги давр талабидир.

Ҳуқуқий йўналишлар ва ҳуқуқ нормалари ҳалқаро тажрибалардан келиб чиқилса, Ўзбекистоннинг танлаб олган йўли, аввало ҳалқимиз урф-одатлари, унинг юксак маънавияти нуқтаи-назаридан ўрганилиб ишлаб чиқилса ва ҳаётга татбиқ этилса, камчиликларнинг олди олинган бўлади. Таълим-тарбия, маънавиятни, маърифатни юксалтириш, миллий уйғониш жараёнларини юзага келтириш ҳам долзарбdir. Бунинг учун оила, боғча, мактаб, ўрта, олий таълим, академия тизими, илмий тадқиқот институтлари фаолияти диққатдан четда қолмаслиги айнан зарурдир. Юксак маънавият шу масканларда шаклланади. Демак, улар ўртасидаги муносабатларнинг диалектик жараёнлари хисобга олинган ҳолда қонунлар қабул қилиш демократик жараёнларни шаклланишидаги омиллардандир. Шу билан бир қаторда фуқароларнинг меҳнат қилиши, уй-жой таъминоти, дам олишлари, иш ҳақлари, нафақа олишлари, уларнинг даҳлсизлиги, эркинлиги каби томонлари борки, булар ҳам ҳақиқий, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдаги диалектик жараёнларнинг элементларидир. Бинобарин, инсон ҳуқуқларини ва юксак маънавиятини шакллантиришни таъминлаш моддий ишлаб чиқаришнинг самарали бўлишига олиб келади.

Маълумки, шахс эркинлиги ҳамда ҳуқуқий зарурият ижтимоий ҳаётнинг икки муҳим унсуруни ташкил қиласи. Инсон ҳуқуқларини муҳофазаси ва кафолати, меҳнат ва қасбни эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиши қонун доирасида, Конституцияда белгиланган, аммо бу соҳалар янада ўзига хос хусусий қонунлар билан мустаҳкамланса, ҳуқуқий демократик давлат пойдевори янада кучли бўлади. Ўз навбатида бу хусусий қонунлар инсон ва давлат ўртасидаги ўзаро таъсир, боғланишларнинг амалиётда устуворлигини таъминлайди.

Давлатнинг ички вазифаларидан бири бу-инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кўриқлашдир. Сир эмас, баъзида бу иш маъмурий чора кўриш йўллари билан

қолаверса маъмурий раҳбар орқали ҳам амалга оширилади (суд орқали эмас). Маъмуриятнинг раҳбари юксак маънавиятли бўлса, у бу ишни шу тариқа амалга оширмас эди. Чунки бундай қилиш унчалик тўғри эмас. Шу сабабли, бу соҳада ҳам инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи комиссиялар тузилса, уларнинг фаолияти тўғрисида қонун ишлаб чиқилса, фойдалануви комиссиялар тузилса, Юқоридагилардан хulosат қиладиган бўлсан, демократик жараёнлар ўз-ўзидан ташкил топмайди, албатта. Айниқса, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш юзлаб ва минглаб соҳалар билан боғланганки, булар детерминистик-диалектик жараёнлар сифатида кўзга ташланади. Демак, фаолият юритишимиш фақат қонунлар чиқариб қўйишдангина иборат эмас. Балки, демократик давлат барпо этишда қонунларни ҳаётга татбиқ этишни таъминлаш ҳамдир. Шу сабабли уларга, яккалиқдан умумийликка, умумийликдан яккалиқка қараб бориш тамоили асосида ёндашиш зарур.

Демократик ҳуқуқий давлатда ғоялар берувчи, ижодкорлар учун кенг йўл очилади. Бинобарин, айтиш мумкинки, ишлаб чиқаришни юксалтириш, Ўзбекистоннинг буюк давлатга айланишида ижодкорлар, олиму-фузалоларнинг беғараз меҳнати, ижодий изланишларнинг ижобий натижалари халқ хўжалигининг барча тармоқларига ўз вақтида татбиқ этилганда, унинг муаллифлари ҳам моддий ва маънавий рағбатлантирилса, ижобий натижада бериши турган гап. Лекин бу соҳалар ҳам пухта ишланган қонунларни талаб қиласди.

Бу жараёнларнинг ҳаммаси инсон фаолияти билан боғланган бўлиб, бири иккинчисиз яшай олмайди. Уларнинг бирортасини ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди. Пировард натижада ҳуқуқий демократик давлатнинг пайдо бўлиши аста-секинлик билан, тадрижий ёки эволюцион йўл билан такомиллаша боради. Уни ташқаридан зўрлаб у ёки бу мамлакатга киритиб бўлмайди. Демократик ҳуқуқий давлат қурилиши табиий ва зарурий равишда амалга ошади. Ана шундай ҳолат Республикаизда аста-секинлик билан пайдо бўлаётir.

Шу маънода ҳуқуқшунос олимларимиз барча жараёнларни юксак маънавий жиҳатдан мушоҳада қилишга янада қўпроқ эътиборларини қаратсалар, уларни ҳаётга татбиқ этишни кўрсатсалар жамиятимиз янада олға қараб ривожланади. Маънавият ва ҳуқуқни, ҳаётни, ҳаракатни, мушоҳада қилиб, ҳис этиш ҳам олижанобликдир. Уни тўғри, холисона баҳолаганлар ҳаётлаҳзаларида қоқилмайдилар.

### **6.3. Маънавият ва мафкура**

Маълумки, Ватанимиз бундан деярли бир яrim аср муқаддам ўз мустақиллигини йўқотиб чор Россиясига қарам бўлиб қолди. Бу ўтган йиллар халқимиз учун енгил, хур ва фаровон йиллар бўлиб ўтмаган. Ҳатто яқин йиллар: «социализмнинг ўрнатилиши», «ривожланган социализм» ва ниҳоят саксонинчи йиллар ҳам осон кечмади. Бу йилларда маънавият сўзи ишлатилмади ҳам. «Ғоялар» эса коммунистик мафкурада эди. Аникроғи, охирги 70 йил ичida коммунистик мафкура ҳукмонлик қилиб келди, бу мафкура зулм ва зўравонликка, сохталикка асосланган эди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири берган саволларга жавоб берар экан, «жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этиши»ни таъкидлади. Мафкура бўлмаса жамият тараққиёти олға босмайди. Чунки, жамиятдаги давлат ўзини тӯғри йўлини йўқотади. Унда мафкуравий бўшлиқ юзага келиб, жамият курилишига ёт бўлган бегона мафкура эгаллайди. Бу эса мағлубият дегани. Тарихдан ҳам маълумки, худбинлик қилган ёвузлар халқимизнинг маънавиятига салбий таъсир қилиб келдилар. Маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, халқимизнинг қаддини букишга харакат қилдилар. Булар бизнинг хотирамиздан кўтарилимаслиги лозим. Бугунги кунда халқимиз ахборот асрида яшамоқда. Четки таъсирлардан ҳоли яшай олмаймиз. ..... бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг қизифи, шу билан бирга, кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазийиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазийиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб этиш ниҳоятда қийин, – деб таърифлаган эди И.А.Каримов.

«Масалан, – деб давом этади Президент И.А.Каримов, – «Аум Сенрикё» деган диний оқим вакилларининг фаолиятини эслайлик, улар дунёning турли мамлакатларидаги юзлаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг шууридан маҳрум қилиб зомби, яъни манқуртга айлантириб қўйгани яхши маълум». Ҳа, бу манқуртлар мафкура таъсирида шундай бўлганлар.

Шуни таъкидлаш лозимки, маънавият ва мафкура бир-бирига яқин тушунчалардир. Ҳар иккаласи ҳам ижтимоий ҳодиса сифатида шакланади. Жамият тараққиётида хилма-хил ғоя ва фикрлар ҳам, таълимотлар, мафкуралар ҳам ўзгариб туради. Инсон маънавияти, унинг одоб-ахлоқи нисбатан ўзгармайди.

Бугунги кунда, Республикамизда ҳақиқий мафкурани яратиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш борасида жадал ишлар олиб борилаётir, унинг мазмуни шубҳасиз, миллий маънавиятимизни тиклаш ва шу асосда ўз илдизларимизни ўрганиш, аниқлаш, уларни тарғиб қилишга ҳам қаратилади. Ўшанда у тўлақонли бўлади. Ўзбекистоннинг ҳозирги босқичида миллий истиқлол мафкурасини яратилиши ҳақиқатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. И.А.Каримов «Олдимизда турган энг муҳим масала бу – миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир», -деб айтиши бежиз эмас. Зоро кўпгина учрашувларда,

олимлар, ёзувчилар билан мuloқotларда ҳам мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалда татбиқ қилмасдан туриб мақсадларга эришиб бўлмаслигини таъкидлади.

Мафкурани шакллантириш узоқ давом этади ва у бирдан тайёр бўлмайди маълум даражада ҳаёт тажрибасини ўташ жараёнида такомиллашади.

И.А.Каримовнинг «Миллий мафкура – миллатни бирлаштирувчи байроқдир», деб айтиши бежиз эмас. Бўлажак мафкура ҳақида Президентимиз шундай дейди: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараси ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ равshan белгилаб беришга хизмат қиласидиган кечаги ва эртанги кун ўртасидаги ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан». Демак, мафкура бизнинг мустақиллик тафаккуrimiz билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим. Мустақиллик ғояси эса қуйидагичадир: «Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқоли ҳақида қайғуриш, ўзининг ва ўз халқининг, ватанининг қадру қиммати, ор-номусини англаб уни ҳимоя қилиш; юксак ғоялар, янги фикрий кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъоди бор имкониятини, керак бўлса жонини юрт истиқболи элига бахшида этишdir»<sup>1</sup>.

Мафкура халқимизнинг онгига ана шу тафаккурлаш миқёсида бўлишини талаб этади. Шунинг учун ўсиб келаётган ёш авлоднинг тўхтовсиз ҳаракати натижасида бу ишга жалб этиш давр талабидир. Бинобарин, мафкуравий соҳа фуқаролар онги ва тафаккурида ўзгариш ясайдиган, ислоҳотларни амалга ошириш учун ёрдам берадиган қудратли кучdir. Мафкурасиз келажак ҳам йўқ. Зоро, у оммани, халқни янги жамият қуришга йўналтиради ва уюштиради. Албатта, бу мафкурага эътиқод қўйиш билан боғлиқдир. Мафкуранинг мазмунида тараққиётнинг обьектив талаб ва эҳтиёжлари, мамлакатдаги барча элатлар, миллатларнинг, халқнинг ва ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг, партия ҳамда нодавлат уюшмаларнинг манфаатлари мужассамлашган бўлади. Унда жамият тараққиётининг устувор йўналишлари маънавият ва маърифат билан боғлаган ҳолда ғоя ва фикрлар ишлаб чиқилади. Президент И.А.Каримов томонидан асослаб берилганидек, истиқлол мафкураси жамиятимизнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий тараққиётига таъсир этади, ривожланишини рўёбга чиқаради. Бу турли усууллар билан амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, бирорта жамият, бирорта элат ва халқ мафкурасиз яшамаган, бундан кейин ҳам яшамайди. Ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир давлатнинг ўзига хос, ўзига мос, унинг ўзи учун хизмат қиласидиган, унинг туб манфаатларини ҳимоя қиласидиган мафкураси бўлади. Инсонлар қайси бир жамиядда қайси бир давлатда яшамасин нимагадир асосланиши, эътиқод қилиши, қандайdir фикр назария, ғоя мафкурага асосланиб иш кўриши табиий бўлиб қолади. Таъкидлаганимиздек, мустақилликка эришганимизга қадар мамлакатимизда коммунистик мафкура хукмон эди. Унда бизнинг маънавиятимизга зид бўлган ғоялар тўла эди. Чунки Европадаги ғояларни Шарқда шакллантириш мушкул вазифадир. Урф-одатлар, қадриятлар, турмуш

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-том, Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 34-бет.

тарзи бунга йўл қўймайди. Ўтган ўн йилликлар бу нарсани тасдиқлади. Марксизм-ленинизм таълимотини заарли томонларидан фақат Ўзбекистон халқи эмас, балки барча миллатлар ҳам катта маънавий, мафкуравий заар кўрди. Ушбу мафкура маънавиятимизнинг илдизларини ҳисобга олмади, аксинча, бу муқаддас илдизларга болта уриб уни йўқ қилишга интилди. Ўзимизга хос мулкдан, давлат тузумидан сиёсий, иқтисодий, маданий мустақилликлардан ва эркдан, тарихимиз миллий анъаналаридан маҳрум қилмоқчи бўлди. Ижтимоийлик ниқоби билан коммунистик мафкура халқимиз манфаатларини четга суриб қўйди. Қадимий маданий мерос камситилди. Мамлакат марказга хом ашё етказиб берувчи қарам республикага айланди. «Интернационалликни» байроқ қилиб олган коммунистик мафкура ўз мақсадларини фақат рус миллатини устуворлигини пеш қилиб таъминлашга қаратди. «Буюк рус шовинизми» маънавияти хукмрон сиёсатга айлана борди, натижада бошқа миллатлар равнақи тўхтаб қолди.

Коммунистик мафкура фақат марказий ҳокимият учун хизмат қилди. Унинг байроғига айланди. Коммунистик мафкура зарурат асосида сингдирилмади, балки халқларга зўрлаб киритилди. Маънавият ва мафкура ўртасидаги ўзаро нисбий муносабатга эътибор қаратилмади. Эндиликда шаклланаётган миллий истиқлол мафкураси олдинги мафкуралардан ўзининг туб янги хусусиятлари билан фарқ қилиши лозим. Ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиши ва давр муаммоларига жавоб бериши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Халқимизнинг оташ қалб фарзанди» ва бошқа асарларида миллий мафкурага оид жавобларни топиш мумкин. Мафкура маънавиятга нисбатан тор тушунчадир. Шундай бўлса-да мафкура – маънавиятнинг турлари ва кўринишларининг турли шакл ва усуллари орқали мақсадни ифодалайди. И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида», «Буюк келажагимизнинг хуқуқий кафолати», «Йўлимиз-мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» каби асарларида маънавият ва мафкуранинг алоқадорлиги, ўзаро муносабатлари очиб берилганки, улардан назарий, амалий асосларни топиш мураккаб эмас.

Мафкурани яратиш долзарб бўлиб, у ҳозирги кунларда заруриятга айланди. Бунинг тасдиғи сифатида Президент И.А.Каримовнинг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиши тўғрисидаги фармойишидан сўнг бу фан сифатида халқ таълими ва Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўқитилаётir.

И.А.Каримов, 2000 йилнинг 6 апрелида миллий мафкурага бағишлиланган йиғилишда файласуфлар, тарихчилар, иқтисодчилар сиёсатшунослар, социологлар, психологлар, педагоглар, адабиётшунослар, олимлар, журналистлар, жамоат ташкилотлари вакиллари олдида нутқ сўзлаган эди. Бу нуткнинг тўла мазмуни миллий мафкура хусусида бўлганди. Юртбоши миллий мафкуранинг ҳаётимиздаги ўрнини ёрқин мисоллар билан тушунтириб, миллий

мафкурани ишлаб чиқиши кечиктириб бўлмайдиган ҳол деб уқтирган эди. Шу билан бирга Президентимиз миллий мафкура ишлаб чиқишининг, йўналишларини белгилаб бердики, эндиликда бу кўрсатмалар ҳаётга татбиқ этилаётир. Хулоса қилиб айтсақ, маънавият ва мафкурани ҳаётга татбиқ этиш эса онгимизда пайдо бўладиган баъзи салбий фикр ва оқибатлардан узоклаштиради.

**Таянч сўз ва иборалар:** сиёсий ҳаёт, умумий манфаатлар, давлат бошқаруви, «Буюк рус шовинизми», диалектик ёндашув, детерминизим, мафкура, миллий ғоя, мустақиллик мафкураси.

### **Ҳикматлардан намуналар:**

Ёмон ниятли бўлма эл ҳақида,  
Ўзингга бу ишинг сўzsиз зиёндур.  
Киши яхшилик ҳар кимга қилса,  
Бу майдон ичра у соҳибқирондур.

**Собир Термизий**

Дўстларинг кўпаяр фаровонлиқда,  
Уларни синаб кўр натовоноликда.

Нимаики ўзингга бўлмабди даво,  
Бошқага ҳам уни кўрмагил раво.

**Хусрав Дехлавий**

Дўстлар, бу бевафо дунёда мол-мулк учун,  
Бир-бирингни оғритиб ношод қилмоқ арзимас.  
Мансабу дунё учун ахли ҳукумат олдида,  
Қўл-қовуштуриб турибон дод қилмақ арзимас.  
Олиғу солиг билан мулло-ю хожа-барчани,  
Юз жафоу жабр ила афтода қилмақ арзимас.  
Турку тожик ўзбеку, сахранишинларни мол учун,  
Кечаю кундуз уриб, ношод қилмоқ арзимас.

x x x

Икки хил одамдир жоҳилу дон  
Ер билан осмонча тафовуту бор.  
Дур билан дўл, бири бирига ўхшаш,  
Бири шоҳ тожида, бири ерда хор.

**Алишер Навоий**

**Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки **биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир.****

**Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади.** Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойлиkdir.

**И. А. Каримов**

Фояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишимиз мумкин.

**И. А. Каримов**

Фақат бир эзгулик бор – билим ва фақат бир ёмонлик бор- жаҳолат.

**Суқрот**

### **Тест топшириқлари**

**1. Қуйидаги жавобларнинг қайси бирида маънавият ва сиёsatнинг боғлиқлиги тўғри ифодаланган?**

- а) маънавият ва сиёsat инсон фаолиятини, унинг турмуш тарзини камраб олган ўзаро боғлиқ икки соҳадир;
- в) сиёсий фаолиятда маънавий хислатлар фаол роль ўйнайди;
- г) маънавият ва сиёsat ўртасида боғлиқлик мавжуд эмас;
- д) маънавият ва сиёsat боғлиқ эмас;
- е) А ва В жавоблар тўғри.

**2. Собиқ Иттифоқ даврида ...**

- а) сиёsat деганда иқтисодни уюшмаси тушунилар эди;
- в) сиёsat иқтисоддан устун қўйилар эди;
- г) А ва В;
- д) аниқ изоҳ берилмаган;
- е) сиёsat деганда коммунистик мафкура тушунилар эди.

**3. Сиёсий фаолият деганда ...**

- а) давлатнинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро, иқтисодий, сиёсий, маънавий алоқалари йифиндиси тушунилади;
- в) турли партияларнинг омма олдидағи тарғибот-ташвиқот ишлари тушунилади;
- г) давлатнинг халқ манфаати, юрт тинчлиги учун юритадиган фаолияти тушунилади;
- д) сиёсий фаолият қудратли кучdir;
- е) барча жавоблар тўғри.

**4. Маънавиятни сиёсат билан боғлашда қуидагилар ҳисобга олиниши мумкин.**

- а) умумисоний манфаатлар;
- в) ҳар бир шахснинг сиёсий онги, маънавий жихатлари;
- г) умумэътироф этилган тамойиллар;
- д) умумисоний қадриятлар;
- е) барча жавоблар тўғри.

**5. Демократик хуқуқий давлат – бу ...**

- а) қонун устуворлиги амал қиладиган давлат;
- в) фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий хуқуқлари кафолатланган жамият;
- г) қонунлар мухокамаси халқ эътиборига ҳавола этиладиган давлат;
- д) мулкдорлар синфини шакллантирувчи жамият;
- е) барча жавоблар тўғри.

**6. Хуқуқий онг деганда ...**

- а) фуқароларнинг ўз хуқуқларини, эркинликларини ҳис эта олиши тушунилади;
- в) ҳар бир фуқаронинг хуқуқий хужжатлари мухокамасида ўз фикрини бера олиши тушунилади;
- г) хуқуқий нормалар мажмуи тушунилади;
- д) маънавиятни, хуқуқнинг юксаклиги тушунилади;
- е) А ва Б.

**7. Хуқуқий тарбия ...**

- а) фуқароларнинг хуқуқий онгини ўстиришига қаратилган чоратадбирлар мажмуидир;
- в) ёшларга Конституцияни қонунчиликни ўргатиш;
- г) фуқаролар ўртасида хуқуқий нормаларни тарғиб қилиш жараёни;
- д) қонун-қоидани ўргатиш;
- е) барча жавоблар тўғри

- 8. Ҳуқуқий маданият бу ...**
- а) фуқароларнинг ҳуқуқий онглилик даражасини ошириш;
  - в) амалдаги қонуний нормаларга риоя этиш;
  - г) давлатни фуқаролар ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилиш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирлар мажмуи;
  - д) ҳуқуқий онг ва тафаккурни юксаклиги;
  - е) барча жавоблар тўғри.
- 9. «Миллий мафкура-миллатни бирлаштирувчи байроқдир» деган фикр кимга тегишли?**
- а) И. А. Каримов;
  - в) Ф. Хўжаев;
  - г) М. Бехбудий;
  - д) А. Фитрат;
  - е) А.Икромов.
- 10. Қўйидаги таърифлардан қайси бири «Мафкура» тушунчасини ифодалайди?**
- а) мафкура инсоннинг руҳий кечинмаларини акс эттиради;
  - в) мафкура моддий ва маънавий бойликларни яратиш жараёнини ифодалайди;
  - в) мафкура сиёсий, иқтисодий, маънавий, фалсафий, ҳуқуқий ғоялар мажмуи бўлиб, бирор манфаатни ифодалайди;
  - г) мафкура билим олиш жараёнини акс эттиради;
  - е) барча жавоблар тўғри.
- 11. Юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларини аниқланг.**
- а) ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш;
  - в) аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш;
  - г) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;
  - д) юридик таълим тизимини ривожлантириш;
  - е) барча жавоблар тўғри.
- 12. Ҳуқуқий онг даражаси кўпроқ нималарга боғлиқ?**
- а) ўз ҳуқуқларини билишга;
  - в) қонунларга итоаткорликка;
  - г) қонунларни билишга;
  - д) ҳуқуқий атамаларни билишга;
  - е) ҳуқуқий маданиятга.

**13. Республикаизда ижтимоий ёрдам беришда қайси бүғин асосий мавқега эга?**

- а) жамият ташкилотлари;
- в) мактаб;
- г) маҳалла;
- д) ишхона;
- е) уюшмалар.

**14. Ҳуқуқий маданиятли киши қандай бўлиши керак?**

- а) ҳуқуқий билимларга эга бўлган;
- в) муомила маданиятига эга бўлган;
- г) ҳуқуқий билимларни амалиётда татбиқ эта оладиган;
- д) тадбиркор ва ишбилиармон;
- е) а, в, г.

**15. Мафкурасизлик нимага олиб келади?**

- а) лоқайдликка;
- в) жамият ўз йўлини йўқотишига;
- г) давлат ўз йўлини йўқотишига;
- д) маърифатсизликка;
- е) жаҳолатга.

**16. Жамият мафкураси нима?**

- а) инсон манфаатларини ифода этувчи, бехатар, тинч-тотув, бадавлат турмушга йўлловчи манба;
- в) муқаддас анъаналаримизни англаш;
- г) хилма – хил фикр ва ғояларни бир байроқ остига бирлаштириш;
- д) ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;
- е) фикрлар хилма-хиллиги ва хурфикарлик.

**17. Миллий мафкура воситасида нимага эришилади?**

- а) эл-юрт бирлашади;
- в) иқтисодиёт ривожига;
- г) маърифатга;
- д) барқарорликка;
- е) барча жавоблар тўғри.

- 18. Давлат мафкураси даражасига қандай мафкура кўтарилиши керак?**
- а) ҳеч қандай мафкура давлат мафкурасига айланмаслиги керак;  
в) байналминаллик мафкураси кўтарилиши керак;  
г) ислом мафкураси кўтарилиши керак;  
д) демократик мафкура кўтарилиши керак;  
е) тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик асосидаги мафкура кўтарилиши керак;
- 19. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат этиб сайланиш ҳуқуқига эга фуқаро камида неча ёшда бўлиши керак?**
- а) 35 ёшда;  
в) 30 ёшда;  
г) 25 ёшда;  
д) 21 ёшда;  
е) 40 ёшда.
- 20. Ўзбекистонда «Давлат тили ҳақида»ги қонун янги таҳрирда қачон қабул қилинди?**
- а) 1990 йил 24 марта;  
в) 1989 йил 21 октябрда;  
г) 1991 йил 8 декабрда;  
д) 1989 йил 15 апрелда;  
е) 1995 йил 21 декабрда.
- 21. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қачон тасдиқланди?**
- а) 1992 йил 10 январда;  
в) 1991 йил 18 октябрда;  
г) 1991 йил 1 сентябрда;  
д) 1991 йил 18 ноябрда;  
е) 1992 йил 27 декабрда.

## **II - боб.**

### **Ўрта Осиё ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида маънавият ва маърифат масалалари.**

#### **7-мавзу: Ўрта Осиё халқларининг қадимий маънавияти ва маърифати**

##### **7.1. Халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма манбаларда Ўрта Осиё халқларининг маънавияти**

Ўрта Осиё халқлари тарихи бир неча минг йилликларни ўз ичига олади. Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда бу ўлкада скифлар массагет деб аталган халқлар истиқомат қилғанлар. Уларнинг ўз маданияти, санъати, иқтисодий турмуши, ўзларига хос ривожланиш манбалари бўлган. Ўзларининг дунёқараши, урф-одатлари асосида ҳаёт кечирганлар. Демак, ўзларининг тарихий шароитларидан келиб чиқиб маънавий жараёнларни ҳам шакллантирганлар. Бу Ўрта Осиёнинг иқтисодий-ижтимоий шароитига ҳам боғлиқ бўлган. Дарёлардан суғориш ишларида фойдаланиш, хунармандчиликни ривожлантириш, маҳсулот айрибошлиш ва бошқалар такомиллаштирилган. Булар ўша даврнинг маданиятига, маънавиятига таъсир этмай қолмаган.

Масалан, тарих фани асосчиларидан бири Геродот фикрича, Миср мамлакатининг ривожланиши Нил дарёсининг борлигидандир. Тарихчи Истархий эса Амударёни Хоразм тараққиёти билан боғлайди. Тараққиёт эса ҳар бир даврнинг ишлаб чиқариши илғор фикрлари билан алоқададир.

Кишлоқ хўялиги, хунармандчилик, савдогарчилик тараққий этиши шаҳарларнинг пайдо бўлишида туртки бўлган. Натижада шаҳар маданияти, маънавияти давр талабидан келиб чиқиб ўзгариб борган. Ўрта Осиё минтақаси ўша пайтларда ҳам иқтисодий-географик ва иқлим нуқтаи назаридан олсак, юксак маънавият ривожи учун қулай бўлганлигини ўша даврда ёзиб қолдирилган манбалардан билиш мумкин.

Қадим даврларда ёқ овчилик, балиқчилик, кейинроқ дехқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик анча ривожланган. Иқлим шароитидан келиб чиқиб, дастлаб табиий тошқин ва ёмғир сувларидан фойдаланилган бўлса, кейинроқ дехқончиликда сунъий суғоришга ўтилган. Натижада ишчи кучи фаолияти ҳам ўзгарган. Бундай ўзгаришларнинг бўлганлигини Ўрта Осиёдаги турли жойларда олиб борилган археологик изланишлар тасдиқлайди.

Қадимда Ўрта Осиё худудида-Бақтрия, Хоразм, Сўғдиёна, Марғиёна, Парфия, Амударёнинг қуи оқими, Зарафшон воҳалари, Парканна (Фарғона) ва бошқа жойлар яшаш нуқтаи-назаридан муҳим ҳисобланган. Шу сабабли, бу худудларда XX асрда кўплаб текширишлар олиб борилди. Жумладан, Хоразмда рус археологи С.П.Толстов, қуи Зарафшон воҳасида академик Я.Ғуломов томонидан олиб борилган изланишлар кўпгина фикрларни шаклланишига ёрдам беради. Улар турли даврларга мансуб бўлган жуда қадимий шаҳарлар, қўргонлар, мақбаралар, суғориш иншоатлари, турли хил истеҳкомларни очганлар. Тупроқ қалъа, Кўзали кир, Ёнбош қалъа, Чуст, Далярзин, Қизил қир,

Варахша (Бухоро), Оқтепа (Тошкент) каби жойларда топилган турли буюм ва қолдиқлар ўша даврнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда доимий ашё бўла олади. Ёки антик дунё тарихчилари Клемент Александрийский, Ксенофонт, Страбон, Птолемей, Геродот асарларида ўтмишдаги халқларнинг маънавий қадриятлари нималардан иборатлиги акс эттирилганки, улар ҳозирги вақтда асосий илмий манбалар бўлиб ҳисобланади. Қадимги даврлардаёқ Ўрта Осиёда аҳолининг конларда ишлаганлиги, мис ва темир эритиш, улардан турли хил буюмлар, ҳарбий ва бошқа меҳнат қуроллари ясаш ҳамда кемасозлик, тўқувчилик, бинокорлик, заргарлик билан шуғулланганликлари ва савдо-сотик ишлари олиб борганликлари маълум. Ўша даврлардаёқ Фаргона водийсида аҳоли нефтдан фойдаланиб иш юритган. Буюк тарихчи Геродот аждодларимиз массагетлар тўғрисида шундай фикрни билдирган: «Улар отлиқ ва пиёда жанг қиласидилар, бу икки хил жанг усулини биладилар; улар ўқ-ёй, найза ва дудама, қалта қилич билан қуролланганлар. Бу қуролларни улар жездан ясадилар, бош кийимлари, камарлари ва боғичларини олтин билан безайдилар. Отларнинг кўкрак қалқонини жездан ясадилар. Юган, сувлуқ ва бошқа от жабдуқларига ҳам олтин қадайдилар. Темир билан кумушни улар мутлақо ишлатмайдилар, чунки уларнинг мамлакатида олтин билан мис ниҳоятда кўп бўлиб, темир билан қумуш мутлақо йўқдир»<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, аждодларимиз турмуш тарзи ўша давр талабидан келиб чиқиб шаклланган.

Ўрта Осиё ҳалқлари антик дунё давридаёқ бошқа ўлкалар, қўшни мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик соҳаларини яхши йўлга қўйганлар. Бу эса маънавиятнинг юксалишига, ҳамда байналминаллашига олиб келган.

Аждодларимизнинг Урал, Сибирь, Волга бўйи, Хитой, Ҳиндистон, Греция, Эрон, Сурия, Месопотамия, Вавилон, Миср мамлакатлари билан иқтисодий-маданий алоқаларини ўрнатганлиги, ўзларининг турмуш тарзини ўзгаришига, юксалтиришга олиб келган. Шу маънода Ўрта Осиё Ғарб ва Шарқни боғлашда марказ бўлган, десак хато бўлмайди. Айниқса, Волга бўйлари, Уралолди, Жанубий Сибир, Қозогистон, Эрон, Ҳиндистон мамлакатларининг ҳозирги маънавияти ва маданиятини баъзи томонларини бизнинг маънавиятимиз ва маданиятимизга яқинроқ эканлигини сезиш қийин эмас. Эрамизгача бўлган биринчи минг йилликдан олдин ҳам Ўрта Осиё билан Хитой ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар вужудга келганки, бу аввало, Буюк Ипак йўли билан боғланган. Хулоса қилиш мумкинки, ўша даврлардаёқ Ўрта Осиё муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланган. Юксак маданият ва маънавиятнинг ривожланиши учун замин ҳисобланган.

Тарихимиздан маълумки, Ўрта Осиё қадимги даврда Хитойдан, Хитой эса Ўрта Осиёдан кўп нарсаларни ўзаро ўрганганлар. Айнан Хитой ҳалқи пахтачилик, тоқчилик, виночилик, шиша қуиши ишларини Ўрта Осиёдан ўрганган бўлса, Ўрта Осиё ҳалқлари эса Хитойдан ипакчилик, қофоз ишлаш, чинни буюмлар ясаш кабиларни ўрганганлар. Бундай ўзаро муносабатларни тарихий йилномалардан билиб олиш мумкин. Хитой йилномаларининг бирида шундай фикрлар мавжуд: «Юэ-чжи (Хитой) вилоятларининг пойтахтида савдо

<sup>1</sup> Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: 1976, 29-бет.

қилган (Ўрта Осиё) ахолиси, биз тошни эритиб, ундан ҳар хил рангли шиша ясашни биламиз деб айтдилар ва тоғлардан, конлардан руда келтириб, пойтахтда улардан шиша қўйиш устида тажриба ўтказдилар; тажриба муваффақиятли чиқди. Уларнинг шишаси шу қадар ялтироқ эдики, бу жиҳатдан у ҳатто ғарбий мамлакатларнидан (Рим ёки Сурия шишаси кўзда тутилса керак) устун чиқди. Шунинг учун ҳам подшо уларнинг шишаларидан тахт турадиган залларда ёки саройларда фойдаланишни буюрди; шишалар ялтироқ ранга бўлиб, жуда тиник эди; уларга қараб ҳамма таажжубга тушар ва бу шишаларни илохий деб ҳисоблар эди»<sup>1</sup>.

Шубҳасиз, ўша даврдаги иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар халқ оғзаки ва ёзма ижодиётига ҳам таъсир этмай қолмаган. Қадимги давр халқ оғзаки ва ёзма ижодиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳам ўша даврдан қолган ёдгорликлар асосида билиш мумкин.

Санъатлар ичида бадиий сўз санъати энг қадими десак, хато бўлмас. Оллоҳнинг инсонга берган неъмати ҳисобланган нутқ Қадим даврлардаёқ мукаммал характерда бўлган. Ўша давр маънавияти, сиёсати, мафкураси, шу сўз санъати, нутқ асосида амалга оширилган. Мехнат жараёни такомиллашиши билан бадиий сўзлаш ва ёзма ишлар ҳам пайдо бўлганки, халқнинг турмуш тарзи уларсиз ривожланиши мумкин эмас эди. Инсонлар хаёт тажрибаларини, табиат ва жамият ҳодисаларини образлар орқали характерлаш, баён қилиш қўнималарини ҳосил қилганлар. Натижада турли соҳалар турмуш тарзидан келиб чиқиб ривожланган. Хулоса қилиб айтсақ, ёзув ва ёзма адабиётдан олдин оғзаки ижод пайдо бўлган ва ёзма адабиётни пайдо бўлишига сабаб бўлган. Ўрта Осиё халқларининг, оғзаки адабиёт ёдгорликларининг манбалари (баъзи бирлари) бизгача етиб келган. Буларга мисол қилиб Геродот, Ктезий, Полиэн, Харес Мителенский ва бошқа алломаларнинг асарларини олиш мумкин. Уларнинг асарларида халқ оғзаки ижодидан намуналар ёзиб қолдирилган.

Ўрта Осиё Уйғониш даврида ва кейинроқ ижод этган тарихчилар Ҳамза Исфаҳоний, Табарий, Масъудий, Беруний, Саолибий ва бошқалар асарларида ҳақиқий халқ оғзаки ижодиёти таърифланган ва тасвирланган. Қадимги оғзаки ижод ёдгорликлари: мифлар, афсоналар, қаҳрамонлик эпоси, қўшиқлар, лирик шеър ва бошқалардан иборатdir. Шу соҳалар орқали қадимги Ўрта Осиё маънавияти ва маданияти, турмуш тарзини билиш, ҳамда хулосалар чиқариш мумкин. Жумладан, шулардан бири «Эрхубби» афсонасидир. Хубби образи мисолида биз аждодларимизнинг юксак маънавияти билан танишамиз. Гарчанд Хубби афсонавий қаҳрамон сифатида тасвирланган бўлгани учун ҳам маълум маънода ўтмишдаги инсоний хислатларни ўзида акс эттирган. У сув худоси сифатида, инсонларни ҳалокатдан кутқарувчи қаҳрамон, ватанпарвар сифатида тасвирланади. Бу қиссанинг қисқача мазмуни қўйидагича: инсон «Қадим замонларда Амударёда Хубби деган бир йигит яшаб, бир қўли билан балиқ тутиб, иккинчи қўли билан уни қуёшга тутар ва уни қуёш тафтида пишириб кун кечирап экан. Шу зайлда 700 йил яшаб дарёни қўриқлаган. Шу сабабли, дарёга бирор ёмон рух, ҳатто чивин ҳам дарёга йўлиқмас экан. Халқ эса сувдан

<sup>1</sup> Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: “Ўқитувчи”, 1976, 40-бет.

фойдаланиб тинч-тотув, шод-хуррам яшар экан. Бироқ Жамшид ҳукмронлиги замонасига келиб Хубби ғойиб бўлибди. Хубби йўқолгандан сўнг, унинг ўрнига онаси келиб, биринчи бўлиб дарёда сузадиган қайиқ ясади. Одамларни дарёда сузишга, душманга қарши сувда жанг қилишларини ўргатибди. Лекин, Хуббининг онаси ҳам йўқ бўлиб қолибди. Халқ эса уларни қаҳрамонликларидан фахрланган ҳолда узоқ йиллар ҳурматларини жойига қўйиб, ҳаёт кечирганлар»<sup>1</sup>. Бундан қўриниб турибдики, қадимги пайтларда ҳам яхшилик билан ёмонлик ўртасида зиддиятларнинг борлиги ва уларни олдини олиш йўллари хақида бош қотиришган.

Афсоналар орқали инсонлар юксак маънавиятлиликка чакирилган. Ёки «Тўмарис» афсонасини оладиган бўлсак, унда қаҳрамонлик хислатлари ўз аксини топган. Чет эл босқинчиларига қарши ватанпарварлик ҳис-туйғулари, ватанпарвар инсонларнинг образлари берилган. Тўмарис массагет қабилаларининг раҳбари, ҳукмдор аёлдир. У ўз фаолиятини мамлакат тинчлигига, барқарорлигига бағишлайди. Халқпарвар инсон сифатида майдонга чиқади. Аммо, аҳмонийлар ҳукмдори Кир массагет қабилаларининг барқарор турмуш тарзига хавф туғдириб, аввало Тўмарисга уйланиш шарти билан, массагетларни ўзига бўйсундирмоқчи бўлади. Тўмарис буни сезиб қолади ва таклифни рад этади. Сўнг подшо Кир уруш билан ўз ниятини амалга оширишга интилади. Тўмарис урушнинг олдини олишга қанчалик ҳаракат қилмасин, ҳаракати зое кетади ва мудофаага шайланади. У ўз душманига шундай дейди:- «Биз биламизки, сен тинчликни хоҳламайсан, шу сабабли башарти маслаҳатимизга кўнмай, массагетлар билан тўқнашишни истасанг, қўприк ясайман деб овора бўлиб ўтирма. Бизга айтсанг, биз сенга халақит бермай, дарёдан уч кунлик йўлга кўчиб кетамиз, bemalol дарёдан ўтасан, ундан сўнг юзма-юз урушамиз. Борди-ю, агар биз билан дарёning сен турган қирғофида урушмоқчи бўлсанг, уни айт, бунга ҳам биз рози, фақат номардлик қилма»<sup>1</sup>.

Тўмарис мардларча курашга шайланганлигини кўрган подшоҳ Кир ҳийланайранг йўлига ўтади. Тўмариснинг ўғли Спарганизни ва массагетларнинг бир қанчасини маст қилиб, қўлга олади. Тўмарис ғазабланган ҳолда подшоҳга қаратади: «..Эй, қонхўр Кир, қилган ишинг билан мақтанмай кўяқол. Сен менинг ўғлимни юзма-юз жангда енгганинг йўқ, уни маккорлик билан шароб ичириб қўлга туширдинг. Энди менинг насиҳатимга кир, ўғлимни менга топшириб, келган ерингга зиён-заҳматсиз қайтиб кет. Агар сўзимга кирмасанг, массагетлар тангриси-Қуёш номи билан қасамёд қиласманки, мен сендай очкўз хонни қон билан сугораман»<sup>1</sup>. Кир бу сўзларни эътиборга олмайди, натижада жангда енгилади ва ҳалок бўлади. Тўмарис Кирнинг бошини қон билан тўлдирилган мешга солар экан, жангга якун ясад шундай дейди:-«Эй номард, сен менинг жангда сени ҳалоллик билан енгиб чиқкан бир аёлни маккорлик билан ўғлидан жудо қилиб, фарзанд доғида куйдирдинг, сен умринг бўйи қонга тўймадинг,

<sup>1</sup> Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: «Ўқитувчи», 1976, 49-бет.

<sup>1</sup> Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: «Ўқитувчи» 1976, 49-бет.

мен ўз онтимга амал қилиб сени қон билан сугордим. Бироннинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шу»<sup>2</sup>. Кўриб турибмизки, бу юксак маънавиятнинг намунаси эди.

Юксак маънавиятлиликни яна бир оғзаки ижодда кўрамиз. Бу «Зарина ва Стриангия» қиссада шаклар подшоси вафот этиб, унинг ўрнини хотини Зарина эгаллади. Тадбиркор ва қўрқмас бу аёл қабила тинчлигини ва мустаҳкамлигини сақлаш учун ҳаракат қиласиди. Зарина тарафдорлари билан Мидия подшолиги ўртасида бўлган жангда Стриангия Заринани ярадор қиласиди. Заринанинг ботирлигини кўрган Стриангия уни асирикка олмайди. Лекин, орадан бироз вақт ўтгач, Парфия шохи Заринага уйланиб, шакларни ўзига таслим ва тобеъ қилмоқчи бўлади. Зарина унга кўнмайди. Бироқ шоҳ зўрлик қилиб уйланади ва шакларни қарам қиласиди. Заринадаги ўз қабиласига бўлган ҳурмат уни курашга отлантиради. Шу пайт, Парфия билан Мидия ўртасида жанг бўлиб, мидияликларнинг кўплари асирга тушади. Асиrlар билан Зарина бирлашиб Парфия шохига қарши тўсатдан ҳужум қиласиди. Парфия шохи енгилиб, асиrlар озод бўлади. Зарина улардан мадад олиб, қабиласи мустақиллигини тиклайди. Бу жараёнларда Стриангия Заринани севиб қолади. Зарина эса Стриангияни жасур ва мард жангчи сифатида эъзозлайди. Стриангиянинг уйланиш ҳақидаги таклифини рад этади. Сабаби, унинг хотини бор эди. Стриангия бунга чидай олмай ўзини-ўзи ўлдиради. Кўриб турибмизки, бу халқ оғзаки ижодида ҳам, ватанпарварлик, мустақиллик учун кураш, севгисадоқат сингари юксак маънавият қирралари ўз аксини топган. Афсонадаги қаҳрамонлик ва севги жихатлари ҳар қандай инсон қалбини ларзага келтиради. Чунки, бу қиссада инсоннинг ақл-заковати, тадбиркор бўлиши, ор-номуси, одоби, ҳурмат ва эҳтироми, қаҳрамонлиги ва севгиси ёрқин тасвирланган. Демак, ўша даврда ҳам ушбу инсоний хислатларга кўпроқ эътибор қаратилган деган хulosани чиқариш мумкин.

Узоқ замонлардаги ҳодисаларни янада яққолроқ тушуниш учун яна бир афсонавий воқеани мисол қилиб олиш мумкин. Бу «Зариадр ва Одатида» афсонасидир. Бу афсонада ҳам қаҳрамонлик, севги-муҳабbat ҳодисалари тасвирланган, унда кўрсатилишича, Гуштасб Мидияда, унинг укаси Зариадр Каспий денгизидан Танаис (Сирдарё) гача чўзилган юртда подшоҳлик қилганлар. Танаиснинг нариги томонида яшаган Саклар шохи Омаргнинг қизи Одатида ва Зариадр бир-бирини тушида кўриб севишиб қоладилар. Зариадр қизга уйланиш учун совчи юборади. Лекин, Омарг ёлғиз қизини узоқ юртга беришни истамайди. Зариадр ўз аҳдидан қайтмай, аравакаш ёрдамида Танаисдан кечиб ўтиб, Омарг қароргоҳига келади. Омарг йигитлар шарафига зиёфат бериб, қизига айтадики, ёқтирган йигитингга олтин қадаҳда май тутгин дейди. Зиёфатда скиф кийимида Зариадр ҳам қатнашаётган бўлади. Одатида айнан, олтин косада Зариадрга май тутади. Зариадр Одатидани олиб ўз юртига кетади. Қиссадан ҳисса шуки, бу афсонада ҳам оиласий муносабатлар, севги жараёнлари акс эттирилган. Қиз ва йигитнинг севги бобидаги эркинлик ҳистайгулари ўртага қўйилганки, булар қадим даврдаги маънавият жараёнларидан

<sup>2</sup> Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: «Ўқитувчи», 1976, 50-бет.

дарак беради. Шу каби маънавият акс этган Митра, Каюмарс, Гершасп, Гўрўғли, Алпомиш, Рустам, Широқ, Сиёвуш каби қаҳрамонлар халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлганки, уларда баҳодирлик, мардлик, халқни севувчи, фидокорлик кўрсатувчи кишилар образи тасвиrlанган.

Бундан ташқари ўша даврдаги қўшиқлар, лирик шеърлар, меҳнат, қаҳрамонлик, маросим, мавсум қўшиқлари бўлганки, уларда маънавият кирралари ҳақида фикр юритилган.

## 7.2. «Авесто»да маънавият масалалари

Ўрта Осиёда ҳам бошқа мамлакатларда бўлгани сингари қадимий динлар мавжуд бўлиб, улардан баъзилари устида тўхталамиз. Шулардан бири зардустийликдир. Зардуст-таржимаси, тилла рангли, кекса туяларнинг соҳиби маъносини беради. Бу дин ўзининг соғлиги билан диққатга сазовордир. Шу билан бирга, бу дин, ўз даври инсонларининг маънавияти, маданияти, урфодати, ахлоқ-одобини ўзида акс эттиради. Зардустийлик баъзи муаллифларнинг фикрича, аввало меҳнаткаш халқнинг ахлоқий қоидаларини ифодалаб, кейинроқ диний кишилар қўлида сиёsat юргизишда қўл келган. Аслида зардустийлик жамиятни тинч ва осойишталик, барқарор ҳолатда бўлиши, инсонларнинг бир-бирларига маслакдош, кўмақдош бўлиши каби ғояларни олға сурган. Шу билан бирга, зардустийликда инсонларнинг ахлоқий ва хуқуқий нормалари ҳам ифодаланган.

Бу дин эрамизгача бўлган даврда, 7-6 асрларда шаклланган. Унга Зардуст исмли аллома асос солган. Зардуст Хоразмда туғилган бўлиб, унинг таълимоти ибтидоий жамоа даврининг охири, қулдорлик жамиятининг барпо бўлиш даврида мафкура сифатида шаклланган. Сабаби, зардустийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да келтирилган фикрлар бу мулоҳазамизни тасдиқлайди. Бу дин Ўрта Осиёда ислом дини тарқалишидан сўнг ҳам баъзи жойларда бирмунча вақтга қадар сақланиб қолган.

Муқаддас китоб эрамизгача бўлган даврнинг VII аср охири VI аср бошларида яратилган. Ундаги асосий ғоялар «Таврот» ва «Қуръон» да келтирилган фикрларга яқиндир. Зардустийликни қадим даврдаги диний ақидалар деб тушуниш унчалик тўғри бўлмай, балки у ўша даврнинг ҳукмон мавқураси, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, фалсафий қарашларидир деб тушуниш керак. Унинг назарий асоси «Авесто» хулосалари ундан далолат берадики, зардустийлик фикрлари китобдан олдин кўп минг йиллик тажриба ва ҳаёт, турмуш тарзларини умумлаштириш сифатида юзага келган. «Авесто»да афсонавий фикрлар билан бирга инсонларнинг ҳаётий тажрибалари ҳам ўз аксини топган. Бу муқаддас китоб узоқ асрларнинг тарихи ва ривожланишини, иқтисодий-ижтимоий ҳолатини, маданияти, тили, ёзуви, халқ оғзаки ижодининг манбаси сифатида ҳам муҳимдир. Айниқса, ундаги маънавий жиҳатларга қаратилган боблари кишини ҳайратда қолдиради. У 21 та китобдан иборат, аммо уларнинг кўпчилиги йўқолиб кетган. Унинг энг қадимги нусхаси 1324 йилда кўчирилган бўлиб, Копенгагенда сақланади. «Авесто» қадимги Эрон тиллари гуруҳидаги тилларнинг қадимги ёдгорликларидандир. Ундаги инсонларнинг орзу-умидлари, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги муносабатлар диққатга сазовордир.

Китобнинг асосий мазмуни инсонларнинг худога мурожаат этиб илтижо қилишларига бағишлиланган. Худодан тинчлик, чорва моллари, яйловлар, суғориш майдонларини тилаганлар. Китобда Ахурамазда худолик қиёфасидан чиқиб, адолатли шоҳ қиёфасига ўтиши тасвирланган. У адабий ёдгорлик сифатида инсонларнинг маънавий қиёфасини жуда жиддий тасвирлаган.

Авестода меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ботирлик, жасурлик, ва тозалиқ, моддий тўкин-сочинлик учун кураш соҳалари тилга олинганки, улар инсон маънавиятини кўтаришга қаратилган эди. Оқилона турмуш тарзини, унинг маънавий ҳаётини, инсоннинг дунёқарashi ва ахлоқий фазилатларини ўзида жиддий ифода этган. Ахлоқий қарашларда инсоннинг бурчи, маънавий поклиги тарғиб қилинган. Аёлларга ҳурмат кўрсатиш алоҳида таъкидланган, тозаликка риоя қилиш, сувлар, табиат маҳсулотларини тоза тутилиши каби соҳалар борки, улар инсонларнинг маънавий жиҳатларини яхшилашга даъват қилган.

Китобнинг дикқатга сазовор яна бир томони борки, унда жисмоний ва маънавий жараёнлар уч даврга бўлиниб берилган. Биринчи давр: бу энг қадимги давр, у илк ҳаётни билдиради. Унда яхшилик тантана қилган. Ёруғлик ва инсоний хислат, саодат ҳукмрон бўлган. Иккинчи давр: бу – ҳозирги давр бўлиб, унда кураш давом этади. Учинчи давр: келажакдаги ҳаётдир. Бу даврда инсонлар ақл-идроқи ишга солиниб, бадавлат бўлиб яшайдилар. Яхшилик ғолиб келади.

Муқаддас китобда 15 ёшга етганлар балоғат ёшидадирлар, -деб таъкидланади. Уларга ахлоқий ўғитлар ўргатилиши лозим.

Китобдаги Анхра-Ману хислатларини тарқатадиган ёвузлик тимсолидир.

Таъкидлаш лозимки, китобда дехқончилик ва чорвачилик соҳаларига катта эътибор берилган. «Авесто»да «дехқончиликнинг фойдаси ҳақида»ги бўлимда шундай фикр бор: «Моддий оламни, ҳақиқатни яратувчи заминдаги энг муҳтарам манзил, қайси? Нимадир»-деган саволга яхшилик худоси Ахура Мазда шундай жавоб беради:-»Инсон уй тиклаб, оловга ва оиласига, хотини ва фарзандларига ўрин ажратиб берса, ем-хашаги кўп бўлиб, чорва ва итлари тўқ яшаса, уйида ноз-неъматлар муҳайё бўлиб, хотин ва фарзандлари фаровон яшаса, уйида эътиқоди событ, олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, у манзил муҳтарамдир. Кимки ўнг қўли ва сўл қўли билан ерга ишлов берса, меҳнат қилса замин раҳматига мушарраф бўлажакдир».

Ёки «кимки ғалла экса олижанобдир. Ғалла эккан киши эзгулик уруғини сочади. Ахура Мазда эътиқодни кучайтиради, эътиқодни мустаҳкамлайди».

Демак, бу ишларнинг бажарилиши билан инсонлар ёвуз кучлардан халос бўлади. Девларни мағлуб этади.

Юксак маънавийлик зардуштийлик бўйича жаҳолатнинг, ёмонликнинг олдини олишдир. Ундаги қадимги медицина, фазо тўғрисидаги фикрлар, астрономия ва фалсафага оид нодир фикрлар инсон қалбини ёруғликка чорлайдики, бу ёруғлик албатта, яхшиликка олиб боради.

Айниқса, мазкур диндаги инсонга тааллуқли бўлган эзгу фикр, эзгу ният, эзгу амал юксак маънавийликни тарбиялашга қаратилгандир. Ана шундай эзгуликка хос фаолиятлар Ахура Мазда образи орқали ифода этилган. Шу билан бирга Авестода Митра қиёфасидаги қуёш ва ёруғлик тангриси, Анахита-гўзал қиз қиёфасидаги унумдорлик, хосилдорлик, фаровонлик тангриси, хумо эса гўзал қуш қиёфасидаги баҳт, тақдир, бойлик тангриси, Хубби-мард йигит, сув тангриси, Миррих ёш жангчи қиёфасидаги уруш ва ғалаба тангриси

сифатида ифодаланганки, булар оркали гўёки инсоннинг эзгу ниятлари амалга ошишини таъминлаш мумкин.

Дунёдаги бирор таълимот, бирор диний эътиқодлар йўқки, ҳосил олишни Зардуштчалик мадҳ этган бўлса. Жумладан:

Зардуст илоҳ Аҳура Маздадан сўради:

- Эй, Аҳура Мазда!

Заминни ҳаммадан ҳам бахтиёр қилувчи зот ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

- Эй, Зардуст!

Кимки уни яхшилаб ҳайдаса ва зироатга тайёrlаса! ...

Эй, Зардуст!

Кимки ғалла экса, у Ҳақиқатни экади...

(«Авесто» Тарихий абадий ёдгорлик Т., - «Шарқ» 2001 358 - бет).

Асрлар ўтибдики «Авесто»да олға сурилган эзгу ниятлар, эзгу калом ва эзгу амал ҳамон барча инсонларни эзгуллик томон чорлаб, уларни руҳан поклаб, юксак маънавият гулзори томон етаклайди. Яхшилик каломларини абадийлашга чақиради.

«Эй, хушёrlар!

Қулоқларингиз билан пухта эшитингиз энг эзгу каломларни ва ёруғ ният билан-ҳоҳ эр, ҳоҳ аёл-ҳар бирингиз назар ташлангиз, то буюк ҳодиса рўй бермасдан ва одимларимиз сўнгги манзилга етмасдан икки йўлдан бирини ўзингизга ихтиёр этингиз -да, бу каломларни ўзгаларга ҳам етказингиз»!

(«Авесто». Тарихий абадий ёдгорлик Т., - «Шарқ» 2001, 10-бет).

Зардустийликни муҳим томонларидан яна бири шуки, унда эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал-орқали инсон ахлоқи ҳақида фикр юритилади. Зардуст бутун умри давомида ана шу учлиқ-эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амалга доир ишлар билан машғул бўлган. Инсон ўтмишидан сўнг марҳум руҳи устидан ҳукм чиқаришда ана шу уч хусусиятга эътибор қаратилади ва шу уч хислат тарозида ўлчанади. Тарозининг бир паласига эзгу фикрат, калом ва амаллар қўйилади. Иккинчи паласига эса ёвуз фикрат, калом ва амаллар қўйилади. Борди-ю эзгу фикрат, калом ва амаллар салмоғидан ортиқ бўлса, марҳум руҳи юқорига, жаннатга, Аҳура Мазданинг ёруғ дунёсига учиб беради, акс ҳолда тубанликка – Анхра-Ману ва девлар жамиятининг дўзахига тушади.

Шу сабабли ҳам Зардуст Аҳура Мазда қасидасини бошланишида мазкур уч хислатни қўйидагича баён қиласди.

«Мадҳ этаман эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал ила эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амални. Жамий эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амалга бағишли наман, жумла ёвуз фикрат, ёвуз калом ва ёвуз амаллардан юз бураман.

Келтиурман сизга, Барҳаёт авлиёлар, фикрат ва каломим, омол ва қудратим, «тириклигим вужуди ила» ситойишим ва сиғинчим». («Авесто» Тарихий абадий ёдгорлик Т., - «Шарқ» 2001, 166-бет).

Зардуст эзгу фикрлар орқали Аҳура Маздадан Митрани ташриф буоришини сўраб нола қиласди:

Келсин бизга мадад бермоққа,  
Келсин бизга кенг даштлар учун,  
Келсин бизни қўлламоқ учун,  
Келсин бизга муруват учун,  
Келсин бизни қутқармоқ учун,  
Келсин бизга ғолиблик учун,  
Келсин бизга баҳт-шодлик учун,  
Келсин бизга яхшилик учун,  
Келсин ғолиб, келсин забардаст,

Ёлғонларга бўйинсунмас Ул, -

Дунё ҳамду саноларга,  
Лойиқ Митраким бекарона,  
Яйловларнинг моликидир.

(«Авесто» Тарихий абадий ёдгорлик Т.,- «Шарқ» 2001, 184-бет).

Ёки калом ва амалдор орқали Ахура Маздани Зардушт олқишлийдики, натижада парвардигор Ахура Мазда мазкур олқишилардан хулоса қилишга ишонади:

Фараҳмандлик ҳаққи-хурмати  
Бор овозда дуо қиласман,  
Ибодатлар келтирадирман  
Ул қудратли Вартрагнага;  
Парвардигор Ахура Мазда  
Бино этган Вартрагнага  
Сигинадирмиз  
Ва Ахура айтган йўсинда  
Ибодатлар келтирадирмиз,  
Сут ийланган ҳавм билан,  
Ҳам барсман чивиги билан,  
Олийжаноб сўз сехри билан,  
Ҳам муқаддас ваъзлар билан,  
Калом билан ва амал билан,  
Ҳақ айтилган калималарга  
Энг ҳаққоний каломлар билан.  
«Шарофатли Ахура Мазда  
Топинмоққа буюрганларга  
Топинадирмиз.

(«Авесто» Тарихий абадий ёдгорлик Т.,- «Шарқ» 2001, 201-бет).

2001 йил октябрь ойида муққадас китоб «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллиги бутун дунёда нишонланди. Бу тадбир ҳам аждодларимизга бўлган хурмат ва эътиборнинг бир белгисидир.

Зардуштийликдан кейин янги йўналиш – монийчилик пайдо бўлдики, бу таълимот ғоясида оламда нур дунёси яхшилик, ёвузлик дунёси эса зулматдир,

деб кўрсатилади. Улар ўртасида доимий кураш бўлади. Унда ҳам юксак маънавиятилик ўртага қўйилган, унга эришиш йўллари акс эттирилган. Монийликнинг устуворлиги шундаки, унда инсон фаолиятига қўпроқ диққат эътибор қаратилган. Сабаби, зулматни енгишда инсон ўз фаолияти, хулқи ва бутун ҳаёти билан курашади ва натижада яхшиликнинг ғалабаси билан ҳаёт якунланади. Бу таълимотнинг асосчиси Моний тахминан эрамизнинг 216-217 йилларида Ботлда туғилиб, 276 йилда Жунда Шопур шаҳрида вафот этган, яъни қатл этилган. У билимдон киши сифатида танилган. Маълумотларга қараганда, у бир қанча асарлар ёзган. У асарларнинг кўпчилик қисми диний ва ахлоқий мавзуларга бағишланган. Асарлар форс ва оромий тилларида ёзилган лекин бу асарлар бизгача етиб келмаган.

Яна бир таълимотлардан бири Маздак таълимотидир. У эрамизнинг V асрнинг охири VI асрнинг бошларида Ўрта Осиё ва Эронда кучайиб борган зулмга қарши кураш мобайнида пайдо бўлган деган фикрлар мавжуд. Маздакнинг ўзи халқ қўзғолонига бошчилик қиласди. Кўзғолон бостирилиб, Маздак динсизликда айбланади.

Маздак қараашларида халқнинг узоқ тарихи мужассамлашгандир. Бу таълимотдаги мафкурада деҳқонларни қарам бўлиб яшашига қарши чиқилган. Унда зардуштийликнинг кўпгина қирралари ўз аксини топган эди. Тўғри, унда ижтимоий масалалар кўпроқ ўрин олиб, дин ва фалсафага эътибор камроқ қаратилган. Ёвузлик бу бойлик ва камбағалликдир. Булар барча зиддиятларнинг манбаидир. Ижтимоий келишмовчиликларнинг олдини олиш учун кураш йўлида инсоний фазилатларни шакллантириш бу – худога тоат-ибодат қилишдир. Кўриниб турибдики, маздакчиликда ижтимоий келишмовчиликларга қарши кураш асосий мақсад сифатида талқин қилинади ва унга диний характер берилади.

Маздакчиларнинг ҳақиқий ҳаракати мулкий тенгликни ўрнатиш бўлган. Яъни моддий бойликларга бирга эгалик қилишдир. Бойликларнинг тенг бўлиниши, ундан барча кишиларнинг манфаатдор бўлиши, маздакизмда муҳим ўринни эгаллайди. Маздакчиликнинг ижобий томонларидан яна бири шуки, унда суст-диний, ахлоқий таълимотдан, кучли ғоявий таълимотга ўтишни тарғиб қилишдир. Бундай қураш Ўрта Осиё мамлакатларида кейинги ижтимоий-фалсафий фикрларнинг янада тараққий этишга сабаб бўлди.

### **7.3. Қадимий ёзма ёдгорликларда маънавият**

Ўрта Осиёдаги қадимий, маънавий, маърифий соҳаларни билиш, ўрганишда ёзма ёдгорликлар катта аҳамиятга эга. Қадимий ёзма ёдгорликлардаги мазмун ҳам қадимги дунёдаги маънавий, маърифий жараёнларни намоён қилганки, уларда яхшилик ва ёмонлик, бойлик ва камбағаллик ўртасида кураш тасвирланган. Қадимий ёзув ёдгорликларига «Авесто», «Бундахшин», «Денхард» ва Ўрхун-Енисей ёзувлари киради. Енисей бўйларидағи қадимги ёзувларни аниқлаш XVIII-асрнинг бошларида рус олимлари томонидан бошланган. Топилган ёдгорликлардаги ёзувларни аниқлаш қийин кечган. Фақат XIX асрнинг биринчи чорагида Григорий Спасскийнинг Энасой ёдгорликлари ҳақидаги мақоласи «Сибирский вестник» журналида эълон қилинганидан сўнг, ёдгорликлар ҳақидаги маълумотлар олимларга маълум бўлади. Аммо, ёзувни ўрганишга ўша пайтда катта эътибор берилган бўлса ҳам, тезлиқда натижка бермаган. 1889 йили рус сайёхи ва ёзувчиси Н.М.Ядринцев Мўгулистандаги Кошо-Цайдам водийсида Ўрхун дарёси бўйларидағи кўпгина ёдгорликларни топиб, улардаги Хитой ёзувига ўхшаш матнларни аниқлаган. Матнларни ўқиши Дания олими Вильгельм Томсенга тўғри келди. У дастлаб «тангри», «турк» деган сўзларни ўқиганидан сўнг, 1893 йилнинг 25 ноябрида масала ойдинлашди ва кўп ҳарфлар мазмунига калит топилди. Бу орада рус олими В. В. Радлов ҳам 15 та ҳарфни ўқиган эди. У Томсен ва ўзининг кашфиёти асосида ёдгорликлардаги матнларнинг таржимасини биринчи бўлиб амалга ошириди.

Н. М. Ядринцев топган ёдгорликлар турк хоқони Билка-Қоон-Мофилён (734 йилда вафот этган) ва унинг укаси Кул-Тегин (732 йилда вафот этган) қабр тошларига ўйиб ёзилган ёдгорликлар эди.

Шу вақтдан бошлаб Энасой ва Ўрхун дарёлари атрофидаги ёдгорликлар «Ўрхун-Энасой ёдгорликлари» деб атала бошлаган. Шу билан бирга ўрхун ёзуви деб ҳам аталган. Кейинчалик яна кўплаб ёдгорликлар топилди. V-VI асрларга оид 5 та тошдаги, ҳамда қоғоз, чарм, ёғоч ва турли идиш-товоқлардаги ёзувлар ҳам қимматли манбалар бўлиб ҳисобланади. Бу ёзувларда турк хоқонлигининг давлат тузуми ва динлар ҳақидаги маълумотлар берилган. Хитой йилномаларида кўрсатилишича, ўша вақтдаги туркларни ўлганларидан сўнг кўмиш маросими шундай таърифланган: ўлган кишининг бойликлари, жангда минган оти билан бирга олиб куйдирилган. Хоки дафн этилиб, марҳум қанча душманни ўлдирган бўлса, шунча тош унинг қабрига қўйилган, унинг сурати ишланган ва қилган ишлари ўйиб ёзилган.

Бундай маълумотлар ҳақиқатдан ҳам у даврдаги қабр тошларининг кўпларида учрайди. Хусусан, Мофилён ва Кул-Тегин қабр тошларидан ҳам шундай фикрлар мавжуддир. Мофилён сўнгги турк «улугъ хоқон»ларидан бўлиб, урушлар олиб борган, ўз давлатининг чегарасини кенгайтирган ва мустаҳкамлаган. Унга укаси зўр мардлик кўрсатиб ёрдам берган. Қўшни давлатлар билан яхши муносабат ўрнатган. «Йўқсил халқни бойитган», «Оз сонли халқни кўпайтирган», «Адолатли ҳукмрон» бўлган.

Ёзувларда кўпроқ маълум кишиларнинг қаҳрамонликлари акс эттирилган. Ўша пайт матнларидаёқ қирғиз, уйғур, ўғуз ва яна бошқа халқларнинг, қабилаларнинг номлари тилга олинган. Умуман, у ёзувларнинг аҳамияти шундаки, эндилиқда улар бизга ўша даврнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаёти ҳақида маълумотлар беради. Урф-одатлар, эътиқод ва бошқалар билан таништиради. Масалан, Энасой ҳавзасидан топилган бир тошдаги ёзувда шундай дейилган: «Менинг давлатим ва менинг хоним, мен сизлардан лаззат кўрмадим, ҳайҳот, мен қуёшни ва ойни сезмайдиган бўлиб қолдим.

Менинг дўстларим ва менинг қариндошларим, ҳайҳот мен (сизлардан) узоклашиб, ўз кумуш халқимдан йироқлашдим.

Ўз қаҳрамонлик шиҷоатимдан лаззатлана олмадим. Қирқ ёшимда ўлдим, Мен Ўчин-Қулуғ-Тириг ўғли, Мен Қулуғ-Туған» ва ҳоказолар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўрта Осиё кишилик маданиятининг энг қадимги марказларидан биридир. Ота-боболаримиз ўз маданияти тараққиётида фаол иштирок этганлар. Қадим пайтлардаёқ илм-фан, архитектура, тасвирий санъат, мусиқа, ҳайкалтарошлиқ ва бошқа маънавий, маданий ёдгорликларни қолдирганлар.

Лекин, кўпгина босқинчилик урушлари туфайли улар инқирозга юз тутган. Аммо, шу нарса аниқки, аждодларимиз, ёзувлар, бадиий оғзаки ижодиёт, афсоналар орқали ўзларининг орзу-истакларини, ёруғлик ва қоронғулик, золимлик ва адолат соҳаларини мадҳ этганлар. Табиат ва жамият соҳасидаги ҳодисаларни, зиддиятли қарашларни самимий ҳолда тушунтирганлар. Уларнинг ватанпарварлик, баҳодирлик хислатлари, қўшиқ ва шеърлар орқали бизгача етиб келган. Халқнинг аҳволи меҳнати ва роҳати, шодлиги ва қайғуси, йил фасллари ҳамда табиат тўғрисидаги лавҳалар турли жанрларда тасвирланган. Мақол ва фалсафий сўзлар эзгу ниятларни тарғиб қилган. Буларнинг барчаси ўзбек халқининг ота-боболари дунё тарихига улкан ҳисса қўшганларидан далолат беради. Булар бизнинг маданий маънавий меросимиздир.

**Таянч сўз ва иборалар:** иқтисодий-географик сунъий суғориш, археологик қазишималар, антик дунё, иқтисодий-маданий алоқалар, стратегик аҳамият, ёзма ижод, «Эрхубба» афсонаси, Тўмарис афсонаси, «Зарина ва Стриангия», саклар ва массагетлар, «Зариадр ва Одатида» афсонаси, зардуштлик, «Авесто», «Таврот», «Қуръон», монийчилик, «Маздак таълимоти», ёзув ёдгорликлари, «Ўрхун-Энасой» ёзуви. Зардушт, Митра, Ахура Мазда, скифлар, халқ оғзаки ижоди, афсона, ривоят, массагетлар, аҳмонийлар, археологик қазишималар, тошбосмалар, горлардаги тошга битилган ёзувлар, расмлар, Сўғдиёна, Марғиёна, Варахша, Буюк ипак йўли.

## **Ҳикматлардан намуналар**

Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор. Дину-диёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қиласб беради: **яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касбли-ҳунарли қилиш, бошини икки, уй-жойли қилиш.**

**И. А. Каримов**

Мозийга қайтиб иш кўриш хайрилидир.

**Абдулла Қодирий**

Мозий истиқболнинг тарозусидур, ҳар ким ўлчасун-да билсун.

**Маҳмудхўжа Беҳбудий**

Камолотга эришиш учун. Аввало қалб покизалиги ҳақида ўйлаш керак. Қалб покизалигига эса юрак ҳақиқатни излаганда ва рух орифликка интилган тақдирдагина эришилади. Буларнинг барчаси ҳақиқий билимга боғлиқдир.

**Конфуций**

## Тест топшириқлари

**1. Ўрта аср халқлари маданиятида қайси соҳа етакчилик қилган?**

- а) хунармандчилик;
- в) дәхқончилик;
- г) савдо билан шуғулланиш;
- д) чорвачилик;
- е) А ва В

**2. Қуйидаги тарихчилардан қайси бири Хоразм тараққиётини Амударё билан боғлаган?**

- а) Истархий;
- в) Геродот;
- г) Ибн Арабшоҳ;
- д) Шарофиддин Али Яздий;
- е) Мақсудий.

**3. «Улар отлиқ ва пиёда жанг қиласилар, бу икки хил жанг усулини биласилар; улар ўқ ёй, найза ва дудама, калта қилич билан қуролланганлар. Бу қуролларни улар жездан ясайдилар». Ушбу таърифни ким айтган?**

- а) Геродот;
- в) Стрябон;
- г) Ксенофонт;
- д) Птолемей;
- е) Клемений Александрийский.

**4. Қуйидаги давлатларнинг қайси бири билан эрамиздан бўлган биринчи минг йилликдан олдин «Буюк ипак йўли» орқали иқтисодий – маданий алоқалар ривожланган?**

- а) Парфия;
- в) Юнонистон;
- г) Хитой;
- д) Ҳиндистон;
- е) Сўғдиёна.

**5. Зардуштийлик дини қачон шаклланган?**

- а) эрамизгача бўлган 7-6 асрларда;
- в) эрамиздан олдинги 1-3 асрларда;
- г) милоддан аввалги 1 асрда;
- д) милоддан аввалги 3 асрда;
- е) барча жавоблар тўғри.

**6. Оловга сиғиниш қайси динга хос хусусият ҳисобланади?**

- а) Ислом;
- в) Христианлик;
- г) Зардустийлик;
- д) Будда;
- е) ҳеч бирига хос эмас.

**7. «Авесто» қайси диннинг муқаддас китоби?**

- а) Ислом;
- в) Иудаизм;
- г) Зардустийлик;
- д) Христианлик;
- е) Будда.

**8. Зардустийлик динида маънавият ҳомийси саналган худони кўрсатинг?**

- а) Ахура Мазда;
- в) Ахриман;
- г) Моний;
- д) Зевс;
- е) Каюмарс.

**9. Қуидагилардан қайси бири Ўрта Осиёдаги қадимий ёзувларга киради.**

- а) бундахшин;
- в) денхард;
- г) Ўрхун-Энасой;
- д) «Авесто» ёзуви;
- е) Сўфд ёзуви

**10. Турк ҳоқони Билқа - Қоон – Могилён ва унинг укаси Кул-Тегин қабр тошларига ўйиб ёзилган ёдгорликларни қайси олим топган?**

- а) Н. М. Ядринцев;
- в) В. В. Радлов;
- г) Я. Ғуломов;
- д) Г. Спасский;
- е) С.П. Толстов.

## **8-мавзу: Амир Темурнинг миллий маънавиятимиз тараққиётидаги ўрни ва тарихий аҳамияти**

### **8.1. Амир Темур буюк давлат арбоби ва юксак маънавиятга эга бўлган доно хукмдор**

Амир Темур (1336-1405 й.й) Қашқадарё вилоятининг олдинги Шаҳрисабз (хозирги Яккабоғ) туманидаги Хўжа Илғор қишлоғида туғилди. Унинг ёшлик йиллари мамлакатдаги зиддиятлар ўта авж олган даврга тўғри келди. Ана шу ижтимоий сиёсий қийинчиликлар Амир Темурнинг ақлий ва жисмоний салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилган бўлса, ажаб эмас. Шу боис, Амир Темурнинг пайдо бўлиши тасодиф эмас, у ўзи яшаган даврнинг йирик саркардаси, давлат арбоби сифатида майдонга чиқди.

Амир Темур ҳаётининг моҳияти ва мазмуни жиҳатидан фарқ қиласиган, марказлашган йирик давлатга асос солди. Бу билан у ўз халқининг буюклигини ҳам таъминлади. Кейинчалик Амир Темур асос солган давлатчилик «Темурийлар давлатчилиги», «Темурийлар даври», «Темурийлар салтанати», «Темурийлар сулоласи» каби номлар билан тарих саҳифасидан ўрин олди. Буюк стратег, моҳир сиёsatчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъи ислоҳотчиси, савдо-сотик, хунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси Амир Темур қонунлар ва урф-одатларга асосланган давлатни барпо этди. Тўғри, Амир Темур яратган давлатчилик ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас, унинг ўз илдизлари, манбалари бор. Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгаллашда Ал-Беруний, Абу Али Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо мероси натижаси ҳамдир». Лекин, давлатчилигимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, босқинчилик билан зулм ва заҳмат асосида давлатчилик барпо этишга ҳаракат қилган мўғул босқинчиларини улоқтириб, озод бўлишни уddyалай олган Амир Темур хизмати тарихда айниқса бекиёсдир. Мўғулларга қарши чиқиб, уларни мамлакатдан четлаштириш осонликча кечмаган. Ўша замон ҳодисаларининг гувоҳи бўлган араб тарихчиси Ибн ал-Асир (1260-1233 й.й) мўғуллар тўғрисида ёзиб қолдирган фикрларга диққатни тортсак юқоридаги фикрни тасдиқлаган бўламиз. «Куну тунларда мисли кўрилмаган ва ҳамма ёқни, хусусан, мусулмонлар яратган бойликларни қамраб олган ғоят катта бир фалокат бўлди. Агар бирор ҳамма нарсага қодир Оллоҳ одамни яратгандан буён дунё бундай нарсани кўрмаган, деса ҳақ гапни айтган бўларди. Дарҳақиқат, йилномаларда бунга ўхшаш ва унга teng келадиган бундай зўр фалокат бўлмаган. Уларда тасвиrlанган воқеалар ичида Навуходоносорнинг исроилийларни калтаклаши ва Қуддусни вайрон қилиши бобидаги қилмиши энг даҳшатлисиdir. Бироқ бу лаънатилар (мўғуллар) вайрон қилган мамлакатлар олдида Қуддус нима бўлиби? Бу мамлакатлардаги ҳар бир шаҳар Қуддусга икки баробар келади. Мўғуллар қириб ташлаган одамларга қараганда исроилийлар нима бўлиби?

Ахир, битта шаҳарда мўғуллар калтаклаган аҳоли барча истроилийлардан қўп бўлган. Улар ҳеч кимни аяшмади: аёлларни, эркакларни, гўдакларни шафқатсиз дўппослашиди, ҳомиладорларнинг қорнини ёриб, болаларни ўлдиришиди»<sup>1</sup>.

Ўша пайтлардаёқ «қумдан қўп», «занжирдан бўшатилган одамхўрлар» деб ном олган мўғул босқинчиларига қарши туриш ва уларни улоқтириш бобомиз Амир Темур зиммасига тушган эди. Соҳибқирон Амир Темур буюк сиёсатдон ва ўта моҳир давлат арбоби сифатида майдонга чиқди. Тарих саҳнасидан жуда қўп саркарда ва давлат арбоблари ўтган. Амир Темур улардан, фарқли ўлароқ давлатни, мамлакатни бошқаришни ўзига хос хусусиятларини ўйлаб топдики, улар унинг давлатини буюклигини таъминлади. Бошқа ҳукмдорлардек давлатни бошқаришда бир-иккита табақа эмас, балки, халқнинг қўп табақаларига суюниб иш кўрди. Бу табақалар:

1) саййидлар (пайғамбар авлоди), уламо, машойих, фозил кишилар, яъни зиёлилар; 2) ишнинг кўзини билган донишманд кишилар; 3) художўй, дарвеш, қаландарлар; 4) нўёнлар (хонзодалар, туман, яъни 10 минг кишилик қўшин бошлиқлари); 5) сипоҳ ва раият, яъни аскарлар ва авом ун-нос; 6) маҳсус, яъни ишончли кишилар; 7) вазирлар ва саркотиблар; 8) ҳакимлар. табиблар, мунахжимлар ва муҳандислар; 9) тафсир ва ҳадис олимлари; 10) аҳли саноат (хунармандлар, косиблар); 11) сўфиylар; 12) тужжор (савдогар) ва сайёҳлар.

«Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуклар ва қонун-қоидаларни ҳам ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакнинг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим»<sup>1</sup>-дейди Амир Темур.

Амир Темур даврида ҳам шахсий ҳаёт билан жамият, жамиятдаги уруш ва тинчлик, фуқаролар ўртасидаги аҳиллик ва зиддият, ўзига хос турмуш тарзи каби қўргина жараёнлар бўлганки, бу жараёнларни бошқариш катта куч, билим ҳамда донишмандликни, маҳоратни талаб этган. Бу жараёнларга хос ўзаро муносабатларни теран идрок этмасдан туриб буюк давлат барпо этиш мушкул эди. Шу боис, Амир Темурнинг давлатчиликка қарашлари замонавий фалсафий таълимотга асосланган. Зеро, ул зот ўзидан олдин ўтган ҳукмдору саркардалар, пайғамбару ҳалифалар, алломаю-пирлар, олимлару донишмандлар тажрибасидан, диний таълимотлар, фан ва маданият ютуқларидан яхшигина хабардор бўлган. Амир Темур таъкидлаган ўн икки тамойилни таҳлил қиласиз, Амирнинг буюк стратег, сиёсатчи ва файласуф эканига иймон ҳосил қиласиз. Темурий тамойиллари давлат юритишдаги муҳим йўналишлар бўлиб, улар давлатчилик фалсафасининг ўзига хос ифодасидир. Шу боис, хулоса қилиш мумкинки, «Тузуклар»даги боғланишлар ва алоқадорликларнинг ҳаммаси қуйидаги характерга эга:

- . ҳодисалардаги сабабий боғланиш ва алоқадорликлар;
- муҳим ҳамда муҳим бўлмаган боғланиш ва алоқадорликлар;
- воситали ҳамда воситасиз боғланиш ва алоқадорликлар;
- зарурий ҳамда тасодифий боғланиш ва алоқадорликлар.

<sup>1</sup> Темурнома. Т.: 1990, 6-бет.

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996, 81-бет.

Бу боғланиш ва алоқадорликларни алоҳида-алоҳида таҳлил этадиган бўлсак, улар ҳам ўз навбатида ўзаро таъсир воситасида навбатдаги боғланиш ва алоқадорликларни келтириб чиқаради. Чунончи, давлат бошқаруви бениҳоя қўп омиллар билан боғлиқ, унинг замирида мураккаб фалсафа, сон-саноқсиз жараёнлар мавжуд. Уларнинг бирини англаб етсангиз, ундан иккинчи бир ҳақиқат келиб чиқади. Шунинг учун ҳодисалар моҳиятини билиш, барча алоқадор жиҳатларни, воситаларни бир бутун ҳолда текшириш талаб қилинади. Шундагина хатолардан сақланган ҳолда ҳодисалар ривожи таъминланади. Шу билан бирга, уларни аниқлашда турли услублардан ҳам фойдаланилади.

Амир Темур бобомиз аъло даражадаги фалсафий тафаккур услугига эга бўлгани сабабли, бошлаган ишларининг барчасини поёнига етказиб, ютуқларга эришган. Зеро, боғланиш ва алоқадорликнинг ўзи ҳам фалсафий, детерминистик (боғланиш, алоқа, ўзаро таъсир) хусусиятларига эгадир. Амир Темур ўз фаолиятида тамойиллардан фойдаланиб иш юритди. Тамойиллардан биринчисини сабабий боғланишлар нуқтаи-назаридан теранроқ таҳлил қиласидан бўлсак, яъни Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад пайғамбарнинг шариатига қатъий амал қилиб яшашга асосий сабаб, аввало ўша даврдаги ижтимоий сиёсий муҳит ҳисобга олинган эди. Амир Темур яшаган даврда ислом дини Турон заминида халқнинг онги ва тафаккуридаги реал куч сифатида эътироф этилар эди. Бу мукаммал илоҳий таълимот халқ қалбига сингиб кетганди. Табиийки, Амир Темур ҳазратлари ҳам ислом дини ақидаларига қатъий амал этиб, мамлакатда ҳукмронлик фаолиятида исломий ғояларни бош шиор қилиб олди. Мадраса ва масжидлар қурдирди. Дин пешволарини ҳурматлади. Натижада мудом ғалаба ул зотга ёр бўлди. Ислом динини тарғиб қилиш натижасида Соҳибқирон тарафдорлари ортди, давлатининг куч-қудрати ошди. Қудратли давлат бошқарувида иккинчи тамойилдаги биринчи тамойилга боғлиқлик ёрқин кўзга ташланади, яъни сиёсатда турли табақа ва тоифадаги кишиларга суюниш ҳам заруриятдан келиб чиққан эди. Инсонлар билан, аникроғи, табақа ва тоифалар билан боғланишда (диний эътиқодда ҳам шу табақа ва тоифаларга хос хусусиятлар эътиборга олинган эди) кишилар мавқеига уларнинг турли вазифаларни бажарганликларига, қараб иш юритилди. Оқибат натижада уларнинг фаолияти бошқа жараёнлардаги алоқадорликларга таъсирини ўтказишига сабаб бўлди. Учинчи тамойилда таъкидланганидек, маслаҳат ва кенгашлар, тадбиркорлик билан иш юритиш ҳам турли табақалар манфаатини ҳисобга олган ҳолда ўтказилган. Бундай маслаҳат ва кенгашларда оддий ишлардан тортиб то давлатни бошқариш масалаларигача муҳокама этилган, зарурий хулосалар чиқарилган. Демак, маълум бўладики, Темурий тамойиллари салтанатни бошқаришда ўзаро боғланиб, улар бир-бирини тўлдирганки, улардан ушбу боғланиш ва алоқадорликлар гўё бир ҳалқадан иборат мустаҳкам занжирдир. Бу занжир умумийлик ҳодисаларидан пайдо бўлиб, яккаю-ягона салтанатни бошқаришга қаратилган. Бинобарин, Амир Темурнинг давлат бошқарувини ўрганиш, «Тузуклар»дан замонабоп зарурий хулосалар чиқариш Ўзбекистонни келажакда буюк давлат сифатида камол топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат

қилмоқда. Амир Темур ўз давлатини бошқаришда бор йўғи 7 та вазир ёрдамидан фойдаланган: 1. Мамлакат ва раият вазири; 2. Сипоҳ вазири 3. Мол-мулк даромад, харажатлар вазири; 4. Саркори хосса ва салтанат ишларини юритувчи вазир; 5. Қози калон; 6. Жалол ул-ислом-подшоҳнинг фавқулодда ҳуқуқларига эга бўлган назоратчиси; 7. Вазири девони иншо-турли мамлакатлар билан алоқа боғлайдиган, ёзишмалар олиб борадиган вазир.

Тузуклар бевосита Темурий тажрибанинг мантиқий натижаси бўлиб, ул зот умрининг поёнида битилган асардир. Амир Темур ўзининг давлат бошқарувига хос устун жиҳатларини эътироф этган ҳолда бу бошқарув анъана сифатида давом эттирилишини орзу қилиб», «... Токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай», дея умидвор васият этган эди. Ҳақиқатан ҳам, Амир Темурнинг авлодлари турли даврларда, турли мамлакатларда бу васиятдан тўғри хулоса чиқарадилар ва шу боис Темурийлар сулоласи узоқ асрлар мамлакатларни бошқариб келдилар.

Маълумки, Амир Темур тўғрисида жуда кўп асарлар ёзилган. Буларни анчагина қисми Амир Темур билан ҳамсуҳбат бўлган, унинг турли юришларида

қатнашган муаллифларга тааллуқлидир. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Руи Гонзалес де-Клавихонинг «Дневник путешествия ко дворцу Тимура в Самарканде в 1403-1406 г.», Ибн Арабшоҳнинг «Темур тарихида тақдир ажойиботлари», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарлари шулар жумласидандир. Аммо, Амир Темур фаолиятини тарихий ҳужжатлар асосида ўрганган олимлар ҳам оз эмас. Алишер Навоийнинг «Мажолисун нафоис» еттинчи мажлис, Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома», В.В.Бартольднинг асарлари (том 2, 1 қисм), (Жизнь Темура), Г. Вамберининг «История Бухарў» (т.1), Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» тарихий-библиографик романи, академик И.М..Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли», Евгений Березиковнинг «Буюк Тимур», Ф. Қосимовнинг «Темурийлар даврида Бухоро» Абдулаҳад Мухаммаджоновнинг «Темур ва Темурийлар салтанати», А. Ю. Якубовскийнинг «Тимур», Ғиёсиддин Алининг «Дневник похода Тимура в Индию», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи съайдайн ва мажмаи баҳрайн», Х.Хизриевнинг «Нашествие Тимура на Северный Кавказ», Б.Д.Греков, А.Ю.Якубовскийнинг «Олтин Ўрда», В. И. Заходернинг «Империя Тимура» Ашраф Аҳмедовнинг «Амир Темур ҳақида ҳақиқат», Турғун Файзиевнинг «Соҳибқироннинг сўнгги кунлари», Х. Давроннинг «Соҳибқирон набираси» каби ва бу ерда исмлари айтилмаган юзлаб олимларнинг асарлари борлиги фикримизнинг далилидир. Ушбу асарларнинг барчасида ҳам Соҳибқирон фаолиятига бир хилда ёндошилмаган албатта. Бу олимлар, ёзувчилар, давлат раҳбарлари Амир Темурнинг фаолиятини турли томондан ёритишга ҳаракат қилганлар. Собиқ иттифоқ даврида нашр этилган асарларни ҳаммасида ҳам холисона фикрлар бор деб бўлмайди. У даврдаги Амир Темур тўғрисидаги фикрлар ягона мафкура хизматига бўйсундирилган бўлиб, воқеалар у орқали синфиийлик нуқтаи-назаридан ёритилишига мажбур қилинган эди. Мустақиллигимиз туфайли Амир Темур ҳақидаги аниқ ҳақиқатни билмоқдамиз. Бинобарин, Амир Темур

шахсини идрок этиш-Марказий Осиё тарихини идрок этиш демакдир. «Амир Темурни англаш-ўзлигимизни англаш демакдир» (И.А.Каримов). Чунки, бобомиз тарихи кўпроқ ўзбек халқининг тарихи билан боғлиқдир. Халқнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, маънавий хислатлари, эътиқоди Амир Темур давлатчилигига ҳам бориб тақалади. Президентимиз айтганларидек: «Амир Темурни улуғлаш-тарих қаърига чукур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир»<sup>1</sup>. У улуғ инсондан қолдирилган маънавий мерос авлод-аждодларимизга хизмат қиласди. Ана шундай маънавий мерослардан бири бу «Темур тузуклари»дир.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-том. Т.: «Ўзбекистон», 1997, 173-бет.

## **8.2. «Темур тузуклари» да маънавият масалалари.**

Бу асарнинг қиммати бениҳоя улуғдир. Баъзида у «Темурнинг айтганлари», «Темур ҳақида хотиралар», «Тузуки Темурий» деб ҳам аталиб келинган. Асар дастлаб эски ўзбек (Чигатой-туркий) тилида ёзилган бўлиб, шарқшунос олимларнинг жумладан, Н.Д.Миклухо-Маклай, Ч. Ръё, X. Эте, Ч.А.Сторийларнинг фикрича, унинг бир нусхаси XVII асргача Яман ҳукмдори Жаъфар подшоҳнинг кутубхонасида сақланган. Ҳозир эса бу асар дунёнинг кўпгина тилларига: инглиз, француз, форс, урду, рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган. Ҳозирги ўзбек тилига қилинган таржимаси форс ва араб тили билимдони мархум Алихонтўра Соғаний томонидан бажарилган. Унга шарқшунос олим Ҳабибулло Кароматов ўзининг жиддий ҳиссасини қўшган ва китоб ҳолига келтириб нашр эттирган.

«Тузуклар»нинг Амир Темур томонидан ёзилганлиги ёки ёзилмаганлиги ҳақида тортишувлар ҳозиргача давом этмоқда. Жумладан, инглиз шарқшуноси Э.Г.Браун билан рус шарқшунос олими В.В.Бартольд «Тузуклар»нинг Амир Темур томонидан ёзилганлигига шубҳа қиласидар. Аммо, академик Б.Аҳмедовнинг фикрига кўра, асарни синчилаб ўрганганда, ҳамда Амир Темурга бағишлиб ўша вақтдаёқ ёзилган асарлар таҳлил қилинганда, жумладан, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»ларига солиширганда юқоридаги даъволар асоссиз эканлиги маълум бўлади. Инглиз шарқшунос олими А.Сторий ҳам шу фикрда бўлиб, «Тузуклар» Амир Темур томонидан ёзилган, деб очиқ айтади. Демак, шуни айтиш керакки, ўз даврининг илм ва фани, олиму фузалолари қадрлаган, жамият тараққиётига улкан ҳисса қўшиб, уни ривожланишини таъминлаган кишини асар ёза олишига шубҳа қилиш ўринсиздир.

«Темур тузуклари»нинг қўлёзма нусхалари жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг, жумладан: Хиндистон, Эрон, Англия, Дания, Франция, Россия, Германия, Арманистон, Ўзбекистон кутубхоналарида бор. Бу асар асосан Амир Темурнинг таржимаи ҳоли, ҳаёти, давлати ва армияси тўғрисида, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий, маънавий шароит ҳақидаги манбадир.

У авлодларга қолдирилган муҳим сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маънавий қўлланмадир. Асада 1342-1405 йиллардаги муҳим маълумотлар келтирилади. Бу маълумотларнинг аксарият қисми инсоннинг маънавий хислатларини ёритиш ва ҳаётга татбиқ этишга қаратилган. У икки мақоладан иборат: биринчисида жаҳонгирнинг ўз давлатини ташкил этиш ва уни мустаҳкамлаш, қудратли қўшин тузиш, қонун ва режалардан иборат бўлса, иккинчи мақолада кучли феодал давлатни барпо этиш ҳақидаги кенгашлар, ҳамда амалга оширилган ишлар ҳақидадир.

Амир Темурнинг асаридан сезилиб турадики, ўзи танлаган ва тайинлаган кишиларнинг ахлоқий хислатларига кўпроқ эътиборни қаратган. Жумладан Соҳибқирон фикрича, вазирлар 4 сифатга эга бўлиши керак:

1. Асилик, тоза насллик ва улуғворлик;
2. Кўпни қўра оладиган, тез хулоса қиласиган, ақлу-фаросатлилик;
3. Инсонпарвар, халқ аҳволини, сипоҳларни биладиган ва ғамхўрлик кўрсата оладиган;
4. Чидамли, сабр-тоқатли, хушмуомалали, мулоим.

Кўриб турибмизки, бу ахлоқий хислатлар Амир Темур томонидан юқори баҳолангандан ва уларга амал қилингандан.

Бутун умри давомида ҳокимиятда виждонли раҳбарларни бўлишини орзу қилган ва бу орзуни амалга оширган. Тузукларда таъкидланишича, раҳбар қилиб тайинланган одамларни ортиқча мақтаб юбориш, сийлаш ва талтайтириб юбормаслик лозим. Аввало, назари паст, жоҳил, таги паст одамларни вазирлик мансабларига тайинламаслик керак. Амир Темур таъкидлаб айтадики: «Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, уни вазирлиқдан тушириш лозим. Насли ва зоти паст, ҳасадчи, гина-кек сақловчи, қора кўнгилли одамларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин, (чунки) бузуқи, қора кўнгилли, зоти паст, одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез фурсатда завол топади»<sup>1</sup>. Амир Темур айниқса, ўз манфаатини ўйлайдиган очкўз, манманлик ва зиқналиқ қиласиган, мол-мулкка берилган, ўзларининг энг яқин кишиларини унугиб уларга қайсарлик билан иш тутадиганларни жуда ёмон кўрган. Бу ҳақда «Тузук»ларда шундай дейилади: «Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унугиб, хизмат пайтида ўз соҳибидан юз ўгириб, ҳузуримга келган бўлса, ундаи одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Чунончи, Тўхтамишхон билан бўлган урушда унинг амирлари менга ҳар турли хабар ва шикоятлар ёзиб, ўз ҳукмдори, яъни менинг душманим бўлмиш Тўхтамишхон берган туз ҳақини унудилар, вафодорлик ва ҳақ-ҳуқуқни бир чеккага йиғишириб қўйиб, ҳузуримга паноҳ истаб келганлари учун уларни лаънатладим, ўзимга «булар ўз ҳожасига вафо қилмагач, менга қилармиди?-деб ўйладим». Айтиш лозимки, бу фикрлар юксак маънавиятга эга бўлган, юксак ахлоқли, шахс томонидан айтилиши мумкин, холос. Амир Темур ўзининг шу хислатлари орқали халқнинг барча табақалари ўртасида хурмат қозонган, жумладан «Тузук»ларда бу ҳақда шундай фикрлар бор: «Мен ўзимнинг икромиятим ва раҳмдиллигим тифайли энг паст табака кишиларнинг ҳам, ҳатто гадоларнинг раҳматига сазовор бўлдим. Мен бутун жаҳдим билан бу табақадаги кишиларнинг аҳволини осонлаштиришга ҳаракат қилдим»<sup>2</sup>.

«Темур тузуклари»даги барча соҳалар ҳам инсон, инсоннинг ахлоқи билан боғлиқ, десак хато бўлмайди, сабаби жаҳонгирнинг ўзи ўта камтар инсон бўлган. Ўз даврида қурдирган барча мадрасаю, мақбара, қалъа-қасрлар, боғроғлар, масжидларни ўз номи билан эмас балки, ислом раҳнамолари, қавму-

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996, 11-бет.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996, 334-бет.

қариндошлари ва ўғил-қизлари номлари билан атаган, уларнинг номларини берган.

«Темур тузуклари»да ахлоқ ва одоб меъёрлари марказий ўринларни эгаллайди. Адолат, сўз ва амалиёт бирлиги, дўст ва душманлик, ботирлик ва қўрқоқлик, сўз ва ширинсуханлик, манманлик ва камтарлик, бойлик ва камбағаллик, мардлик ва номардлик каби ахлоқий хислатлар яққол кўзга ташланади. Бу келтирилган одоб ва ахлоқ меъёрлари Амир Темурнинг ўз фаолияти, харакати билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз умрининг барча кирраларида ушбу меъёрларга дуч келиб, улар соҳасида инкор этиб бўлмайдиган фикрларни билдирган.

Тузуклардан ва ёзиб қолдирилган бошқа манбалардан маълум бўладики, Амир Темур ўринсиз ғазабланиб, бирор киши билан муомала қилмаган. Унинг фикрича, ғазаб ва қаттиққўллик билан қилинган муомала Тангри Таоло ғазабига дучор бўлиш, ўз ҳолини танг қилишдир. Шу сабабли, Амир Темурнинг ўзи сўз билан душманни бўйсундиришни афзал кўрган. Зеро, «миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир», «куч адолатдадир, «адоват эмас, адолат енгади», «бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал» деган, юксак маънавиятга оид фикрларни Амир Темур ўртага ташлаганки, бу фикрлар абадий ўчмасдир.

Амир Темурнинг давлатни идора қилишида одоб ва ахлоқ меъёрларидан фойдаланиб иш юритганлиги диққатга сазовордир. Биз ушбу фаолиятни «Тузуклар»даги ўгитлардан ҳам яққол сезамиз, «Ҳар мамлакатга шайхул-ислом (мусулмон жамоасининг бошлиғи) юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва савоб ишларга ундасин»<sup>1</sup>.

«Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шавқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим... Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга қўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим»<sup>2</sup>.

Амир Темур барчага насиҳат қилиб айтадики: «Уламо билан сұхбатда бўлиб ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим, буларнинг ҳимматларидан улуш тилаб, муборак нафаслари билан дуо фотиха беришларини илтимос қилдим». Яна бир жойда «...Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомалада бўлмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг этмасин деб»<sup>1</sup>. «...-раият ахволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим». «Яхшиларга-яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилса

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996, 73-бет.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996, 70-бет.

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996, 70-бет.

қадрладим, дўстлиги қадрини унумадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим»<sup>2</sup>.

Амир Темурнинг фарзандлари ҳам ҳокимият ишларига аралашганлар. Уларга ҳам кўп минг сонли қўшинлар берилиб, турли вилоятларга бош этиб тайинланган эдилар. Улар оталари билан маслаҳатлашиб иш юритганлар. Зарур бўлса отаси билан бирга, ўз қўшинларини олиб келиб жангга кирганлар ва ўз отасининг салтанати ва давлатини ҳурматини жойига қўйганлар. Фарзандлар нотўғри йўлга қадам қўйганларида эса ота уларни жазолаган, танбех берган.

Амир Темурнинг шахсий фаолияти барча кишилар учун турли соҳалар бўйича намуна бўла олади. Айниқса, у кишининг инсонга, ватанга, халққа, ўз оиласи ва дўстларига бўлган муносабатларида бу жараён яққол кўзга ташланади. Амир Темур ҳали, давлат тепасига келмасданоқ ватанини ўйлаш, ватан равнақига бефарқ бўлмаслик, душманлар томонидан ўтказилаётган тазийқ ва талон-торожликларни олдини олиш учун интилиш хислатларига эга эди.

Баъзида Амир Темурнинг «қонхўрлиги» ҳақида фикр юритганлар. Бу бизнингча мутлақо ўринсизdir. Аслида, Амир Темур адолат билан иш юритар экан, шу адолатни ерга урадиган, жамият манфаати билан ҳисоблашмайдиган кишилар билан ҳақиқатда ҳам муросасиз бўлган. Бу сўзнинг келиб чиқишида Руи Гонзалес де Клавихонинг бир ҳикояси сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Амир Темур ўзининг «Беш йиллик юриши» вақтида Туркия шарқида сафарда бўлган. Бу сафар пайтида Сурияга ўтилаётганда, Сурия билан Туркия оралиғидаги ерларда кўчманчилик қилиб юрувчи «оқ татар» номли элатга тўғри келинган. Тўсатдан жанг бошланиб, татарлар енгилади ва асрга олинадилар. Натижада, улар Эроннинг шимолидаги Дамгон вилоятига кўчирилиб, бу ерларни улар ёрдамида ободонлаштириш назарда тутилади, сабаби, у ернинг аҳолиси кам бўлган. Аммо, оқ татарлар у ерларга келганларидан сўнг яна аввалгидай итоат қилмайдилар. Ўзаро бирлашиб, аста-секин ғарбга, яъни ўз ерларига қайта бошлайдилар. Йўл-йўлакай шаҳар ва қишлоқларни талон-торож қиласидилар. Вайроналарга айлантирадилар. Натижада Амир Темурнинг сипоҳларини жаҳли чиқиб, оқ татарларни қириб ташлайдилар. Тўғри, бу жангда минглаб кишилар ҳалок бўлади, лекин бу-сабабсиз бўлмаган-ку! Демак, қонхўр дейилиши асоссиз бир эртакдир, холос. Агар биз Амир Темурни бошқа саркардалар, Наполеон, Гитлер, Сталин, Фрунзелар билан қиёслаб ўрганадиган бўлсак, унда улар қилган даҳшатларни қандай баҳолаш мумкин!

Амир Темур ўз ҳаёти давомида феодал тарқоқликка барҳам бериш учун курашди, вайрон бўлган шаҳарлар ва ҳалқ хўжалигини тиклаш, мамлакатни обод қилиш учун ҳаракат қилди. Масалан, ўша вақтда мўғуллар томонидан Самарқанд, Бухоро, Насаф (Қарши), Ғузор шаҳарлари хонавайрон қилинган эди. Уларни тикламасдан бошқа соҳаларни ривожлантириб бўлмас ҳам эди. У 1371-1372 йилларда Самарқанд теварагидаги бузилиб кетган деворларни тиклади. Унинг 6 та дарвозаси қайта таъмирланди. Улкан сарой-Кўксарой ва

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996, 71-бет.

Бўстонсарой бунёд бўлди, кўчалар, бозорлар обод қилинди. Мақбаралар қад кўтарди. Булар кўпларга намуна бўладиган хислатлардир.

Маълумки, Амир Ҳусайн Амир Темур билан яқин қариндош бўлган. Уни Амир Темур ўз давлатига шерик қилган, аслида Амир Ҳусайн ўзини дўст қилиб кўрсатса ҳам, ичидан Амир Темурга ҳасад билан қараган. Бир неча бор ёмонликлар қилган. Сабаби, у ҳам Мовароуннахр тахтига ўлтиришни орзу қилган. Улар ўзаро бир-бирларига қасд қилмасликка онт ичганлар. Амир Ҳусайн учинчи маротаба Қуръонни қўлига олиб дўстлик бобида онт ичган бўлса ҳам, Амир Темурга вафолик қилмаган. Амир Темур кўп маротаба унга мурувват кўрсатган бўлишига қарамасдан, Амир Ҳусайн уни мағлуб қилиб, унга фириб беришга интилган. Шундай бўлишига қарамасдан Амир Темур уни кечириб келаверган. Бинобарин, Амир Темур салтанат тахтига ўтирганда дўсту душманга бир текисда йўл тутган. Ўз тузукларида бу соҳани шундай таърифлайди: «Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд этган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, яхшиликларимни кўриб, хижолат ерига ғарқ бўлдилар.

Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ излаб келганларида, уларни ўзимнинг бахту – давлатимга шерик билиб, ҳеч қачон мол-мулк ва тирикчилик ашёларини улардан аямадим. Яна тажрибамдан билдимки, содик ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз ёви деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди. Шундайки, амирларимдан қай бирлари менга жон-дили билан ҳамроҳлик қилган бўлсалар, мен ҳам улардан ҳеч нарсани аямадим. Яна ўз тажрибамдан кўрдимки, ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ экан. Чунончи Амир Қазаганинг набираси Амир Ҳусайн нодон дўстлардан эди. Унинг дўстлик юзасидан қилган ишларини ҳеч бир душман қилмайди<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, Амир Темур дўстликни улуғлаган ва умри давомида шунга содик қолган.

Инсонларнинг кундалик ҳаётидаги юмушлар, уларнинг юриш туришидаги қоидалари ҳам Амир Темур назаридан четда қолмаган. Буларнинг барчасини «Тузуклар»нинг бошланишидан охиригача айтилган фикрлардан англааб олиш мумкин. Турли манба ва фикрларни таҳлил қилган киши буни дарров фаҳмлаб етадики, Амир Темур фалсафаси фақат инсон фалсафасидир. Чунки инсоннинг юриш туриши, фаолияти, барча ишлари Соҳибқироннинг доимий диққат марказида турган.

Соҳибқирон ўз даврида илм-фан арбоблари, дин пешволари ва донишмандларга ҳамиша хайриҳо бўлган. Манбалардан маълумки, Амир Темур буюк саркарда бўлиш билан бирга, у илм фан ва юксак маънавиятни шаклланишида буюк ҳомий эди. Зоро, илм ва фанни эъзозлаган Амирнинг ўзи ҳам шубҳасиз илм фандан жиддий хабари бўлган. Демак, Соҳибқирон кенг маълумотли бўлиб, ҳар бир соҳани назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қила олган. Қуръон, ҳадис, қонун, география ва тарих, фалсафа илмларини ўзида

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996, 113-бет.

мужассамлаштирган. «Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмларидан тафсир, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар, деб... ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим»<sup>1</sup>-деб таъкидлайди Амир Темур. Демак, Амирнинг машваратлари доимо фузалоларсиз ўтмаган. Манбалар яна шуни кўрсатадики, Соҳибқирон даврида юқорида тилга олинган илм-фан соҳалари жиддий ривожланди. Бу ривожланиш подшонинг марҳаматисиз бўлмас эди, албатта. Буни ҳатто, Амир Темур фаолиятига танқидий қараган Ибн Арабшоҳ ҳам тан олган. У шундай деб ёзади: «Хулласи қалом, Темур ҳар бир (фойдали) жонни атрофига йиғиб, нимаики бўлса, сарасини Самарқандга келтирди. Натижада Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намоёндасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан фазилати пешонасида нишона бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган, ўз соҳасида аллома кишилар йиғилган эди»<sup>2</sup>.

Амир Темур авлодларидан буюк олимлар, шоирлар, саркардаларнинг чиқиши ҳам бежиз эмас. Амир Темур даврида мамлакатда миллий маданият ва архитектура меъморчилик санъати жиддий ривожланган. Унда ҳам фан аҳлининг маънавий ўрни бекиёс каттадир. Амир Темур Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро ва Туркистон шаҳарларида қайтарилмас биноларни қурдирди. Бағдод шаҳарини икки марта тиклади. Дарбандни таъмирлади. Банокат (Шоҳруҳия), Бойлақон (Озарбайжон) каби шаҳарлар қурилишига эътиборини қаратди. Мовароуннахрда эмас балки, ўзга юртларда ҳам орзу қилинадиган масжиду мадрасалар, қасрлар, қалъалар қурдирди. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик бериб ёзишича, Амир Темур бирон шаҳар ёки мамлакатда бўлганида албатта биронта бино қуриб қолдирган. Рус тарихчиси А.Ю.Якубовскийнинг фикрича, машҳур подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий бутун дунёни талаб катта бойлик йиққан бўлса, Темур эса топганини эл-юрт ободончилигига сарфлаган илм масканларини қурдирган. Буни Амир Темурнинг ўзи ҳам таъкидлаб шундай дейди: «Ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масjid, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар. Фақиру мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар.»<sup>1</sup>. Шу каби соҳаларда Амир Темур бир неча бор тўхталган ва уларни содда қилиб тушунтирган. Жумладан, Амир Темур ёш авлодларга насиҳат қилиб айтадики, билимли кишилар ўтирган ўрни билан ҳам подшоҳга яқин бўлиши даркор.

Амир Темурнинг ўзи эса салтанат тахти ўринларини белгилаганда ҳам илм маърифат алломаларини ўзига хос жойларини танлаб берган ва, «Сайидлар, қозилар, уламо, фузало, шайхлар, улуғлар аслзодалар ўнг томондан ўрин олсинлар» ёки иккинчи бир жойда: «сайидлар, уламо, машойих, фузало, улуғларни азиз тутсинлар»-деб айтади. Уларнинг турмуш тарзи, моддий таъминланишларига эътиборини қаратган. Шу сабабли бўлса керакки, Амир Темур саройида ўша вақтда кўплаб илм-маърифат алломалари яшаган ва ижод

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996, 73-бет

<sup>2</sup> Б. Ахмедов. Амир Темурни ёд этиб. Т.: «Ўзбекистон» 1996, 115-бет.

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996, 125-бет .

қилган. Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунши, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нўймониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Ҳокийлар шулар жумласидандир.

Амир Темур ўз даврининг барча илмларига эътибор берганлигини француз олими Лянглэ шундай таърифлайди: «Темур олимларга серилтифотли эди. Билимдонлиги билан бир қаторда соғдилигини кўрган кишиларга ишонч билдиради. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда истеъодли бўлган барча кишилар билан сұхбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Чунки Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборни берарди<sup>1</sup>». Ёки Ибн Арабшоҳ ёзганидек: «Темур олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалога тўла иззат-хурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом муқаддас кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату-икромини унга изҳор қиласр эди<sup>2</sup>. Аммо кўрсатилган меҳр-муҳаббат ва оқибатга олиму фузалолар томонидан ҳиммат кўрсатилмаганда, Амир Темур уларни тўғри йўлга бошқаришга интиларди, жумладан: «Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим-мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқоронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суиистеъмол қилинганлиги ва қилинмаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан эзилаётгани мендан кўра сизларга аёндир. Шулар ҳақида маълумот берингиз, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва қонунларга мувофиқ чора- тадбирларни айтсангизлар яхши бўлурди»<sup>3</sup>.

Амир Темур фаолиятида ўз ота-онасига, қариндош-уруғларига бўлган хурмат-иззат, устозларни эъзозлаш, уларга яхшилик баҳшида этган кишиларнинг хурматини жойига қўйиш устувор бўлганлигини таъкидлайдилар. Масалан, улар тўғрисида «Тузуклар»да ҳам шундай фикрлар келтирилган: «Фарзандлар, қариндошлар, ёру-биродар, қўшнилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, (молу мулк ва нақд пул билан) ҳақларини адо этдим»<sup>4</sup>. Кўриниб турибдики, Амир Темур қанчалик давлат ишлари билан банд бўлишидан қатъи назар, оиласвий муносабатларни, ўзаро инсоний хизматлар ва хислатларни олий даражада бажара олган. У инсонлардан ҳеч қачон меҳр муҳаббатини аямаган. Лекин ўғиллари ёки бошқа бирор яқинлари номаъқул ишларни амалга оширганда уларни тўғри йўлга бошлиш учун барча имкониятлардан

<sup>1</sup> Буюк сиймолар, алломалар. Т.: 1996, 15-бет.

<sup>2</sup> Буюк сиймолар, алломалар. Т.: 1996, 15-бет.

<sup>3</sup> Амир Темур ўғитлари. Т.: 1992, 39-41 бетлар.

<sup>4</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996, 72-бет.

фойдаланган. «Агар ўғилларимдан қайси бирори салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарар экан, уни ўлдиришга, боғлашга ёки мучасидан бирон жойини камайтиришга ҳеч ким журъат қилмасин. Лекин ўз даъвосидан кечмагунча асирикда сақласинлар, токи Худонинг мулкида уруш чиқмасин. Агарда набиралар ва қавм-қариндошлардан бири менга қарши кўтарила уни дарвишлик ҳолатига солсинлар.».<sup>1</sup> Сезамизки, Амир Темур ўзининг шахсий манфаатларини ҳеч вақт салтанат манфаатидан устун қўймаган.

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996, 91- бет

### **8.3. И. А. Каримов асарларида Амир Темур фаолияти талқини**

Президент И.А.Каримов мустақиллигимиз даврида Амир Темур фаолиятини жиддий баҳолади ва унинг тарихда тутган ўрнини холисона равишда тарғибот қилди. Собиқ Иттифоқ даврида қатағон этилган ўзбек ўғлонлари ичida биринчи ўринда Амир Темур турар эди. Ҳатто, Амир Темурни шахс сифатида эътироф этиш, сиёsat ва давлат арбоби сифатидаги тажрибаларини ўрганишга ҳаракат қилганлар ҳам қаттиқ тазиик остига олинар эдилар. Лекин ўзбек ҳалқи буюк саркарда, давлат асосчиси, мутафаккир Амир Темурни ўз хотирасида сақлаб келди. Мустақиллик эълон қилингани кунданоқ у буюк зотнинг ҳурматини ўрнига қўйиш бошланди. У кишидан қолган меросни бемалол ўрганишга киришилди. Жамоат жойлари, қўчалар, ўрта ва маҳсус ҳамда олий таълим тизимидағи муассасалар, илм масканлари, маҳаллалар, ширкат хўжаликлари аллома номи билан аталди. Тошкент шаҳрининг қоқ марказида у кишининг бебаҳо ҳайкали ўрнатилди. Шу муносабат билан И.А.Каримов ўзининг «Эҳтиром» деб аталган маърузасида Амир Темур фаолиятини баҳолаб қуидаги фикрни билдири: «Амир Темур давлат қурилиши, ҳарбий санъати, қўп асрлар давомида Шарқу Ғарб давлатларига ўrnak ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърият, бекиёс ривож топди, ҳалқимизнинг қўп анъаналари такомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳлларига кўрсатган чексиз меҳру муруввати, айниқса ибратлидир. Кўхна тарих саҳифалари буюк бобомизнинг миллат ва эл-улус манфаати бобида чеккан мислсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шижаатларига гувоҳлик беради.

Инсон-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат, зўрлик, зўравонлиқда эмас, аксинча,adolatda эканини теран англади»<sup>1</sup>.

Амир Темурга ҳурмат аждодларимизга бўлган ҳурматдир. Буни Ўзбекистон Президенти томонидан шу соҳада амалга оширилаётган улкан ишларнинг бошланишидир, деб тушуниш мумкин. Мустақиллик йилларида бир қанча аллома ва давлат, жамият арбобларининг таваллуд топган йилларини нишонлаш амалга оширилди. Булар жумласига Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал Мотурудий, Шароф Рашидов, Бурҳониддин Марғиноний ва бошқалар киради. Буларнинг барчаси И.А. Каримовнинг саъй-ҳаракатларининг натижасидир. У киши Амир Темурнинг таваллуд топганлигини 660 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабз шаҳрида олиб борилаётган ишлар билан танишиш пайтида ушбу фикрларни билдирганлиги ҳар биримизни тўлқинлантириб юборди. «Амир Темур-нафақат Турон-Туркистон-Ўзбекистон заминининг, балки инсониятнинг энг улуғ даҳоларидан биридир». Демак, унинг тарихий образи, тарихий сиймосини яратишга жуда

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 360-361 бетлар.

кatta меҳр ва масъулият билан ёндашмоқ шарт. Менинг назаримда, юртимизда бу улуғ аждодимиз шарафига бунёд этилаётган ва этиладиган ёдгорликларда у зотнинг қиёфаси шундай акс эттирилиши керакки, уни кўрган одам ҳайкал қаерда ўрнатилганлигидан қатъи назар, соҳибқирон бобомизни бехато тан олсин. Шунинг учун шахсан мен Амир Темур ҳайкалларини унинг ҳаётий даврлари, яъни болалиқ, ёшлиқ, кексалик палласи тарзида тасвирлаш таклифига тарафдор эмасман. Амир Темур деганда, киши кўз ўнгидаги яхлит, тенгсиз азму шижаот соҳиби бўлган буюк инсон сиймоси гавдаланмоғи лозим... Бу буюк сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни кўришда бизга янги-янги куч-куват ва шижаот бағишлайди<sup>1</sup>. И.А.Каримов ўзининг фикр ва мулоҳазаларида Амир Темурни холисона баҳолади. Унинг сабаблари бор албатта. Жумладан, Амир Темур қадрияти мустамлакачилик йилларида йўқ қилинишига, миллий туйғуларимизни чекланишига олиб келди. Бу миллий ҳистойғуларни тиклаш лозим эди. Тарихимизни тиклаш-кишиларимиз, авлодларимизга ҳақиқий тарихни кўрсатиш ва аждодларимиздан фахрланиб юришга йўл очиш эди. Бу – Амир Темурнинг фаолиятидан келиб чиқиб, давлатимизни янгидан барпо этиш, буюк давлат учун ҳаракат қилиш демактир. Бу яна қайтадан жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш демак. Биз буларга қисман эришдик ҳам. Бунда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг хизматлари бекиёсdir.

«Амир Темур тузуклари»ни инглизчадан француз тилига таржима қилиб, 1787 йилда нашр этган француз олими Лянглэ Темур ҳақида шундай ёзади: «Темур хони (Темур) сиёсий ва ҳарбий тактика ҳақида рисола ёзган ва ўз авлодларига жуда доно тизим қолдирган. Биз буни тасаввур ҳам қилмаган эдик ва унинг урушларини босқинчилик ва талон-торож қилиш деб баҳолаб келган эдик. Деярли енгиб бўлмайдиган икки тўсиқ-биздаги таассуб ҳамда тарихий ноҳақлик Темурни билишимизга ва тўғри баҳолашимизга халақит бериб келди<sup>2</sup>. Ҳатто XVIII асрда айтилган бу фикр ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Ушбу фикрларга амал қилган Президент ўзининг «Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин», «Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир», «Азалий буюклик маскани», «Соҳибқирон камолга етган юрт», «Адолат ва қудрат тимсоли», «Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз» каби асарларида Амир Темур фаолиятига жиддий, ижобий баҳо берди ва бу буюк зотни эъзозлашнинг намунасини кўрсатди.

**Таянч сўз ва иборалар:** мўғуллар босқини, исроилийлар, саййидлар, уламолар, машойихлар, фозил кишилар, дарвешлар, қаландарлар, мунажжимлар, саркотиблар, сўфийлар, тужжорлар, муҳандислар, Темур тузуклари, қози-калом, асилиқ, тоза насллик, улуғворлик, шайхул-ислом, инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони.

<sup>1</sup> Иброҳимов А, Султонов X, Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т.: 1996, 380-381-382 бетлар.

<sup>2</sup> Буюк сиймолар, алломалар. 2-чи китоб. Т.: 1996, 14-бет.

## **Ҳикматлардан намуналар**

Бир қунлик адолат-юз қунлик тоат-ибодатдан афзал.

х х х

Биз ким – мулки Турон, Амири Туркистонмиз.  
Биз ким – миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи  
Туркнинг бош бўғинимиз.

х х х

Ўлганларнинг молларини ўз ворисларига етказсинлар. Агар вориси йўқ  
бўлса, уни хайрли ишларга сарф қилсинлар ва Маккайи муаззамага  
юборсинлар.

х х х

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

х х х

Лочиннинг учарга мадори келмаса, чумчуққа масхара.

х х х

Шер йигитни номус ўлдирап.

х х х

Бир кун келадики, золим ўз бармоқларини тишлайди.

х х х

Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узокроқ  
яшайди.

х х х

Адоват эмас – адолат енгади.

х х х

Аввал йўлдош – кейин йўл.

X X X

Бел ушлашганда отангни аяма.

X X X

Билаги зўр – бирини йиқар, билими зўр мингни.

X X X

Бир таёқни синдиromoқ мумкин,  
Кўп таёқни букиб ҳам бўлмас.

X X X

Ботир жангда билинар,  
Доно машваратда.

X X X

Бўлар одам ёшида бош бўлар,  
Бўлмас одам қирқида ҳам бош бўлар.

X X X

Вақт ўтгандан кейин қиличингни тошга чоп.

X X X

Душманнинг кулгани- сирингни билгани.

X X X

Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ.

X X X

Етимсиз от довон ошолмайди.

Х Х Х

От минган отасини унутади.

Х Х Х

Оқ бўлсанг – онт ичма.

Х Х Х

Қилич ўткир бўлса-да ўз сопини кесмагай.

Х Х Х

Той минган от ҳам минади.

Х Х Х

Қўлига қилич олган баҳона қидирмайди.

Х Х Х

Қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган.

Х Х Х

Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилигай.

Х Х Х

Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар.

**Амир Темур.**

## **Тест топшириқлари**

- 1. Амир Темурнинг 660 йиллиги қачон нишонланди?**  
а) 1996 йил;  
в) 1993 йил;  
г) 1998 йил;  
д) 1999 йил;  
е) 1994 йил.
  
- 2. Буюк бобоколонимиз Амир Темур халқни неча тоифага ажратиб давлатни бошқарган?**  
а) 12 та;  
в) 10 та;  
г) 8 та;  
д) 6 та;  
е) 4 та.
  
- 3. Амир Темурнинг қайси фикрда унинг маънавий қараси мужассамлашган?**  
а) дилинг Оллоҳда, кўлинг меҳнатда бўлсин;  
в) куч-адолатда;  
г) билимли киши-қимматли олтиндир;  
д) куч-билим ва тафаккурда;  
е) А ва В
  
- 4. Соҳибқирон бобоколонимиз Амир Темурнинг Самарқанд ва Шахрисабздаги ҳайкали қачон бунёд этилган?**  
а) 1995 йил 18 октябрь;  
в) 1999 йил 18 ноябрь;  
г) 1996 йил 18 октябрь;  
д) 1996 йил 18 ноябрь;  
е) 1996 йил 18 декабрда.
  
- 5. XV асрда Европада Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилган. Унга қандай чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзилган эди?**  
а) буюк Амир Темурга;  
в) Европанинг халоскорига;  
г) соҳибқирон Темурга;  
д) буюк халоскорга;  
е) енгилмас Амир Темурга.

**6. Нима сабабдан Амир Темур ислом дини қоидаларига қаттиқ риоя қилган?**

- а) ўша даврида ижтимоий - сиёсий муҳит шуни тақазо қиласр эди;
- в) Турун заминида халқнинг онги ва тафаккурида реал куч сифатида эътироф этилар эди;
- г) халқни бўйсундириш қўзланган эди;
- д) маънавий ва мағкуравий кучга эга бўлганлигидан;
- е) А ва В.

**7. Амир Темурнинг юришларида қатнашиб «Зафарнома» тарихий асарини ёзган тарихчини аниқланг?**

- а) Ибн Арабшоҳ;
- в) Шарофиддин Али Яздий, Низомиддин Жомий;
- г) Руи Гонзалес де – Кловихо;
- д) Хондамир;
- е) барча жавоблар тўғри.

**8. Амир Темурнинг маънавий қарашлари мужассамлашган «Темур тузуклари» асари ким томонидан ўзбек тилига таржима қилинган?**

- а) Алихонтўра Соғуний;
- в) Бўрибой Аҳмедов;
- г) Ҳабибулло Кароматов;
- д) Ҳалимбой Бобоев;
- е) барча жавоблар тўғри.

**9. Президент И. А. Каримов қайси асарида Амир Темур фаолиятига жиддий ижобий баҳо бериб, буюк зотни эъзозлаш намунасини кўрсатди?**

- а) «Адолат ва қудрат тимсоли»;
- в) «Соҳибқирон камолга етган юрт»;
- г) «Азалий буюклик маскани»;
- д) «Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз»;
- е) барча жавоблар тўғри.

**10. 1787 йилда «Темур тузуклари» тарихий асарини инглиз тилидан француз тилига таржима қилган француз олимини аниқланг?**

- а) Лянглэ;
- в) Де Клавихо;
- г) А. Сэторий;
- д) Г. Браун;
- е) Х. Эте.

## **9- Мавзу: Жадидларнинг маърифатпарварлик фаолияти ва унинг халқ маънавиятини кўтаришда тутган ўрни**

### **9.1. Жадидчилик фаолиятининг пайдо бўлишидаги тарихий шароитлар**

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда етишиб чиқсан буюк алломалардан давр талабидан келиб чиқиб, ўз халқини маърифатга чорлаганлар. Уларнинг энг кўзга кўринган вакиллари: Аҳмад Дониш, Бердимурод Бердақ, Муқимий, Фурқат, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Завқий, Сатторхон, Исоқхон ва бошқалар эдилар. Баъзи муаллифлар, шу даврдаги маънавият ва маърифат тараққиётининг ижобий ривожланишини рус чоризмнинг Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлайдилар. Бизнингча, (баъзи элементлардан ташқари) маънавият ва маърифатнинг ривожланиши учун чоризм босқинчилиги халқни тайёрлаган, маърифатни янада жиддийлашишига ёрдам берган, холос. Аслида, бу вақтда маърифатга интилувчи табақалар ҳам Ўрта Осиё халқларида етарли бўлган. Гарчанд юқорида номлари зикр қилинган маърифатпарварлар босқинчиликнинг биринчи пайтларида руслар ҳаётига ижобий муносабатда бўлган бўлсалар ҳам, кейинчалик маърифатпарварлик соҳасидан ўтиб энди демократик, яъни адолатли ҳаёт тарғиботчилари бўлганлар. Улар маънавияти юксак бўлмаган баъзи маҳаллий хонларни кирдикорларини ва босқинчилар фаолиятини ҳам қоралай бошлаган эдилар. Ўша пайтда мустамлақачиликка қарши фикрлар ўртага ташланаётган эди, лекин таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиёда маърифатпарварлар ҳам ижтимоий тузум сир асрорларини кўпроқ тарғиб қилишга мойил эдилар. Халқ ўртасидаги маънавий жиҳатлар нисбатан иккинчи ўринга тушиб қолган эди. Маънавий жиҳатлар гўёки, ўз-ўзидан шаклланиб тараққий этишга қодир эди. Маърифат орқали феодал жамиятнинг кирдикорларини очиш, уларга қарши курашиш одат тусига кирган эди. Бу давр маърифатпарварлари ҳатто подшоҳ ва ҳокимларни маърифат тарқатишига чорладилар, уларнинг бу соҳадаги камчиликларини аёвсиз танқид қилдилар. Жумладан, ўша вақтларда Россиянинг Санкт-Петербург шахрида элчихонада хизмат қилаётган Аҳмад Дониш Бухоро амирлигининг мустақил иш тута олмаганлигини кўриб, куйинган ва «Биз ўзбеклар қачонгача ғафлат уйқусида ётамиз» деган фикрни юритиб, ҳар бир ўзбекни маърифатга чорлаган. Умуман бу давр маърифатчилари давлат тузумини ислоҳ қилиш кераклигини кўпроқ ўртага қўйдилар. Уни демократлаштиришни тарғиб қилиб чиқдилар. Уларни фикрича, баъзи хонлик, амирликлар тузумлари ўзбошимчалик, қонунсизлик ва порахўрлик маконидир. Бинобарин, илм ва дин, маданият соҳасидаги ғамхўрлик етарли эмаслигини эътироф этдилар. Шундай бўлсада, бу давр алломалари асарларида умуминсоний маънавият жарёнлари мавжуд бўлиб, халқقا хизмат қилиш эса маънавият йўллари орқали қўйилиши кераклиги таъкидланган. Масалан, Бердақ инсонни ватанпарвар бўлишига, меҳнаткаш бўлишига, ҳалол, бегараз, ҳақиқатгўй бўлиб, қадр қимматини эъзозлашга чақиради. Ўзининг асарларидан бирида:

Ишни ишла, туғилган эл учун,  
Жонингни аяма, элда эр учун,  
Киндик қони томган азиз ер учун,  
Ўлиб кетганингча хизмат яхшироқ,

деб таъкидлаган.

Сатторхон алломанинг фикрича, жамият ривожланишининг асоси илм ва фикрdir. Демократик жараёнлар сохта бўлмаслиги лозим. Бу ўринда алломанинг чоризм томонидан маҳаллий жойларда ўтказган сайловларини танқид қилиши бежиз эмас эди. Сабаби, ўтказилган сайловлар адолат нуқтаи-назаридан бўлмасдан, балки, адолатсизликка асосланган эди.

Мутафаккир Фурқат ҳам ўзининг илғор фикрлари билан ажралиб туради. Ўша даврдаги хон ва бекларнинг ўзаро уруш ва низоларини маърифат орқали қоралаган. Ўзбекистон халқини илм ва фан ютуқларига эргаштириб, жаҳолат, зулматдан ёруғлик дунёсига олиб чиқиш мумкинлигини кўпроқ таъкидлаган. Сатторхон ва Фурқатнинг илғор фикрлари ўз замондошлари Муқимиy, Завқий, Анбар Отин каби маърифатпарварлар томонидан қўллаб қувватланди. Бу алломалар ҳам халқ оммасини маърифатпарвар бўлишга чақирдилар. Аҳолини ночор аҳволдан қутқазиши бирдан-бир йўли бойлар ва руҳонийларнинг ўзбошимчалигини тугатишда деб билдилар. Бойлар айшу ишратда яшаб, меҳнаткаш деҳқонлар ва ишчилар зулматда қолганлигини ошкора айтдилар. Улар эзувчиларни фош қилдилар. Уларнинг таъкидлашича, зулм ва жазодан кутулишнинг йўли ақл ва идрок, маърифатdir. Жумладан, Завқий таълимотида ҳам «доно ва маърифатпарвар» ҳукмдорлар хақида жиддий фикрлар берилган. Унинг фикрича, адолатли жамият қуриш фақат ҳукмдорларга боғлиқ. Ҳукмдор худбин, билимсиз бўлса мамлакат вайронага айланади. Доно, одил ва маърифатли кишилар ҳокимиятни бошқарса аҳвол мушкул бўлмайди. Мазкур маърифатчилар таълимоти Ўрта Осиё давлатчилиги ва жамият тараққиётига катта таъсир этибгина қолмади, балки халқни сиёсий онгини ривожланишига ҳам ёрдам беради. Бу жараённи XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ўрта Осиёда кенг тарқалган жадидчилик (жадидчилик сўзи, арабча сўздан олинган бўлиб янги демакдир), фаолиятининг авж олганлигига кўрамиз.

## **9.2. Жадидлар фаолиятининг мазмани-моҳияти ва мақсадлари**

Жадидларнинг асосий мақсади, халқимизни маърифат масканларидан фойдаланишга унданб, уларни дунёвий билим олиш учун чорлаган эдилар. Минг афсуслар бўлсинки, маърифатчиларнинг кўпчилиги илфор фикрлари учун қувгин қилиндила, отиб ўлдирилдила. (Бу ўринда биз тарих фанлари доктори Ислом Йўлдошевнинг «Истиқолга интилган қалблар нидоси» (Т., 1993), номли ўта долзарб асарини ўқишига тавсия этамиз).

Ўрта Осиё халқлари XX аср бошида рус тарихчилари ғирт саводсиздир деб маълумот беришган. Жумладан, ўзбек халқининг 98 фоизи, қирғизлар, қозоқлар, тожикларнинг 100 фоизи саводсиз деган хulosага келишган, ваҳоланки, юқоридаги фикрлардан хулоса қилишимиз мумкинки, халқимиз ўтмишда ҳам саводлиликка интилган, маърифатга эришишнинг турли воситаларидан фойдаланганки, натижада буюк алломалар етишиб чиқсан, ўкув муассасалари, билим масканлари, мадрасалар ташкил этилган. Ҳали 1894 йилдаёқ мактаб ва мадрасалар сони 6445 та бўлган бўлса, 1913 йилга келиб уларнинг сони 8000 га яқинлашган эди.

Биргина Хива хонлиги ҳудудида 2000 дан зиёд мактаб 132 та мадраса иш юритган, Қўқонда 182 та мадраса, 1709 та мактаб, Самарқандда 250 та масжид, 40 мадраса, Бухорода 400 масжид ва мактаб, 350 та мадраса, Тошкентда 300 масжид, 60 та мактаб ва 18 та мадрасаларда халқимизнинг минглаб ёшлари илм олганлар, маърифатли бўлганлар.

Маърифатли бўлишни «Тараққий», «Хуршид», «Тужор», «Самарқанд», «Ойна», «Бухорий Шариф», «Умид» каби газеталар орқали амалга оширганлар. Уларнинг мазмуни шарқона маънавиятимизга, қадриятларимизга эътиборни қаратилган. Ҳалқимиз ўртасида шуҳрат топган достончилик, адабиёт, санъат, баҳшичилик соҳалари ҳам маҳаллий жойларда маърифат учун хизмат қилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маърифат ривожланиши инсонларнинг маънавиятига таъсир қилмай иложи йўқ эди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган жадидлар ҳаракати аввало маърифатпарварлик ғояларини ўртага ташлаш билан чекланиб қолган бўлса, XX аср бошларига келиб, бу ҳаракат намоёндалари ўзларининг маърифатпарварлик ғояларини энди Туркистон жамиятининг тараққиётида муҳим ўрин тутадиган сиёсий, ғоявий жиҳатларга эътиборни қаратдилар. Улар прогрессив сиёсий оқим сифатида шаклландилар. Ҳамда иқтисодий, сиёсий мустақиллигини таъминлашдек эзгу ниятларни ўртага ташладилар. Туб аҳоли манфаатларига оид ва маҳаллий аҳолининг қадриятларига зид келадиган жараёнлардан узоқ бўлиш ҳаракатини қўллаб - қувватладилар. Жаҳон тараққиётидан орқада қолганлик, иқтисодий юксалиш йўқлиги натижасида умуминсоний маънавиятлар ривожланмаётганлиги, мустамлакачилик таъсири кундан-кунга ошиб бораётганлиги жадидчилик оқимининг вакиллари дикқат марказида бўлди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида жадидлар ҳаракати маълум маънода стихияли тарзда бўлган бўлса XX аср бошларида уюшган гурухлар пайдо бўлиб

уларнинг дунёқараши тубдан фарқ қиласи эди. Ана шундай гурухларнинг вакиллари: Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Махмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Файзулла Хўжаев, Тошпўлат Норбўтабеков, Абдурауф Фитратлар эди. Туркистонда жадидларнинг отаси Махмудхўжа Беҳбудий ҳисобланган, чунки у киши жадидларни бирлаштирувчигина эмас, балки жипслаштирувчи ўринини олган.

Жадидларнинг ғоялари Россиядаги «Народничество» ташкилоти каби торғоялар асосида эмас балки, ижтимоий жиҳатдан бой ва рангбаранг ғоялар асосида тузилган эди. Уларнинг ғояларида жамиятни тўлқинлантирадиган, ҳаракатга келтирадиган вазифалар қўйилган эди. Маънавий юксакликка эришиш, диннинг моҳиятини тўғри англаб етиш, хукуқий, иқтисодий демократик жараёнларни тезлаштириш. Тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқиш соҳалари марказий ўринларда эди. Айниқса миллий ўзликни йўқотмасликка, унинг ривожланишини таъминлаш мақсад эди.

Таъкидлаш лозимки, 1905 йил Россия буржуа революцияси Туркистон жадидларига катта таъсир кўрсатган. Шу сабабли, уларнинг фаолиятида мамлакатдаги тараққиётни ислоҳотчилик йўли билан ривожлантиришни ўйлаганлар. Тошкентда Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Исмоил Обидов, Убайдулла Хўжаев, Самарқандда Беҳбудий, Ҳожимуин, Акобир Шомансурзода, Саидаҳмадхўжа, Сиддиқий, Наманганда Носирхон тўра, Кўқонда Обиджон Махмудов, Ашурали Зоҳирий ва Пўлат Солиев каби жадидлар қизғин иш олиб борганлар. Улар тинч йўл билан намойишлар уюштиришга, Давлат думасида очиқ чиқишлиар билан қатнашишга, Чор хукуматидан ўз халқи манфаати учун сиёсий ён беришларини талаб қилдилар. Аммо, Чор Россияси бу талабларга турли найранглар билан рад жавобини берадилар. Боз устига, Пантурқ, Панисломизм ғояларининг мутлақо қоралаб, унинг заарлиги ҳақида бўхтонлар уюштирадилар. Шунинг учун ҳам, ўша пайтда жадидларнинг бирлашиш зурурияти туғилди. Натижада Беҳбудий «Хуршид» газетасида мақола бостириб ягона мусулмонлар партиясини тузишни таклиф қилган эди. 1905 – 1917 йиллар жадидлар учун ҳам сифат ҳам миқдор жиҳатдан ўсиш даври бўлган ва мустаҳкамланган шу давларда жадидларнинг мустамлакачиликка қарши ҳаракатлари ҳам сезилари даражада бўлиб, Чор Россиянинг агентураси ундан хабардор бўлиб турган. Жадидлар биринчи жаҳон уруши йилларида ҳам давлатнинг бошқаришнинг парламентар монархия тузуми, фуқароларнинг давлатни идора қилишда қатнашишлари, маҳаллий туб аҳолининг ҳақ - хукуқларини кенгайтирилиши, асосий демократик жараёнларни таъминлаш миллий матбуот эркинлигига эришиш каби сиёсий талаблар билан чиқган эдилар. Улар Россиядаги феврал инқилоби янги давлат тузумидан сўнг Россия федератив давлатидан кўўпгина енгилликлар олиш учун умид қилган эдилар. Шулардан бири Туркистоннинг муҳториятга эришишни амалга ошириш эди. Афсуски, воқеалар натижаси бундай ўзгаришга олиб келмади. Туркистон Россияга қарамлигича қолаверади.

Жадидларнинг бекиёс хизматларидан яна бири халқ манфаатини замон талаблари даражасига олиб чиқиши, фарзандлар авлодлар баркамоллигини

таъминлаш эди. Ёшларнинг келажагининг билим савиясини, маънавиятини кўтариш эди. Бироқ Туркистондаги октябр воқеалари жадидларнинг орзуумидларини рўёбга чиқаришга йўл қўймади. Шундай тазийкларга қарамай жадидлар большевикларнинг ҳар бири миллат ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳақидаги декларациясидан фойдаланиб, Кўқонда Туркистон муҳтор Республикаси Туркистон муҳториятини эълон қилдилар. Аммо, бу муҳториятнинг фаолияти уч ой давом этгандан сўнг қонли фожиалар билан тугатилгани тарихдан маълум. Айниқса, ана шу ҳаракатдан сўнг жадидлар жиддий таъқиб қилина бошлаганлар. Бу таъқиб 1937-38 йилларгача келди ва жадидчиликнинг деярлик барча намоёндалари отиб ташланди сургун қилиниб йўқ қилиб юборилдилар. Шундай бўлишига карамасдан уларнинг эзгу-нияти ва ҳатти-ҳаракатлари ҳалқ қалбидан мустаҳкам ўрин олди. Улар қолдирган бойлик эндилиқда маънавий озуқа сифатида инсонларни баҳраманд қилиб келмоқда. Ҳозир эса уларнинг фаолияти намуна сифатида қадрланмоқда. Кўпларга ўрнак бўладиган миллат ҳакида ўхшаш, унинг меҳри билан яшаш, унга содик бўлиш борасида тенги йўқ жадидчилардан бери Маҳмудхўжа Беҳбуний (1875-1919) эди. Жадидчилар ичида Беҳбуний оташин ҳалқпарвар, истеъоди ва қобилияти билан бошқалардан ажralиб турар эди. Давлат арбоби Файзулла Хўжаев у киши тўғрисида шундай деган эди: «Бухоро ва Туркистондаги ўзбек жадид ташкилотлари... бир қанча қулайликларга эришиш учун бутун қучларини сарфладилар. Бу борада Маҳмудхўжа Беҳбуний номини эсламасдан ўтиб бўлмайди. Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидлардан унга teng кела оладиган кишиси бўлмаса керак».

Беҳбуний хам бошқа илғор фикрловчи жадидлардек феодал монархия тузумини қоралади. Мазкур тизим ўрта аср қолоқликлари даражасида деб билди. Феодал тузумга қарши чиқган Beҳbuний Ватани, ҳалқи, миллатини маънавий-сиёсий манфаатларини ёқлаб чиқди. Бунинг учун янгича мактаблар очиш, унда аниқ фанларни ўқитиши, ёшларга Европача таълим бериш, матбуот эркинлиги, сўз эркинлигига эришиш каби ўша даврнинг талабидан келиб чиқган шиорларни ўртага ташлади. Шу муносабат билан Beҳbuний томонидан айтилган ушбу оташин фикрларга диққатни қаратсак, Beҳbuний ниятларини дархол тушунамиз.

«... Мустабид амирликнинг ағдариладиган куни яқин, юксак адолат тантанасига ва меҳнаткаш ҳалқнинг барча эзувчилар устидан ғалабага ишончи бизга жисмоний азоб – уқубатларга бардош бериш учун куч - қувват бағишлийди. Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва ҳалқнинг баҳт – саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз. Бизнинг ўлимимиз учун энг яхши қасос мустабид амирликни тезроқ ийқитиши ва мазлум Бухоро ҳалқини озод қилиш бўлади...».

Бундай инқилобий қарашлар Бухоро ва Хива хонликларини шаънига айтилган фикрлар бўлиб ҳакиқий ватанпарварнинг фахри эди.

Беҳbuний бутун фаолиятини саводсизлик, жоҳиллик, қолоқлик маданиятсизликни тугатишга қаратди. Миллий маънавиятни кўтариш амалий

орзусига айланди. Мустамлакачилик сиёсатига карши чиқди. Минг афсуслар бўлсинки, ўша суронли йилларда Беҳбудий ва унинг ўртоқларини яширин ҳолда турли найранглар билан ўлдириб юборганлар. Ўз ўлимини билган Беҳбудий қуидаги васиятларни ёзиб қолдирган: «Эй Туркистон маориф ишларида бўлғон ўртоқ ва ўғлонларим! Мен ўзим гарчанд бандий бўлса-да, сизларни эсимдан чиқармайман ва сизларга бир оз васият қилиб ўтаман:

Мани севар ўртоқларим-маним сўзларимни қулоқларингизга олингизлар! Биз икки ойдан бери Бухоро шаҳрида банди бўлиб юриб, охир 10 кундан бери бу ерда (Қарши шаҳрида) бу золимларнинг қўлиға тушиб, банди бўлдик. Жадид, кофирлик отини кўтардик. Сипоҳлар ичида тилчилик отини кўтардик. Бу ердан қутилмоғимиз гумон бўлди.

Ўртоқларим-Сиддиқий, Айний, Фитрат, Қурби ва Акобир Маҳдум ва ўғлонларим Вадуд Маҳмуд, Абдулқодир Шакурий – сизларга васият қиласман! Маориф йўлида ишлайтурғон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ёрдам этингиз! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар! Ҳар иш қилсангиз жамият или қилингизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф қурбонларини йўқлангизлар! Бухоро тупроғиға тезлик или йўл бошлангизлар. Озодликни тезлик или юзага чиқарингизлар! Бизнинг қонимизни золим беклардан талаб қилингизлар! Маорифни Бухоро тупроғида жорий қилингизлар! Бизнинг отимизга мактаблар очингизлар! Бизлар ул чоғда қабримизда тинч ётармиз! Манинг ўғлонларимға салом етказингизлар! Бу ҳамроҳларимнинг авлодларидан хабардор бўлингизлар. Ушбу васиятларимни ёзиб Аҳмадга бердим».

Беҳбудийнинг дунёқараси, юксак маънавият учун кураши унинг 1912 йилда ёзилган «Падаркуш» пьесасида ўз аксини топган. Саводсизлик, тарбиясизлик, маданиятсизлик, аҳлоқий бузуқлик туфайли жоҳил бола ўз падари-отасинин ўлдиришгача бориб етганини тасвирловчи бу асар кейинчалик кўплаб ёзувчиларга қаттиқ таъсир этган. Жумладан, Абдулла Қодирий: 1913 йилларда чиқкан «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз куёв» отлиқ театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим, деб таъкидлаган Аҳмад Алиев. Маънавият, қадрият ва бадиият. Тошкент «Академия» 2000 й. Маҳмудхўжа Беҳбудий Самарқанд вилоятининг Сиёб туманидаги Бахшитепа қишлоғида руҳоний, зиёли оиласида дунёга келган. У араб, форс тилларини ўрганган. Дастроб Абдураҳмон Жомийнинг «шарҳи Мулло» буюк маънавият меросни сингдирган бўлса ажаб эмас. У ўзининг дастробки асарларининг бирида: «Мени, шахсан энг кўп қийнайдиган нарса-умуман бемақсад, ёки фақат пул, фойда, пора, шуҳратпараст ва амалпарастлик «касаллига» мубтало бўлган ва фақат ўзинигина ўйлайдиган табақалардир... Зотан жамиятни кемирадиган шулар, тараққиётни орқага сурадиганла шулар, халқи, ватани, бутун жамият келажагини сотадиганлар шулар, очигини айтганда, хоин ва сотқинлар шулар... деган фикрларни бежиз айтмаган.

Беҳбудий ташаббускор муаллим сифатида ҳам шаклланди. Инсоннинг маънавий қиёфасини шаклланишига эътиборни қаратди. Ундан мерос қолган илмий ишларга, адабиёт ва санъат дурдоналарга диққат қилган зиёли экан

шунга гувоҳ бўлади. «... Энди келайлук шу жазъий ташаббуҳлар масъаласигаким. Бу: курси (стул)га ўтурмоқ, қошиқ ва чинакча истеъмол этмақ, медаль тақмоқ, ҳавонинг иссиқлиги учун бош ялонғоч ўтиromoқ каби шайлардан иборатдир. Агар бу жузъий ташаббуҳлар ила-да киши кофир бўлаверса, бас, ер юзида бир нафар ҳам мусулмон қолмаслиги лозим келур...»

«... Расм ва одатлар ичида фойдали ва яхшиси бўлғонидек, ёмон ва заралиси ҳам мутлоқо бордур. Чунончи, бурунғи замонда исрофли тўй ва аза, базми жувон каби ёмон одатларимиз йўқ эди. Сўнгра пайдо бўлди: қабул этдук. Энди мунинг қўлидан осонлик ила қутула олмай турубмиз...»

Маҳмудхўжа Бехбудий сафдошларидан бири Абдурауф Фитрат (1886 – 1938) ҳам баъзи сафдошлари сингари октябр инқилобидан нажот кутганлардан бири эди. Фитратнинг фаолиятини олимлар икки даврга бўладилар XX асрнинг 10-нчи йилларигача бўлган ва ундан кейинги 25-30 инчи йиллар давридир. Минг афсуслар бўлсинки, ўзбек халқининг жонкуярларидан бири бўлган Фитрат ҳам жирканч қўллар орқали қатл этилди. У ўз даврининг буюк алломаси сифатида из қолдирди. Ўз ижодини халқ манфаатига бағишлади. Халқ ўртасида йирик олим, адабиётда шоир, ёзувчи, драматург ва сиёsatчи сифатида танилди. У анчагина ҳикоя, пьеса, шеър, адабий-танқидий мақолалар, қўлланмалар, дарсликлар ёзиб халқни манфаатини юксакликка қўтаришга интилган инсон сифатида шаклланган эди. Собиқ совет тузуми даврида Фитратдан қолган маънавий меросга эътибор қаратилмади. Мазкур тузум даврида ўқиб билим олганлар Фитратнинг энциклопедик, яъни ҳар томонлама тараққий этган фаолиятидан хабарсиз қолдилар. Шукрлар бўлсинки, мустақиллик туфайли Фитратнинг фаолиятини ифода этган бир қанча асарлар хаёт юзини кўрмоқда.

Фитратнинг қарашлари «Қиёмат», «Меърос», «Қийшиқ эшон», «Зайнаб ва Зайд», «Оқ мозор», «Бедил», форс шоири асарларида «Рўзалар», «Шайтоннинг тангрига исёни», «Ҳинд ихтилочилари» каби драммаларда ўз аксини топган. Бу оташин асарларнинг барчасида маърифатпарварлик юксак маънавийлик ғоялари ҳақида фикр юритилади. Масалан, у ўзининг «Ўгут» шеърида қуйидаги фикрларни билдиради:

«Оғир йигит! Сенинг гўзал, нурли қўзингда,  
Бу миллатнинг саодатин, баҳтиң ўқидим.  
Ўйлашинг-да, туришинг-да, ҳамда ўзинг-да,  
Бу юрт учун қутилишнинг борлиғин қўрдим.  
Турма, югур, тинма, тириш, букулма, юксал!  
Хурма, кириш, қўрқма, ёпиш, юрма, қўзғол!  
Эл йўлинни тўсиб турғон эски булутларни  
Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт!  
Қила олмасанг шу ишларни  
Сенинг учун хўрлиkdir бу!...  
Йиқил, йўқол, кет!»

Олим бу фикрлари билан барча инсонларни илм-маърифатга чорлайди. Жаҳолатни қоралайди. Ана шундай оташин чақиравни сезган буюк Чўлпон таъкидлашича ўша даврдаги барча илғор кишилар Фитратнинг «Чин севиши» пьесасини саҳнада кўриб ҳайратда қолади. Чўлпон у ҳақда тақриз ёзади ва асардан мамнун бўлганини қўйидагича ифодалайди:

«Яқинда ўзбек саҳнаси улуғ ва улуғлиги қадар юксак ва гўзал томоша Ғъясаси кўрди... Асар тўғрисида фикр юритувдан қочмоққа ва ўзимни тортишга мажбурман. Тегишинча тақриз қилувни мен бажара олмайман».

Пьеса тўғрисида шунингдек фикрни машхур адаб Вадуд Маҳмуд ҳам қўйидагича изоҳлади: «Ўзбек саҳналарида шу кунгача ўйналиб келган пьесаларнинг энг кучлиси. Энг буюги ўткир ёзувчимиз Фитратнинг ҳинд турмушидан олиб ёзилган «Чин севиши» пьесаси эканлигини ҳамма иқрор этса керак». F«Қизил байроқ» газетаси, 1920 йил, 12 декабрьF.

Хозирги даврда Фитратнинг фаолиятини ўрганувчилар сони кундан-кунга ошиб бораётир. Чунки, 80-90 йиллар олдин Фитратнинг маънавият, маданият, адабиёт, маориф ва сиёsat ҳақидаги фикрлари ҳозир долзарб бўлиб қолди. Фитратдаги оддий, лекин фалсафий фикрлар бирор кишини лоқайд қолдирмайди. Юксакликка кўтарилишига ёрдам беради. Масалан, «Ҳинд сайёҳи» асарида Ғарбий Европа маданияти билан яқиндан таниш бўлган сайёҳни фикрлари орқали мамлакат аҳолисини қалоқликдан чиқишга, илм-фани эгаллашга, техникани, саноатни ривожлантиришга етук мутахассислар даражасига кўтарилишга чорлайди.

Сайёҳ қаршиликларни ҳунармандлигига қойил қолиб, «Обдаста ясаш, гилам тўқишида, айниқса олача тўқишида тенги йўқдир. Бироқ шу нарсаларни эски усулда тайёрлайдилар, яъни корхоналарнинг барчасида қўл меҳнатидир. Машина билан ишловчи корхоналарга эга эмаслар ва ҳатто уни яратиш ҳаёли ҳам йўқ»- деб ачинади, усталарнинг лоқайдлигидан нолийди. Куйиб-пишиб, ҳинд сайёҳи: Қаршида тўқилган олачанинг Россиянинг ипак матоларига нисбатан пишиқ, деб таъкидласа ҳам ҳунарманд пинагини бузмай «ўн йилдан кейин ким тиригу, ким ўлик» дейди, лоқайдлик билан. Сайёҳ ўз фикрини охирига етказиш учун эринмасдан келажакни ёдига келтирмаган ҳунармандга яна шундай ёндошади:

«Фараз этайлик, сизнинг умрингиз охирига етмоқда, бироқ фарзандларингиз, набираларингиз нима билан шуғуланишади? Уста жаноблари, сиз келажак ҳақида фикр юртишни унутманг, чунки дунёда ҳар бир киши ўз ишининг келажаги билан боғлиқ. Келажакни ўйлаш – оламнинг ободонлиги боисидир...».

Бу фикрлар билан Фитрат сайёҳ фикри орқали юксак маънавиятга барча соҳалардаги тараққиётсиз эришиб бўлмаслгини ҳаётий воқеалар билан тасвиirlайди ва халқга содда ва равон қилиб етказади. Мамлакат равнақи фақат хом маҳсулот етиштиришда эмас балки, уни мамлакат ичкарисида қайта ишлашда эканлигини уқдиради ва сайёҳ тилидан айтади: «Кўрдингизми, ўша вақтда туркистонликлар зарур ҳамма молларни ўзлари тайёрлар эдилар, узлари сарфлар эдилар пулни ўз чўнтакларидан чиқариб, ўз чўнтакларига солар

эдилар. Ҳатто бир чақа ҳам пулни бегона фабрикантлар чўнтағига солмаганлар. Бироқ Европа фабрикантлари бирин-кетин нозик сурп, ҳарир докалар ва чиройли, гулли чинни товоқлар ишлаб чиқарип бутун Туркистон бозорларини тўлдирдилар. Аҳоли бирданига бундай сержило молларга қараб интилди ва дока, карвос ва ўзларининг бошқа миллий товоқларига қарамай қўйди. Оқибат шу бўлдики, ... тўкувчи дўконлар... корхоналар тўхтаб қолди, уларнинг эгалари истаса – истамаса, ишларидан қўл узиб, айримлари ҳаммомлик билан шуғулланадилар, бошқа бировлари эса, хизматкор бўлиб, ҳасрат ва надомат билан бир дунёдан кўз юмдилар...»

Умуман, Абдурауф Фитрат ўзининг бутун фаолиятини, инсонлар келажагига бағишилади. Унинг барча асарлари оммани фақат маърифатли бўлишга чорлабгина қолмади. Балки, барча инсонларни огоҳликка чақирди. Ўзбек ҳалқи бой маданий, маънавий меросга эга эканлигини тарғиб қилди. Ўз асарларида юксак маънавийлик назарияларини яратар экан, бутун умри давомида уларни ҳаётга татбиқ этишни намунасини кўрсатади.

Жадидларнинг йирик вакилларидан яна бири Мунаввар қори Абдурашидхоновдир.

Одатда ҳалқ ўртасида «исми жисмига» монанд деган фикр юради. Айнан бу фикр Мунаввар Қори Абдурашидхоновда ўз аксини топган десак, хато бўлмайди. Яъни «Мунаввар деган, нур олган, нурли» бўлса «қори» сўзи Куръонни маромига етказиб ўқийдиган инсон тушунилган. Зоро, Мунаввар Қори бутун фаолиятида нур тарқатиши ёки аникроқ айтадиган бўлсак инсонлари шу нур орқали зиёли бўлишга чорлади. Ўзи эса барчага намуна бўлди.

Мунаввар қори XIX асрнинг 90-йилларида жадидлар ҳаракатига қўшилган бўлса, XX асрнинг биринчи йилларида ёқ «усули жадид» мактабининг биринчилар қаторида очиб улар учун дарслик ва қўлланмалар ёзиб нашр қилди. «Адиби аввал», «Адиби соний», «Тавжид ал-куръон» (куръон, кироати), «Ер юзи» (география) кабилар шулар жумласидандир. Бу дарслик ва қўлланмалар 1901-1917 йиллар ичida 9-10 маротабагача алоҳида-алоҳида нашр этилган. Бу нашрларнинг ҳаммасилда марифатпарварлик ғоялари ўз аксини топган эди. Аллома ўша вақтда маърифатпарварликка оид барча ишларни қўллаб-қувватлаган эди.. 1914 йилда Тошкентда М. Бехбудийнинг «Падаркуш» драмаси биринчи маротаба саҳнага қўйилиши муносабати билан у киши томоша олдидан театр ва унинг аҳамияти ҳақида нутқ сўзлайди. Шу муносабат билан Мунаввар қорининг фикрлари ҳақида шоир Тавалло қўйидаги шеърни ёзган:

«Чўх мунаввар этти оламни Мунавварқоримиз,  
Кўрдимиз равшанлиғидин феълимиз, атворимиз.  
Ибрат олинг ёшлар, деб тўқди қўздин ёшлар,  
Нутқида таҳрир эдуб, бизларни йўқу боримиз.  
Чун кўнгулдан биз эшитдук, чин- ачиғ айтган сўзи,  
Шунча бидъатларни билдук,вой, биз иқрормиз».

Мунаввар Қори «Тараққий» газетасининг ташкилотчиларидан ва «Хуршид» газетасини эса асосичиси ҳисобланади. «Садои Туркистон» газетасини чиқаришда ҳам жонбозлик кўрсатган. 1917 йилга келиб «Ножот» газетасини чиқарган. Унинг ташкилотчилиги, миллый манфаат изидан ҳаракат қилиши олий ватанпарварлик намунаси эди. Ушбу амалга оширган ишлар бир инсоннинг бир умрига тугул балки авлод – авлодларга етар эди. Аммо, Мунаввар қори мазкур қилинган ишлар билан чекланиб қолмади. Фаолиятини қизғин давом эттириди. Маърифатпарвар жадидлар билан бирга «Жамияти хайрия»ни тузди. 1913 йилда эса «Турон» жамиятини таъсис этди. «Мактаб», «Нашриёт» каби ширкатлар очди. Мақсад ёшларни ўз Ватани учун ҳаракат қилишга. Ватарпарвар бўлишга чорлаш эди. Уларни хорижий мамлакатлардаги дунёвий билимлардан хабардор қилиш ҳамда уларнинг ўзларини хорижий мамлакатларда бўлиб келишга ёрдамлашиш эди.

Мунаввар Қорининг мақола ва асарларида нафақат ўзи яшаган давр ёки келажак акс этганди балки, тарихий воқеаллар ҳам кенг ёритилганди. Жумладан «Адиби Соний» асаридаги ҳикояларидан бирини «Искандар ва Арасту» фаолиятини содда, қизиқарли қилиб ўқувчиларга етказади: «Ўтган замонда Искандари Румий бир подшоҳ бор эди,- деб бошланади ҳикоя. – Онинг Арасту отлиғ бир олим ва доно отаси бор эди. Искандар Арастуни ўз ёнига бош вазир қилуб, барча мамлакат ишларини топшурмиш эди. Бир иш қилса, шунинг маслаҳати илиа қилур эди. Эшиқдан келса ўрнидан туруб, жой берур эди. Ўзининг отасидан ортуқ иззат ва ҳурмат кулурди. Бир кун вазирлардан бири Искандардан сўради: «На учун Арастуни отангиздан ортуқ иззат қилурсиз?»

Искандар айтди:

«Отам гўёки мени осмондан ерга тушурди. Аммо устозим Арасту мени ердан осмонга кўтарди. Яъни отам мени дунёга келмоғимга сабаб бўлди. Шунинг учун устозимни отамдан ортуқ иззат қилурман».

Бу ҳикоядан ҳисса надур? Болаларнинг ўзлари топсунлар».

Мунаввар қорининг бошқа асарларида ҳам ҳаётий воқеалар кундалик турмуш тарзи, сиёсий жараёнлар моҳирлик билан ёртилганки, бундай ҳолат юксак маънавиятлиликдан далолат эди. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, Мунаввар қори Абдурашидхонов ўзбек матбуотини асосчиларидан ҳамда миллат тарихида биринчи навбатда йирик жамоат ва сиёсий арбоб сифатида тарихда қолди. Бутун фаолиятини Миллат ва Ватан тараққиётига бағишилади. Озодлик учун тинмай қураш олиб борди. Ўз вақтида у октябр инқилобини ташвиш ва саросима билан кутиб олган эди. Кўқон (Туркистон) мухторияти тарафида бўлди. Мухторият бостирилганда, у афсусланди. Халқни маълумотли қилиш йўлларини излади.

1918 йилнинг баҳорида Туркистон халқ дорилфунининг мусулмон бўлимини тузди ва унга қисқа муддатда бўлса ҳам ректорлик қилди, тилшуносликдан дарс берди. Бу билан Ўзбекистонда Олий таълимни пайдо бўлишида ўз хиссасини қўшди.

Айтиш лозимки, Мунаввар қори шўролар тузимиға қарши чиққан ва қарши курашган ватанпарварлардан эди. Натижада, ўша пайтдаги қора кучлар қамоққа оладилар. Лекин бироз вақтдан сўнг қамоқдан озод қилинади. Сўнг ўқитувчилик билан шуғулланади. Жадидлар тарафдори сифатида тўла фаолият кўрсатади. Иккинчи маротаба яъни 1929 йилда яна қамоққа олинади. Унга миллатчи «тамға»си босилиб 1931 йилда халқ душмани сифатида отиб ташланади.

Минг афсуслар бўлсинки, халқ учун бутун умрини бағишлиған инсон охир – оқибат халқ душманига айлантирилади.

Бундай ҳолатлар ўша йилларда авжига чиқиб халқ фарзандлари турли ниқоблар билан йўқ қилинадилар. Мақсад жадидларнинг эзгу ниятлари, яъни халқ маърифатпарварлиги, юксак маънавият ҳомийларини тутатиш эди. Маълум маънода ўша давр лаганбардорлари бунга эришдилар ҳам.

Жадидлар ҳаракати фаолияти таҳлили шуни курсатадики, жадидларнинг барчаси ҳам эзгу ниятлар асосида ҳаракат қилғанлар, халқ манфаатини кўзлаб ишлаганлар. Шу сабабли, ҳам айтиш мумкинки, жадидлар фаолияти жамият, миллат, Ватан тараққаётига лоқайд бўлмаган ҳар бир инсонга намунаидир. Булар фаолияти юксак маънавият ҳақида ўйлаган ҳар бир шахснинг идеалидир.

**Таянч сўз ва иборалар:** жадид, миллат, инсон эрки, матбуот, маънавий савия, маънавий ғоя, миллий маънавият, мустақиллик ва жадидчилик, падаркуш, ҳинд сайёҳи, дунёвий илм, қори, васиятнома.

### Ҳикматлардан намуналар

Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур. Савобни гуноҳдан, ҳололни ҳаромдан, тозани мурдодан аюруб берур. Тўғри йўлга раҳнамолик қилиб, дунё ва охиротда масъул бўлимизга сабаб бўлур.

XXX

Бизларни илм жаҳолат қоронғулигидан қутқарур. Маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузук ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва адоб соҳиби қилур. Аллоҳ таоллога муҳаббат ва эътиқодимизни орттиур. Жаноби Ҳақнинг азamat ва қудратини биодиур.

XXX

Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, майшатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур. Пайгамбаримиз «Илмга амал қилгучилардан бўлингиз, нақд ва ривоят қилгувчилардан бўлмангиз», дебмушлар.

XXX

Жаҳолат деб ўқимаган, билинсиз, ҳеч нарсага тушунмайдиган нодонликни айтилур. Жаҳолат инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиғидур. Илм ва маърифат соҳиблари фазлу камоллари соясида ҳар бир ишни тадқиқ ва мушоҳада ила қилурлар. Аммо жоҳиллар эса, бир нарсанинг моҳиятини мушоҳада қилурға ақл ва фаросатлари етмас. Чунки жаҳл худбин ва зоҳирпастдан иборатдур. Ҳар бир нарсанинг хақиқати ақли ирфон, илму дониш, соҳибларига маҳсус бир мазият, жоҳил ва нодонларга зўр азиятдур.

**А.Авлоний**

## **Мавзу бўйича тест саволлари**

**1. Жадидчилик ҳаракатининг етакчисини белгиланг?**

- а) Завқий;
- в) Махмудхўжа Беҳбудий;
- г) Мунаввар Қори;
- д) Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий;
- е) Файзулла Хўжаев.

**2. Миллий мақсад, ғоя ҳақида фикр юритганда нимани тушунасиз.**

**Мақсад бу - ...**

- а) тарих хотираси;
- в) қонунга риоя этиш;
- г) миллатни бирлаштирувчи байроқ;
- д) фуқароларнинг ҳақ - хуқуки;
- е) илм-маърифатга интилиш.

**3. Умумбашарий ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш негизида нима кучайтирилади?**

- а) миллий онг ва демократик тафаккур тарбияси;
- в) хуқуқий тарбия;
- г) давлатчилик тизимини мустаҳкамлаш;
- д) фуқароларнинг ҳақ - хуқуқини таъминлаш;
- е) маънавият тарбияси.

## **10-мавзу: Мустамлакачилик ва қарамлик шароитида маънавият**

### **10.1. Халқни миллий ва маънавий заминлардан маҳрум қилиш мустамлакачилик сиёсатининг асосий мақсади**

Эркинлик – халқ манфаатининг устувор хусусиятларидан биридир. Табиийки, халқ мустақил бўлмасдан эркин бўла олмайди. Шундай экан, халқнинг юксак маънавияти ҳам эркин эмас. Чунки, бу жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган.

Республикамиз ўз давлат мустақиллигига эришгач, бу соҳалар учун ижобий имкониятлар яратилди. Аслида бу ижобий имкониятлар ўз-ўзидан қўлга киритилмади. Мустақиллик – узоқ давом этган курашлар заминида қўлга киритилган, ўзбек халқининг бир асрдан ортиқ орзу қилган умидларини рўёбга чиқарган олий қадриятдир. Шу сабабли ҳам, ҳақиқий мустақилликка эришиш ўзбек миллатининг тарихи ва ҳаётида буюк ҳодиса бўлди.

Эндиликда мустақилликни эъзозлаш, қадрлаш, уни мустаҳкамлаш борасида ҳар бир шахс бутун куч ва иродаси, қобилиятини аямасдан сарфлаши лозим. Албатта, бундай қилиш учун шахснинг ўзи мустақилликнинг моҳият ва мазмунини назарий ва амалий жиҳатдан тушуниб етиши зарур. Зоро, у миллатпарвар ва ватанпарвар бўлса, шундай қила олади. Юксак маънавиятни бошқа жараёнлардан ажрата оладиган кишигина шундай қила олади.

Мустақилликка эришиш ўз-ўзидан бўлган эмас. Президент И.Каримов таъкидлаганидек: «Биз озодликка қон тўқмасдан эришдик. Аммо бу – ҳақиқий мустақиллик курашсиз ва меҳнатсиз қўлга киритилади, дегани эмас»<sup>1</sup>. Балки, ўзбек халқи қарийб 140 йил мобайнида бу муҳим жараённи унутмади, қалбида сақлаб келди. Шу даврлар мобайнида ўз мамлакатининг иқтисодий, сиёсий, маънавий қиёфасини мустаҳкамлашга интилди. Лекин, ёвуз кучлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб унга йўл қўймадилар. Айниқса, тоталитар тузумдан қутулиш йўлида ўзбек халқининг буюк фарзандлари гоҳида очик, гоҳида маҳфий иш олиб бордилар.

Чоризмнинг шафқатсиз зулмига қарши уюштирилган халқ қўзғолонлари, халқ онгини юксалтириш йўлидаги ҳаракатлар, диний қадриятларни тиклаш борасидаги интилишлар шулар жумласидандир. Тарихда «босмачилар» деб аталган ижтимоий-сиёсий кучлар, аслида, аксарият ҳолда, чет эл босқинчиларига қарши кураш олиб борган ватанпарварлардир. Улар миллий давлатчилик учун курашганлар. Табиийки, курашлар қурбонсиз бўлмайди. Биргина Қўқон муҳторияти миллий давлатчилигимизнинг янги нишонаси сифатида пайдо бўлган бўлса, уни ҳам Чор Россияси қонга бўяган ва йўқ қилган. 1918 йил 17-19 февраль кунлари Қўқон шаҳри қаттиқ жанг натижасида вайронага айланган. 10 мингдан ортиқ киши ўлдирилган. Ўша машъум

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 3-бет.

кунларда «босмачиларга қарши кураш» никоби билан Фарғона водийсида 170 та қишлоқ ўтда ёндирилди. Марғилонда 7000, Наманганда 2000, Андижонда 6000, Кўқон қишлоқларида 4,550 та одам ўлдирилди. Улар миллий мустақиллик учун курашган инсонлар эдилар.

Совет тузуми ўрнатилиши йилларидаги ҳаракатларда ҳам изтироб чекишлиар тўхтамаган. Ўзбек халқининг илғор зиёлилари халқнинг миллий гурурини камситмасликка, ҳуқуқларини камайтирмасликка, миллий маданиятдан узоқлашмасликка, аксинча, ўз навбатида уларни ривожлантиришга ҳаракат қилиб, ўлкамиз моддий-маънавий бойликларини талон-торож қилинишига қарши чиққанлар. Албатта, булар ҳам мустақиллик учун курашнинг кўринишлари эди. 1984-90 йилларда ўзбек миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун олиб борилган ҳаракатлар ҳам мустақиллик учун курашнинг давоми эди. Лекин, ўша пайтларда бу ҳаракатларни бирлаштирадиган, узоқни кўра биладиган шиддатли раҳбар керак эди, холос. Тарихнинг шундай пайтларида бирор доно раҳбар чиқишини вақт ўзи зарурат қилиб майдонга чиқаради. Шу ўринда ёзувчи Лев Николаевич Толстойнинг қўйидаги фикрини келтириш ўринлидир: «вазият қанчалик қийин ва оғир бўлса, қатъийлик, фаолият, журъат шунча кўп зарур, ҳафсаласизлик эса фақат зарар келтиради».

Чор Россияси ва тоталитар тузум сиёсатининг асосий мақсади бошқа миллатлар сингари ўзбек миллатининг ҳам манфаатларини чеклаш, унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиш эди. Улар мақсадларини амалга оширишда халқни маънавий қашшоқликда ушлаб туришга интилдилар. Бу баъзи бир Россия маъмурлари билдириган фикрларидан ўз тасдифини топган. Шу ўринда Туркистоннинг 1916-1917 йиллардаги генерал-губернатори Н.А.Куропаткин чоризм замонида ерли миллат аҳолисига ўтказилган тазийққа нисбатан муносабатини билдириб: «Биз 50 йил мобайнида туземларни тараққиётдан, мактабдан ва ўрус ҳаётидан четда тутдик», -деган ва бу билан ўз қилмишларини эътироф этган. Н.Н.Тавяшев эса: «Хозирча ерли миллат болаларига билим бериш юзасидан қилинган ишлар билан қаноатланиш керак», -деган истилочиликни қўмсаб фикр билдиrsa, Тошкентдаги Туркистон ўқитувчилар семинарияси ўқитувчиси М.А.Муропиев эса шовинистик фикрларини шундай баён қиласи: «...мудраб ётган мусулмон мутаассиблигини тирилтириш, бинобарин, кўксимизда илонни асраш бўлур.... Шу сабабли мусулмонларимизни руслаштириш, уларнинг маорифини асосини ташкил этмоғи лозим...». Худди шундай фикрни бирмунча олдинроқ Н.И. Ильминский шогирди Н.П.Остроумовга 1888 йил 3 февралда юборган хатида: «Менинг тушунишимча, қирғиз ва сартларни умуман гимназияга жалб этмаслик ва киритмаслик керак эди. Сартларни, бурятларни ва қалмоқларни классик таълим йўлига олиб ўтиш вақти етиб келмаган», -деган фикрларни билдириган.

Тўғри, марказдан туриб, миллатлар тўғрисида дабдабали, мазмунли қарорлар қабул қилинган. Лекин, сўз унинг ижросида эди, ижро бўлганда ҳам кимнинг фойдасига ҳал бўлар эди? Албатта, марказнинг фойдасигада! Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, пахта, олтин, рангли металлар, қисқаси барча

Ўзбекистон бойликлари «Тайёр маҳсулотлар етказиб берамиз» ниқоби остида олиб кетилар эди. Бундай қилишнинг мазмун ва моҳияти асосан қарамлик ва мустамлакачилик сиёсатига қаратилган эди. «74 йил мобайнида Ўзбекистон тақдири ва таъминоти сабиқ иттифоқ қўлида эди. Сабиқ иттифоқ бу ердан маҳсулот ва хом ашёни олиб кетиб, бизга сув ва ҳаводек зарур нарсаларни ўз кўрсатмаси билан етиштириб берарди», - деб таъкидлайди, И.А. Каримов. Масалага бундай ёндашиш жуда кўп қийинчиликларга олиб келар эди. Таъкидлаш лозимки, бу хилда ёндашиш маънавиятга ҳам таъсир этмасдан қолмасди. Маънавиятни юксалтириш учун эса маблағ талаб қилинади. Маблағ эса Марказ қўлида эди. Сабиқ иттифоқ раҳбарияти, ўз вақтида шундай сиёсат юргизди, бу сиёсат бошқа халқларни таг-томири билан йўқ қилиш пайда бўлди. Улар ашаддий назариялар асосида иш кўрдилар. «Хоқоним,-деган экан Конфуций,-агар бирор мамлакатни босиб олиб, у ерда узоқ хукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал, ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, маънавий бўхронни кучайтиринг. Ўз маданиятидан бехабар бўлиб, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилик кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш қийин бўлмайди» (**Отамуродов С. О, Ҳусанов С. «Маънавият асослари». Т., 2001 йил.**). Қарангки, келажакда бу фикрлардан рус босқинчиси М. Д. Скобелев ҳам усталик билан фойдаланди. У ўзининг тажовузли, хиёнаткорона сўзларига амал қилиб, ўзбек халқига тузатиб бўлмайдиган заҳматларни келтирди.

Ўзбек халқи бой маънавий меросга эга. Бой маънавий мерос эса, ўша халқнинг буюклигидан далолат беради. Бу буюклик чоризм ва «Марказ»га ёқмас эди. Уларнинг мақсади ўзбек халқини ўз меросидан маҳрум қилиш эди. Маънавий ва маданий меросимизни илдизлари, маълумки, узоқ-узоқларга бориб тақалади. Ўрта Осиёнинг қадими тарихи ва маънавияти, маданияти тарихдан биламизки, кўпларни ҳайратда қолдириб келган. Буни ҳамма ҳам бирдек ижобий ҳис қиласверади. Бу ерда яшаб ижод этган шарқ мутафаккирлари ва файласуфларининг, алломаларининг, донишманларининг жаҳон маданиятини ривожлантиришга кўшган ҳиссаси бекиёслигини эътироф этишдан узоқ бўлганлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Аслида ўтмишдаги мутафаккирларнинг бебаҳо маданий мероси ўнлаб авлодларнинг маънавиятини юксалишига, руҳий онгини ва турмуш фаолиятини шакллантиришга ёрдам бериб, маънавий озуқа бўлиб келаётir. Ана шундай маънавий ва маданий мерос ҳамда уни яратувчилари советлар даврида қасдан қадрсизлантирилди, йўққа чиқаришга ҳаракат қилинди. Натижада ўзбек халқининг кейинги бир неча авлоди ўзининг миллий мафкуравий таянчи бўлган маънавияти ва руҳий ҳолатидан ажralиб яшади. Мустамлакачилик сиёсати ўзбек халқининг ўз-ўзини англамасликка, манқуртлик хасталигига дучор қилишга қаратилган эди. Шу боис И.А. Каримовнинг: «Марказ қабул қиладиган қўпгина қарорлар Ўзбекистоннинг манфаатларидан йироқ эди»,-деган сўзлари ўринлидир. Советлар сиёсатида кичик миллатлар маънавий қиёфасига менсимаслик хукмрон эди.

Кейинги йилларда улуғ аждодларимиз: - Абдухолик Гиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улугбек, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим, Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, ал-Мотурудий ва Шарқ ва дунё тафаккури хазинасига ҳисса қўшган аллома ва давлат арбобларининг таваллуд топган саналарини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши миллий мустақиллик сиёсати самараси бўлди. Ўз навбатида, бу – халқимизнинг юксак маънавиятини ривожланишига омил бўлиб хизмат қилди ва қиласмоқда.

Ўзбекларнинг жаҳон халқлари орасида фарқ қиласидиган бир хусусияти борки, улардан чиққан давлат раҳбарлари аксарият ҳолларда ижодкор ҳам бўлғанлар. Бу эса юксак маънавиятнинг шаклланишига таъсир этган. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Захириддин Маҳаммад Бобур, Ҳумоюн, Акбар, Амир Умархон, Муҳаммад Раҳимхон, Феруз ва бошқалар яратган асарлар ҳар бир инсонни юксак маънавиятга чорлайди, холос. Лекин Совет тузуми, бу мутафаккир ва давлат арбобларини синфиийлик нуқтаи назаридан ёндашиб, четга чиқардилар. Уларнинг асарларини яширдилар, қатағон қилдилар. Эндиликда эса мустақиллик туфайли, бу сиймолар асарлари ва фаолиятлари халқقا биринчи манба сифатида етказилмоқда. Бу хайрли ишлар, албатта давом этаверади. Чунки, бу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши маънавий уйғонишни, покланишни таркибий, ажралмас бир қисмидир.

Айтиш лозимки, баъзи кишилар ўтиш даврининг баъзи қийинчиликлариға бардош бера олмай давлат ва халқ мулкини талон-торож қилишга, жиноятчилик, коррупция, порахўрлик, шахсиятпарастлик иллатлариға берилдилар. Уларни олдини олиш учун аждодларимиз амалга оширган маънавий, маърифий соҳадаги хайрли ишлар эндилиқда хукуматимиз раҳбарлариға, барча зиёлиларига қўл келмоқда, улар таълим-тарбия, давлат бошқарувида биринчи манба бўлиб хизмат қилаётир.

Совет даври халқ миллийлигини ва уни маънавий заминларидан маҳрум қилиш, мустамлакачилик сиёсатини ўтказиш, бошқа миллатлар номидан иш юритиб, ўз-ўзини дунё бозорига солиш эди. Бошқа халқлар ютуклари, уларнинг илғор тажрибалари, миллий мероси, илмий кашфиётлари «совет» номидан дунёга таратилиб келинди. Урф-одат, қадриятлар ва миллий спорт соҳаларига эътиборсизлик билан қарашиб тўғрисида сўз юритилмаса ҳам бўлади.

Азалдан маълумки, Ўзбекистон географик ва сиёсий ўрни жиҳатидан Ўрта Осиёда катта нуфузга эга. Буни қарамликка дучор бўлмасдан олдин ҳам, ҳозир ҳам бутун дунё тан олган. Лекин Советлар тузуми даврида буни эътироф этиш мушкул бўлди. Эндиликда эса, Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистонда, бошқа мамлакатларда бўлгани сингари, йирик анжуманлар, конференциялар ўтказилиб, дунё тараққиёти учун бир қанча муҳим таклифлар билан чиқиласкан. Спорт турлари бўйича эса жаҳон биринчиликлари ўтказилмоқда.

Булар жумласига, БМТнинг Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик бўйича доимий ишлайдиган семинар, минтақада ишончли

минтақавий хавфсизлик тизими니 барпо қилиш, ядро билан қуролланишни тугатищ, ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш, кимёвий ва бактериологик қуролни тарқатиш устидан назоратни ўрнатиш, халқаро терроризмга қарши кураш олиб борадиган халқаро Марказ тузиш, наркобизнесга қарши кураш, Орол фожеасининг оқибатларини тугатищ хусусидаги даъватлар киради. Ўзбекистон бугунги кунда БМТ, Жаҳон почта иттифоқи, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия, Халқаро меҳнат ташкилоти, Электр алоқа бўйича халқаро иттифоқ, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Жамғармаси, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгashi, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Шимолий Атлантика Ҳамкорлиги Кенгashi, Европа Қайта Тикланиш ва Ҳамкорлик Кенгashi, Халқаро Олимпияда Кўмитаси, Жаҳон Метеорология Ташкилоти, БМТнинг таълим, фан ва маданият бўйича қўмитаси, Халқаро Автомобилчилар иттифоқи каби нуфузли ташкилотларга аъзо бўлдики, бу Ўзбекистон дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин олганидан далолатдир. Эндиликда дунё миқёсида иш олиб бориладиган ўнлаб ташкилот ва марказлар Ўзбекистонда иш олиб бормоқда. Дунёнинг нуфузли мамлакатлари делегациялари Ўзбекистонга ташриф буюрмоқдаларки, бу ўз навбатида мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий жиҳатдан юксалишига кўмак бўлмоқда. Юксак маънавиятимиз, давлатимиз мустақиллиги ва мустаҳкамлиги ҳақида хорижий давлат арбоблари ўзларининг ижобий фикр ва мулоҳазаларини билдириб кетмоқдалар.

## **10.2. Октябрь тўнтириши ва ягона мафкуравийлик даврида маънавият**

Октябрь тўнтириши Москва-Петроград остоналарида бошланган бўлса ҳам, бу тўнтириш чет мамлакатларни ҳам қамраб олди. Аниқроғи, зарурият асосида эмас, балки босиб олиш ҳисобига инқилобий тўнтириш бўлди. Бу тўнтириш якка мафкуравийликни келтириб чиқарди. Ягона Коммунистик партия мафкураси ҳукмронлик қила бошлади. Ўзбек халқига, унинг маънавиятига ташқаридан таъсир этиш бошланди. Марказнинг рухсатисиз бирор ишга кўл уриш асло мумкин эмас эди. Маҳаллий раҳбарлар эса ўз халқининг хусусиятидан келиб чиқиб, ўзларига мос қарор ва фармонларни чиқара олмадилар. Ҳатто бирор кичик завод ёки фабриканинг лойиҳаси ҳам «марказий мафкура» бошлиқларининг рухсатисиз амалга ошмади.

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўз урф-одатлари, қадриятлари бўлиб, ўша халқ ундан озиқ олади, яшайди. Ягона мафкуравийлик бу жиҳатлардан воз кечишга ундади. Маълум маънода бунга эришилди ҳам. Ўзбек халқи ўзининг бой она тилига эга эди. Бу тил Октябрь тўнтиришидан сўнг, иккинчи ўринга тушиб қолди. Рус тили эса, ҳукмрон тилга айланди. Натижада кўпгина билимдон, назарий ва амалий жиҳатдан етук бўлган маҳаллий халқ вакиллари рус тилини билмаганларни учун билими йўққа чиқарилиб, тилни билмасликда айбландилар. Тегишли лавозимларга қўйилмадилар. Натижада маънавий камситиш юзага келди. Ўзбекистон зиёлилари томонидан ёзилган дунёвий адабиётлар, санъат асарлари, фильмлари, рассомлар ижодлари дунё юзини кўрмади. Масалан, таникли ўзбек адаби П.Қодировнинг айтишича, «Юлдузли тунлар» тарихий романни 5 йил мобайнида босишига рухсат берилмаган. Атоқли академик И.Мўминов Амир Темур тўғрисидаги рисоласи учун қувғин қилинган. Инсониятни лол қолдирадиган асарлар таржимасига йўл берилмади. Ҳатто уларнинг кўпчилиги кутубхоналардан олиниб, йўқ қилиниб юборилди. Уларни ҳимоя қилувчиларни эса «революция душмани» сифатида қатағон қилдилар ва отиб ўлдиридилар, қамоқларга ташландилар, ГУЛАГ лагерларига юборилдилар. Миллий қадриятларни акс эттирувчи турли асарлар нашри назардан четда қолди. Инқилобдан сўнг қадриятлар моҳиятига эътибор берилмади, улар камситилди.

Қадриятлар устида тўхталар эканмиз, хўш, миллий қадриятлар қайсилар деган савол туғилади. Бизнингча улар қўйдагилардир:

- ❖ ахлоқий поклик, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат;
- ❖ меҳмондўстлик, инсонпарварлик;
- ❖adolatparvarlik, tenglik, axil kўshnichilik;
- ❖ тинчлик ва барқарорлик, виждан эркинлиги учун кураш;
- ❖ қавм-қариндошларни унутмаслик;
- ❖ катталарга хурмат, кичикларга меҳр-шафқат,
- ❖ уруғ-аждодларга, қўни-қўшниларга, маҳалладошларга, таниш-билишларга ёрдам бериш;
- ❖ ота-онани юксак даражада эъзозлаш, иззат-икромларини, ҳурматларини ўз жойига қўйиш, уларни ҳурматини бир умр унутмаслик, доимий биринчи бўлиб саломини аямаслик, фарзандлик бурчини бажариш;
- ❖ одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилиш, ўзидан катталар, ёши улуғлар билан хаё, одоб-андиша асосида сухбатлашиш, уларга ножоиз сўзларни айтмаслик, бетга чопарлик қилмаслик, андишани қўлдан бермаслик;
- ❖ ўзидан катталарни, биринчи галда қарияларни, оталарни, нуроний оналарни ҳурматини жойига қўйиш, таниш, танимасликдан қатъи назар салом бериш, улар йўлда учраб қолсалар олдинроқ ўтказиб юбориш, илтифот қўрсатиш;
- ❖ ўзбек халқ эртаклари, ривоятлари, асотир ва достонларни, мақол, маталлар, аruz ва байтлар, куй ва қўшиқларни унутмаслик;
- ❖ ёшларда миллий анъаналар, миллий маданият, инсофу диёнат, муруват ғууруни шакллантириш;
- ❖ олиму фузалоларнинг, устозларнинг ҳурматини ўз ўрнига қўйиш;
- ❖ мардлик, одамийлик, камтарлик,adolatlilik, ҳалолликни ва ҳақгўйликни тушуниш;
- ❖ диний қадриятлар, улардаги ахлоқий қоидаларга содиқлик;
- ❖ никоҳ, суннат ва бешик тўйларни ўтказиш;
- ❖ турли сайиллар, ҳосил байрамлари, қовун сайли, гул сайли, кўпкари, қорхатлар, келин саломлар, қиз базми, Наврӯз, ийд-Рамазон ва Курбон Ҳайит байрамларига эътибор;
- ❖ теварак-атрофга меҳр-муҳаббат, сув, ҳавони, тупроқ, ҳайвонот оламини асраб авайлаш, табиий бойликларни эъзозлаш, исроф қилмаслик;
- ❖ сувга тупурмаслик, табиатни ифлослантирмаслик, дараҳтларни синдирилмаслик, жонлини бежон қилмаслик;
- ❖ муқаддас жойларга, қабристонларга зиёратга бориш, уларни эъзозлаш, ўтганларни эслаш;
- ❖ кишиларни миллатига, уруғига, рангига қараб ажратмаслик;
- ❖ тарихдан ажралмаслик, ўтмишга ҳурмат билан қарава бошқалар...

Бу қадрият ва урф-одатлар ўзбек халқи қадриятларидан намуналардир, холос. Бизнинг қадриятларимиз шунчалик бойки, улар узоқ асрлар давомида шаклланган бўлиб, тарих чириклиаридан ўтиб, хаётий воқеликка айланган. Кўриб турибмизки, бу қадриятлар ўта инсонийлик муносабатларини ўз ичига олади. Аммо инқилоб буларнинг барчасини янада ривожланишига йўл бермади.

Энди биз, юқорида зикр этилган қадриятларнинг баъзилари ҳақида қисқароқ бўлса ҳам тўхталиб ўтамиз. Жумладан, табиатни булғамаслик, дараҳтларни кесмаслик, синдирмаслик, жонлини бежон қилмаслик тўғрисидаги қадриятларни олсак, совет тузуми даврида ҳам бу соҳаларда фикрлар айтилсада лекин ҳарактери жиҳатидан изчил эмас эди. Чунки, мустабид тузумнинг баъзи раҳнамолари масалага жиддий эътибор бермаганлар. Масалан, тоғлардаги, тоғ бағридаги ўрмонлар аёвсиз ва вахшиёна кесилди, Ўзбекистоннинг айрим тоғли туманларида завод-фабрика чиқиндилари «омбор»лари қурилди, токзорлар қирқилди. Ўзбекистон фаунаси ҳисобга олинмади. Пахта ҳосилини кўпроқ олиш мақсадида қишлоқ ва туманлар хусусиятлари ўрганилмасдан уларнинг ер майдонлари ўзгаририлди. Ариқ ва анҳорларга завод, фабрикалардан чиқсан чиқинди сувлар, турли чиқиндилар тўкила бошланди. Ишлаб чиқариш натижасида ҳаво ифлосланди. Буларга инсонлар кўнига бошладилар, теварак атрофга эътиборсизлик кучая бошлади. Табиийки, бу ҳодисалар халқимизнинг ахлок-одоб, тарбиясига, маънавиятига таъсир этмай қолмади.

Иккинчи бир соҳа, бу – халқимизнинг касб-хунарга бўлган муносабатидир. Ўзбек халқи азалдан касб-хунар билан дунё халқларини лол қолдириб келган халқлардан. Лекин, совет тузуми даврида ишлаб чиқариш кучларини минтақаларга қараб «жойлаштириш» ниқоби остида бу соҳага ҳам зарба берилди. Халқимиз манфаатлари ҳисобга олинмади. Ҳатто кўпгина соҳалар: қоғоз ишлаб чиқариш, темирчилик ва кулолчиликнинг кўпгина соҳалари, шойи газлама тўқишининг баъзи турларига эътибор қаратилмади. Кандакорлик, тунукасозлик, мисгарлик, кўнчилик, косибчилик, наққошлиқ, чармгарлик, қандолатчилик, каштадўзлик касбларига махаллийчилик деб қаралди. Бу эса қанчадан-қанча ёшларни ота-боболари яратган ноёб ишлаб чиқариш маҳсулотларининг қадрини билмасликка, улардан узоқлашишга олиб келди. Аниқроғи, бу соҳаларга кишиларнинг совуққонлик билан қарашига олиб келди. Ҳунар-касб тарбиясига бўлган муносабат фақат қоғозлардагина кўрсатилди холос.

Миллий қадриятлардан узоқлашиш юксак миллий маънавиятни тарғиб қилишга, айниқса қаттиқ зарба берди. Авлод-аждодларимизнинг турмуш тарзимизга мос бўлган ўйтлари, панд насиҳатлари, ажойиб анъаналари тарғиб қилинишига тўсик кўйилди. Асарлар ўз нусхасида ўқитилмади. Уларга сунъий равишда, коммунистик мафкурага мос қилиниб шарҳлар берилиб, таржималар қилинди, бу ўзбек маънавиятини камситиш, ундан ҳақиқий узоқлашиш эди.

Совет ҳокимияти йилларида турли йўллар орқали халқимиз қалбидан ўрин олмаган баъзи опера ва балетлар ўзбек санъатига олиб келинди. «Сегоҳ», «Ушшоқ», «Чапандоз», «Тановор», «Баёт» каби халқимизнинг фикри, зикри, қадриятини акс эттирадиган кўпгина қўшиқлар, «подшоҳлар саройида айтиладиган ашуналар» деб айбланиб, уларни тезроқ унтишишга ҳаракат қилинди. Уларни мўъжизали оҳангларидан бебаҳра қилишга ундалди. Маросимларда айтиладиган «Ёр-ёрлар, аллалар, шошмақомлар»нинг тарбиявий жиҳатларига эътибор қаратилмади. Бахшилар фаолияти назардан четда қолди. Қадимий фольклор унтилди. Баъзи мусиқий асбобларга аҳамият ҳам

берилмади. Мусавирлик санъати, миниатюра, ҳаттотлик каби соҳалар ҳам европача тус олди.

Алломаларимиз ёзган кўпгина асарларни эскилик сарқитлари, уларда бидъат, хурофот акс этган, деб тушунтирилди. Очиқдан-очиқ қораланди, бебаҳо достонлар, ҳамсалар, том-том рубоийлар халқдан бекитилди. Санъат ва адабиётнинг турли жанрлари якка мафкуравийлик, синфиийлик қолипига туширилди. Эндиликда билмоқдамизки, алломалармиз: Абдухолик Фиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний, Низомулмулк, Носир Хисрав, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Ҳондамир, Кайковус, Фирдавсий, Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Феруз, Машраб, Нодирабегим, Увайсийларнинг кўпгина асарларидан кейинги авлодлар бехабар қолдирилган. Тўғри, бу алломаларнинг баъзилари ҳақида, баъзи жойларда, гоҳида яхшилаб, гоҳида қораланиб тилга олинниб ҳам турилди. Чунки, уларни кўпроқ хорижий давлатлар халқлари ҳурмат билан тилга олар эдилар. Аслида эса, уларнинг асосий асарлари ҳақида сўз юритилмади. Бу алломаларнинг асарлари, хайриятки, чет-эл кутубхоналарида сақланган бўлиб, улар эндиликда астасекинлик билан халқимизга қайтиб келаётир. Уларнинг ўчмас фикр ва таълимотлари миллий маънавиятимизни қайтадан тиклашга ёрдам бераётир. Таъкидлаш лозимки, халқимизга байналминаллик ниқоби остида нуқул Европа миллатларининг урф-одатларию, анъаналари, турмуш тарзлари тарғиб қилинди. Европа ва рус мутафаккирлари таълимоти устувор қилиб қўйилди. Кўпгина, жумладан таълим-тарбия, маънавият соҳаларида Европа, Россия модели қўкларга кўтарилиб мақталди, тарғиб қилинди. Натижада, ёшларимизда бетга чопарлик, фақат ўзини ўйлаш, бойликка, хусусан, машина, видео, якка уйжойда яшаш, «медовий месяц» каби ўта худбинлик характерлари шакллана бошлади. Ёшларнинг турмуш тарзи ўзгарди. Кийим кийиш, тақинчоқлар (эркаклар ҳам) тақишининг ашаддий турлари, ҳаёсизлик, наркомания иллатлари пайдо бўлди. Шахсиятпастлик, худбинлик кучайди.

Маълумки, Ўзбекистон худудида юзлаб, минглаб қадимги маданий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, обидалар мавжуд. Булар ҳам халқнинг юксак маънавияти борлигидан далолатдир. Лекин, уларни зиёрат қилиш, асрлаб-авайлаш ишларига совуқконлик билан қаралди. Кўплари бузилиб кетди, минглаб масжидлар, синагогалар, черковлар яксон қилинди. Бу билан тарихий маданиятимизга болта урилди. Боболаримиз идроки, ақл-заковати билан яратилган бойликлар, архитектура ёдгорликлари унуптилди. Қисман тарихий ёдгорликлар сақланди, холос. Уларни сақлаш ва авайлашга ҳаракат қилган шахслар эса таъқиб қилинди, «эскилик тарафдорлари» шиори остида ишларидан четлатилдилар, «миллатчилар» га айландилар.

Миллий қадриятларни аслига келтириш қанчалик инсон учун, унинг маънавий юксалиши учун кераклигини эндиликда, мустақилликка эришганимиздан сўнг, ҳар бир ўзбек шахси тушуниб етаётир.

Ягона мафкуравийлик натижасида, ўзбек халқининг турмуш тарзи мажбуран ўзgartирилди. Айниқса, халқимиз маданияти ва ноёб маънавиятига,

шахсга сифиниш ва турғунлик йилларида катта зарап етказилди. Авторитар, тоталитар тузум даври кўп кулфатлар олиб келди, бу кулфатлардан қутулишнинг ўзи енгиллик билан кечаётгани йўқ. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, миллий қадриятларни тиклаш учун ҳозирги ва келажак авлод фарзандлари ҳам ўз ҳаракатларини аямайдилар.

Эришилган мустақиллик, халқимиз маънавий тараққиётининг ривожланишига кенг йўл очиб берди. Маданий, маънавий меросимизга алоҳида эътибор қаратилишига имкон берди. Юзлаб архитектура ёдгорликлари, зиёратгоҳлар қайта тикланиб, ўз мавқеига эга бўлаётir.

Фалсафий аҳамиятга эга бўлган илмий, бадиий, тарихий асарлар ўз эгасини топаётir. Улар нашр этилиб, асл нусхада ўқилмоқда. «Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавий дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил этади. Бу миллий бойлик бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Бинобарин, биз ҳам уни кўз қорачиғидай асрраб-авайлашимиз ва фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришимиз керак... бутун дунёда бундай ноёб бойликлар биринчи галда давлат музейлари томонидан сотиб олинади ва сақланади. Биз ҳам худди шу йўлдан боришимиз, бунинг учун керакли маблағни асло аямаслигимиз даркор. Тенгсиз миллий бойликларимизнинг шунча талон-торож қилингани етар, энди биз бунга асло йўл қўймаймиз»<sup>1</sup>. Ҳа, булар мустақил давлатнинг қўяётган биринчи қадамлари бўлиб, барча соҳани қайта қуриш, халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзини белгилаб олишдан иборатдир. Демак, бу юксак маънавиятнинг мустақиллигидир.

Шу муносабат билан айтиш мумкинки, мустақиллик иймон, эътиқод эркинлиги, қадриятлар ривожи, юксак маънавият калитидир. Шу сабабли мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, ёки Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Мустақиллик дегани шуки, бизлар бир асрдан кўпроқ бирорлар оғзига қараб яшадик, энди ниҳоят, ўз қадримизни, ҳаётимизни, келажагимизни ўз қўлимизга олдик. Энг муқаддас вазифа – шу буюк неъматни қўлдан бермаслиkdir».

**Таянч сўз ва иборалар:** манқурт, «Қўқон муҳторияти», маънавий мерос, миллий мафкуравий таянч, мустамлакачилик сиёсати, миллий мустақиллик сиёсати, ўзбек қадриятлари, асотир.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон». 1995, 52-53-бетлар.

## **Хикматлардан намуналар**

Бир сўнгакка сордек қаноат қилғон,  
Афзалдир нокасга бўлгандан меҳмон,  
Нокаснинг шиннилик нонидан яхши,  
Ўзинг топиб еган бурда арпа дон.

Токай пастлар хизматин этасан бажо,  
Хар емишга пашшадек қилма жон фидо,  
Бир нонни икки кун е, тортма ҳеч миннат,  
Ўзга нонидан ўз дил қонинг кўп аъло.

Бир нонни топиб агар есанг икки кун  
Синиқ кўзанг бўлса сув ичмак учун,  
Ўзингдан пастларга ёлланмоқ нега.  
Ўзингдек хизматин қилмоқлик нечун.

**Умар Хайём.**

Чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги генерал – гебернатори М. Скобелев: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзуога учрайди», деб айтган гапини эслашнинг ўзи кифоя қиласди. Бундай ёвуз қарашларга қўшимча изоҳ беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Лекин улардан керакли хулоса- сабоқ чиқариш учун бугун ҳам кеч эмас.

х х х

Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан холос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргата олмаймиз, ахир. Буни барчамиз тушунишимиз англашимиз даркор.

**И. А. Каримов.**

## **Тест топшириқлари**

### **1. Мустақиллик бу -**

- а) бу олий неъмат бўлиб, халқ эркинлигини ифодалайди;
- в) олий қадрият ҳисобланиб, ҳар бир шахснинг эркин фикрлашини тақазо қиласди;
- г) иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан эркин бўлишидир;
- д) эркинлик, озодлик, худоликдир;
- е) барча жавоблар тўғри.

### **2. Иқтисодий мустақиллик деганда -**

- а) мамлакатни иқтисодий неъматлар билан ўзини - ўзи таъминлаш даражаси тушунилади;
- в) иқтисодий соҳадаги ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланганлиги тушунилади;
- г) давлатнинг ички иқтисодиётда мустақил сиёсати, аммо ташқи мамлакатларга иқтисодий қарамлиги тушунилади;
- д) иқтисодни эркинлаштириш;
- е) а ва в.

### **3. «Биз озодликка қон тўқмасдан эришдик. Аммо бу - ҳақиқий мустақиллик курашсиз ва меҳнатсиз қўлга киритилади, дегани эмас» мазкур жумла Президентимизнинг қайси асаридан олинган?**

- а) «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура»;
- в) «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир»;
- г) «Иқтисодий мустақиллик о олий мақсадимиз»;
- д) «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат»;
- е) «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари».

### **4. «Биз 50 йил мобайнида тузумларни тараққиётдан. Мактабдан ва ўrus ҳаётидан четда тутдик» мазкур фикр қайси чоризм генерал – гебернаторига тегишли?**

- а) М. Д. Скобелев;
- в) Н. Н. Тавешев;
- г) Н. А. Куропаткин;
- д) Фон Кауфман;
- е) М.А.Муровниев.

**5. Собиқ Иттифоқ даврида халкимиз маънавиятига муносабат кандай эди?**

- а) маънавиятни юксалтириш учун маблағ талаб қилинар, маблағ эса марказ қўлида эди;
- в) собиқ Иттифоқ даврида маънавий бойликлар сезиларли равишда ўсди;
- г) маънавий ва маданий мерос яратувчилари қасдан қадриятсизлантирилди ва йўқ қилинди;
- д) маънавиятимизга лоқайдлик билан қаралди;
- е) А ва В

**6. Маънавий мустақиллик бу -**

- а) маънавий ва маданий меросларни яратишда эркинликлар яратиб бериш, уни бойлашга кўмаклашиш;
- в) урф – одатлар, миллий, умуминсоний, диний қадриятларни юксалишига замин яратиш;
- г) ўтмишдан қолган ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларга хурмат, эътибор туйгуларини шакллантириш;
- д) миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш;
- е) барча жавоблар тўғри.

**7. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мустақиллиги» тўғрисидаги баённоти қачон қабул қилинган?**

- а) 1991 йил 1 сентябрь;
- в) 1991 йил 31 август;
- г) 1991 йил 30 август;
- д) 1992 йил 8 декабрь;
- е) 1990 йил 31 ноябрь

**8. Тарихда «Босмачилар» деб аталган ижтимоий-сиёсий кучлар аслида кимлар эди?**

- а) чет эл босқинчиларига қарши курашган ватанпарварлар;
- в) миллий давлатчилик тузиш тарафдорлари;
- г) Чор Россияси босқинчиларига ён босувчи гуруҳ аъзолари;
- д) зўравонлик ва босқинчилик билан шуғулланувчилар;
- е) а ва в.

**9. XIX аср охири XX аср бошларидағи истиқлолчилар харакатининг асосий мақсади нима?**

- а) миллий мустақиллик учун қурашиш;
- в) миллий давлатчиликни барпо этиш ва моддий-маънавий бойликларни таланишига йўл қўймаслик;
- г) совет тузумини ўрнатишга кўмаклашиш;
- д) илму-маърифат орқали жамиятни ислоҳ қилиш;
- е) а, в ва д.

### **III-боб. Маънавият тараққиётининг мезонлари, таркибий қисмлари**

#### **11-мавзу: Маънавий баркамол инсон, юксак ахлоқийлик тушунчалари**

##### **11.1 Жамият ҳаётида юксак ахлоқийлик муносабатлари**

Жамият тараққий этгани сари ахлоқий муносабатларга эътиборни кучайтириш эҳтиёжи туғилаётир. Сабаби, бирон мамлакат ёки жамият маънавий-маърифий имкониятларини ривожлантирмай, ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз келажагини тасаввур эта олмайди. Маълумки, мамлакатимизда асрлар мобайнида аждодларимиз яратган маҳаллий, миллий, диний, маданий қадриятларимизни янада ривожлантириш учун янги шароит ҳамда имкониятлар пайдо бўлди. Бу қадриятлар шундай қадриятларки, ундан келажакда ҳам минг-минглаб авлодлар озиқ олади, баҳраманд бўлади. Чунки, бу қадриятлар ҳаёт ларзаларию, чириқларидан ўтиб, инсонлар ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган, сингиб кетган. Улар олам узра тенги йўқ қадриятлардир. Улар жамият ҳаётини ахлоқий жиҳатдан белгилашга қодир қадриятлардир. Ўзбек халқи эса бу қадриятларнинг манбаи сифатида турли жамиятлар тараққиёти мобайнида шаклланди, ўзлигини таниди, бошқа халқларга намуна бўладиган даражада юксалди. Маълумки, жамият ривожланиши инсонларнинг ахлоқи, одоби, ақлидроқи, ҳалол меҳнати мамлакат бойлиги асосида олға қараб боради. Демак, ахлоқий нормаларни ривожлантирмай мамлакат тараққиётини юксалтириш амри маҳол бўлади. Аслида мамлакатимиз азалдан инсоният тафаккури бойлигига катта ҳисса қўшиб келган. Даврлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик каби ноёб фазилатлари шарқ фалсафаси ва ислом таълимоти билан мустаҳкам алоқада ривожланди.

Маънавий қадриятлар таркибидаги ахлоқ мезонлари тарбиянинг негизини ташкил этган. Тарбиявий жараёнсиз жамият, тараққий эта олмайди. Тарбия эса ахлоқий фазилатларни сингдиришдан бошланади. Тарбия сингдирилишидан инсон комилликка қараб боради.

Комиллик ўз-ўзидан пайдо бўлмай, балки, инсон яшаган жамиятга, муҳитга боғлиқдир. Жамият, муҳит эса, инсонлар муносабатидан, ўзаро алоқасидан иборатдир. Бинобарин, ахлоқий жараёнлар шу муносабатларда шаклланади, таркиб топади. Бу муносабатлар қандай бўлса, тарбия ҳам шундай бўлади.

Шундай экан, жамият олдида ўта муҳим масала бу тарбиявий соҳаларнинг самарадорлигини оширишдир. Тарбия давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланмоғи лозим. Мустақиллик йилларида бу муҳим масала юзасидан бирмунча ишлар амалга оширилди. Таълим соҳасида ва кадрлар тайёрлашнинг йўналишлари бўйича қарор ва қонунлар қабул қилиндики, ҳозирги кунда шу қарор ва қонунлар асосида замонавий дастур ва дарсликлар, қўлланма ва кўргазмали қуроллар ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ қилинаётир. Албатта,

қилинган ва қилинаётган ишлар «уммондан бир томчи» холос. Зеро, комил инсонларга хос бўлган туйғу ва хислатларни авлоддан-авлодга ўтказиш учун мисли қўрилмаган иш ва вазифалар амалга оширилиши даркордир. Эркин, ўз ҳақ-ҳукуқларини очик биладиган, ўз салоҳияти, ақлига ишониб яшайдиган, шу билан бирга жамият манфаатини ўз шахсий манфаатлари билан уйғун тарзда кўрадиган етук инсонларни тарбиялашдан иборат вазифа кўндаланг турибди.

Ахлоқ ва одоб тарбиясига эътиборсиз қараган жамият иқтисодий, сиёсий, маданий, техникавий ютуқларга эришолмайди, аксинча инқирозга юз тутади. Жамиятдаги барча ютуқ ва камчиликлар инсоннинг маънавий камолотига бориб тақалади. Маънавий камолотга эришилмаган жамиятда қанчалик моддий бойликлар кўп бўлмасин барибир у жамият юксакликка кўтарила олмайди, келажаги порлоқ бўла олмайди. Шу сабабли ҳам жамият равнақини таъминлаш учун ахлоқ ва одоб тарбиясини мукаммаллаштириш талаб этилади. Халқи маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлган давлат табиий бойликлари, моддий ноз-неъматлари бехисоб бўлса ҳам, ҳеч қачон обрў эътиборга лойик буюк давлат бўла олмайди. Шу сабабли ҳам ҳар бир жамият аввало ўзида истиқомат қилувчи шахсларнинг юксак маънавиятли бўлиши учун қайғуриши, уларга шу хислатга эга бўлиши учун шарт-шароит яратиши табиий ҳолга айланиши керак. Демак, ахлоқ-одоб тарбияси етакчи ўринда бўлиши лозим. Юксак ахлоқийлик ва одоблилик бўлмас экан, юксак маънавият ҳам бўлмайди.

## **11.2. Ахлоқ ва одоб тарихий, инсоний анъанадир.**

Ахлоқ-одобни эъзозлаш ҳар бир инсоннинг юксак бурчи саналади. Чунки унда инсонга ва инсоният тақдирига салбий таъсир этадиган номаълум ҳолатларнинг ўзи йўқ. Демак, бу ноёб меросдан кечмаслик бизнинг бурчимиздир. Аксинча, уни бойитиш, ҳаётга татбиқ этиш ҳам фарз, ҳам қарзdir. Аждодларимиз яратган бебаҳо ахлоқий жараёнларга амал қилинса, инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳабbat, инсонийлик хислатлари ортади, эл-юрт, мамлакат, жамиятда барқарорлик рўй беради, ҳasad йўқолиб ҳавас мавқеи ошади. Шу жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, ахлоқий хислатларни мукаммаллаштиришга ҳаракат қилган барча алломаларимизнинг таваллудларини нишонлаш, уларга ҳурмат кўрсатиш, номларини абадийлаштириш яхши анъанага айланәтири. Бу эса ахлоқий тарбияни ўз ўрнига қўйишининг бир воситасидир. Зеро, Президентимиз И.А Каримов таъкидлаганидек, «Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очик қўнгиллилик, миллатидан қатъи назар одамларга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлади, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳабbat, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир»<sup>1</sup>.

Ахлоқий мерос ҳалқимизнинг қўп асрлар давомида тўплаган бебаҳо хазинасидир. У жуда қўп қиррали, сержило, сермазмундир. Унда миллий ва умуминсоний қадриятлар ўз аксини топган. Шу сабабли ҳам биз мазкур хазинага, уларга эътиқод қўйган анъаналарга суюнишимиз, улардан ўз ўрнида оқилона фойдаланишимиз зарур. Шундагина жамиятимизнинг олға қараб боришини таъминлаймиз.

Қадимги алломаларимиз қолдирган меросда ахлоқий тарбия борасидаги фикрлари ўзининг нақадар софлиги, ўта таъсирчанлиги билан инсонни лол қолдиради. Барча айтилган ахлоқий ўгитлар инсонларни жоҳиллик ва разилликдан, одобсизлик ва манманлиқдан, ҳаром-харишдан қайтаришга, аксинча тинч-тотув, камтарона ва соф виждан билан яшашга даъват этган. Чунки миллатнинг қарор топиши, унинг ривожи инсоннинг баркамоллиги билан боғлиқлигини улар ҳаммадан кўра қўпроқ билган ва ҳис қила олган. Инсоннинг либоси зарли тўнлару, кўз-кўз қиласидиган тақинчоқлар эмас. Инсоннинг либоси маънавий либосдир. Маънавий либос эса ахлоқий хислатлар билан боғлангандир. Янги аср ҳалқимиз учун нафақат моддий жиҳатдан балки, маънавий, маданий жиҳатдан ҳам юксалиш асридир. XXI аср жамиятнинг тараққиётини янада янги поғонага кўтаради. Тўғри, бу асрнинг ҳам ўз қийинчиликлари, зиддиятли ривожланиши бор. Шундай бўлса-да, жамият ахлоқий тарбияни ўзининг марказий фаолиятларидан, деб билиши табиийдир. Сабаби умумий ривожланишнинг ўзи шу жараёнга бориб тақалади. Мехнат

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон” 1992, 11-12-бетлар.

қилиш мураккаб характерда бўлади. Техник тараққиёт ўзининг хусусиятлари билан шундай шароит яратади. Меҳнатсеварлик эса ахлоқий хислатларга боғлиқдир. Демак, инсон тарбия топадиган жамиятда юксак ахлоқлилик натижасида меҳнат қилинсагина, у ўз яшаш шароитини яхшилайди. Моддий-маънавий юксалиши учун замин яратади.

Жамият тараққиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг барчасида ҳам кишилар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ўлчовлар таъсирида ривожлантирилган. Лекин бу дегани, юксак маънавий жараёнлардан узоқлашса ҳам ривожланиш мумкин, дегани эмас. Айнан бизнинг халқимиз тараққиётида инсоний муносабатларни мустаҳкамлашда асосан ахлоқий соҳалар муҳим ўрин эгаллайди. У ёки бу соҳада ножӯя ишларни амалга оширганларни ахлоқий жиҳатлар билан тарбиялаганлар. Шу сабабли айтиш мумкинки, жамият ҳаётидаги муносабатларда кишилар маълум ахлоқий урфодат ва қадриятларга суюниб иш кўрсалар фойдадан холи бўлмайди. Бу урфодат ва қадриятларнинг бир қисмини бўлса-да қадриятларни ўзида сингдирган ҳар бир инсон жамиятни ҳам унутмайди, жамият учун, унинг равнақи йўлида хизмат қилишга интилади, жамият учун қайғуради. Ахлоқли шахс ўзининг муносиб ҳаракатлари билан бошқа шахсларни ўз изидан боришга эргаштиради. Номуносиб ҳаракатлари бўлган инсонларни жамият ҳаётдан узоқлаштиради ва инсонларга заарар келтирадиган соҳаларни камайтиради. Шуни унутмаслик лозимки, баъзи шахслар ахлоқий жиҳатларни кўр-кўронада бажарадилар ва баъзан кўз-кўз ҳам қиласидилар. Бундай шахсларнинг ички дунёси соф ахлоқий жиҳатлардан бир мунча холи бўллади. Уларнинг ахлоқий жиҳатлари ташки кўринишидадир. Бундай кишилар фаолияти жамият учун заарардан бошқа нарса эмас. Ҳадиси шарифларда шундай ибора бор: «Аллоҳ сизнинг ташки қиёғангизга қарамайди. Лекин Аллоҳ сизнинг ичингизга, қалбларингизга қарайди», -деган фикрлари билан ҳар бир инсонни ички гўзаллиги устун қўйилган. Ички гўзаллик бирламчидир. Ички гўзаллиги қанчалик мустаҳкам бўлган инсон ахлоқий фазилатларни ташқарида намоён қиласиди. Аникроғи, жамиятда юксак ахлоқий маънавият ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Ахлоқий қонун ва қоидалар кенг қирралидир. Улар инсон турмуш тарзининг барча томонларини қамраб олган. Инсон атрофидаги муҳитни ташкил қилишда, инсоннинг юксак маънавиятини шаклланишида, ижтимоий муҳитни ташкил қилиш ва ўзгартиришда, маънавиятни оширишда, ҳаётда ўз-ўрнини топишда, муамоларни ечишда, инсон ҳаётини ўрганиш ва бошқаларда ахлоқ намоён бўллади. Шу маънода, ахлоқ жамият ҳаётининг муҳим меъёрини ташкил қиласиди. Бу меъёр бузилса, жамият инқирозга юз тутади. Ахлоқий бузуқлик кўпайса инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат йўқолиб жамиятнинг бошини берк кўчага олиб киради. Демакки, прогрессив тараққиётдан регрессив тараққиётга олиб ўтади. Комилликка интилувчи инсонлар камаяди қолаверса, жамиятнинг тинчлиги бузилиб барқарорлик йўқолади.

Ахлоқли шахсларни кўпайиши жамият равнақини тезлаштиради. Миллатнинг баркамоллиги учун асос яратилади. Жамиятда яшовчи шахслар факат бойликнинг кетидан қувсалар, бу жамиятнинг фожиасидир. Бойлик

инсонни улуғламайди. Қачонки, бойликни пеш қилиб, маънавий ахлоқлик ҳисобга олинмас экан, инсоннинг турмуш тарзи ҳам бузилади. Олимлардан Зиёуллоҳ айтади: «Саодатманд, доно одамлар хушфеъл-атворини ўзларига абадий нажот сармояси, деб биладилар. Фурсат, вақтни қўлдан қочирмайдилар, уни ғанимат санайдилар, гўзал ахлоқ, одоб билан зийнатланадилар. Мол-дунё йиғишга ҳарис бўлмайдилар, ҳеч кимнинг кўнглини оғритмайдилар. Ожиз ва ғариб кишиларга ғамхўрлик қиласидилар, уларнинг эҳтиёжларини ўйладидилар, бирорнинг айбини кўрсалар, ошкора қилмасдан уни бекитадилар, қилган яхшиликлари билан мақтаниб юрмайдилар, бирордан ёмонлик кўрсалар, у кишига яхшилик қиласидилар, улуғ одам фазилатларининг сийратлари, гўзал феъл-атворларини ўзларига пешво қилиб оладилар, ўз манфаатларини кўзлаб, бошқаларга зиён келтирмайдилар, ҳеч кимга қўполлик билан муомала қилмайдилар, тўғри сўзлайдилар, ёлғончилик кучайса, қадам босмайдилар»<sup>1</sup>.

Мутаффакир айтганидек, жамиятда саодатпарвар инсонлар қанчалик кўпайса, жаҳолат шунчалик кам бўлур эди. Инсонийлик ғалаба қозонган бўлур эди. Олимнинг сўзларини ўзларида мужассамлаштирган инсонлар жамиятнинг ҳақиқий «устунлари»dir. Демак, жамият шу «устунлар»ни кўпайтириш учун бор кучини сарфлагандагина ўз мақсадларига эриша олади. Республикаизда бу ўринда ҳам жиддий ҳаракат борлиги, бу ҳаракатлар қонунлаштириб ҳаётга татбиқ этилаётганлигининг гувоҳимиз. Жумладан баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақидаги «Таълим тўғрисида» чиқарилган Ўзбекистон Республикаси қонуни фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бу қонунда:

- «... Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек, ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг йўналиши;
- академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- . таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги»<sup>2</sup>га дикқат-эътибор қаратилган.

Ҳа, жамиятимиз ҳаракати халқимиз фаровонлигини таъминлади. Халқимиз эса жамиятимизни ҳаракатга келтирувчи асосий кучдир. Халқ ҳаракати баракатдир. Аллома Абу Наср Форобий бу ўринда шундай дейди: «Бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси фазилатли жамоадир. Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади»<sup>1</sup>. Равшанки, жамоа деганда аллома жамиятни кўзда тутади. Жамиятни халқ пайдо қиласиди. Халқ эса саодатли бўлиши зарур. Жамият тараққиётининг умумий жиҳатлари шу саодатлиликка боғлиқ. Жаҳон

<sup>1</sup> Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Т. , 1988 йил, 76-бет

<sup>2</sup> Баркамол авлод. Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: 1997, 20-бет.

<sup>1</sup> «Маърифат» газетаси 1 апрель, 2000

миқёсида янгиликлар, ўзгаришлар, кашфиётлар бўлмасдан туриб, инсоннинг ахлоқий жараёнлари тўла бўлмайди.

Инсон китоб олами билан таниш бўлиши лозим. Ўшандагина инсон саодатли бўла олади. Шу сабабли инсон яшаётган жамият ўз индивидларига ахлоқий онгни шакллантириш йўлида хизмат қилмоғи лозим. Албатта ахлоқий онг якка ҳолда ва жамоатчилик асосида шаклланади. Чунки, инсон жамият томонидан қабул қилинадиган ижобий ёки салбий ахлоқий тасаввурларига суянади. Уларни ўзида мужассамлаштиради, натижада ўз хулқ-авторини мустаҳкамлайди. Ахлоқий тасаввурларни таҳлил, мулоҳаза қиласди, муносабат билдиради. Бу инсоннинг ахлоқий онгини шаклланишига олиб келади. Ахлоқий онг инсоннинг маънавий хислатларининг йифиндисидир. Ахлоқий онг ҳам жамиятдаги зарурий, тарихий жараёнлар ҳам манфаатларда намоён бўлади. Ахлоқ қирралари бирлашиб ахлоқий онгни ташкил этса-да, улар нисбатан мустақилдир. Инсондаги алоҳида олинган ахлоқ хислатларини ахлоқий онг деб бўлмайди. Ахлоққа нисбатан ахлоқий онг кенг қамровлидир. Албатта, ахлоқий онг ахлоққа ва аксинча ўзаро таъсирда бўлса, жамият ундан унумли фойдаланади. Улар диалектик муносабатда бўлгандағина таъсирчан ва фойдали бўлади. Бу мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади. Ушбу жараённи ички ахлоқ-одоб қирраларида кўрсак масала ойдинлашади.

Ижобий камолатга эришиш ахлоқ ва одоб орқали амалга ошади. Камолотга эришиш учун ҳаракат қилган одамни ҳақиқий инсон қаторига қўшадилар. Шу ўринда халқимиз ўртасида «яхши» ва «ёмон» одам деган мулоҳазалар бор. Яхши ва ёмон одам деганда, аввало, киши кўз ўнгига инсоннинг ахлоқий фазилатлари намоён бўлади. Маълумки, яхши одам деганда, камтарин, яхши фазилатли, меҳр-шафқатли, инсонпарварлиги бўлган, ёлғон гапирмайдиган, ҳалол, виждонли, мулоҳим, чехрасидан нур томадиган, сахий, меҳнатсевар инсонлар тушунилади. «Ёмон» одам деганда бу жиҳатларнинг акси мужассамлашган кишилар тушунилади. Бу иккала характеристидаги одамлар бир жамиятда яшасалар ҳам, олган тарбия ўчоқлари турлича бўлганлиги учун бир-бирларидан фарқ қиласди. Ёмон ва яхши одамлар ҳақида ҳам ўтмишда алломаларимиз томонидан турлича фикрлар билдирилган:

Ҳар кишидан ҳалқ бўлса норизо,  
Ул бўлур юз минг балога мубтало.

х х х

Ҳар кишининг бор эса яхши сўзи,  
Орттирап обрўсин албатта ўзи.

х х х

Ким тاما қилса, ўзин хор айлагай,  
Хорликдан ўзин bemor айлагай

х х х

Қариларнинг хизматига боғла бел,  
Кўрсанг ўзингдан кичикни раҳм қил.

х х х

Чин, самимий дўстки топмоқлик қийин,  
Гар тополсанг, сурма қил кўзга изин.

х х х

Кимки бўлса хушчирою, хушқилиқ,  
Доимо кўргай жаҳонда яхшилиқ.

х х х

Бир ўғилга васият этди ота:  
«Эй жавонмард, ёд ол бу панд,  
Кимки ўз аҳлига вафо қилмас,  
Бўлмагай баҳтиёру давлатманд».

Ҳимматингни тут баланд эл олдида,  
Ҳимматингла мартабанг бўлғай баланд.

х х х

Истасангиз қайғу-ғамлардан нажот,  
Ножӯя ишлардан айланг эҳтиёт.

х х х

Гар ёмонлик йўлини ҳар кимса қилса ихтиёр,  
Халқ ишончин йўқ этиб бўлгай балоларга дучор.

х х х

Ким халойиққа тараххум қилмагай,  
Унга асло баҳт-давлат келмагай.

х х х

Амал сендан, ўғил, мендан насиҳат,

Этар бадбаҳт инсонни адоват<sup>1</sup> ва бошқалар. Халқ ва донишмандлар томонидан айтиб қолдирилган ушбу фикрларда том-том маъно ётади. Барчаси ҳам инсонни ахлоқ ва одобига қаратилганки, уларга амал қилган инсонлар фақат обрў-эътибор қозонади. Ҳикматлар шундай кучликки, инсон амал қилганда ўтда куймайди, сувда чўкмайди. Чунки, бу ҳикматлар ҳаётдан олинган бўлиб, ўтда тобланган металлдек мустаҳкам, илдизи бақувват чинор кабидир.

<sup>1</sup> Ушбу фикрлар «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» китобининг иккинчи нашридан олинган..

Ҳикматларда айтилган насиҳатлар фақат бир шиор эмас, балки инсонни камолотга етакловчи ёруғ юлдузdir. Тўғри, юксак одоб ва ахлоққа интилиш ҳар бир шахснинг хусусий иши, фаолиятидир. Унга амал қилиш-қилмаслик ҳам ҳар бир кишининг маънавий дунёсига боғлиқ. Гап шундаки, инсон ўз мақсадига эришиш учун ҳаракат қиласар экан, буларга амал қилмаса ярим йўлда қолади, овора бўлади. Ғам ва алам билан ҳаётдан ўтади. Бинобарин, инсон ҳаётга келиб ўзини танир экан, эзгу мақсадларни амалга оширишга интилади. Ҳаётда из қолдиришга шошилади.

Демак, бу эзгу ниятлар йўлида ахлоқий нормалардан ижобий фойдаланилмаса, бу улкан эзгу ниятлар, ишлар амалга ошмайди. Яшаш жараёнида қаршиликларга дуч келаверади. Олам шундай яратилганки, унда ақлли ва ақлсизлар мавжуд. Ақлли одам мақсад сари олға қараб бораверади, қийинчиликлардан қўрқмайди. Сабаби, донишмандлар фикри ва ҳикматларига амал қилади. Ўз ақли орқали юксакликларга кўтарилади. Ақлли инсон юксак маънавий хислатларга эга бўлган, узоқни кўра оладиган ахлоқли шахсдир. Шахс эса, ўз фаолияти билан жамият ривожига ўзининг ҳиссасини қўшади, унинг ташвишлари билан яшайди, натижада ўзи ҳам камол топаверади.

Шахснинг ақл-идроқини юксак даражага кўтариш билан бирга дунёвий воқеалардан хабардор қилиб, фалсафий хулосалар чиқаришга, охир-оқибатда донишманд бўлиши учун замин, асос яратади. Ҳар бир шахс аввало ўзи ижодкор, ташаббускор бўлиши зарурдир. У ақлли бўлишга интилиб ҳаракат қилмоқни ич-ичидан ҳис этиши керак. Ўз устида маъсулият билан ишлаши лозим. Бепарволикка чек қўйиши, лоқайдликдан узоқ бўлиши зарур.

Ақл инсон-шахсда шаклланади. У ташқи муҳит орқали содир бўлади. Ахлоқий жиҳатлар инсоннинг одоб хислатлари йиғиндисидан таркиб топади. Шу маънода одоб инсон фаолиятида ахлоққа нисбатан бирламчиdir. Юксак одоб ва ахлоқ инсоннинг энг гўзал ва шарафли фазилатларининг йиғиндисидир. Чунки, маънавият сўзининг ўзида ҳам одоб ва ахлоқнинг жиддий ўрни бор. Сабаби, маънавиятда одоб ва ахлоқ мужассамдир, улар ҳам диалектик муносабатдадир. Одоб ва ахлоқ орқали инсон табиатдаги ноз-неъматлардан фойдаланади, борлиқни яратади, ўзгартиради. Борлиқ эса охир-оқибатда инсонга хизмат қилади.

Инсондаги ақлий хислатлар тарбия орқали амалга ошади. Шу жиҳатдан қараганда жамият, оила, жамоа олдидаги, тарбия жараёнларини мукамаллаштиришдек олижаноб иш туради. Боқимандаликка қарши курашадиган, ўз ҳақ-хуқуқларини талаб қила оладиган, ўз ақли ва кучига ишонадиган, ватан меҳри билан яшайдиган, ўз оиласи, шахсий манфаатларини жамоа, жамият, давлат манфаатлари билан уйғунликда кўра оладиган инсонларни тарбиялаш Ўзбекистон учун ўта муҳим ва долзарбdir. Инсон тарбиясига эътиборни қаратмаган оила, жамоа, маҳалла, жамият бу – ўз келажагига лоқайд, деган сўздир. Бинобарин, келажак натижаси билан қизиқмайди. Бу мевасиз дарахтни парвариш қилгандек. Пировард натижа жамият инқирозга юз тутади.

Ўзбекистон халқи мустақиллик туфайли донишмандларимиз қолдирган маънавий меросни қайта тиклаб унга эътиқод қилишда халқлар ўртасида нуфузли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ахлоқ ва одоб нормалари қанчалик қўп ва кенг қиррали бўлишидан қатъи назар уларни бойитган ҳолда ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Ахлоқ ва одоб миллий маънавиятимизнинг таркибий қисми сифатида шаклланар экан, бу соҳа фазилатларини халқимизга, айниқса, ёш авлодга янада чуқурроқ сингдириш ҳар бир зиёлини муқаддас бурчидир.

Инсоннинг ахлоқ-одобини тараққий эттириш миллий, диний, умуминсоний қадриятларга суюниб иш олиб борганда янада самарали бўлади. Миллийликка асосланган тарбиянинг олиб борилиши асосий таянч бўлиб ҳисобланса, у мустаҳкам пойдеворга эга бўлади. Аммо, тарбия диний ва умуминсоний қадриятлар билан мужассамлашса янада сермазмун бўлади. Маълумки, миллий маънавиятимиз, ўзбек халқи фаолиятига чуқур таъсир қилган ислом дини билан қоришиб кетган. Шу сабабли ҳам тарбия беришда исломий қадриятлардан фойдаланиш айниқса муҳимдир.

Ислом динида ахлоқсизлик жиҳатлари қаттиқ қораланади. Ахлоқсизлик элементларига, инсоғсизлик, андишасизлик, шарм-ҳаёсизлик, боқимандалик, бегамлик, одобсизлик, порахўрлик, лаганбардорлик, меҳр-оқибатсизлик кабилар киради. Бу жиҳатларнинг бўлиши ахлоқлилик гирдобидан узоқлашиш демакдир. Буларнинг барчаси, шу жумладан, одоблилик ва одобсизликнинг бўлиши инсон тарбиясига боғлиқдир. Баъзида фарзанд тарбияси муаммоси четда ҳам қолиши мумкин. Чунки, атроф-муҳит шароитлари ва тарбиядан устун бўлган ҳоллар ҳам ҳаётда бўлади. Шу атроф-муҳит таъсирида ота-она тарбиясидан хулоса қилмаган фарзандлар ҳаётда оз эмас. Бундай фарзанд ва шахсларни Оллоҳдан бошқа ҳеч ким баҳосини бера олмайди. Бундай шахслар, инсонлар аввало хулқ-атвор, ахлоқ-одобни нима эканлигини маъносига етмасалар керак. Ҳатто ҳадислардаги: «Ораларингизда энг яхшингиз – хулқи яхшингиздир», -деган пайғамбаримиз фикрларини эсларига ҳам олмайдилар.

Яхши ахлоқ ва одобга эга бўлган инсонлар халқ, эл, юрт ҳурматига сазовор бўладилар. Ахлоқли инсонларни биринчи навбатда ўз оиласи, қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлари, таниш-билишлари ҳурмат қиладилар. Бундай кишилар соғвиждонли, юксак маданиятли, камтар, соғдил, ўз сўзини устидан чиқадиган, бошқа бирорвга зарар бермайдиган олижаноб бўладилар. Улар бирорни ноҳақ хафа қилмайдиган, хиёнатдан узоқ юрадиган, ўгитларга қулоқ соладиган ва риоя қиладиган кишилардир. Бу хислатларга эга бўлган кишилар ўз фаолияти билан инсонларга фақат фойда келтирадилар, холос. Шу билан бирга ўзларининг баҳтли бўлишларини ҳам таъминлайдилар. «Кимки қалбини иймон учун холис ва соғлом, тилни ростгўй, ўзини хотиржам, хулқини тўғри, қулоғини тингловчи, кўзини ибрат назари билан боқувчи қилиб олган бўлса, демак у баҳтлидир», - дейилади Имом ал-Бухорий ҳадисларида. Демак, ахлоқ ҳар бир инсоннинг ўзини-ўзи англашига кўмаклашади. Ахлоқли инсонлар маърифатли бўладилар. Шундай кишилар элим деб, юртим деб, куйиб-ёниб яшайдилар. Улар ҳар бир ҳадисга бефарқ бўлмайдилар. Бирорларга химмат, муруват кўрсатадилар. Бундай кишилар ҳадисларимизга амал қиладилар.

Бинобарин, ҳадисларда: «Сиз ўз молларингиз билан халқнинг кўнглини олмоққа эмас, балки уларга очиқ юз, гўзал хулқингиз билан манзур бўлмоққа интилинг», -деган панд-насиҳатлар, «Кимки сахий ва тақводор эрса, жаннатга мусассар бўлғай», -деган фикрлар фақат яхши ахлоқли бўлишга етаклайди. Юксак ахлоқли кишилар муруватли бўладилар. Бошқалар мушкулини осон қиласидилар. Чунки, уларда орият кучли бўлади. Ёрдам қўрсатишни шон-шараф деб биладилар. Фақат ўз тинчлигини эмас, бошқаларнинг тинчлигини ҳам тилайдилар ва таъминлайдилар.

Республикамиз мустақилликка эришгандан бери юксак ахлоқий хислатларни шакллантиришда халқимизнинг ижобий урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари асосида тарбиялашга ҳаракат қилинмоқда. Тўғри, бу жиҳатлар, яъни ахлоқий урф-одатларимиз, қадриятларимизни ёш авлодга сингдириш аввало оиладан бошланади. Биз яшаётган жамият қўпроқ ёшларни маърифатли ва маданиятли қилиб тарбиялашни қўпроқ оила зиммасига юклайди. Бу жараён мустақиллик тафаккури билан боғланиши лозим. И.А.Каримов таъкидлаганидек, мустақиллик тафаккури ёшларда Ўзбекистоннинг истиқболи ҳақида қайфуриш, ўзининг ва ўз халқининг, ватанининг қадр-қиммати, ор-номусини англаб, уни ҳимоя қилиш, юксак ғоялар, янги фикрий қашфиётлар ишқи билан меҳнат қилиб, истеъоди, бор имкониятини, керак бўлса жонини юрт истиқболи, элига баҳшида этиш каби буюк хислатларни шакллантиришдан иборат.

Инсонда ахлоқий сифатларнинг қирралари бўлган: тўғрилик, меҳр-шафқат, виждон, меҳнатсеварлик, софдиллик, тўғрисўзлик, бировга тик боқмаслик, ватанпарварлик кабиларни ҳар бир ота-она ўз фарзандларига ёшлигидан сингдирса, бу хислатлар кейинроқ инсоннинг ҳаётий фаолиятида ўз самарасини бера бошлайди. Фарзандларнинг порлоқ келажагини ота-онадан қолдирилган бойлик мероси эмас, балки қолдириган маънавий мерос белгилайди. Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг келажагини албатта ўйлайди ва улар учун қўлдан келган ҳаракатини қиласи. Керак бўлса жонини ҳам аямайди. Бу ҳам олий даражадаги қадриятдир. Тўғри, баъзида, баъзи ота-оналар фарзандини ўта сийлаб, фарзандларини баҳтли қиласидиган нарса - бу моддий бойликлар, деб тушунади. Маънавий бойлик эса иккиламчи бўлиб қолади. Бундай тарбиянинг келажаги вой бўлиб, ўша ота-онани умрига завол бўлади. Сабаби, вояга етказилган фарзанд бойликка, енгил ҳаётга ўрганиб қолиб, ўзининг ахлоқий поклигига эътибор бермайди. Худбин бўлиб қолади. Ўзининг мустақил ҳаётини эплай олмайдиган бўлади. Ҳаётга ва ўз қавм-қариндошларига меҳрсиз бўлиб қолади.

Бўлажак ота-оналар унутмаслиги керакки, муқаддас ҳадисларда ҳам бу жиҳатга катта эътибор қаратилиб: «Фарзандларни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангизлар», «Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқи одобдан буюкроқ мерос бера олмайди»<sup>1</sup>, -деган ҳаётий фикрлар билдирилган. Ота-она учун одобли, ахлоқли фарзанд кейинги умр ҳисобланади. Халқимизда фарзандларни ҳурмат қилганда яхши ибора ишлатиб, ўша фарзандга нисбатан

<sup>1</sup> Имом Бухорий «Ал-адаб ал-муфрад». Т.: «Ўзбекистон», 1999, 45-46-бетлар.

«отангга раҳмат» дейилади. Ота учун ушбу фикр айнан кейинги умрдир. Ахлоқли ва одобли бўлиб ўсиш, шунчаки бир ҳавас эмас, бу энг мураккаб, қийинлик билан амалга ошадиган жараёндир. Инсон ахлоқли ва одобли бўлишда турли қийинчиликларга, қаршиликларга дуч келади. Шу жараёнларни енгиб ўтган инсон ахлоқли, одобли деган муқаддас номга эга бўлади. Табиийки, бошқаларнинг ғами учун бошқотириш, ташвишларини енгил қилиш, бошқаларга баҳт-саодат ато қилиш ўз манфаатларидан кейинга қўйиш билан баробардир. Бу сифатларни ҳақиқий одоб ва ахлоққа эга бўлган инсонларгина амалга оширадилар.

Юксак ахлоқни шаклланишида болалар муассасалари, санъат турлари, телекўрсатувлар, радиодаги сұхбатлар, газета ва журналларда чоп этилаётган мақолалар, қиссалар, романлар, видеофильмларнинг ҳам таъсири каттадир. Лекин, бу соҳалар ҳамиша ҳам инсонларда юксак ахлоқий жиҳатларни тўғри шакллантиравермайди. Булар ичида анча саёз, умумхалқ талабига жавоб бермайдиган кўрсатув ва эшиттиришлар, асарлар ҳам чиқиб қолади. Масалан, Европача кийинишининг баъзи турлари, жангари ва шаҳвоний фильмларнинг намойиш қилиниши, чет эл эстарадасининг ёқимсиз ашула ва мусиқаларини эфирга тарқатиш, рекламаларда кўрсатилаётган баъзи фойдаланиш предметлари, тамаки маҳсулотларининг мақталиши ва бошқалар фикримизнинг ёрқин далилидир. Мазкур кўрсатувлар ўзбек халқи ахлоқий жиҳатларига путур етказадиган, юксак маънавиятига тўғри келмайдиган кўрсатувлардир.

Жамиятимизда аҳолини юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилар экан, бундай шароитларда бу кўрсатувларни тайёрлаётган мутасадди ходимлар ўз ахлоқи ва одоби тўғрисида ўйлаб кўрсалар фойдадан холи бўлмасди. Радио, телевидениени моддий бойитиш мақсадида ҳар қандай рекламаларни ишлаб чиқиб кўрсатиш натижасида улар ахлоқсизлик элементларини шаклланишига олиб келишини унутмасалар яхши бўлар эди. Булар ўзларининг ушбу фаолиятлари билан жамиятда яшовчи ахлоқли инсонларнинг камайишига олиб келаётганлигини сезсалар нур устига аъло нур бўлар эди.

Юксак ахлоқли инсонларда раҳмдиллик, қатъиятлилик, сабр-тоқат, мардлик, матонат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, тўғрисўзлик, саводхонлик, саховатлилик, хушфеълилик, ширинсўзлик, одиллик, ҳаёлилик, одамийлик, оқ кўнгиллилик каби хислатлар мужассам бўлади. Бу хислатларга эга бўлган инсонлар қанча кўпайса баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш имкониятлари ҳам шунча кўпаяди. Сабаби, баркамол инсонлар таъсири ёшларга ўтмай қолмайди. Одоблилик, ахлоқлилик ёшликтан бошланади. Ёшлар эса жамият келажаги. Юксак ахлоққа эга бўлмаган ёшлар билан ўз-ўзидан маълумки, Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўла олмайди.

Юксак ахлоқий хислатларни шакллантиришда «Қобуснома», «Қутадғу билиг», «Маҳбуб ул-қулуб», «Бобурнома», «Темур тузуклари», «Темурнома», «Оз-оз ўрганиб доно бўлур», «Одобнома», «Маънавият юлдузлари», «Хотамнома», «Ўзбек педагогикаси антологияси», «Ахлоқ-одоб сабоклари», «Маънавият дарслари», «Ал-адаб ал-муфрад», «Хамса» каби асарларнинг

бекиёс ўрни борки, улардан ҳар бир ёш баҳраманд бўлса уларда юксак ахлоқий хислатлар такомиллашади.

**Таянч сўз ва иборалар:** комиллик, маънавий камолот, ахлоқли шахс, ҳадислар, ички гўзаллиқ, ахлоқий бузуқлик, ахлоқий онг, ижобий камолот, фалсафий хулосалар, диалектик муносабат, борлиқ, исломий қадриятлар, моддий бойлиқ, маънавий бойлиқ, ахлоқий онг.

## **Хикматлардан намуналар**

Тўғрилиқдан келмиш ҳамма яхши от,  
Эгрилиқдан фойда қўрмади бир зот.

**Абулқосим Фирдавсий.**

«Одобнинг боши тил».

**«Девону луготит турк»**

Оз-оздан йигилиб бўлади бисёр,  
Дона-дона ғалла тўлдирап омбор.

**Саъдий**

Ёмон нафсингни одобга ғулом қил,  
Одабизни одобинг бирла ром қил.

**Хусрав Дехлавий**

Гар уруш тушса икки ҳамдам аро,  
Бот анинг тадбирини этмак керак.  
Биридин айб ўтса зоҳир, ул бири,  
Узр айтиб, айбини ёпмак керак.  
x x x

Зинҳор адаб ўрганинг, эй аҳли толиб,  
Ким бордур адаб гули саодатқа сабаб.  
Шайтонки адабсиз эрди, қолди маҳрум,  
Одамни кўринг-не ерга еткурди адаб.  
x x x

Гар соғлиқ истасанг, ема ҳеч овқат,  
Иштаҳанг ғалаба қилмасдан бурун.  
Аммо ҳали нафсинг қониқмай туриб,  
Таомдан қўлингни тортишга урин.

Ёмонларга камроқ қилғил яхшилик,  
Яхшиларга қилғил яхшилик кўпроқ.  
Агар икковига баробар қилсанг,  
Ёмонларга кўпроқ тегар, яхши боқ.

**Алишер Навоий.**

## **Тест топшириклари**

### **1. Қандай қадриятлар ахлоқий қадриятлар дейилади?**

- а) маълум бир минтақа халқларигагина хос, такрорланмас этносларга бой ва асрлар мобайнида шаклланган қадриятлар;
- в) асрлар давомида шаклланган, умум эътироф этилган, жамият ҳаётини ахлоқий жиҳатдан белгилаб турадиган қадриятлар;
- г) тарбияни муҳим категория қилиб олган қадриятлар;
- д) в ва г;
- е) барча жавоблар тўғри.

### **2. Қўйидагилардан қайси таълимотда ахлоқ одоб энг муҳим категория сифатида шаклланган?**

- а) қадимги Миср дунёқарашида;
- в) антик давр Юонон таълимотида;
- г) Шарқ фалсафасида;
- д) Шарқ фалсафаси ва Ислом таълимотида;
- е) нақшбандия тариқатида.

### **3. Тарбия нима?**

- а) ахлоқий фазилатларни сингдириш;
- в) комиллик калити;
- г) муҳит таъсирида шаклланган инсонга бўлган муносабат;
- д) таълим бериш, илм ўргатиш;
- е) юқоридагиларни барчаси.

### **4. Қўйидаги фикрлардан қайси бири тўғри?**

- а) ахлоқ - одоб, тарбияга қараганда кенгроқ тушунча;
- в) ахлоқ - одоб тарбияни тақазо қиласди;
- г) ахлоқ одоб жамият устунини ташкил қиласди. Тарбия эса жамиятни белгилаб беради;
- д) тарбия категория сифатида ахлоқ одобни ўз ичига олади;
- е) В,Г, ва Д жавоблар

**5. Қуидаги фикрлардан қайси бири юксак маънавият заруриятини очиб беради.**

- а) жамиятдаги барча ютуқ ва камчиликлар инсоннинг маънавий камолотига бориб тақалади;
- в) ахлоқ - одоб тарбиясига эътиборсиз қараган жамиятда қанчалик моддий фаровонлик ўткинчидир;
- г) маънавий камолотга эришилмаган жамиятда қанчалик моддий бойликлар кўп бўлмасин, барибир, у жамият юксакликка чиқа олмайди;
- д) инсон омили муҳим бўлиб қолар экан жамият ҳар доим маънавий юксак бўлиши керак, акс ҳолда инкиroz муқарар;
- е) барча жавоблар тўғри.

**6. Қуидаги жавоблардан қайси бирида ахлоқий тарбияга тўғри таъриф берилган?**

- а) якка ва жамоатчилик асосида шаклланган ижобий ва салбий тасаввурларга суннадиган жамият индивидлари учун зарур онг шакли;
- в) инсон ҳаёлоти билан боғлиқ, тарихий жараёнлар ва миссиялар зарурияти учун шаклланган таълимот;
- г) инсоннинг ўз манфаати йўлидаги ҳар бир ҳаракатини юзага келтирувчи ходиса;
- д) ахлоқий тасаввурларни таҳлил қилиш малакаси;
- е) тўғри жавоб йўқ.

**7. Киши ахлоқ - одобини ташқи ва ички қирраларга бўлиб ўрганиш мумкинми?**

- а) мумкин эмас;
- в) мумкин, бироқ фарқ қилинмайди;
- г) зарурият йўқ;
- д) албатта мумкин;
- е) савол нотўғри қўйилган.

**8. Ахлоқ - одоб тарбиясида акс таъсир самараси нима?**

- а) ахлоқий фазилатларни намоён этишга интилиш;
- в) тарбияда қаттиққўллик ва зўравонлик таъсирида шаклланган (қусур) маънавий қусур;
- г) руҳий сиқилиш ва эмоционал кайфият таъсирида шаклланган ахлоқий онг амалга оширган ботирлик ва мардлик намуналари;
- д) нотўғри жавоб йўқ;
- е) Б ва С жавоблар.

**9. Қандай ҳолда умри тоғу тошлар ва дара даштларда ўтган чўпонни, фан чўққиларини забт этган олимдан ахлоқли, одобли дейиш мумкин?**

- а) бундай ҳол учраши мумкин эмас;
- в) олимдаги мавжуд диалектик ахлоқ нисбати чўпонникидан кўра хавфли бўлганда;
- г) ҳаётда ортирган ахлоқий, фалсафаси жамият учун фойдали бўлганда;
- д) хусусий ҳолларда учраши мумкин бўлган ақл ва зўравонликнинг генетик тақрорланиши;
- е) улар амалга ошириши мумкин бўлган хатолар кўламига қараб.

**10. Ахлоқ - одобни диалектик тушунтириш кишида қандай фазилатларни шакллантиришга хисса қушади?**

- а) ҳаётга реал кўз билан боқишига ёрдам беради;
- в) тўғри йўлни танлашда рисқни камайтиради;
- г) самимий мулоқот ва қучли дипломат қилиб қўяди;
- д) ўз-ўзини идора қилиш фазилатини намоён қилади, ўзларини хурмат қилишга рағбатлантиради;
- е) тўғри жавоб йўқ.

## **12-мавзу: Ватанпарварлик ва инсонпарварлик, ўз миллатига садоқат шахс маънавиятининг муҳим мезони**

### **12.1. Ватанпарварлик тушунчаси. «Ватанни севмоқ иймондандир»**

Юксак маънавиятнинг етакчи, асосий таркибий қисмларидан бири бу – ватанпарварлиқдир. Шу боис ватанпарварлик тушунчасига турли томондан ёндашадилар ва талқин қиласидилар. Бизнингча, ватанпарварлик деганда, инсоннинг ўз она юртини қадрлаб шу она юрт учун, унинг қандай соҳаси бўлмасин ўз куч ва ғайратини аямасдан сарфлашидир. Бу таърифда ватанпарварлиқнинг барча қирралари қамраб олинмаса ҳам, аммо ватанни қадрлаш сўзининг ўзига кенг маънода ёндашилса таъриф тўғри тушунилади.

Тўғри, ватанпарварлик ҳақида том-том асарлар яратилган. Аммо ҳар даврнинг ўз талаби ва зарурати бордир. Шу маънода ватанпарварлик ҳақида доимий равишда фикр юритилса ҳам фойдадан холи бўлмайди. Аждодларимиз томонидан ватанпарварликка қандай ёндашилганлигини таҳлил қиласак, мавзумизнинг кўп жиҳатлари яққол очилади. Чунки, ватанпарварлик ҳалқимизнинг тарихий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган (Спитамен, Тўмарис, Широқ, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, ва бошқалар фаолияти). Масалан, қадимги аждодларимиздан Мэтэхон (милоднинг 209 йили) Ватан ҳақида: «Ватан бизнинг олиш-бериш қиласак бўладиган мулкимиз эмас. Унинг бир парчасида мозорларда ётган, ўтган авлод-аждодларимизнинг хоклари, ўзимиз ва қиёматгача туғиладиган авлодларимизнинг ҳақлари бордир. У душманга берилиши мумкин эмас», -деган эди. Бу фикрлар ҳар бир кишини ҳайратга солади, албатта.

Ватанпарварлик тушунчасини янада кенгроқ тушуниш учун Фурқат, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон,Faфур Гулом, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов асарларини мукаммал ўрганиш лозимдир.

Юқорида эслатганимиздек, ватанпарварлик она юртига содиқлик деганидир. Содиқлик эса инсоннинг кундалик ҳаётида, турмуш тарзида намоён бўлади. Бу, Ватан тушунчасига ҳам алоқадордир. Соҳта ватанпарварлик эса ҳар бир ҳалқа зиён ва заҳмат келтиради. Ватанпарварлик инсоннинг қон-қонига сингиган бўлиши лозим. Шу ўринда И. А. Каримовнинг: «Юртга, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари ҳалқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир. Ана шу ноёб азалий фазилатларни асраб-авайлаш ва янада такомиллаштириш фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак», -деган сўзлари ўринлидир. Ҳар бир инсоннинг ўз ватани бўлгандагина у ҳақиқий ватанпарвар бўла олади.

Ватанпарварлик умумийликдан ягоналикка қараб боришни тақозо этади. Ватанпарварлик масаласига умумжамият фаолиятидан келиб чиқиши ярамайди.

Лекин ҳаётда шундай кишилар ҳам борки, улар учун бутун ер юзи ҳам ватандир. Бундай кишиларда миллий ғуур, садоқатлилик, соф ватанпарварлик тушунчалари кам мужассамлашган. Уларда беватанлик ғуури устувор бўлиб, ўз ҳаётини майшатда ўтказиш, шахсий турмушда устунликка интилиш каби ғайриинсоний фазилатлар мужассамлашган бўлади. Аникроғи уларни Ватан туйгуси қизиктирмасдан кундалик ҳаёт ютуқлари қизиктиради, холос. Лекин бундай кишилар ҳам ёшлари бир жойга бориб қолгандагина ўз хатоларини тушуна бошлайдилар. Бундай хатоларни биз кўпроқ иккинчи жаҳон уруши йилларида асир тушиб, бошқа мамлакатларда қолиб кетганлар мисолида кўпроқ сезамиз. Минг афсуслар бўлсинки, ўз миллати тугул, ўз қавму-қариндошлари фаолияти билан қизиқмасдан худбинлик билан иш кўрувчилар ҳам орамизда топилиб турди. Улар учун қаерда ўз оиласини боқиб, қорнини тўйғазса ўша ер Ватан. Баъзи бирор учун эса Ватан бу оила, бола-чақа учун қурилган уй-жой. Баъзилар, юкорида айтилганидек, ер юзини Ватан деб тушунадилар. Уларни космополитлар, деб юритадилар. Бундай хислат ўзбек миллатида энг кам учрайди, албатта. Демак, космополитларни, яъни бундай кимсаларни ватанпарварлар қаторига қўша олмаймиз. Бу ўринда баъзи кимсалар умуман ватанпарварлик тушунчасини мукаммал тушуниб етмайдилар ёки маҳсус ҳолда, тушунишни холисона ҳолда истамайдилар. Улар кўпинча ўз ватанидан четда яшаб, ўз Ватан тупроғига тош отиб юрадилар. Ўз-ўзини англамаган инсон ўз миллатини ҳам чуқур англаб етмайди. Ўз навбатида миллат қанчалик ўз миллийлигини англаса, у ўз мамлакатини шунчалик ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган бўлади. Шу мақсадда ватанпарварлик тушунчасини кенгроқ таҳлил қилиш талаб этилади. Ватанпарварлик, ўзи туғилиб ўсган юртини, ерини, элини эъзозлаш, унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий тараққиёти ҳақида қайгуриш, ғамхўрлик қилиш, тараққиётга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш, ўз давлати, мамлакатининг мустақиллигини сақлаш учун жон куйдириши ва керак бўлганда унга ўз ҳаётини бағишлишидир.

Ватанпарварлик Ватан сўзи билан чамбарчас боғланган бўлиб, Ватан, ана шу ватанпарварликни пайдо қилади. Ватан сўзи арабча сўз бўлиб, «она юрт» маъносини билдиради. Бу тушунчани икки-кенг ва тор маъноларда тушуниш мумкин. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилса, бу тор маънода тушунишdir. Агар, бир ҳалқ вакиллари доимий ҳолда яшаган, уларнинг аждодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, уни кенг маънода тушунлади.

Ватанпарвар бўлиш бу – ватани севиш, ҳалқига муносиб иш қилиш, ўз ватани тупроғини эъзозлаш, қадрига етиш демакдир. Сабаби, Ватан ҳар бир шахснинг ўтмиши ва бугуни, келажагидир.

Инсонлар қайси динга мансуб бўлмасинлар, ўша ўз динларида ҳам ватанпарварлик, Ватан тўғрисидаги мулоҳазаларга дуч келадилар. Айниқса, ислом дини, Қуръони Карим ва ҳадисларда бу масалага катта эътибор қаратилган. Сабаби, ахлоқий фазилатларнинг юксакларидан бири ҳам Ватан туйгуси, ватанпарварликдир. Бу туйгу, шахсни туғилиб камол топган юртига,

унинг ўтмиши, маданияти, табиат борлиғи, урф-одат ва қадриятларига бўлган муносабатда ўз аксини топади. Ватан туйғуси шундай туйғудирки, у инсон қалбидан доимий, йўқолмайдиган туйғудир. Ватанга меҳр-муҳаббат ҳар бир инсонга она сути ва тарбияси билан сингади. Туғилиб, униб ўсган жой барча нарса ва ҳодисалардан муқаддасдир. Таъбир жоиз бўлса, шуни таъкидлаш мумкинки, Оллоҳ томонидан яратилган жонли мавжудотнинг баъзилари ўзлари туғилган жойни қўмсаб яшайдилар. Масалан, балиқни оладиган бўлсак, у тепалиқдан катта оғирлик билан тушадиган сув қаршилигига қарамасдан ўзини шу қаршиликка бориб уради. Балиқнинг бундай харакатининг сабаби, у қачондир ўша сувнинг юқори қисмида тепаликда дунёга келган.

Инсон Ватанда туғилади. Шу Ватанинг сувини ичиб, худудидан нафас олади. Озуқасини истеъмол қиласди. Авлод аждодлари орасида ҳаракат қиласди. Шу мақсадлар ҳисобга олинган ҳолда, «Ватанин севмоқ иймондандир» деб ҳадисларда айтилганлиги бежиз эмасдир.

Ҳар бир шахс Ватан олдидаги бурчга ҳам эга. Ватанга, унинг талаб ва вазифаларига муносиб фарзанд бўлиши, ахлоқ-одобли, меҳнатсевар ва билимли бўлиши шу бурчлардандир. Инсон ҳаётда яшар экан, бу бурч ва вазифалар унинг борлиғи билан ҳамоҳанг бўлиши керак. Агар инсон ушбу бурч ва вазифага муносиб бўлса, у ўз Ватанига, халқига ҳам содиқлигини билдиради, Ватанига фидоийлик фазилатини қўрсатади. Шундагина, ҳар бир шахс она юртига доғ туширмайди. Амал қилаётган ўз фаолиятини фойда ёки зарарини англаб етади.

Ўз Ватани ва миллати олдидаги бурчини англаб етиш ҳар бир шахснинг олий мақсади бўлиши зарур. Аввало, шу шахс ўз Ватанинг бир бўлаги эканини ҳис этиши, бу билан фахрланиши лозим. Ватанда камол топганлигини унутмаслиги, ўз ўрнида айнан Ватан ундан меҳр ва оқибат кутажагини эсда сақлаши табиий ҳолда бўлиши керак. Шундай қилингандагина шахс баҳт-саодатга эришиши мумкин.

Президент И.А. Каримов «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» номли асарида: «Ўзбекистоннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этаяпти ва бундан фахрланяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан бири ана шу десак янглишмаган бўламиз», - деб ёзган эди. Ҳа, ватанпарварлик мустақиллик билан чамбарчас боғлангандир. Булар бир-бирини тўлдирсангина шахс маънавияти етук ҳисобланади. Маънавият, хулқни яхшилаш ва юксак даражага кўтариш Ватан туйғусини мустаҳкамлаш билан ҳамоҳангдир. Зоро, Ватан ва халқ олдидаги вазифани англаш юксак маънавият белгисидир. Дарҳақиқат, маънавият ва маърифатда куч-қудрат мужассамлашган. Маънавий жиҳатдан етук бўлмаган шахс ўз Ватанинг нима эканини англаб етмайди. Ушбу жиҳатни англамаган шахс, ўзини ҳам англамайди. У манқуртга айланади. Манқурт бўлиб қолиш маълум маънода текинхўрликка олиб келади. Ватан текинхўрни севмайди.

Халқимизда «Ватан остоидан бошланади» деган мақол бор. Ватан текинхўри, ўз остоини ҳам қурилади. Остона эса инсоннинг ўз уйи, оиласидир. Инсон сафарга ёки ишга, меҳмондорчиликка борса ҳам ўз уйига

қайтади, оиласига шошади. Уйда бўлиб, оиласи тинчлиги учун қўлидан келган яхши ишларини амалга оширади. Фарзандлари ҳароратидан фахрланиб, ўзи ҳам ҳордиқ чиқаради. Бундай инсонларни оилапарвар дейилса, шу жараённи тўғридан-тўғри Ватан туйғуси фаолиятига кўчириш мумкин. Ватанни ҳам оиласидек кўрган кишиларни ватанпарвар десак хато бўлмайди.

Инсон чет давлатга кетиши мумкин. Аммо ўша чет давлат чиройли ёки гўзал бўлишидан қатъи назар барибир у ўз Ватанига қайтишни орзиқиб кутади. Шу пайтда, «Ўзга юртнинг шоҳи бўлгандан, ўз юртингнинг гадоси бўл»- деган ҳалқ мақолининг маъносини тушуниб етади. Ватанпарвар бўлиш, ушбу номга муяссар бўлиш ўз-ўзидан бўлмайди.

Инсон масъулиятни ўз бўйнига олгандагина ватанпарвар бўла олади. У юксак маънавиятли инсон, тинмай меҳнат қиласиган жонкуяр бўлсагина ватанпарвар бўла олади. Далада иссиқ жазирамада мол боқиб, паҳта ундириб, заводда меҳнат қилиб Республика тараққиётига ҳисса қўшадиган ҳақиқий инсонни ватанпарвар дейиш мумкин. Сабаби, бу кишилар моддий жиҳатдан ноз-неъмат етиштирадилар. Ва ўз навбатида ҳалқ фаровонлигини ўйлайдилар. Шу билан бирга бу кишилар бошқа юртни ўйлайдиганлар эмас, балки ўз уйи, ўз жойи, униб ўсган қишлоғи, тумани, шаҳари, вилоят ва мамлакатини ўйлаб иш юритадилар.

Аммо даврлар тақозоси билан баъзи кишилар ўз юртларини ташлаб, ўз бойликларини ўzlари билан олиб кетдилар. Аслида, бу бойликлар оддий меҳнаткаш ҳалқ томонидан яратилган бойликлар эди. Кетиб қолган кишилар, ҳақиқий ватанпарвар бўлганларида Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўз бойликлари билан қайтар эдилар. Ватанига қайтмаганларни ватанпарвар, деб айтишга шубҳа билан қараш мумкин.

Ҳақиқий ватанпарвар қатағон йилларида ҳам, ўз она юртини ташлаб кетмади. Аксинча, шу она юртнинг ғами билан ўз жонларини фидо қилдилар. Мардлик ва жасурлик кўрсатдилар. Ҳалқ уларнинг тарихдаги, Ватан олдидаги бурчларини аъло даражада адo этганларини ҳисобга олиб, улар тўғрисида янги-янги асарлар яратиб, номларини абадийлаштириб, руҳларини шод этмоқдалар.

Ватанни севиш, эъзозлаш унинг тарихи ва маданиятидан бошланади. Ўзбекистонда шакланаётган ватанпарварлик тарихий анъаналардан воз кечган ҳолда амалга ошмайди. Бу ватанпарварлик маълум сиёсий шиорларга айланиб қолган совет давридаги ватанпарварликдан кескин фарқ қиласи. Аждодлар яратган эътиқодлилик, маданий ва тарихий меросга муносабат ўзгарди. Айниқса, ёшларимиз бу мерос кимлар томонидан яратилганлигини, кимга тааллукли эканлигини сезаётir. Ўтмишимизда ва ҳозирдаги адабиёт ва санъат, маданият ва фан арбоблари тўғрисида жиддий қизиқаётirлар. Улар томонидан яратилган илмий асарлар, бунёдкорлик ишлари орқали ўзбек ҳалқининг тарихини билаётirлар. Булар ватанпарварликни шакллантиришдаги муҳим омиллардир. Зоро, бу тарихий ва маданий мерос миллий ғурурни такомиллаштиради, илҳомлантиради. Маданиятимизни, тарихимизни янги босқичга кўтариш учун ҳаракатни кучайтиради.

Ватанпарварликнинг моҳияти, унинг мазмуни ўта кенг қирралидир. «Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги,-деб ёзади И.А.Каримов—бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, Республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайгуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади»<sup>1</sup>.

Ватанпарварлик инсон маънавияти билан боғланган. Сабаби маънавият ҳам ўз тарихига эга. У тарихий маданиятимизга, меросимизга бориб тақаладики, биринчи навбатда мазкур жараённи ҳам унутмаслигимиз лозим. «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чукур билиш ва тушуниб етишга суюнгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»<sup>2</sup>. Демак, ватанпарварлик маънавий хислатлар билан бир бутуннинг икки қисмидир. Тўғри ватанпарварлик кўпроқ ватанни севиш соҳаси билан боғлангандир. «Ватанни севиш деганда,-деб ёзади таникли олим И.Саифназаров,- ўз халқининг тарихини яхши билиш ва у билан фахрланиш, қадимий обидалар, мислсиз иморатлар, аждодлар яратган бой моддий ва маънавий меросларни кўз қорачигидай асраш ва авлодларга тақдим этиш, гўзал ва маъноли урф-одат, расм-руsum ва удумларни қадрлай билиш, уларни давом эттириш, миллий адабиёт, мусиқа, меъморчилик ва барча санъатлардан роҳатланиш, уларни асраш ва ривожлантириш, ажойиб ватандошлар, аждодлар номи билан, уларнинг улуғ ишлари билан фахрланиш, ҳозирги авлоднинг катта оламшумул ишлари, жасоратидан завқлана билиш, шундай ажойиб халққа, юрга, унинг бой тили ва маданиятига мансублиги билан фахрланиш, дунё харитасида ўз ўрнига, халқлар оламида ўз мавқеини, номини, салобатини, салмоғини борлиги билан фахрланиш, давлатнинг буюклиги, истиқтолининг барқарорлиги, келажагининг аниқлигини юрак-юракдан ҳис этиш каби юзлаб фазилату хусусиятлар тушунилади»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам, ватанни севишнинг хислатлари кенг миқёслидир. Яна шундай хислатлар борки, уларни назардан четда қолдириб бўлмайди. Булар жумласига:

- ўзи яшаган худуднинг экологик ҳолатини яхшилаш учун хизмат қилиш;
- худуддаги фауна ва флораси бойликларини асраб авайлаш;
- ватан рамзларига бўлган ҳурмат-эътиборни ошириш;
- она тили мавзусини мустаҳкамлаш;

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 64-бет.

<sup>2</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 60-бет.

<sup>1</sup> Саифназаров И. Ватанпарварликнинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари. Т.: «Мехнат», 1992,  
7-бет.

• ватан ҳимояси учун доимо тайёр туришлар, ватанпарварлар учун ўта мухим хислатлардир.

Бу хислатлардан бири она тилини оладиган бўлсак, барча хислатлар шу она тили орқали ҳар бир инсонга сингдирилади. Она тили шундай буюк неъматки, уни бирор жараён билан қиёслаш мумкин эмас. У маънавиятнинг бир белгиси сифатида, инсонларни яқиндан жипслаштиради. Минг афсуслар бўлсинки, орамизда шундай шахслар ҳам борки, улар она тилига менсимаслик нуқтай назаридан ёндашадилар. Унинг соғлиги учун курашмайдилар. Ўта лоқайдлик билан қарайдилар. Ўз она тилида сўзлашишни худди маданиятсизликдек тушунадилар. Бундай кишилар ўзбек тилининг бойлигидан яхши хабардор эмаслар. Улар баъзида ўzlаридағи бу ҳолатни ўтмишдаги Совет тузумининг таъсири, деб оқлашга ҳаракат қиладилар. Гап, баъзи шахсларнинг она тилида сўзлашиб туриб, бошқа тилни унга аралаштириб гапиришлари устида бормоқда. Ватанпарварликни истаган шахслар ватанпарварликнинг асосий белгиси сифатида ўз она тилини мукаммал билиши, уни бошқа тил сўzlари билан аралаштираслиги лозим.

Ватанпарварликни кўз-кўз этувчи давлатнинг рамзларига бўлган хурмат ҳам ватанпарварликнинг олий нишонларидандир. Маълумки, мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотида аъзодир. 200 га яқин давлатларнинг байроқлари қаторида Ўзбекистон байроғининг ҳилпираб туриши ватанпарварман, деган ҳар бир ўзбекнинг қалбига ширин ҳис-туйғу уйғотади. Ёки Ўзбекистон Республикаси мадҳиясининг жарангдор овози янграганда Ватанга бўлган муҳаббат янада ошади. Тақдикланган Герб эса халқимизнинг муштарак орзу умидлари билан боғланиб кетган буюк тимсолдир. Бу рамзларни ҳар бир Ўзбекистон фуқароси бутун вужуди билан ҳис этгандагина унда ватанпарварлик туйғулари жўш уради.

Инсоний хислатлар ичida ҳарбий ватанпарварлик хислати, айниқса, ноёбdir. Ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини ҳам ўтмишимиздаги тарихий шахслардан ўргансак фойдадан холи бўлмайди. Жумладан, чор Россияси зулмидан озод бўлиш учун ҳаракат қилган курашчи ватандошларимиз: Алимкул Саркарда, Мулла Охун Додҳо, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Муҳаммад Али эшон, Намоз ботир Примқулов, Муҳаммад Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, биринчи ўзбек генерали Жўрабек ва бошқа юзлаб ҳарбийларимиз ҳақиқий ватанпарварлар эдилар.

Ватанин ҳимоя қилиш ажоддларимиздан бизга қолган меросдир. Ватан ҳимояси дегани, ўз тупроғини асраб-авайлаш, ўтиб кетган рух- покларини шод айлаш ва халқимиз ор-номуси, қадр-қимматини эъзозлаш деганидир.

Ватанпарварлик хислатлари айниқса, бозор муносабатларига ўтиш даврида у ёки бу хилда намоён бўлади. «Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари-деб таъкидлайди И.А.Каримов,- факат юксак маънавийлик негизида, юксак ахлоқлилик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин. Акс ҳолда бошбодоқлик ва тартибсизлик ҳукм суради». Демак, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодий жараён етакчилик сифатида бўлса ҳам инсоннинг ватанпарварлиги иккинчи даражага тушмаслиги, аксинча Ватан

барқарорлигини таъминлашда ҳар бир шахс ўз ҳиссасини қўшмоғи даркор. Ҳар бир шахс ўз манфаатини жамоа, жамият манфаатидан устун қўймаслиги лозим. Чунки, мўмай фойда орқасидан қувиб, одамгарчиликни унутадиган, ўгрилик, қаллоблик, порахўрлик қиласидан шахслар ватан олдидағи бурч ва масъулиятини сезмасдан ватанпарварликдан узоқлашадилар. Ватанпарварлик – юксак маънавият бурчи сифатида қаралмоғи лозим. Ватанга, унинг равнақига факат виждонли, иймон-эътиқодли, ҳалол, инсофли, масъулиятли шахслар ҳисса қўшсалар, у ривожланади, моддий ноз-неъматлар кўпаяди. Халқ тўқ яшайди. Орзу умидлар амалга ошади. Ватан мавқеи кўтарилади. Таъкидлаш лозимки, ватанпарварлик туйғуси туғма хислат эмас, балки кундалик ҳаётда шаклланадиган маънавиятнинг бир бўлагидир холос. Бас, шундай экан, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳам ватанпарварлик шаклланади. Ижобий шаклланган ватанпарварлик эса мамлакатнинг келажагини буюк қилишга олиб келади.

## **12.2. Инсонпарварликнинг ватанпарварлик тушунчаси билан боғлиқлиги**

Маълумки, бошқа кўпгина соҳаларда бўлгани сингари ёш авлодни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига ҳам собиқ иттифоқ даврида бир ёқлама ёндашилди. Чунки, инсонпарварлик соҳасига ҳам байналминаллик нуқтаи назаридан ёндашиш умумий характерда эди. Бу ҳам турли қарор ва қонунларда кўрсатилиб, амалда эса бошқа фаолият эди. Натижада, баъзи ёшлар Ғарб мамлакатлари турмуш тарзига берилиб кетди. Аслида уларга инсонпарварлик хислатлари тенглик, адолатпарварлик, ўзаро ҳурмат, инсонни улуғлаш, унинг ютуқларидан фахрланиш, келажаги учун қайгуриш, хушмуомалалик қилиш ва бошқалар сингдирилиши лозим эди. Бундай хислатлар кўпроқ бизнинг ўзбек халқи миллатига хос азалий фазилатларданdir. Буни биз халқимиз тарихида яратилган афсоналар, қўшиқлар, достонлар, ёдгорликлар, маданий-маърифий манбалар мисолида кўраяпмиз.

Инсонпарварлик ғояси, унга эътиборнинг қаратилиши Европада XV-XVI асрларда кенгроқ тус олган бўлса-да, Ўрта Осиёда эса IX-XII асрларда тўла шаклланган эди. IX-XII асрларда яшаб ижод этган Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Аҳмад Юғнакий, Маҳмуд Қошғарий, Фирдавсий, Юсуф Хос Ҳожиб, Умар Хайём каби юзлаб мутафаккирлар қарашларида инсонпарварлик ғоялари марказий ўринни эгаллаган эди. Бу ғоялар кейинроқ Баҳовуддин Нақшбанд, Исмоил Бухорий, Амир Темур, Беҳзод, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улугбек, Абдухолик Ғиждувоний ва бошқа алломалар томонидан янада юқори чўқига кўтарилди. Улар қолдирган маданий меросда инсонийлик ва инсонийликни пайдо қилувчи адолатли жамиятни барпо этиш фикрлари кенг ва ошкора тарғиб қилинди.

Инсонпарварлик тушунчаси ҳам кенг қамровли тушунчадир. Инсонпарварлик – бу инсонга бўлган меҳр-оқибат, садоқат, самимиятдир. Инсонпарварлик тушунчасида жуда кўплаб тушунчалар ўз ифодасини топади. Бу тушунчаларга мисол қилиб инсофилик, иймон-эътиқод, ишонч, меҳмондўстлик, ҳурмат-иззат, одиллик, адолатпарварлик, сахийлик, сабртоқатлилик, ўзи ва ўзгаларни тушуниш, садоқатлилик, меҳнатсеварлик, сидқидиллик кабиларни олиш мумкин. Бинобарин, бу тушунчалар инсонпарварликнинг шаклланишида муҳим омилларданdir.

Мустақилликка эришгунга қадар ўтган 70 йилдан кўпроқ вақт ичидан бу тушунчалар ҳақиқий турмуш тарзидан узоклашди. Натижада, инсонлар ўртасида турли зиддиятлар ҳам келиб чиқди. Кишилар ўртасида порахўрлик, қонунбузарлик, лаганбардорлик, алдамчилик, ҳасад билан қараш, мақтанчоқлик каби хислатлар кўпайиб кетди. Инсонийлик шарафига путур етди.

Инсонларга фақат яхшилик қилиш хислатлари мужассамлашган бўлиши лозим. Тўғри, инсонпарварлик хислатлариiga барча инсонлар ҳам эришавермайдилар. Баъзи инсонлар ўз фаолияти ва юриш-туриши, сухбати ва тили билан инсонпарварлик хислатлариiga зарар етказадилар. Аслида инсон ўзининг фаросати, ақл-заковати ёрдамида инсонпарварликни шакллантиради.

Шу боис бўлса керак, Ҳазрат Алишер Навоий айтадиларки: «Олдига қўйганни емоқ ҳайвоннинг иши, оғзига келганни гапирмоқ тентакнинг иши». Кўриб турганимиздек, бу фалсафий фикрда инсон фазилати ҳақидаги фикр ўз ифодасини топган.

Инсонлар бир-бирларини севадилар, ўзаро меҳр-муҳаббат орттирадилар. Шу ўринда яна Алишер Навоий мурожаат қилсак, қуйидаги фикрнинг гувоҳи бўламиз:

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,  
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.  
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,  
Хусни нетсун кишиким они йўқ.

Бу рубоийда ҳам инсонлар ўртасидаги инсонпарварлик хислатлари ўз аксини топган. Демак, севги, ишқ бўлмаса, инсонпарварлик ҳам тўлиқ шаклланмайди;

Инсоннинг инсонпарварлик хислати ўзининг ўз халқи фарзанди сифатида ҳис этиши, шу халқ деб, меҳнат қилиши, унинг фидокори бўлиши билан белгиланади. Бу хислат ўз навбатида инсоннинг маънавият даражасини ҳам кўрсатади. «Маънавият-тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва вижданан ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак»<sup>1</sup>. Меҳнат қилмаган инсон инсонпарварликдан, ватанпарварликдан узоқ бўлади. Меҳнат қилиш инсонпарварлик, ватанпарварлик хислатларини камол топишида асосий негиз ҳисобланади. Сабаби, меҳнат қилиш умуминсоний қадриятларданdir.

Республика Президенти ва Ўзбекистон ҳукуматининг энг улуғвор ва инсонпарварлик ҳаракатларидан бири ички ва ташқи тинчлик сиёсатидир. Бу ҳаракат орқали Ўзбекистон барқарор ривожланишга қадам қўйган. Халқ тинч ва осойишта мустақилликни мустаҳкамлаш учун меҳнат қилаётir.

Инсонпарварлик ҳаракати тўғри амалга оширилгандагина инсон ҳаётга келганига пушаймон бўлмайди, аксинча, у яшаш меҳнатининг завқи-шавқи билан кун кечиради.

Ҳукуматимизнинг Орол экологиясини меъёрга келтириш учун қилаётган хатти-ҳаракати ҳам инсонпарварликнинг бир намунасидир. Чунки, экологиянинг бузилиши инсон саломатлигини бузади. Соғлик ва саломатлиги яхши бўлмаган инсон эса яшаш учун қийналади. Бинобарин, инсон носоғлом бўлса унинг кайфияти, меҳнат қилиш қобилияти пасаяди. Бу ўз навбатида теварак-атрофдаги ижобий ишларга салбий таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан мустақил Ўзбекистон ўз халқининг саломатлигини ўйлаб, унга ўз бойлигини сарфлайди. Ўз халқи соғлиги учун медицина, фан, спорт, соҳаларини такомиллаштирилишини йўлга қўйишни таъминлайди. Республика бюджетидан ажратилаётган маблағлар унумли ва самарали фойдаланилиши бу соҳадаги муваффақиятлар гаровидир.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистонн буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 61-бет.

Инсонлар ўртасида адолат ва тинчликни таъминлаш ҳам ватанпарварлик ва инсонпарварликдир. Ўз навбатида бу жараёнлар инсонларнинг маънавий ва маърифий ахлоқий ҳолатларига таъсир этади. Шу билан бирга бу, ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим бир воситасидир. Инсонпарварлик нормалари ва бурчларининг бузилиши ўзаро тенглика салбий таъсир қўрсатади. Маънавий тарбияни издан чиқаради. Аввало, шуни унумаслик керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар» дейилади. Қонундаги бу фикрлардан қўриниб турибдики, инсонийликни таъминлаш учун инсоннинг барча асосий хислатлари эътибордан четда қолмаслиги лозим. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инсонпарварлик инсоннинг маънавий хислатларида акс этган олижаноблик руҳияти йиғиндисидир.

Инсонпарварлик инсоният тарихида ҳаёт тажрибасига эга бўлган буюк шахслар, саркардалар, алломалар томонидан ўртага қўйилган ва тарғиб қилинган. Айниқса, диний китобларда инсонпарварликка катта эътибор қаратилган. Инсонпарварлик ғояларини мукаммал ўртага қўйган динлардан бири Ислом динидир. «Қуръони Карим» ва ҳадисларда айтилган қўплаб ҳикматлар ушбу фикримизни тасдиқлади. Инсонпарварлик инсонларнинг ўзаро ҳурматида, бир-бирини қадрлашида, меҳр-оқибатли бўлишида, қўмаклашишида, ҳамдардлигига, қайғуга шерик бўлишида қўринади.

Ғамгин инсонларнинг қўнглини топиш, оғирини енгил қилиш, шафқатли бўлиш, дўстлик ришталарини ўрнатиш ҳам инсонпарварлик белгисидир.

Бошқалардан ўзини устун қўйиш, ғаразгўйлик қилиш, худбинлик билан яшаш, қийинчиликларга ачинмаслик, ғамгинлардан ҳол-аҳвол сўрамаслик, зўравонлик кўрсатиш, бировлар дардини тингламаслик каби хислатларни инсонпарварликка ёт нарса деб тушуниш лозим. Бу хислатлар нафақат бошқаларнинг соғлигига, балки шу хислатлари бўлган шахсни ҳам умрини эговлади.

Ўзбек халқи асрлар оша инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғояларига содик қолган. Халқлар бошига кулфатлар тушганда ҳамиша ёрдамга бориб инсонпарварлик хислатларини намоён қилган. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг инсонпарварлиги тилларда, дилларда достон бўлган. Бошқа халқлар сингари ўзбек халқининг инсонпарварлиги натижасида қирғинбарот урушнинг тугатилиши тезлаштирилган. Бошпанасиз қолган қариялар, ногиронлар мамлакатимиздан бошпана топганлар. Етим-есирлар эса ота-оналарга эга бўлган, тарбияланганлар ёки 1991-1992 йилларда қўшни Тожикистанда фуқаролар уруши бошланганда ўзбек халқи қўшни давлатга минглаб тонна ун ва ун маҳсулотлари, дори-дармонлар, иссиқ кийим-кечаклар каби гуманитар ёрдам бергани ҳам инсонпарварликка киради. Бу хислатлар инсонпарварликнинг олий нуқталари эди.

Инсонпарварликнинг бош мезони Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган: «Хар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳукуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори, расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас!» (39-модда)

Қонундан хулоса қилиш мумкинки, жамият ўз фуқоросидан хабардор бўлади, ҳол-аҳволини яхшилаши учун харакат қиласи. Демак, инсонларнинг ўзи ҳам жамият бойликларини асраб-авайлаш, кўпайтириш вазифаларини ўзига бурч ва масъулият сифатида қабул қилиши лозим. Инсонпарварлик бир томонлама бўлса, инсонни боқимандаликка олиб келади. Натижада, инсон учун жаҳолатли фазилатлар шакллана бошлайди.

Инсонпарварлик ҳар бир шахснинг ягона жонида, унинг генларига сингдирилган бўлиши муваффақиятларнинг гаровидир. Инсон она қорнида инсонпарвар бўлиб туғилмайди. Инсонпарварлик теварак, атроф-муҳит таъсирида шаклланади. Айниқса, бу жараёнда ижтимоий муҳит, яъни жамоа фаолияти етакчи ўринни эгаллайди. Инсонпарварлик ва ватанпарварликнинг шаклланишида инсонлар билан олиб бориладиган ўзаро муносабатларнинг ўрни энг муҳимдир. Сабаби, инсонпаварлик инсонларнинг бир-бири билан бўлган муомаласида, суҳбатида, ўзининг дунёқарашини билдиришида, баҳиллик ва самимийликда, дўстлик ва душманлик соҳаларига бўлган муносабатларда намоён бўлади.

Инсонпарварликнинг моҳиятини ҳар бир шахс аввало ўзи тушунмас экан, бошқаларга нисбатан инсонпарвар бўлолмайди. Шахс ўз ҳаётида доно ёки олим, давлат раҳбари, яхши тадбиркор, бизнесмен партиявий раҳнамо бўлиши мумкин. Айниқса, бундай кишиларда инсонпарварлик хислатлари кучли бўлиши керак.

Инсонпарварликнинг қирралари албатта беҳисобдир. Биз инсонпарвар деганда, аввало ақл фаросатга эга бўлган, меҳрибонликни тушунадиган, жаҳолатдан узоқ бўлган олижаноб шахсни тушунишимиз лозим. Инсон ақли расо бўлса, қилаётган ишининг моҳиятини англайди. Ақли расо киши ростгўйлик, жонкуярлик, сахийлик, камтарлик олижаноблик каби хислатларни ўз ўрнига қўяди, зеро бу жиҳатларда инсонпарварлик қирралари мужассамлашган бўлади.

Инсонпарварлик хислати ҳам табиатдаги қарама-қаршиликлар сингариdir. Инсон танаси моддийлик ва маънавийликдан иборат экан, шу танада қарама-қаршиликлар мавжуд, яъни инсонпарварлик ва ваҳшийлик бор. Инсонпарварликнинг ваҳшийликдан устун туриши инсонга хос бўлган олий даражадаги хислатdir. Ваҳшийликни ҳайвонот оламини баъзи турларига хос деб тушуниш лозим. Бу жиҳатлар олов ва сув сингари бир-бири билан чиқиша олмайди. Бири совуқ, иккинчиси иссиқ бир-бирига душмандир. Аммо, ўзаро алоқадордир. Инсонпарварлик ва ваҳшийлик ҳам икки жараён бўлишидан катъи назар бир-бирига зид ҳолатлардир. Ваҳшийлик борки, ундан хулоса

қилинади. Ақли расо инсон бу соҳани бошқалардан кўра кўпроқ англаб етади ва хаёт учун ижобий хулоса чиқаради. Шу маънода ақллилик инсонпарварлик негизидир. Инсонда жоҳиллилик хислатлари ҳам бор. Бу жоҳиллилик ваҳшийликка олиб келади. Ваҳшийлик инсонга хос бўлмаган хислатdir. Хаёт давомида ундан қутулиш йўлларини излаш, унга ружу қўймаслик йўлларини топиш зарур. Бу ҳолатни йўқ қилиш ростгўйликка ҳам боғлиқдир. Ростгўйлик инсонпарвар шахснинг олижаноблик хислатлариданdir. Ростгўйлик баҳт келтиради. Инсон кўнглини шод қиласди. Теварак-атрофдаги шахсларни яхшиликка чорлайди. Маърифатли қиласди. Бинобарин, маърифатпарвар шахс ҳам инсонпарварликка интилади. Чунки, маърифатпарварлик жоҳиллик ва ваҳшийликни енгади. Инсонга инсонпарварликни шакллантиришга ёрдам беради. Маърифат орқали инсон донишманд бўлади. Донишмандлар эса доимо инсонпарвар бўлиб келганлар. Бунга Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, А. Жомий, М.Улуғбек, Рудакий, Умар Хайём, Ҳазрат Алишер Навоийлар фаолиятини мисол қилиб олиш мумкин. Улар қолдирган адабий-илмий меросида инсонпарварлик ўз аксини топган. Бу алломаларнинг айтган назарий фикрлари кундалик амалиётда ҳалигача ўз моҳиятини йўқотмаган. Инсонпарвар шахсларнинг сўzlари ва амаллари сингари ўzlари ҳам улуғ инсонпарварлардир.

Инсонпарвар шахслар мард ва жасур, меҳнатсевар, ватанпарварлик хислатларига эга бўладилар. Шу билан бирга улар ўз меҳнатларидан келган фойдани бошқаларга раво кўрадилар, баҳраманд қиласди. Айниқса, ҳунар орттиришни истайдилар. Бунга мисол Баҳовуддин Нақшбанд бўлиб, у киши бир неча ҳунар эгаси бўлганлар.

Инсонпарвар шахслардаги хислатлар шунчалик кўпки, уларни барчасини бир йўла таҳлил қилиш амри маҳол.

Инсонпарвар шахс сабр-матонатли, ваъдага вафо қилувчи, дили ва тили пок, қадрдон дўст, назари баланд, ёмонлик қилмайдиган, андишли, ҳасадсиз, тафаккури кенг, суҳбатдош, жонкуяр, камбағалга ҳамдард инсонлардир. Таъкидлаш лозимки, айниқса камбағаллар инсонпарварликни тушунадиган инсонпарвар шахс сифатида фақат ўзини ўйламайди, балки бошқа кишилар ғами билан ҳам яшайди. Бошқаларнинг ташвиши унинг ташвишидир. Бу ташвиш уларга завқ бағишлийди. Номардларнинг ишларидан хулоса қиласди. Барчани яхшиликка чорлайди. Ўз Ватанининг равнақи учун иш қиласди. Ватанда ватанпарварлар, инсонпарварлар бўлишини, уларнинг кўпайишини истайди. Демак, инсонпарвар шахс ватанпарвар ҳамдир. Инсонпарвар шахсда ватанпарварлик бўлмаса, унинг инсонпарварлиги тўлиқ бўлмайди. Зоро, ватанпарварлик масаласи барча инсонпарварлик хислатларидан устундир.

Инсонпарвар бўлган шахс Ватан туйғусини ўзида мужассамлаштирган бўлади. У Ватандек улуғ неъмат йўқлигини бошқалардан кўпроқ тушуниб етган бўлади. Ватан тупроғи лаззатдир. Шу сабабли ҳам инсонпарвар бўлган шахс ўз манфаатларидан Ватан манфаатини устун қўяди. Шу манфаат билан яшайди, ижод қиласди. У ўз ижодидан бошқаларни баҳраманд қиласди, ўзи эса қаноатли, яъни сабр тоқатли бўлади. «Сабрнинг таги олтин»лигини бошқалардан кўра

кўпроқ қадрига етади. Ғамгинларнинг аҳволини сезиб, уларга ёрдам қиласди. Оғирини енгил қиласди. Камбағални бой қиласди келади. Ногиронни соғлом қилишга интилади. Инсонпарвар шахс болаларга ҳурмат қўзи билан қарайди, уларга қўмак беради, ёмон йўлдан қайтаради, яхшиликка чорлайди, яхши ҳисларни сингдириш учун насиҳатлар қиласди, Ватанга меҳр қўйиб севишга чорлайди, халққа хизмат қилишни ўргатади, таъмагирлиқдан узоқ тутади, пораҳўрлик ва мансабпараматлик иллатларининг моҳиятини ўз вақтида тушунтиради, маданиятдан хабардор қиласди, хуллас, ўз билимини бошқалар билан баҳам кўради ва ҳоказолар. Абдулла Ориповнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» шеърида Ватан ҳақидаги мулоҳазалар ўзининг юқори мавқеига етганлигини кўрамиз:

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,  
Тупроғин қўзимга айлаб тўтиё.  
Нечун Ватан дея еру осмонни,  
Муқаддас атайман, атайман танҳо.  
Аслида дунёда танҳо нима бор,  
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?  
Ёки қуёшлими севгимга сабаб?  
Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.  
Мен нечун севаман Ўзбекистонни,  
Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман,  
Нечун ардоқларкан тупроғини мен  
Ўпаман: «Тупроғинг бебаҳо Ватан...»  
Аслида тупроқни одил табиат  
Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.  
Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат,  
О. Қашғар тупроғи, қашшоқмидинг сен?!

Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни,  
Сабабин айтгин десалар менга,  
Шоирона гўзал сўзлардан олдин  
Мен таъзим қиласман она халқимга:  
Халқим, тарих ҳукми сени агарда  
Мангу музликларга элтган бўлсайди,  
Корликларни макон этган бўлсайдинг,  
Мехрим бермасмидим ўша музларга?

Ватанлар,  
Ватанлар,  
Майли, гулласин,  
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо,  
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун,  
Севган фарзанд бўлса кечирма асло!

Албатта, Ўзбекистонни Ватан сифатида мадҳ этиш бундан устунроқ бўлиши мушкулдир. Чунки унда муқаддас Ватаннинг улуғлиги, тупроғининг бебаҳо эканлиги жиддий намоён бўлади. Ушбу шеърда фақатгина Ватанни бойликлари учун севиш эмас, балки унинг борлиғи, бебаҳолиги учун ҳар бир фарзанд жавобгар бўлган ҳолда севиши таъкидланади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса шуки, ватанпарварлик ва инсонпарварлик тушунчалари турли маъноларни англатса ҳам, улар диалектик муносабатда ва алоқададир дейишга ҳаққимиз бор. Уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Ватанпарварлик сўзини мазмун ва моҳияти ҳам кенг қамровли бўлгани сингари, инсонпарварлик сўзи ҳам ўта кенг қамровлидир. Тўғри, инсонпарвар бўлиш учун, кўп қийинчиликларни босиб ўтиши ва инсон ўз ҳаётида маълум тажрибага эга бўлиши керакдир. Бизнинг фикримизча, ота-боболаримиз томонидан бу соҳада босиб ўтилган йўл машаққатли йўлдир. Тўғри, машаққатли йўлни босиб ўтиш ҳамиша ҳам шарт эмас, балки ундан тегишли хулоса қилиб, уларнинг замонавий инсонпарварлик хислатларини мукаммаллаштириб, ҳар бир шахс ўзи амалиётига татбиқ этиши зарур. Сабаби, ҳар бир замоннинг ўз талаби ва ўз қийинчилиги мавжуд. Бу қийинчилик ва талаб қандай бўлишидан қатъи назар ҳар бир инсонда инсонпарварлик ва ватанпарварлик хислатлари мужассам бўлиши ютуқлар гаровидир.

**Таянч сўз ва иборалар:** ватанпарварлик, умумийликдан ягоналикка, иймон, ахлоқ, Ватанга содиқлик, сохта ватанпарварлик, манқурт, оилапарвар, хотирасиз, фауна, флора, Ватан рамзлари, ҳарбий ватанпарварлик, инсонпарварлик, байналминаллик, инсонпарварлик нормалари ва бурчлари, гуманитар ёрдам, ваҳшийлик, ростгўйлик.

## **Хикматлардан намуналар**

Ҳар бир киши касб – корини мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ - автор, фазилатларга эга бўлмоғи лозим. Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам одамлар инсоният туркумига кирганликлари сабабли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим.

**Абу Наср Форобий**

Ориятли йигит ўзини қурбон қилишга ҳам бориб етади ёки зулмни даф қилишга: қўни - қушниларни, ҳалқни муҳофаза қилишга ўтади.

**Абу Райхон Беруний**

Ўсиб тупроғим узра найзалар мен эвдан айрилдим,  
Ватандан бенишон ўлдим-да, ўзга юрга эврилдим.  
Нечун менга фалак жавр айлади, қандай гуноҳим бор,  
Илоҳо айла кам жавринг, мен элга содик ул эрдим.  
x x x

Сувларини кўрганда бу оби ҳаёт,  
Тортиниб зулматга яширинди бот.  
Бурак анҳорларнинг сувлари равон,  
Жаннат боғларида салсабилсумон...  
Хусайнини узумин қилгил тамошо,  
Дурдона янглиғ кўп қимматбаҳо.  
x x x

Байрамга басе ғарифлик кор этди,  
Гурбатда ани хору, зору, бемор этди.  
Ё рабки балоларга гирифтор ўлсун,  
Ҳар ким ани ғамларга гирифтор этди.

## **Тест топшириқлари**

**1. Қуидаги жавоблардан қайси бирида ватанпарварлик фазилати ўз иродасини топган?**

- а) она юрт химоясига, равнақига қўшилган ҳисса;
- в) ватанни қадрлаш, севиш, ардоқлаш, Она юрти учун жонини ҳам аямаслиқ;
- г) аждодлар рухини шод қилиб, улар қадриятларни, шон – шавкатини ошириш;
- д) юксак маънавиятлиликнинг зарурый шарти ва талаби;
- е) барча жавоблар тўғари.

**2. «Ватан бизнинг олиш – бериш қиласидиган мулкимиз эмас. Унинг бир парчасида мозорларда ётган ўтган авлод аждодларимизнинг ҳоклари, ўзимиз ва қиёматгача туғиладиган аждодларимиз ҳоклари бордир» деган сўзлар қайси ватанпарвар аждодимизга тегишли?**

- а) Нажмиддин Кубро;
- в) Амир Темир;
- г) Спитамин;
- д) Матехон (209 й);
- е) Тўмарис.

**3. Космополитлар деб қандай одамларни айтишади?**

- а) беватан, эммигрант ва қувғиндишларни;
- в) ўз манфаатини Ватан манфаатидан устун қўювчиларни;
- г) шахсий турмуш ва кундалик ҳаёт ютуқлари учун ватанидан чиқиб кетган зиёлилар, Ватан туйғуси ўрнида қандайдир умуминсоний ғояларни устун қўядиган инсонлар;
- д) бутун ер юзи учун жон куйдирадиган;
- е) барча жавоблар тўғари.

**4. «Ватан» – сўзининг луғавий маъноси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

- а) форсча, «тўғрилик дунёга келиш»;
- в) арабча «Она юрт»;
- г) форс – тожик тилидан «яралиш»;
- д) арабча «уйғониш»;
- е) тўғри жавоб йўқ.

**5. Бозор муносабатларининг шаклланиш, босқичида ватанпарварлик нималарда намоён бўлади?**

- а) савдо ва бизнес битимларини тузишда мамлакат манфаатларининг поймол этилишига йўл қўймаслик;
- в) маҳаллий товарларни (иложи борича) харид қилишга иложи борича ҳаракат қилиш;
- г) қийинчиликларга бардош бериш;
- д) мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишга онгли ҳаракат қилиш;
- е) барча жавоблар тўғари.

**6. Инсонпарварлик бу ...**

- а) инсонга бўлган меҳр – оқибат, садоқат, самимиятдир;
- в) байналминалликдир;
- г) тенглик ва адолатпарварликдир;
- д) А,В,Г;
- е) ўзини улуғлаш, шон – шухратга ўчлик;

**7. «Кимки мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қиласа, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан урилади», -деган фикр қайси манбада ифодаланган?**

- а) Куръонда;
- в) Ҳадисларда;
- г) «Қутадғу-билигда»;
- д) «Темурнома»да;
- е) «Зафарнома»да.

**8. Қайси динда инсонпарварлик ғояси кенгроқ ёритилган?**

- а) буддизм динида;
- в) христиан динида;
- г) ислом динида;
- д) барча динларда;
- е) иудаизм динида.

**9. Инсонпарварлик нималарда намоён бўлади?**

- а) кишиларнинг ўзаро хурматида, бир – бирини қадрлашда;
- в) меҳр – оқибатли бўлишда ўзаро кўмаклашишда қайғуга шерик бўлишда ва ҳамдардликда;
- г) кишиларнинг дўстлик ришталарида;
- д) бир – бирига бўлган муҳаббатида;
- е) барча жавоблар тўғари.

**10.Фараз қилайлык, сиз етарлича катта сармояга эга бой одамсиз.**

Хўжалик ишидан ажратилган маблағни сиз инсонпарварлик ишларига сарф қилмоқчисиз (Дин ахлоқлари бўйича садақа, эҳсон ва бошқа), Иттифоқо, сиздан битта танишингиз худди шу вақтда, худди шунчак қарз сўраб келди ва ўзининг пулга муҳтожлигини ишонтириди. Шунда сиз қандай йўл тутасиз?

- а) пулни қарзга бериб юбораман;
- в) ажратилган маблағларни инсонпарварлик йўлида сарфлайман;
- г) уни алдаётганлигини текшираман;
- д) унга ёрдам беришга ваъда бераман ва қуруқ жўнатаман;
- е) қарз сўраётган одам таклиф қилиши мумкин бўлган фоиз билан қизиқаман.

## **13-мавзу: Миллий ўзликни англаш ва миллатларо тотувликини таъминлаш шахс маънавиятининг белгилари**

### **13.1. Миллий ўзликни англаш тушунчаси**

Миллий ўзликни англаш тушунчасининг моҳияти ҳақида сўз кетганда, коммунистик мафкура миллий равнақни тарғиб қиласдан, уни мавҳум қилиб умумий тушунчалар билан халқ онгини торайтириб қўйди. Тўғри, ўша мафкуранинг дастурларида ҳам «Ватан», «давлат», «мамлакат», «маданият» тушунчалари бўлган, аммо уларнинг моҳияти ва мазмuni маҳаллий халқ учун хизмат қилмаган. Аксинча, маҳаллий халқни инқирозга йўлиқтирган. Ўз вақтида Мунаввар қори Абдурашидхонов «миллат, ватан, маданият...» шунга ўхшаш сўзларнинг ҳақиқий маъносини большевиклар бошқача тушунгандарини, бу сўзлар орқали ўзларнинг қабих ниятларини амалга ошираётганларини очиб ташлаган эди. Сабаби, миллий ўз-ўзини англашда кўпгина тўсиқлар ҳали октябрь инқилоби давридаёқ бошланган эди. Маълумки, халқнинг ўз-ўзини англашида тил, маданият, дин, ҳудуд бирлиги бўлиши лозим. Жадидчилик ҳаракатининг намояндадаридан бири И.Фаспиралининг таъкидича, миллатнинг ўзлигини йўқотиш учун шулардан биттасининг бузилиши кифоя эди. Коммунистик мафкура ҳақиқатда халқимизни ўз тилидан, динидан ўз ўтмишидан, маданиятидан маҳрум қилишга олиб келди. Шу сабабли, эндиликда шундай пайт келди, биз ўзимизнинг ўтмишимиз ва аждодларимизнинг фаолияти билан яқиндан танишиб, кимлармиз ва қайси юрт ворислари эканлигимизни нафақат билишимиз, балки, уларни дунё миқёсида тарғиб қилишимиз лозим. Бу соҳада жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаси И. Фаспирали айтган мазмунли фикрлар айнан ўзбек халқига ҳам таалкуқлидир. У киши жон куйдириб ушбу фикрларни ўртага ташлаган эди: «Биз, турклар ўз қонунлари ва турмуш одатлари ила бир куб салтанатлар майдонга келтирган қавм ўлароқ яшаб келдик ва шундай яшажакмиз...»

Биз-туркий халқлар қадим-қадимдан Мармар денгизидан Хитой деворигача ёйилган йирик бир тарихий-этнографик бирлик ўлароқ яшаб келдик ва худди шунда яшамоғимиз керак...

Биз ўз тарихининг дастлабки давридаёқ ёзувига (Ўрхун ва уйғур ёзувлари) эга бўлган, кейин ҳам уни илм ва тафаккурдаги улкан муваффақиятлари билан безаган қабила сифатида яшаб келдик ва шундай яшажакмиз...

Агар биз муайян тарихий шароитлар туфайли бошқа халқлардан орқада қолган эканмиз, бу ҳали миллий-маданий инқилоб ҳукуқидан маҳрум этмайди, аксинча, у томон янада каттароқ ғайрат билан интилишга мажбур этади... Буни биздан халқимизнинг тарихи, тақдири талаб этади. Улуғ вазифалар ва улуғ интилишлардан қўрқманг! Улар улуғ воқеаларни тайёрлайди ва улуғ шахсларни етказади...

Шунча шаҳарлар бунёд этган, фан ва маданиятнинг доҳийларини, харбу зарбнинг оламжаҳон валломатларини дунёга берган бу миллат наҳотки сувга тушган тошдек зим-зиё кетса?...».

Бу фикрлар ҳар қандай кишини ҳаяжонга солмай қолмайди.

Хўш, шундай экан ўз-ўзини англаш, деганда нимани тушуниш керак? деган савол туғилади.

Ўз-ўзини англаш – бу ўз Ватани ва шу Ватанда яшаган халқнинг, миллатнинг ўтмиши, унинг маданияти, урф-одати, ҳамда қадриятларини билиши демакдир.

Ўз-ўзини англаш бу – ўз халқининг азалдан жаҳон ҳамжамияти тараққиётига қўшган ҳиссасини англашдир.

Ўз-ўзини англаш бу-ўтган аждодлар тарихини мукаммал билиш, уларнинг рухлари хурматини ўрнига қўйиш демакдир. Шу билан бирга ўз-ўзини англаш Ватан ҳудудидаги бой маданий ва моддий меросни аниқлаб, порлоқ келажак учун хизмат қилишга интилиш, авлодлар фаровонлиги учун ўз ҳиссасини қўшиш ҳамдир. Ўз-ўзини англаш факат ўз тарихини билиш билан чекланиб қолиши деган сўз эмас. Ўзининг замонавий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўз миллати ва Ватанинг шуҳратини ошириш ҳамдир.

Маълумки, халқимиз узоқ ўтмишга эга. У ўз тарихида қўпгина қийинчиликлар, босқинчиликларга дучор бўлгани билан, шундай бой тарихий мерос қолдирганки, уларни англаш беихтиёр миллий ғуурни шакллантиради.

Ўрта Осиёning маркази бўлмиш Ўзбекистон дунё тарихида ўчмас из қолдириб келаётир. Буни жаҳон халқлари эътироф этади. Масалан, Ўзбекистон қадим замонлардаёқ «Буюк Ипак йўли» орқали Ғарб ва Шарқни боғлаш учун хизмат қилган. У дунё давлатчилигини ривожлантиришга, жаҳон маданиятини қўтаришга ўз ҳиссасини қўшган. Шу сабабли ҳам, бу юртдан мағурлансак арзиди. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кўп элат ва миллатлар яшаган бўлсада, улар ўртасидаги дўстлик, тотувлик, барқарорлик инсонларни ҳайратда қолдириб келган. Демак, тарихан бирликни, этнослар мавжудлиги, уларни қонқариндошлиги билан, улардаги тил, она заминнинг маънавий жиҳатлари яқинлигини, улардаги муқаддас тупроқ, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни англаш ҳозирги авлод учун айниқса долзарбдир.

Гоҳида онда-сонда дунёда бўлиб турган келишмовчиликлар, зиддиятларнинг олдини олишга бизнинг юртимиз маънавий қурол бўлиб хизмат қиласади.

Ҳозирги замонда ўз-ўзини англаш бу – шахсий ва маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик иллатларини йўқотишга ёрдам беради. Азалдан бир тан, бир жон бўлиб яшаб, шу мамлакат равнақини таъминлаган аждодларимизнинг турмуш тарзи ҳозир ҳам ёрқин мисол бўлиб, ҳамкорлик қилишнинг манбаи бўлиб хизмат қиласади.

Миллий ўз-ўзликни англаш натижасида ўз мамлакати тараққиётини белгилаш, унинг мустақиллиги учун курашнинг намунасини беради. Ўз-ўзини англаш келажакда ўз тақдирини ўзи белгилаш учун фойдаланилади, у

масъулиятни оширади. Аждодлар фидоийлиги, жонкуярлигидан хulosалар килинади.

Ўз-ўзини англаш шундай бир ноёб жараёнки, унинг моҳиятига етиш инсонда битмас-туганмас меҳр-муҳаббат, шафқат, умумий инсонпарварликни шакллантиради. Инсонларда миллий англаш бўлмаса, миллий манфаатларни тушуниш қийин. Қачонки, миллий англаш юксак бўлгандагина керакли вақтда, яъни ўз миллатининг қадр-қимматини пасайтираётган ҳодиса ва ҳаракатлар бўлса, унинг маънавий ва моддий бойлигига зарар келтирса, ғурури поймол этилаверса, ўшанда бирлашиш, ҳимоя қилиш намоён бўлади. Шундай пайтларда мамлакат ичкарисидаги муҳолифатлар ҳам ягона мақсад йўлида бирлашадилар.

Миллатнинг ўз-ўзини англаши, унинг ҳис-туйғулари, иродалари, рухлари, кайфиятларини ўзгартиради. Турмуш тарзига таъсир қиласди. Таъкидлаб ўтиш керакки, ўз-ўзини англаш факат ўз миллатининг манфаатини ҳимоя қилиш билан чегараланмайди. Балки, миллат ва мамлакат тараққиёти унинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир этади, мамлакатга, Ватанга оид турли воқеаларни, ички ва ташқи жараёнларни тўғри баҳолайди, унинг муаммоларини ҳал этади, ички маънавий ва моддий заҳираларни ишга солади, жамиятнинг олға қараб силжишига ёрдам беради. Ана шу маънода, миллатнинг ўз-ўзини англаши миллат учун муҳим белги бўлиб, у миллий ғуурурда кенгроқ ўз ифодасини топади.

## **13.2. Миллий ғуур ва миллий истиқлол ғояси**

Давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш мамлакатда яшайдиган барча аҳоли табақалари, ижтимоий гурухлар, элат ва миллатлар ўртасидаги муносабатларнинг қандайлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳозир Республикаизда 80 дан ортиқ миллий, маданий марказлар ишлаб турибди. Улар ўртасида ҳамкорлик, миллатлар ўртасида тотувлик бўлмас экан, давлат мустақиллигига тўла эришиш мушкул бўлади. Айниқса, кўп миллатли давлатда бу жараён муҳимдир. Ўзбекистонимизда 30-йилларда элликдан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, эндиликда улар 130 дан ортиқдир. Демак, бу ҳол давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун янги вазифаларни келтириб чиқарадики, уларни жуда эҳтиёткорлик ва вазминлик билан бажаришга интилиш талаб этилади.

Сабаби, юқорида айтиб ўтилган тоифаларнинг барчаси мамлакат мустақиллиги учун у ёки бу даражада саъй-ҳаракатлар қиласидилар, мамлакатни моддий ва маънавий бойитадилар. Зоро, мустақилликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган фуқароларни, айниқса, ёшларни маънавий етук қилиб тарбиялаш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Шу сабабли, тараққиётдаги бошқа йўналишлар билан бирга халқ манфаатини ифодалайдиган, маънавиятини бойитадиган миллий истиқлол мафкурасининг яратилиши замон талабидир.

Миллий истиқлол мафкураси эндиликда ҳаётга татбиқ этилаёттир. Бу мафкура ва унинг мазмуни тўғрисида матбуотда илиқ сўзлар айтилаётганининг гувоҳимиз. Шу сабабли, биз мафкурада тилга олинган ва маънавиятилизнинг энг муҳим қирраларидан бири бўлган миллий ғуурни шакллантиришдаги омиллар, унинг иқтисодий ва маънавий жиҳатлари тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Президент И.А.Каримов «Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида: «Ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, ор-номуси ва шон-шарафи, унинг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлилигига асослангандир. Биз бундан кейин ҳам ўзбекларнинг миллий ғуурини маънавий юксалтирамиз, шу билан бирга умумий Ватанимизда биз билан бирга яшовчи ва Ўзбекистон республикасига садоқатли бўлган барча халқлар билан биродарликка интиламиз», деб таъкидлаган эди. Бу сўзларда жуда чуқур маъно бор. Собиқ иттифоқ даврида «дунёвий миллат», «дунёвий тил», «дунёвий маданият» каби умумжаҳон мақсадлар асосида фикр юритилганлиги сабабли миллий ғуур четга чиқиб қолаверган эди. Натижада «йирик» миллатлар соясида бошқа миллатлар ғуури равнақ топмади. Чунки, меҳнаткаш халқ онигига кундалик ҳаётимииздан узоқ фикрлар сингдирилиб келиндики, бу жараёнда бошқа баъзи халқлар сингари ўзбек халқининг ҳам миллий ғуури топталди, қийинчиликларга дуч келди. Эндиликда халқимиз мустақиллик шарофати билан, ўн йилдирки, бу муҳим жабҳада қаддини ростламоқда.

Миллий ғуур тўғрисида сўз кетар экан, бу масаланинг нозиклигини ҳеч қачон унутмаслик зарур. У ҳасад билан эмас, балки, ҳавас билан юксалмоғи

керак. Ғуур түғрисида турлича фикр юритган алломалар унинг салбий ва ижобий томонларини тарозига солиб иш юритишиңи үқтирганлар. Жумладан, инглиз танқидчиси Ж. Коллинз миллий ғуур «Гарчи яхшилик ҳисобланмасада, лекин кўп яхшиликларнинг бошидир», -деган бўлса, немис ёзувчиси И.Зейме :»Агар биз ҳақиқий ғуурли бўлганимизда эди, дунёни бу қадар разилликлар босмас эди»-деб ёзади. Юнон файласуфи Теофраст:»Ғуур-ўзидан бошқаларнинг барига нисбатан ўзига хос бир нафратдир»-дейди. Француз адиби М.Жанлис:»Ғуур кўпинча ҳақиқий улуғворликка ғов бўлади», -деган бўлса, ат-Термизий:»Мағрурнинг туриши хунук»-дайдилар.

Бу каби фикрлардан кўриниб турибдики, ғуур юқорида таъкидланганидек, ноёб ва нозик жараёндир. Миллий мафкуранинг ҳар бир тарғиботчиси ва тингловчиси мазкур фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, масалага жиддий ёндашиши ва уни ҳаётга татбиқ этиши керак. Хусусан, француз ахлоқшунос олимни Ф. Ларошфуконинг:»Ғуур барчага хос хусусият: аммо фарқи шундаки, уни қачон ва қаерда кўрсатишни билиш керак»<sup>1</sup>, -деган даъватига амал қилинса, мантиққа тўғри келар эди.

Халқимизнинг «Ғуури бор элнинг минораси баланд бўлади» деган ажойиб нақлидан келиб чиқсан, бошқа муҳим жараёнлар сингари миллий ғуурни ҳам шакллантирмай туриб, Ўзбекистонимиз мустақиллиги барқарор, унинг келажаги буюк бўлишига тўла эриша олмаймиз. Миллий ғуурнинг шаклланиши ва ривожланиши қўпроқ иқтисодий соҳага, яъни тўқчиликка, моддий ноз-неъматларнинг етарлича тўқинлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу сабабли, миллий истиқлол мафкурасини халққа сингдиришнинг сиёсий томонларидан бири бу – иқтисодий соҳадир. Аввало, эл-юрт учун етарли миқдорда, кейин эса экспортга юбориладиган сифатли моддий бойликларни ишлаб чиқармасак, миллий ғууримизни юксак даражада кўтара олмаслигимиз табиийдир. Етарлича тўқин ва сифатли маҳсулот эса халқимизнинг жўшқин меҳнати асосида юзага келади. Бугун халқ, ҳар бир фуқаро онгли меҳнат қилгандагина, маҳсулот сифати ошади, миқдори ҳам кўпаяди. Жаҳон андозалари даражасидаги сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариб, экспорт қилиш халқимиз миллий ғуурини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Миллий мафкурани халққа сингдириш учун ўтказиладиган ҳар бир тадбир хўжа кўрсинга ўтказилмасдан, балки, астойдил, вижданан амалга оширилишига эришиш керак. Ҳар бир маърузачи далиллар асосида тингловчининг фикрлаш қобилиятини шу даражада уйғотиши керакки, у иқтисодиёт соҳасида билими етарли бўлмаса, беихтиёр билим олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйсин, таъбир жоиз бўлса, ўзлигини иқтисодий жиҳатдан ҳам англашга ҳаракат қиласин.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини тарғиб қилиш учун тарғиботчиларимизнинг ҳозирга қадар эгаллаган иқтисодий билимлари камлик қиласи. Сабаби, кўпгина тарғиботчилар кенг кўламда маъзуза қилиб, барча соҳани умумий жиҳатдан қамраб олишга ҳаракат қилгандар. Натижада маъзуза олдига қўйилган мақсад ҳам мавҳумлашган. Шу сабали, маъзузаларга миллий

<sup>1</sup> Воронцов В.Л. Тафаккур гулшани Т.: «Адабиёт ва санъат», 1981, 502-бет.

истиқлол ғояси нұқтаи назаридан ёндашилса, мақсадға мувофиқ бўлади. Бу маърузалар қисқа, мантиқан кучли, ғоядаги чизгилар ҳамда шиорлар асосида тузилган бўлса, самарали, таъсирчан бўлади деб ўйлаймиз. Маълумотларимиз умумийликдан алоҳидалиқка қараб йўналган бўлиши керак.

Иқтисодий соҳа бўйича миллий ғуурни шакллантириш учун юқоридаги фикрларни мустаҳкамлаш мақсадида ҳозир мамлакатимизда етиштирилаётган пахта, ипак, қоракўл ҳамда пахтани қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик машиналари, олтин, фойдали қазилмалар, радиотехника маҳсулотлари ва турли халқ истеъмоли моллари, умуман, моддий бойликларимиз тўғрисидаги илмий асосланган далиллар ва маълумотларга эга бўлиш зарур. Ишлаб чиқаришимизнинг бу етакчи соҳаларини тилга олганда, уларни бошқа мамлакатлар билан таққослаб гапириш мақсадға мувофиқдир.

Хуллас, миллий ғуур аввало, иқтисодий жиҳатдан ўз-ўзини англашдан бошланиши, ҳар бир киши иқтисодий соҳада устувор билимга эга бўлиши керак. Ўз-ўзини иқтисодий жиҳатдан англаш, ҳар бир кишидан ўз устида қўшимча ишлашни, билим доирасини кенгайтиришни талаб этади. Албатта, ўз-ўзини англаш нафақат иқтисодий соҳани билиш, балки ўз тарихини, она тили, дини, авлод-аждодларини, миллий урф-одатларини, ахлоқий қарашлари, анъананалари, ўз халқининг дунё маданиятини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини ва бошқа кўплаб жараёнларни мукаммал билишни талаб этади. Бинобарин, шу жараёнларни ҳар бир шахс мукаммал билмас экан, одатдаги мулоқотда ёки чет мамлакат кишилари билан сұхбатларда ўзининг ким эканлигини, авлодлари кимлигини танита олмайди.

Маълумки, миллий ғуур инсоннинг ранги, гавда тузилиши, ирқи, жинси ёки динига қараб белгиланмайди. Миллий ғуурни бу аломатларга қараб белгиловчилар қаттиқ адашадилар, ундайлар шовинистлардир. Аслида бундай кишиларнинг дунёқараси бузилган бўлиб, билим савияси саёздир. Ўзбек халқи бундай қарашларни ўзига ёт деб билади, ўз миллий ғуурини миллатнинг инсонпарварлик хислатларидан келиб чиқиб юксалтиради. Ислом ва бошқа динларнинг бу соҳадаги ижобий томонларига эътибор қиласди.

Иқтисодий соҳа билан бир қаторда миллий ғуурни янада юқорироқ даражага кўтаришнинг иккинчи муҳим бир жиҳати – бу маънавий етукликтни эгаллашга боғлиқдир. Жамиятимиздаги кишилар ўз мутахассислиги, ишлайдиган соҳасини яхши билиши мумкин. Лекин, маънавий етуклиқ бўлмаса, миллий ғуурни кўтариш, уни тарғиб қилиш амримаҳолдир. Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда кўплаб талабалар, тадбиркорлар, туман, шаҳар, вилоят ҳокимларини вакиллари чет элларга бормоқдалар. Келажакда бу иш янада ривожланишига аминмиз. Хорижга бораётган ҳар бир киши ўз халқининг миллий ғуури қирраларини мукаммал билиши зарур. Айниқса, ҳозирги талабаларимиз миллий ғуурни, унинг қирраларини билиш билан бирга, унинг тарғиботчилари ҳам бўлишлари керак. Талабаларни тарғиботчилар қилиб етиштиришни эса мактабда ўқувчилик давридан бошлиш зарур. Мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги келажак талабалардир. Мустаҳкам билимни, маънавият, қадрият, урф-одатлар,

удумларни ҳамда алломаларимизнинг таълимотларини ўқувчиларга ҳозирдан кенг дастурлар, пухта дарслик ва режалар асосида тушунтиришни бошлиш – давр талаби. Зеро, ўқувчилар талаба бўлганларида бу билимлар улар учун пухта замин вазифасини ўтайди. Айнан шу билимлар келажак учун бебаҳо эканлиги ва миллий ғуурни шакллантиришда ҳам ўта муҳим омил бўлиши аниқ.

Бунинг учун айниқса, ижтимоий фанлар ўқитувчилари, барча мураббийлар масъулиятни ҳис қилишлари, жонкуяр бўлишлари лозим. Келажакда чет мамлакатларга бораётган талабалар ҳам ўз зиммасига катта масъулиятни олиб, борган мамлакати маданиятини тезда ўзига сингдириб, ўз халқи маданиятини уйғунлаштириш ҳамда ўз миллатига хос бўлган ғуурни ўрни билан тарғиб қилишни ўйлаб борадилар. Маълумки, хорижга қадам қўйган кишиларга эътибор ўн карра ошади. Саломлашиш, мулоқот қилиш, меҳмонхонада яшаш, кийиниш, сұхбат қилиш, кишиларга муносабат, урф-одатлар барчаси ҳушёрликни талаб этади. Афсуски, борган кишиларнинг ҳаммаси ҳам буларнинг ўта муҳимлигига ҳамиша эътибор беравермайди. Сир эмаски, четга бораётган баъзи сайёҳларимиз хорижга борганда кийим-кечак, совфа буюмларига диққатни кўпроқ қаратадилар, имконият бўлса, ўша буюмлардан кўпроқ олиб қайтишни ўйлайдилар. Миллий ғуур тўғрисида ўйлаш эса, афсуски, ёдимиздан кўтариilar даражада бўлади. Ахир биз, буюк жаҳонгирлар, мўътабар мутафаккирлар, улуғ алломалар авлодимизку! Улар тимсолида ўзбек халқининг ким эканлигини, ўзбек халқининг жаҳон маданиятига, умуминсоний қадриятларга қўшган улкан ҳиссасини энди дунё аҳли биладиган пайт келди-ку! Эндиликда, барчамиз ўзбек халқини дунё кўзи ўнгидан яна бир поғона кўтаришга ҳаракат қилишимиз керак эмасми? Миллий маданиятимиз ва ахлоқимизнинг мустаҳкам заминга эга эканлигини энди оламга кўрсатишимиш керак эмасми?

Минг афсуски, орамиздан чиққан айрим ўзбек «ватанпарвар» лари миллий ғууримизни ҳам мутлақо унутиб, фақат ўз шахсий манфаатларини ўйлаб, четдан туриб, она-Ватанга тош отмоқдалар. Аникроғи «Озодлик», «Бибиси», баъзан Россия оммавий ахборот воситалари эшиттиришларини эшитиб, хорижда чиқадиган газеталардаги тирноқ остидан кир қидирувчи баъзи бир мақолаларни ўқиб, беихтиёр ғазабинг келади. Амалда юртбошимиз тифайли дунёning кўпгина йирик ва илғор мамлакатлари ўзбек халқини, унинг маданиятини, мустақил давлатини тан олиб ҳурмат- эҳтиром кўрсатса-ю, ўзимиздан чиққан уч-тўрт нафар «ватанпарвар»- лар эса миллий ғууримизни унутиб, еган нон-тузини оқлаш ўрнига тузлукқа тупурса, бу қайси ақлга сиғади. Шу «ватанпарвар»лар бирорта камчиликсиз давлатни топиб бера олармиканлар. Албатта, йўқ . Шундай қийин бир шароитда Ўзбекистоннинг нисбатан тўқлиги ва тинчлигини нега сезиб, сезмасликка оладилар, оқни қора деб кўрсатишга уринадалар. Ўзбекистондаги ўтиш даври қийинчиликларини аюҳаннос солиб қоралайдилар. Улар кимларнинг ногорасига ўйнамоқдалар?

Ҳар бир тарғиботчи бу воқеа, ҳодисаларни ҳисобга олиши учун уни илмий талқин қила билиши лозим. Албатта, булар ҳақида фикр юритиш учун ҳам чуқур билимга эга бўлиш талаб қилинади. Демак, «Одамдан юқори тураркан

олам, билим олмоқликка муҳтоҗдир одам»— деган нақлга амал қилиб, миллий истиқлол ғоясини тингловчига сингдириш учун ҳар бир тарғиботчи ўз устида ишлаши давр талабидир.

Юртбошимизнинг миллий ғуурни тиклаш мақсадида олиб бораётган саъй-харакатлари таҳсинга лойиқдир. Президентимиз қаерга бормасин, у ўша минтақа ёки давлатдаги аҳолининг ўзбек халқига бўлган ҳурматини ошириб, ўзбекона миллий маданияти ва қадриятларини, ўзига хос хусусиятларини юксак даражада намойиш қилиб қайтади. Юртбошимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси мажлисида сўзлаган илмий амалий нутқи тўғрисида ҳам дунё матбуотида кўп илик сўзлар айтилганлигининг гувоҳимиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, миллий ғуурни аҳолига янада чуқурроқ сингдириш ва уни юксак даражасига кўтариш учун катта куч-ғайрат сарфлаш лозим бўлади. Бу иш эскирган шиорлар, дабдабали йиғилишлар, ҳайбаракалачилик билан ўтказиладиган оммавий тадбирлар орқали бўлмайди. Бу билан керакли натижага эришиш қийин. Халқимизда шундай удумлар, урфодатлар борки, улар миллий ғуурни ривожлантиришга жуда қўл келади. Мустақиллик куни, Наврӯз ва Ҳайит байрамлари, Ватан хизматига юбориш арафасидаги тадбирлар, ҳосиллар сайили, Хотин-қизлар байрами, Конституция нишонланадиган кун, аҳолининг тўй маросимлари, юбилейлари, хотира кунлари, салом ва алик, гап-гаштак, ҳовли тўйлари, ҳашар, зиёратлар шулар жумласидандир. Бу тадбирлардан барча тарғиботчи ва нотиқлар кўнгилдагидек фойдалана олмаётирлар. Шу сабабли республика Маънавият ва маърифат Кенгаши қошидаги тарғиботчилар гурухлари вакиллари бу муҳим ишда ўта билимдон ва тадбиркор бўлишлари керак. Бинобарин, миллий ғуурни кўтариш ҳар бир фуқаронинг ақлий ва меҳнат фаолиятига катта рух бағишлийди. Бу эса бизга жамиятимиз олдида турган қийин муаммоларни ечишда ёрдам беради.

### **13.3. Миллий истиқлол ғоясини такомиллаштириш ва демократик жараён**

Давлатимизнинг эзгу муддаоси ва вазифаларидан бири бу – бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишdir. Демак, миллий истиқлол ғояси билан бу вазифа муштарак бўлса жамиятимиз ривожланиши, тарақкий этиши тезлашади. Айниқса, тингловчилар ва талабалар билан иш олиб бориш мобайнида миллий истиқлол ғоясининг демократик жараёнлар билан чамбарчас боғланган жиддий тушунтириш ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, шахс фаолияти кўп қирралидир. Бу қирралар ривожланиши унинг етук ходим сифатида шаклланишига ёрдам беради. Шу қирралардан бири шахснинг демократия тўғрисидаги билимидир.

«Демократия» сўзи ва унинг жамиятда тутган ўрни қадимий бўлса ҳам, шахс учун «янги»dir. Инсон алоҳида муҳитда шахс бўлиб шаклланмайди, балки ота-она тарбияси, болалар боғчаси, мактаб, ўкув юрти ва жамоада тарбияланади. Шу сабабли у демократик жараёнларга ҳар хил ҳолатда дуч келади ва ундан ўзига хулоса қила бошлади.

Демократия ва миллий истиқлол ғоясининг шахсада шаклланиши жуда мураккаб кечади. Чунки, у ўзининг қадр-қимматини юқорида кўрсатилган атроф-муҳитдан келиб чиқиб англай бошлади. Ўз қарашларини, ҳистуйғуларини шакллантиради. Бурч ва масъулиягини сезади. Демак, шахсий манфаатни миллий истиқлол ғояси билан алоқада эканлигини жонли қилиб тушунтириш эса мураббий ўқитувчининг асосий вазифаси бўлиши лозим. Бунинг учун у ҳуқуқий жиҳатларни чуқур ўрганган бўлиши керак.

«... Аҳолига чуқур ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйиш, бу орқали ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги ҳуқуқий онгни шакллантириш талаб этилади. Бу жамиятнинг тўғри, демократик йўлдан ривожланиши учун зарурдир. Чунки, ҳуқуқий тафаккур шаклланмаса, турли хил номутаносибликлар келиб чиқади»<sup>1</sup> ёки Таъкидлаш лозимки, қўпгина кишилар ҳозирги кунда ҳам демократик жараёнлар, ҳуқуқий қонунлар асосида шаклланишини яхши тушуниб етмаётирлар. Натижада, баъзида жамоада ишлайдиган раҳбарият билан шахслар ўртасида келишмовчиликлар ҳам рўй бериб турибди. Шу сабабли, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари» дан дарс берувчи барча ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам ҳуқуқий қонунларни мукаммал билишлари, «мен ҳуқуқшунос эмасман», деб турмасдан, ҳар бир дарсдаёқ имконият ва зарурият бўлганда тингловчиларга ҳуқуқий билимларни ҳам қисман бўлса-да етказишлари лозим. Бу вазифани бажариш фидокорликни, ижодий ёндашишни талаб этади. Ўқитувчининг ўзи миллий истиқлол ғояси учун жонқуяр бўлмаса мақсадга эришиб бўлмайди. Акс ҳолда давр талаби-демократик жараён ҳам амалга ошмайди. Бинобарин, шахс ҳаётда, ишлаб чиқаришда қатнашиши натижасида кўп нарса ва ҳодисаларни ҳал эта олади.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Хавфиззлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т.: 1998, , 26-бет.

Зеро, миллий истиқлол ғоясининг ҳаётга татбиқ этилиши ва демократик тамойилларни амал қилиши, давлат, жамият, фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийликка асосланади. Бу уч субъектнинг манфаатлари ўзаро мос тушгандагина осойишталик ва барқарорлик, фаровонлик амалга ошади. Ўкув жараёнида ёшларга ана шу хусусиятлар турли йўллар билан сингдирила борилиши муҳим аҳамият касб этади. Бунда миллий истиқлол ғояси тамойилларидан фойдаланиб, демократиянинг турли жараёнлари сингдирилиши яхши самара беради. У Конституция билан ҳам боғланиши зарур. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий хусусияти ҳам шундаки, унда юқоридаги субъектлар ҳам устувор йўналишлар қилиб белгиланган. Шундай экан, бу субъектларнинг бурч ва масъулияtlари ҳам мавжуд. Ҳар бир фуқаро ўзининг бурчини яққол англаши лозим. Масалан, ижтимоий груп сифатида талабаларнинг фаолиятини оладиган бўлсак, талабалар ҳам ўз ҳукуқларига, яъни бепул ва пулли ўқиши, эркинлиги, ётоқхоналардан фойдаланиши, сайловларда қатнашиши, бошқарувда иштирок этиши, уюшма, партия ва бошқа ташкилотларга кириши, дам олиши, хоҳлаган динига эътиқод қилиши, меҳнат қилиши, таклиф ва шикоят қилиши, кутубхоналардан, жамоат жойларидан фойдаланиши, тазииклардан муҳофаза қилиниши ва бошқаларга эга. Уларнинг бурчлари эса қўпроқ виждон амри билан боғлиқдир. Бинобарин, миллий истиқлол ғоясини тушуниб этиш ҳам талабанинг бурчиdir. Аммо, бурч элементларини, масъулият жараёнларининг шаклланишини талабанинг шахсий ишидир, деб қўйиш ҳам ўринсиздир. Кундалик фаолиятда ҳар бир ўқитувчи томонидан бу бурч ва масъулияtlар маълум имкониятлар топиб «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» дарсининг муаммоларини ўтаётганда талабага қўпроқ тушунтирилиши, онгига сингдирилиши лозим.

Ҳар бир олий ўқув юрти талабасининг бурчи – билим маскани нуфузи учун курашиш, билим масканидаги ножӯя бўладиган ҳаракатларга лоқайд бўлмаслиги, билим юртининг асбоб-ускуналари, лаборатория жиҳозларини кўз қорачиғидек сақлаши, топшириқларни ўз вақтида бажариши, жамоат жойларида тартибни сақлашга кўмаклашиши кабилардир. Ўз навбатида булар ҳам миллий истиқлол ғоясини ҳаётга татбиқ этишнинг элементларидир. Гарчанд бурч ва масъулият қонунларда қатъий кўрсатилган бўлмаса ҳам, аслида буларга риоя қилиш талабанинг кейинроқ етук шахс бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Бурч деганда, фақат юқоридаги соҳалар билан чекланиб қолинмайди. Жумладан, талабанинг ётоқхона, факультет, ёки академия институт миқёсида бўладиган жамоат ишларида қатнашиши, шу жойларни безатишда иштирок этиши, шаҳар ва Республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларда (талаб этилганда) ҳозир бўлиши кабилар ҳам талабада ижобий хислатларнинг жумладан, миллий истиқлол ғоясининг шаклланишига ёрдам беради.

Фуқаронинг шахс сифатида шаклланишига ёрдам берадиган омиллар турличадир. Булар қуйидагилардан иборат:

- фуқароларга қонуний хужжат ва меъёрларни «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» доирасида ўргатиш;
- урф-одатлар, қадриятлар, алломалар фикрларини тушунарли қилиб сингдириб бориш;
- миллий бурч тафаккурининг дунёвий бурч тафаккури билан боғлиқлигини уқдириш;
- ўтиладиган дарс ва сұхбат, мулокотларда фуқаронинг бурч ҳамда масъулиятларини жонли тарзда кўргазмали қилиб тушунтириш. Бунда «Маънавият» нашриётидан чиқарилаётган кўргазмали қуроллардан фойдаланиш;
- бурч ва масъулият ҳақида реферат мавзуларини тайёрлаш ҳамда тегишли пайтда фуқароларга тарқатиш, улардан шу соҳада реферат ёзишни талаб қилиш;
- жамият тарихида фуқаролар бурчи ва масъулиятларини солиштирган ҳолда, уларни ўзгарувчанлигига дикқатни тортиш;
- бурч ва масъулиятнинг миллий истиқлол ғоясини шаклланиши ва жамият тараққиётидаги аҳамиятини эслата бориш;
- шахсий манфаат билан жамоат манфаатларининг муштараклиги ҳақида сұхбатлар ўтказиш, шу соҳада ёзилган асарлар, яратилган фильмлар тавсия этиш ва бошқалар.

Бу омиллар умуман шахс фаолиятида демократик жараённи шакллантиришда уммондан бир томчи ҳолос. Лекин ушбу омиллар билан қонунлар ўрганилиши, уларнинг устуворлигини таъминланиши амалга оширилса, нур устига аъло нур бўлади. Айни пайтда жамиятимизни демократлаштириш фуқаролар фаолиятига ҳам боғлиқдир. Фуқаролар жамиятдаги турли соҳадаги ходимлардир. Тараққиётни эса шу ходимлар ҳаракатга келтиради. Ходимларда миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши ҳамда хуқуқий маданият ва бурч, масъулият бирлашмаси жамиятнинг олға қараб силжиши мураккаб кечади. Чунки, эркин шахсни тарбиялаш бозор муносабатлари билан ҳам боғлиқдир. Ўз навбатида бозор муносабатлари янги ижтимоий муносабатларни пайдо қиласи. Шу сабабли, фуқаро шахсини такомиллаштиришда олиб борилаётган тарбиявий-амалий, ўқув-методик ишларининг самарадорлигига ҳар бир раҳбар, мутасадди-ўқитувчи, мураббий, тарбиячи, олийгоҳлар раҳбарияти эътиборини жиддий тортиш лозим. Тарбия барчанинг масъулиятидир. Зоро, И.А.Каримов таъкидлаганларидек, ҳар қайси фуқаро, ҳар бир талаба «шу давлат, шу жамият менга нима берди»—деб эмас, балки, «мен ўзим Ватанимга, эл-юртимга нима бердим?»,—деб ўйлаш билан яшайдиган фуқаро ва талабани тарбиялашимиз буюк давлат қуришимиздаги муҳим жиҳатдир.

### **13.4. Миллий кадрлар тайёрлаш - маънавий, маърифий юксалиш манбаи**

Маълумки, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонун Ўзбекистонда миллий кадрлар тайёрлаш тажрибасининг таҳлили ва таълим-тарбия тизимидағи дунёвий ютуқлар негизида тайёрланган. Унда юқори даражадаги касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий жиҳатдан фаолликка, сиёсий ҳаётда мустақил ҳолда мўлжални аниқ ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқлол ва истиқбол ғояларини олға суриш ва ижро этишга қодир кадрларнинг янги замонавий авлодини шакллантиришга қаратилган масалалар ўз аксини топган.

Шу эзгу ниятларни амалга ошириш мақсадида Республикаизда олиб борилаётган саъй-харакатларни, мазкур соҳадаги ислоҳотларни кўриб, танланган йўл ниҳоятда тўғри эканлигига амин бўламиз. Зоро, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни эндиликда илғор мамлакатларнинг мутасадди ташкилотлари ва раҳбарлари эътироф этаётганларини эшлишиб, ўзингда қандайдир миллий ифтихор ҳис-туйғуси пайдо бўлганлигини сезасан, киши. Бунинг асосий сабабларидан бири таълим соҳаси давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қўйилганлигидир. Бу соҳада ҳам давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлганлигидир.

Маълумки, Қонунда таълим турларининг етти тизими қайд этилган бўлиб, улар қўйидагилардир:

- ❖ Мактабгача таълим,
- ❖ Умумий ўрта таълим,
- ❖ Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими,
- ❖ Олий таълим,
- ❖ Олий таълимдан кейинги таълим,
- ❖ Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш,
- ❖ Мактабдан ташқари таълим.

Буларнинг барчаси ўзининг тузилиши, мақоми, дастурига эга. Улар билан танишган ҳар бир зиёли шундай бир хulosага келадики, уларнинг ҳаммасида маънавият ва маърифат ўзаро бирлашган бўлиб, таълим турларининг мағзини, марказий моҳиятини ташкил этади. Улар диалектик муносабатдадир.

Таълим тизимини таҳлил қиласар эканмиз, аввало уларнинг барчасида мустақиллик тафаккурини шакллантириш ғояси ўз аксини топганини кўрамиз. Юқоридаги таъкидлаганимиздек, Президент И.А.Каримов қўрсатиб берган:- Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқоли ҳақида қайғуриш, ўзининг ва ўз халқининг, Ватанининг қадру қиммати, ор-номусини англаб, уни ҳимоя қилиш, юқсак ғоялар, янги фикрий кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъоди, бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига баҳш этадиган ёшларни, ходимларни тарбиялашдек вазифа туради. Бинобарин, бизнинг барча вазифа ва харакатларимизнинг асосий мақсади ҳам шу эканлигига шубҳа бўлмаслиги лозим. Республикаиздаги ҳар бир фуқаронинг эзгу нияти, ҳам ўз мамлакатини қарам ҳолда эмас, балки, мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлашга қаратилмоғи лозим. Буюк келажак сари

қўйиладиган қадамларнинг барчаси шу мустақиллик тафаккурининг шаклланиши билан боғлиқ. Улкан ниятлар ниятлигича қолиб кетмаслиги учун, мустақиллик тафаккурининг муқаддас қирраларини тушуниб етиш зарур. Тушуниш эса, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни чуқур таҳлил қилиш ва уни оғишмай ҳаётга татбиқ этишга боғлиқ.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да юксак маънавият соҳибларини тайёрлаш муаммоси мужассамлашган. Маънавий тикланиш, покланиш, намунавий, ахлоқий хислатларга эга бўлиш ғоялари таълим тизими билан чамбарчас алоқададир. Улар моҳият жиҳатидан қонунлаштирилганки, уларни амалга ошириш бозор муносабатларига ўтиш даврида ўта муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Сир эмаски, ўтиш даврини тўғри тушунмайдиган баъзи ғаламислар ислоҳотларни тезроқ амалга ошишига, собиқ иттифоқ давридаги баъзи иллатларни йўқ қилишга, мамлакат ва жамиятимизни тезроқ олға қараб силжишига тўсқинлик қилаётганлиги сир эмас. Булар бюрократлар, таъмагирлар, порахўрлар, ўғрилар, мансабпаратлар, шухратпаратлар, уруғаймоқчилик ва маҳаллийчиликка мукласидан кетганлардир. Бундай кайфиятдаги шахслар ёшларнинг шиҷоати, янгиликка интилиши, дунёвий тараққиётини тушунишига тўсиқ бўлиб турибдилар. Бу иллатларнинг олдини олиш, илгор қарашлар учун шарт-шароит яратиш миллий дастур мазмунидан келиб чиқади.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Республиkanинг иқтисодий ривожланишини назарда тутиб, бўлажак кадрларнинг шу соҳадаги савиясини оширишнинг муҳим томонларини ўзида акс эттирганки, уларга риоя қилинса, улкан ютуқларни қўлга киритиш табиийдир.

Ватан тараққиётини иқтисодий ютуқларсиз амалга ошириб бўлмаслиги ҳаммага аён. Шу сабабли, иқтисодиётни эндиликда билим ва маърифатсиз, юксак маънавиятсиз ҳолда тасаввур қилиш қийин. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, мақсадларга эришиш, янги жамият қуриш, сиёsatда, иқтисодиётда, маънавият соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш кадрларга, ёш авлодларга боғлиқ. Уларни маънавий юксалтириш, билимли, маърифатли қилишга боғлиқ. Бу соҳалар бўйича, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга оширишнинг биринчи босқичида ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаш, унинг ҳуқуқий, меъёрий ривожланиши соҳасида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Молиявий ва моддий жиҳатлар ҳақида чоралар кўрилди. Ўқув ва иш шароитлари яхшиланди. Илмий-методик марказлар ташкил қилиниб, ишга туширилди. Педагогик кадрлар малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилди. Янги дарслер ва қўлланмалар, дастурлар ишлаб чиқилди. Юзлаб академик лицейлар, коллежлар фаолият кўрсатмоқда.

Узлуксиз таълимга оид бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилаёттир. Кўриниб турибдики, амалга оширилган тадбирлар «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг иккинчи босқичи учун асос қилиб яратилган муҳим манбадир.

Миллий дастурда шахс манфаати устувор бўлиб, унинг ҳар томонлама равнақи учун йўл кўрсатилган. Унда таълим ва тарбия олиш учун имкониятлар яратилиши ҳуқуқий тус олган. Уларни ушбу соҳаларда эркин ҳаракат қилиши учун замин яратилган. Инсон ҳуқуқлари Декларацияси ва Ўзбекистон Конституцияси талаблари асосида ҳар бир шахснинг шахсий манфаатлари ҳисобга олинганки, ундан фойдаланиш умуминсоний жиҳатларни таркиб топишига имкон беради. Дастурда маънавий, маърифий юксалишнинг ҳуқуқий, моддий негизлари назарда тутилган. Билим олиб ижодий меҳнат қилиш, унинг кадр-қимматини ошириш кабилар ҳам дастурда ўз аксини топганки, инсонда жамиятга зид бўладиган ишларни амалга ошириш учун ўрин қолдирмайди.

Кадрларнинг давлатни бошқаришда, барча ислохотларга раҳбарлик қилишда сиёсий билим ва малакаси бўлмаса, бундай кадр ҳаётда қийналади. Ўз навбатида шундай кадрнинг бўлиши ҳам фожиадир. Шу жараёнларнинг олдини олиш меъёрлари Миллий дастурни янада муҳим ҳужжат бўлишига ёрдам беради. Демак, таълим соҳасида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишига эътибор кучайтирилган. Маълумки, умумтаълим мактабларида ўқитиладиган фанлар сони бир пайтлар 20 тага етган бўлиб, уларнинг ўқув режаларида ахлоқ ва одоб, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий билимлар асосларини ўргатувчи фанларнинг етарли эмаслиги Президент томонидан танқид қилинган эди. Чунки, бу ҳолатнинг бўлиши ҳам мустақиллик ва бозор иқтисодиёти шароитида зарур эҳтиёжларни амалга оширишда тўсқинлик қиласи эди. Шу мулоҳазалардан хулоса қилинган ҳолда, эндиликда ижтимоий-гуманитар фанларга эътибор кучайтирилиб Республика Президенти томонидан «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани ўқув жараёнига киритилди. Бир неча йилдирки, «Маънавият асослари» фани ҳам ўқитилиб келинаётир. Булар «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш намунаси, фаолият манбаидир.

Миллий дастурда ҳуқуқий таълим-тарбия соҳасига ҳам жиддий эътибор қаратилганлиги диққатга сазовордир. Чунки, «Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари бориш» ҳуқуқий таълим-тарбиясиз амалга ошмайди. Бунинг учун ҳуқуқий органлар учун кадрларни тайёрлаш, таълим тизимини ислоҳ қилиш, жаҳон андозаларига мослаштириш давр талаби эканлигини унутмаслик лозим. Демократия ва ҳуқуқ ўзаро боғланган бўлиб, шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини намоён этадиган қонун ва қоидаларни қўшимча тарзда ишлаб чиқиши Миллий дастур мазмунидан келиб чиқади. Улар ёрдамида ҳар бир фуқаронинг маънавий, маърифий юксалиши учун замин яратилади.

Инсоннинг маънавий-маърифий юксалишининг бир қанча таркибий қисмлари борки, улар: ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ахлоқий етуклиқ, байналминаллик кабилардир. Миллий дастурдаги моддаларнинг деярлик барчаси ушбу хислатларни қамраб олиб, мутасадди ташкилот ва барча раҳбарларни, бўлажак ходимларни тайёрлашда қўл келади.

Бўлажак кадрларни эркин фикрлашга ўргатиш йўлга қўйилмаса, таълим самараси талабга жавоб бермайди. Шу сабабли ҳам, мустақил тафаккурга эга бўлиш биринчи галдаги вазифалардандир.

Хулоса қилиб айтганда, маънавий-маърифий юксалишнинг манбаи сифатида «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури» халқимиз ва жамиятимиз учун ҳали узоқ йиллар хизмат қилади. Мустақиллик тафаккурининг шаклланиши, юксак маънавият эгаларини тайёрлаш йўл-йўриқлари, иқтисодий билим олишнинг сир-асрорлари, шахс манфаатларининг томонлари, сиёсий билимларга эришишнинг соҳалари, ҳуқуқий билим олиш тажрибалари ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ахлоқий етуклиқ, байналминаллик шаклланиши учун зарурый бўлиб, ҳар бир шахснинг келажакда маънавий-маърифий юксалиши учун муҳим манбадир.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ўрхун ва уйғур ёзувлари, И.Ғаспирали, ўз-ўзини англаш, Буюк Ипак йўли, миллий ғурур, маънавий етуклиқ, хотира кунлари, бурч, миллий бурч тафаккури, дунёвий бурч тафаккури, ҳуқуқий маданият, Миллий ғоя, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.

## **Ҳикматлардан намуналар**

Ҳамиша халқингга меҳрибон бўлгил,  
Яхшиликка тириш ва омон бўлгил.

**Носир Хисрав**

Истасанг дунёда баҳту саодат,  
Айлагил қардошлар дийдорин одат.  
Бу кўҳна оламда айлагил бунёд,  
Бир нарсаки, халқинг этсин сени ёд.

Х Х Х

То қадам қўймасанг дастёрликка,  
Хеч ким келмас сенга дўсту ёрликка.

**Хусрав Дехлавий**

Ўзбекистон профессорларини чет мамлакатларга юбориб, малакасини ошириб келишига имконият яратишимииз керак. Улар чет элларда малакасини оширсин, донғи чиққан университетларда ўзлари лекциялар ўқисин, тажриба ортирусин, мана шундан кейин Ўзбекистоннинг обрўйи – номи оламга овоза бўлади, иншооллоҳ.

Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқdir.

**И. А. Каримов**

Дунёда турмок учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебахра миллат бошқаларга поймол бўлур.

**Маҳмудхўжа Беҳбудий**

## **Тест топшириқлари**

### **1. Миллий ўз - ўзини аңлаш бу –**

- а) бу ўз Ватани ва шу Ватанда яшаган халқнинг, миллатнинг ўтмиши, унинг маданияти урф-одати ҳамда қадриятларини билиш демакдир;
- в) бу ўз халқининг азалдан жағон ҳамжамиятига қўшган ҳиссасини аңлаш демакдир;
- г) бу авлодларга бой тарих қолдириш, аждодлар тарихини мукаммал билиш уларнинг руҳлари, хурматини ўрнига қўйиш демакдир;
- д) а,в,г жавоблар;
- е) барча жавоблар тўғри.

### **2. Миллий ўзликни аңлаш нимадан бошланади?**

- а) миллий истиқлол ғоясидан;
- в) миллий ғуурни аңлашдан;
- г) миллат манфаатларидан;
- д) инсони қадр-қимматни аңлашдан;
- е) барча жавоблар тўғри.

### **3. Миллий истиқлол мафкураси билан миллий ғуур тушунчасининг умумий томонлари нимада кўринади?**

- а) иккаласи бир нарса;
- в) маънавият шахс тарбиясида;
- г) халқ манфаатларини (химоя қилишда) ифода қилишда;
- д) жипслashiшда ва ўзаро тушунарлилиқда;
- е) барча жавоблар тўғри.

### **4. «Ғуур барчага хос хусусият: аммо фарқи шундаки, уни қачон ва қайерда кўрсатишни билиш керак», деган фикр қайси мутафаккирга тегишли?**

- а) А. Навоий;
- в) Теофраст;
- г) Ф. Лафрушко;
- д) И. Зейли;
- е) ат-Термизий.

**5. Миллий ғуурни кўтаришда ва миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилишда нималарга таянилади?**

- а) халқимизнинг миллий удумларига, урф – одатларига;
- в) Наврӯз, Ҳайит, Мустақиллик байрами, Конституция нишонланадиган кун ва бошқаларни нишонлаш орқали;
- г) ҳашар, зиёратлар, салом-алик, гап-гаштак ва бошқа шу кабилар;
- д) миллий анъаналарга;
- е) барча жавоблар тўғри.

**6. Шовинизм билан миллий ғуур орасида қандай фарқ бор?**

- а) бир-биридан мазмунан-моҳиятан фарқ қиласди;
- в) ўзгаларга нисбатан бўладиган муносабатларда;
- г) қисман бир-бирини такрорлайди;
- д) ҳеч қандай фарқ йўқ.
- е) барча жавоблар тўғри.

**7. Демократиянинг Шарқона кўриниши деганда нимани тушунасиз?**

- а) ота – онага ҳурмат;
- в) андишли ва мулоҳазалилик;
- г) катталарга ҳурмат, кичикларга иззат;
- д) хаёлга келган ҳаракатни қилиш;
- е) А, В, Г.

**8. Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистонда демократик жараёнларни ривожлантириш учун нимани биринчи зарурий шарт ҳисоблайди?**

- а) хуқуқий билим, хуқуқий онг, хуқуқий маданиятни шакллантиришни;
- в) сиёсий етукликни;
- г) халқаро воқеалардан тўғри хулоса чиқаришни;
- д) моддий манфаатдорликни кучайтиришни;
- е) тўғри жавоб йўқ.

**9. Фуқароларнинг шахс бўлиб шаклланишида асосий омиллар қайсилар?**

- а) урф – одатлар, қадриятлар, буюк алломалар фикрини тўғри тушунтириш;
- в) миллий бурч тафаккурининг дунёвий бурч тафаккури билан боғлиқлигини тушуниш;
- г) жамиятлар тарихидек фуқаролар бурчи ва масъуллиятини солиштирган ҳолда, уларнинг ўзгарувчанлигига диққат қилиш;
- д) миллий ва умуминсоний қадриятлар;
- е) барча жавоблар тўғри.

**10. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қандай муаммолар ечими мужассамлашган?**

- а) таълим тизимини кучли қонунлаштириш;
- в) юксак маънавиятни шакллантириш;
- г) миллий тикланиш ва аҳлоқий хислатларни шакллантириш;
- д) юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш;
- е) барча жавоблар тўғри.

## **14-мавзу: Билимдонлик, дўстликка садоқатлилик, ростгўйлик, адолатпарварлик-маънавий фазилат**

### **14.1. Билимдонлик инсоннинг куч-қудрати ва маънавий салоҳияти**

Мамлакатимизда барпо қилинаётган инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий» давлатни баркамол ва билимли фуқароларсиз амалга ошмайди. Шу сабабли миллий ва умуминсоний қадриятларни ўрганиш, ривожлантириш ҳозирги кун тартибида турган долзарб масаладир. Президент И.А.Каримов «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қиласди. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан мустақил тафаккур бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият – маърифатли инсоннинг икки қанотидир»<sup>1</sup>-деган эди. Ҳа, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳам ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳиятга боғлиқ. Тоталитар тузум давридаги сохта билимдонлик Республика ахолисини ҳам четлаб ўтмади. Билимли бўлиш, кўпроқ миқдор жиҳатдан белгиланди. Эндиликда эса ривожланган мамлакатлардаги билимдонлик даражасига миқдор жиҳатдан эмас, сифат жиҳатдан етишиш масаласи қўйилиб, бугунги кунда унга бирмунча эришилмоқда.

Юксак маънавият калити билимдонлиқдадир. Инсоннинг куч ва қудрати эндилиқда замонавий илмларни забт этиш билан белгиланаётир. Бу забт этиш эса билимларни эгаллаш билан боғланган. Билим олиш меҳнат ва машаққат натижасидир. Мутафаккир деб ном олган барча инсонлар жаҳон халқарини илм, билим олишга даъват этиб келдилар. Тўғри, инсонлар мол-дунё, пул, маблағ, учун курашадилар, лекин, ҳар қандай илм ва билимни мол-дунё билан тенглаштириб бўлмайди. Мол-дунё қанчалик ширин ва кўп бўлмасин барибир ўткинчидир. Билим эса аксинча. Билимли шахс енгилмас, қийинчиликларга бардош берувчидир. Билим ва билимдонлик ҳақида алломалардан бири, буюк педагог Юсуф Ҳожиб шундай фикрларни айтиб қолдирганки, уларга диққатни тортмай иложимиз йўқ. «Кишининг билимдонлиги,-дейди у, унинг тили орқали намоён бўлади. Ифорни яширса, ҳиди аён қилганидек, билимни ҳам яшириб бўлмайди. У сўз орқали маълум бўлаверади. Оламда одам пайдо бўлганидан бери яхши одатларнинг барчаси билимдонлар туфайли пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам билимдонлар доимо тўрга ўтказилади»<sup>1</sup>. Кўриб турибмизки, бу фикрлар ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Минглаб йиллар тажрибаси ўз мазмунини шу фикрларда мужассамлаштирган.

Фаҳр билан айтиш мумкинки, мустақил Ўзбекистонда илм-фан ва билим олишни ривожи учун давлатимиз ва унинг Президенти жуда кўп тадбирларни амалга ошираётир. Юқорида таъқидлаганимиздек, 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонунда билим олишнинг асосий тамойиллари белгилаб берилди. Бу тамойиллар ижтимоий тараққиётимизни белгилашга мухим ҳисса қўшади. Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби мұқаддасдир. З-том. Т: «Ўзбекистон», 1996, 34-бет.

<sup>1</sup> Б. Тухлиев. Юсуф Ҳожибининг «Кутадғу билиг» асари. Т.: «Ўзбекистон», 1991, 9-бет.

характерда эканлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, умумий ўрта, шунингдек ўрта маҳсус, касб-хунар таълимнинг мажбурийлиги; таълим тизимининг дунёвий аҳамиятга эга эканлиги; билим олишни ва истеъдоднинг қўллаб-қувватланиши шу тамойилларданdir. Бу тамойиллар кадрлар масаласини ҳал қилишга жиддий ёрдам беради.

Ўзбекистонда қурилаётган жамият миллий кадрларсиз амалга ошмайди. Кадрлар муаммоси И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли асарида яна бир бор таъкидланиб, устувор йўналишлар сифатида кўрсатилди: «Биз олдимиизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ»<sup>1</sup>. Демак, кадрлар илм-фанни эгалламаса, билимдон бўлмаса мамлакат келажаги порлоқ бўлмайди. Бунинг акси бўлиши эса миллатни обрўсизлантиради, келажагига болта уради.

Илм-фаннынг дунёвий жиҳатларини эгаллаш билимдонликка олиб келади. Азалдан мутафаккирлар билимдонликни эъзозлаганлар.

Мустақилликнинг ҳам кафолати шундадир. Шу билан бирга, бугунги ёшлар ўз ота ва боболари, оналари ва бувалари изидан бориб, улар эгалламаган билимларни эгаллаши, уларнинг бошлаган буюк ишларига қўмаклашиши, ёрдамлашиши лозим. Бу йўлда улар чарчашиб нима эканлигини билмасдан, билим чўққиларини эгаллаши, акл ва мустақил тафаккурлаш билан қуролланмоқликлари лозим. Ҳар бир ёш ўз қадамини дадил ташламоғи учун ҳақиқий билимдон бўлиши давр талабидир. Билимли кишилар йўлда қоқилмайдилар, улар хунар ўрганадилар, сиёsat билан шуғулланадилар, маданиятни яратадилар.

Вақтида цивилизацияни ифодалаш учун: «қанча кўп билсанг шунча кўп қодирсан», деган иборани айтилганлиги бежиз эмас. Шундай экан, улуғворликка йўллайдиган омил-билимдонликдан четда қолмасдан, унга эътиборсизлик қилишга чек қўйиш лозим. Билимдон бўлишнинг манбай жиддий билим олиш эканлиги сизга сир эмас. Порлоқ ҳаёт билимдонлар қўлидадир. Билимдонлар забт этувчиладир. Ахир инглиз философи Ф. Бэкон «Билим-куч, куч эса билимдадир» ёки «Билим ва қудрат-иккови эгизак» деб бежиз айтмаганда!

Биз қанчалик билимдон бўлсақ, ўзлигимизни шунчалик яхши англаймиз, миллий ғуруримизни ўстирамиз, акс ҳолда, барча нарса бизга бегона бўлиб қолаверади. Олам чексиз бўлганидек, билим ҳам чексиздир. Билган сари билимдоннинг чегараси кенгаяверади. Билимдон билими кенг бўлса ҳаёт қийинчиликларини ҳам енгилроқ ўтказади. Зиддиятларни осон ечади. Теварак-атрофдаги турли жараёнларни билим орқали кўпроқ кўриб, хулосалар қилиш ҳар бир кишини жоҳиллик, ялқовлик, бефарқлик, бокибекамликдан узоқлаштиради. Бу хислатлар, аслида, инсонга ёт бўлсагина, у юксак маънавият эгаси бўла олади.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 18-бет.

Халқимиздаги «Олим бўлсанг-олам сеники», «Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар», «Билимли ўзар, билимсиз тўзар» каби мақоллар шу мазмунга эгаки, уларнинг мағзини чаққан сайин билимдонлик нима эканлиги янада яққолроқ қўз ўнгимизда гавдаланади. Бу соҳаларни ҳар бир инсон ўзида мужассамлантирас экан, маънавий камолотга эриша боради.

Маънавий камолот ва билимнинг манбаи китоб билан боғланган. Китоб бўлмаса, уни ўқиб, уқмаса, билимдонлик шаклланмаслиги сир эмас. Доноликни ва билимдонликни ўргатиш, сақлаш ва тарқатиш ана шу китобларга ҳам боғлиқ. Китоб фақат ўтмишни билиш учун эмас, балки келажакни ҳам белгилаб берувчидир. Китоб ижод қилиш манбаидир. Шу билан бирга китоб ўқиши ҳам меҳнатдир, ҳам бекорчиликнинг кушандасидир. У инсонларга кулфатлардан қутулиш йўлини кўрсатгувчидир, ўз вақтида улуғ дўстдир ҳам. Мутафаккир Абдураҳмон Жомийнинг қуидаги фикрлари ҳам бебаҳодир:

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,  
Ғамхўринг бўлгай, у ғамли замонда.  
У билан қол, танҳо хеч бўлмас озор,  
Жонингга юз роҳат, беради такрор.

Ёки Ризоуддин ибн Фахрутдин китоб тўғрисида шундай фикрни айтади: «Гўзал китоблар ажиб нарсаларни кўрувчи кўзгу, авлоқда сирдош, ёлғизликда дўст, ожизлик вақтларда ёрдамчи, ҳасратда шодлик келтирувчи, фикрларни нурлантирувчи, ўтган замон ахволидан сўзловчи, умматлар воқиотини ҳикоя этувчи, ақлли кимсаларнинг ақлларини кўзларига кўрсатувчи, оз ҳақли, кўп фойдали нарсадир» демак, китоб инсонни билимдон қилишда асосий манбадир. У одоб-ахлоқка чорлайди. Маслаҳат беради. Иродани мустаҳкамлайди. Бу фикрлар инсон фаолиятига оид бўлса ҳам, зеро у, жамият учун ҳам фойдалидир. Юқорида таъкидлаганимиздек, маънавий камолот тараққий этган жойда жамият тараққиёти юксак даражага кўтарилади. Шу жамиятда яшовчиларнинг моддий фаровонлигини ҳам оширади. Инсонни юксак маънавиятга етаклайдиган китоблар, асарлар, ривоятлар, асотирлар алломаларимиз томонидан бизга маънавий мерос қилиб қолдирилган.. Улар инсоннинг юксак маънавиятли ва билимдон бўлиб шаклланишига яқиндан ёрдам бериб келаётир.

## **14.2. Дўстликнинг шаклланиши ва унга садоқатлилик омиллари**

Инсоният, олами мавжуд экан, дўстлик инсонлар ўртасида барқарор ҳукм сураверади. Шу сабабли бўлса керак, буюк алломаларнинг деярлик ҳаммаси, ҳар даврда ўз асарларида дўстлик қирраларини эзгу ният билан мадҳ этганлар. Абу Наср Форобий, Ал Хоразмий, Абулқосим Фирдавсий, Абу Абдулло Рудакий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Амир Темур, Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур, Муқими, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар ўғли, Абдулла Қодирий, Уйғун, Ғафур Ғулом, Собир Абдулла ва бошқалар шундай алломалар қаторига киради. Уларнинг ғояларида дўстлик муаммолари устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Дўстликнинг шаклланиш мезонлари ҳақида сўз юритар эканмиз, ислом дини ҳам ўз диққат эътиборини бу ноёб муаммодан четда қолдирмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифларнинг мазмунида дўстлик мезонлари етакчи ўрин эгаллаган. Айниқса, шахслар ва халқлар ўртасида дўстлик муносабатларини ўрнатиш ҳақида ҳақиқий, инсоний фикрлар борки, бу фикрлар ҳар бир инсонга тааллукли, мисли кўрилмаган ҳаётий насиҳат ва кўргазмалардир. Жумладан, ҳадисларда: «Ҳеч ким ҳеч кимдан ортиқ эмас», «Ўзингга назар қил. Сен қизил ёки қора танли одамлардан афзал эмассан, балки тангридан қўрқишиш ва тақво билангина фазилат зиёда бўлиши мумкин», «Бўлинниб кетишдан сақланинглар», «Кимки қўпчиликдан ажралса, дўзахга йўл олган бўлади», деган насиҳатлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Соф дўстлик инсонларни бир-бири билан маънавий жиҳатдан мустаҳкам боғлайди, инсоний фазилатларни мукаммал шакллантиради. Аммо, шаклланган дўстлик қанчалик мустаҳкам бўлмасин, хатолардан ҳам холи бўлмайди. Чунки, хато қилиш инсон хусусиятидан келиб чиқади. Буни тан оламизми ёки йўқми, у қўпчиликка хос бўлган нуқсондир. Дўстлик жараённида йўл қўйилган ҳолатларни дўст тутинган инсонларнинг ўзлари бир-бирини тушунган ҳолда ҳал этиши, келишувчилик йўлини танлаши натижасида шу дўстликни мустаҳкамлаши мумкин. Бу жараён айтилишга осон бўлса-да, анча мураккабдир. Шундай экан, дўстликнинг шаклланиши кўпгина жараёнларни қамраб оладики, бу жараёнлар ўта хилма-хил бўлиб, ўзаро алоқада ва боғланишдадир. Бу алоқа ва боғланишлар аниқроқ айтилганда, ўзаро таъсир этиш натижасида дўстликнинг бир бутун ҳис-туйғуга айланишига ёрдам беради. Демак, дўстликнинг шаклланишида дўстлар ўртасидаги самимийлик муҳимдир. Дўстликда самимийлик етакчи ўринни эгалласа, дўстликнинг умри узоқ бўлади, ишига нисбатан ишонч ҳам сезилади. «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди» қабилида иш кўради. Аслида дўст танлаш, дўст тутиниш муаммоси энг нозик муаммодир. Бу фикр Эркин Воҳидовнинг қўйидаги ҳикматларида ўз ифодасини топган:

Дўст қидир, дўст топ жаҳонда,  
Дўст юз минг бўлса оз.  
Кўп эрур бисёр душман  
Бўлса у бир дона ҳам . . .

Бу мисралар ҳар бир инсонга тааллуқли. Албатта, дўст бўлишни мақсад қилиб, манфаат орқасидан қувиш ҳам юксак маънавийликка кирмайди, у оилавий муносабатларда, жамоа ва меҳнат қилиш жараёнларида, кишининг бошига бирор мусибат тушганда, узок сафарга чиқсан пайтларда секин-аста шаклланади. Зоро, дўстлик инсоний фазилатларнинг энг нозик томонларидан келиб чиқадиган ва инсон учун зарурӣ, муқаддас ҳис-туйғулар йифиндисидир.

Дўстлик туйғуси, ўртоқлик, биродарлик, ҳамфирлик, касбдошлиқ, қонқариндошлиқ каби инсонларга хос хислатларнинг кўпчилигидан фарқ қиласди. Ҳақиқий дўстлик бу хислатлардан бир неча бор устун туради, десак хато бўлмайди. Албатта, дўстлик ана шу хислатлар заминида ҳам шаклланади, такомиллашади, мустаҳкамланади. Дўст орттириш, топиш маълум вақт ёки маълум хизмат кўрсатиш билан чегараланмайди. Инсонларга нисбатан мурувват, ғамхўрлик қилишдек ҳис-туйғуларга бой инсонлар кўпроқ ҳақиқий дўст орттирадилар.

Дўстлик ҳис-туйғулари ҳаммада ҳам бир хил шаклланмайди, албатта. Дўстлик қирралари, ришталари, негизлари сон-саноқсиз бўлгани учун ҳам барча инсонлар унга турлича ёндашадилар. Лекин, қирралари қанчалик кўп бўлмасин, дўстликнинг шаклланишидаги асосий сабаблардан яна бири бу меҳр-мухабbat билан суғорилган ўзаро яхшилик муносабатидир.

Шу ўринда Муҳаммад Жабалрудийнинг ўйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: «Эй, азиз инсон, агар сен ўзгалардан яхшилик кўрай десанг, фақат яхшилик қил!

Дунёда топай десанг омонлик,  
Бирога заррача қилма ёмонлик!

Демак, яхшиликни, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, уни бировлардан дариф тутма. Арзимаган бир яхшиликни ҳам бировга қиласманми деб ўйланиб ўтирма! Дунёда ким нимаки экса, ўшани ўради», - деган улуғвор ва мафтункор сўзларига эътиборни тортсақ, бунда фалсафий мазмун ётишини сезамиз. Яхшилик ҳақиқатдан ҳам маънавиятни юксалтирувчи омилдир. Яхшилик асосида қурилган дўстликнинг умри узок ва боқийдир.

Дўстликни шаклланишининг омилларидан яна бири ширин сўзлиkdir.  
Ҳазрат Алишер Навоий уқтиришича:

Сўздирки, нишон берур ўликка жондин,  
Сўздирки, жонға берур хабар жонондин.  
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,  
Билгилки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.  
Пўлат Мўмин эса, ширинсўзликни қуидагича таърифлайди:  
Энг авало, иссиқ салом - ширин сўз,  
Одам учун чин эҳтиром – ширин сўз,  
Дилга берар завқу ором ширин сўз,  
Беморни ҳам этар соғлом ширин сўз,  
Одат бўлсин, хуллас калом ширин сўз.

Маънавий камолотнинг кўп жиҳатлари, аксарият ҳолда, сўзлашиш жараёнида кўринади. Сўз билан душманни ҳам лол қолдирса бўлади. «Яхши сўз билан илонни ҳам инидан чиқариш мумкин», -дейди халқимиз. Бу фикрлар ҳаёт чиғириқларидан ўтиб халқ орасида барҳаёт ўрин олган, ўлмас мулоҳазалардир. Шу сабабли, бундай мақол ва мантиқан бой фикрларга эътибор қилмай иложимиз йўқ. Демак, аввало, дўст истар эканмиз, сўзлашишнинг ноёб томонларига эътиборимизни қаратишимиш лозим. Сўз ширин ҳис-туйғуни йўқотишга ёки тиклашга олиб келади. Кези келса сўз ҳам тирилтиради, ўлдиради ҳам, сўз баъзида малҳам, баъзида заҳар. Унинг қудрати, қандай, қайси шароит, ҳамда қайси мавзуда қўлланилишига боғлиқ. Дўст орттираман, деган инсон дилидагини ўз сўзи орқали ифодалар экан, бу жараён энг муҳимдир. Сўзлашувчи томонлар камтарлик билан ўз бурч ва ҳукукларини тўла ҳис қилган, англаган ҳолда, юксак хурмат билан танланган соҳада фикр юритсалар, дўстликка асос қўя бошлайдилар. Зеро, мавзуга қараб оддийлик, дилкашлиқ, жонкуярлик, ҳалол ва ростгўйлик, қатъиятлик: талабчанлик, хушмуомалалик, самимилик асосида суҳбатлашиш ўзаро яқинлашувга ёрдам берадики, булар дўстлашишнинг маълум томонларини ташкил қилади. Агар инсоннинг ўзи ширинсухан, ахлоқ-одобли, самимий бўлса, дўстлар орттирганини ҳам сезмай қолади. Таъкидлаганимиздек, дўстни манфаат кўриш учун излашга ўрин қолмайди.

Дўстлик шаклланиши оила муҳити ва шароитидан келиб чиқади. Оилавий муносабатлар, ўзаро илиқ муомалалар, ҳамфирлик, ўзаро хурмат бўлиши, оила қийинчилик заҳматларини бирга барҳам кўриш хислатлари борки, булар ҳам дўст топиш ва дўстга эга бўлиш жараёнларини муҳайё қилмай қолмайди. Аввало, оиладаги ҳар бир аъзо, оиланинг маънавий ва иқтисодий соҳаларини тўғри тушунмас экан, оиласда ўсган фарзанд дўст топишда қийналиши турган гап. Шу сабабли, бунга айниқса, оила бошлиқлари, она ва отанинг ўрни бекиёсдир. Ота-она ўз ҳаётидаги инсонлар билан ўз фарзандларини танлаган йўлларига вақтида қатиққўллик, баъзан меҳрибонлик билан бошқармас экан, кейинчалик кўп қийинчиликларга дуч келадилар. Минг афсуслар бўлсинки, ҳаётда шундай фарзандлар учрайдики, улар на қатиққўлликни, на

мехрибонликни тушунадилар, биладилар. Бундай фарзандлар қабиҳ ниятлари олдида ота-онанинг насиҳатига қулоқ солиш тугул, балки улардан воз ҳам кечадилар. Ҳаётдан маълумки, баъзи ота-оналар фарзандларини дўст орттиришларини истаб барча шароитларни яратишга ҳаракат қиласидилар. Лекин, бу ҳаракат ҳамиша ҳам яхши натижа беравермайди. Ўша фарзандлар яратилган шарт-шароитларни мукаммал тушуниб етмайдилар. Улар мавжуд шароитлардан оқилона фойдаланиб дўст орттириш тугул, балки ота-онани, қавм ва қариндош, дўст, ёр-биродарлар олдида бошларини эгдирадилар, ота-онанинг қолган умрига завол бўладилар. Енгил-елпи пул топиб, шахсий манфаатлари учун яшайдилар. Ҳакиқий дўст орттиришга ҳаракат ҳам қиласидилар. Улар билмайдиларки, қандайдир йўллар билан топилган бу арзимаган ҳаром пуллар дўстлик қирраларининг бир қисмини ҳам қопламайди. Ота-онанинг меҳр тўла ҳаракатлари ўрнига, уларни зор қақшатиб қилинган бу саъй-ҳаракатлари билан уларнинг қалбига кўринмас маънавий ханжар урадилар.

Келажакда, бундай ёшлардан бирорта ҳақиқий дўст бўлиши амри маҳолдир. Бундай ёшлардан нафратланиш ўринлидир. Сабаби, ҳамма вақт бу соҳада «оқни қора» деб кетавериш ҳам тўғри эмас. Бизнингча, бундай хислатга эга бўлган фарзандлар, дўстликни маънавий томондан ажратиб қарайдилар. Дўст ва душманни ажрата ололмайдилар. Ўз нодонликларини эса умуман тушунмайдилар. Нодонлик билан дўстлик аломатларининг пайдо бўлишини сезиш қийиндир.

Фарзандлар дўстлиги боғчадан бошланади. Биргаликда туғилган кунларни ўтказиш ёки ҳайвонот боғларига бориш, мультфильм кўришлар эндиликда одат тусига кириб қолдик, ана шу жараёнлар ҳам бола хаётидаги муҳим ҳодисалардир. Шу жараёнларда дўстлик туйғулари шакллана бошлайди. Боғчалардаги бу умумий шароитлар мактабга борган боланинг дўст орттириши учун асосдир. Ўз навбатида, мактабдаги дўстлик бошланишида синф раҳбари ва тарбиячининг ўрни, айниқса, муҳимдир.

Синф раҳбари ёки тарбиячи ўқувчиларни бирлаштиради. Уларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга чорлайди. Ўтказилаётган тадбирлар кўпроқ дўстликка бағишлиланган соҳалар билан олиб борилса ўқувчилар ўртасида дўстлик ҳам абадий бузилмас бўлиб қолади. Шу жараёндан баҳраманд бўлган ўқувчилар олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида ўқиш, корхоналарга ишлаш учун тарқаб кетган пайтларида ҳам, вақти-вақти билан учрашиб, ўзаро мулоқотда бўлиб юришлари, бир-бирларининг ахволларидан хабардор бўлиб, оғирларини енгил қилиб юрганларининг гувоҳимиз.

Дўст орттиришнинг муҳим омилларидан яна бири юксак ахлоқлилиkdir. Ахлоқ тўғрисида қадимги турк ёдгорликларида, «Авесто»да, диний китобларда, қадимги турк ёзувларида кўп фикрлар билдирилганлиги бежиз эмас.

Айнан, пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳу алайҳи васаллам юксак ахлоқли бўлганликларидан у киши Аллоҳ томонидан танлаб олинганлиги тўғрисида ривоятлар бор. У кишининг ҳусни, ахлоқ - хулклари ҳар жиҳатдан камолотга етган, мукаммал бўлган. Аллоҳ таоло «Нур» сурасининг тўртинчи

оятида пайғамбар алайхиссаломни мақтаб: «Сен чиндан ҳам юксак ахлоқ әгасисан» деган. Пайғамбар алайхиссаломнинг ўзлари «Мен гўзал ахлоқлиларни камолига етказиш учун юборилдим», - деганлар. Анас (р. а): «Расулуллоҳ энг гўзал ахлоқ әгаси эди»<sup>1</sup>, - деганлар. Ана шу ахлоқ туфайли, пайғамбарамизнинг дўстлари у кишининг ғояларига умрларининг охирларигача содик қолганлар, десак хато бўлмайди.

Ўз навбатида, дўстликнинг шаклланишида ишонч ҳам инсонларнинг кўнгил, дили ва қалбини боғловчи ғоят муҳим кучdir. Ўртада ишонч хислатлари пайдо бўлганидан сўнг одамлар бир-бирларига ихлос қўя бошлайдилар. Ишонч наздида ҳалоллик,adolat ва соғ виждонлик, поклик, сўз ва ҳаракат бирлиги каби инсоний хислатлар ўз ифодасини топган. Ишонч негизлари бу инсонлар меҳрини қозониш, қария ва ногиронларга ёрдам кўлини чўзиш, улардан хабар олиш, доимо улар билан мулоқотда бўлиш, ўз сўзининг устидан чиқиш, вафодорлик қилиш, бироннинг оғирини енгил қилиш демакдир. Қаллоблик қилиш ишончнинг тескари томони сифатида, хурматни йўқотишга олиб келади. Ишонч сўзи араб тилидаги «иймон» сўзидан келиб чиққанлиги ҳам бу сўзнинг моҳият жиҳатидан жуда мазмунга бой, мўътабар эканлигидан далолатdir. Иймонлик кишини мўмин, дейдилар. Ўз навбатида иймон келтирган одам ишончли одамдир. Иймон-инсон қалбининг гавҳаридир. Унинг бор мазмуни инсонни дўст бўлиб яшашга, иноқликка, яхшиликка, ҳалолликка ундейди. Таъкидлаш лозимки, Аллоҳ таолога келтирилган иймон ҳар бир мўминни даҳшат ва кулфатлардан сақлашга ёрдам беради, деб ривоят қиласидилар. Демак, иймон ёки ишонч инсон қалбидаги кўринмас маънавий кучdir.

Ишонч инсонни ақлий жиҳатдан бойитади. Ишонч тақозоси билан ўз ҳаётини қурган инсонлар маърифатли инсонлар қаторига киради, чунки улар илм олиш натижасида олимликка эришадилар. Ишонч маънавиятли кишида бўлади. Таъкидлаш лозимки, инсонлар сенга ишонмас экан, ўзингга яхши дўст тополмайсан. Ишончни йўқотмаслик учун ҳар бир инсон инсофни ҳам йўқотмаслиги даркор. Демак, инсофлилик ҳам дўстликнинг шаклланишида муҳим омил ҳисобланади.

**Инсофлилик** ўзбек ҳалқининг энг яхши ахлоқий фазилатлариданdir. Инсофли бўлиш ҳаётнинг қийинчилик ва енгилликларини сезишга ёрдам беради. Инсофлилик кўпроқ ҳаётни чуқур тушуна бошлаганда кўзга ташлана бошлайди. Инсоф оқу-қорани таниш даврида шаклланади. У одамийликнинг шаклланишига таъсир қиласиди, чунки инсофли одам факат ўз манфаатини кўзламайди, балки, бошқа кишилар манфаатини ҳам ўйлади. Бошқалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш натижасида инсон хушнуд бўлади, баҳтига-баҳт қўшилади. Шу боисдан пайғамбарамиз: «Аллоҳга сифинаман деб, сўнгра инсофли бўл» деб зикр қиласидилар. Инсофсизлик қилиш инсонликка раҳна солади, дўстликка зулм қиласиди ва унга путур етказади. Тўғри, инсофни ҳамма ҳам бир хилда тушунмайди. Инсофсизлар тутинган йўл сохталикка, вақтинчалик иттифоқликка олиб боради. Инсофсизликка ружу қўйган

<sup>1</sup> Мұхаммад Кузарий. «Нур-ул яқин», Т.: «Чўлпон», «Камалак» 1992, 263-бет.

фаолиятда келажак ва самимият бўлмайди. Шу сабабли, инсофизлик ҳам гуноҳнинг бир туридир, десак хато бўлмайди. Буюк аллома Ризоуддин Ибн Фахруддин «... Гуноҳ унутилмайди, эзгулик ерда қолмайди, ҳар ким нима сепса, шуни ўради. Эзгулик қилишга шошилинг. Нафсингизнинг ҳамма истагини бажо келтиришдан чекининг. Хайрли ишлар учун саъй-ҳаракат қилинг»-дейдилар. Булар инсофлилик учун ажойиб ўғитлардир. Демак, инсофли бўлиш одамийликдир. Одамий бўлишнинг ўзи эса ҳалолликнинг келиб чиқиши учун асосий манбадир. Шундай қилиб, инсоний фазилат ҳаёт жараёнида пайдо бўлади, у туғма туйғу эмасдир. Инсофлилик туйғуси оиласдаги сингари мактаб, жамоа, жамият ривожланиши жараёнида пайдо бўлади. Ҳар бир ишда инсоф билан иш юритиш сахийлик ва камтаринликдан далолатдир. Фақат «Мен» деб туриб олиш, ўз манфаатини ўйлаш инсофдан эмас, балки муғомбирлик ёки очқўзликдир. Инсоф билан иш юритиш ютуқлар гаровидир. Инсоф бор жойда барака, қут бор.

Дўстликнинг шаклланишида вафодорлик, сир сақлаш, ўз молини дўстидан аямаслик каби хислатлар ҳам ўрин олади. Уларнинг бирисиз иккинчиси бўлмайди. Мутафаккир Муҳаммад Жабалрудий шундай таъкидлайди:

Ҳар дўстки, дилида уч хислат бўлмас,  
Кеч ундан, дўстликка асло арзимас.  
Бири вафодорлик, бири сир сақлаш,  
Бири-молин сендан аямаса бас!<sup>1</sup>

Дўстлик масофага ҳам боғлиқ эмас. Узоқ жойларда яшаган кишилар дўстлиги ҳам абадий ва мустаҳкам бўлганлиги кўпларга аён. Узоқдан туриб бўлса ҳам ҳақиқий дўстлар бир-бирининг шоду хуррамликларидан баҳра оладилар, ғамларига эса шерик бўла оладилар. Тарихдан бизга маълумки, Кот (ҳозирги Беруний) шаҳридаги Абу Райхон Беруний билан бухоролик Абу Али Ибн Сино ўртасидаги дўстлик аввал хат орқали дўст бўлганлар. Кейинроқ у абадий дўстликка айланди. Лекин, ҳаётдаги баъзи воқеалардан кўз юмиб бўлмайди. Шундай дўстлар борки, бир-бирларини ҳар куни кўриб турсалар ҳам, дўстларида кўп хислатларини яхши билсалар ҳам, дўстлари тўғрисида кўр-кўронга мадҳиялар айтиб, бир-бирларини давраларда мақтайдилар. Лекин давра ниҳоясига етиб, уй-уйларига тарқалиш арафасида ўзлари мақтаган дўстларининг ғийбатини ҳам қила бошлайдилар. Бошига мусибат тушганда эса, турли сабаб ва важларни кўрсатиб, бўлган воқеадан ўзларини узоқ сақлайдилар. Шу сабабли, дўст бўлиш учун, албатта, иккала томон ҳам дўстликнинг қадрига етиш мақсадида ҳаракат қилиши ниҳоятда зарур. Камчиликларни сезган дўст, бу камчиликларни дўстнинг ўзига айтмасдан, устидан кулиб юриши, ғийбат қилиши, ҳатто ғойибона душманлик қилишгача бориб етиши унинг қалбаки дўст эканлигидан далолат беради. Шу ўринда Муиниддин Жувайнининг қўйидаги байтини эсламоқ даркор:

<sup>1</sup> Одоб бўstonи ва ахлоқ гулистони. Т.: “Фан”, 1996, 46-бет.

Ҳар кимсага таъна тошини отма,  
Гарчи бўлса ҳамки қайсар ёки шум!  
Айбиз дўстларни топмоқ муаммо,  
Айтчи, хатолардан ким поку маъсум?  
Ҳар ким дўстларига хушфеъл бўлмаса  
Дўстлик иззатидан бўлади маҳрум<sup>1</sup>.

Демак, арзимаган камчиликдан хулоса қилиб, йиллар давомида тўпланган ҳурмат, иззат, дўстликни йўққа чиқариши мумкин. Зеро, ундан дўстлик соғ ҳолда шаклланмаган. Бундай жараёнлар ўқувчиларимизда ҳам бўлишига шакшубҳа йўқ. Афсуски, инсонлар кўпроқ дўстликнинг маълум ёшга етгандагина қадрига ета бошлайдилар. Аммо, бу пайтда «сувдан ғалвир кўтарилигани» бўлади. Дўстлар ҳам сийраклашиб қолади. Бизнингча, бу ҳам бир ҳаёт оқимиидир. Шу сабабли, ёши катта кишилар, ҳаёт тажрибасига эга бўлганлар, ўқитувчилар, мураббийлар ўз ўқувчи ва талабаларини, раҳбарлар эса ўзларининг ёш ходимларини ҳаётнинг бу чигалликлари билан ўз вақтида таништириб, тушунтириб борсалар, келажак авлодлар хатоларни камроқ қилсалар ажаб эмас. Бундай ёндашиш одамлар ўртасидаги умумий бирликни, хусусан, дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Тўғри, дўстликни ифодалаш, уни ёритиб бериш кичкина ҳажмдаги параграфда мушкул ишдир. Шу ўринда айтиш лозимки, имконият бўлганда буюк шахслар ўртасидаги дўстликлар, дўстликнинг ижтимоий томонлари, муҳаббат билан дўстлик ўртасидаги жараёнлар, қалбаки дўстликлар тўғрисида, дўстликни эъзозлаш ва уни ривожлантириш, муқаддаслаштириш соҳаларида жуда кўп фикрларни ҳам айтиш мумкин эди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шоир Эркин Воҳидовнинг «Дўст қадам қўймас эса, вайронадир кошона ҳам», -деган оқилона фикрларини эсдан чиқармаслик айни муддаодир.

---

<sup>1</sup> Одоб бўstonи ва ахлоқ гулистони. Т.: “Фан”, 1996, 55-бет

**14.3. Алдамчилик, иккизламачилик, мұғомбирлик, жохиллик тубанлық белгиларидір**

Инсонлар фаолиятида учраб туралынан шундай хислатлар ҳам борки, бу хислатлар яхши, юксак маънавиятлилик кишилар хислатларига сира ҳам тўғри келмайди. Шу каби хислатларга алдамчилик, иккиюзламачилик, муғомбирлик, порахўрлик, адолатсизликлар киради. Бу соҳаларда ҳам юқорида таъкидланган асарлардан жуда кўп ҳикматларни олсак бўлади. Қадимги даврларда алдамчилик, иккиюзламачилик, муғомбирлик, порахўрлик, адолатсизликларга қарши насиҳатлар қилган ва ўз фаолиятларидан мисоллар келтирган кишилар кам эмас. Шу сабабли, уларнинг номлари асрлардан-асрларга ўтиб келаётир. Буларга мисол қилиб, Нўширавон, Жамшид, Хорун ар-Рашид, Ҳушанг Хорун, Луқмон, Ҳотам, Бузургмехр, Кайковус каби машҳур образларни олиш мумкин. Булар ҳаётидаги яхшилик ва эзгулик, сахийлик, олижаноблик, камтаринлик, ботирлик, ҳалоллик хислатлари кишиларни юксак маънавиятга чорлайди. Жумладан, Ҳотам ибн Той, яъни Ҳотами Той бошидан кечирганлари, унинг саргузаштлари фақат Арабистонда эмас, балки дунёning ҳар бурчагида тиллардан-тилларга, эллардан-элларга ўтиб юриб, инсониятни алдамчилик, иккиюзламачилик ва бошқа салбий хислатлардан узоклашишга чорлайди. Эзгу ниятларнинг устунлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Шу сабабли, А. Навоий ўзининг деярлик барча асарларида кишилардаги бу хислатларни йўқ қилишга чорлаб, уларни қаноатли бўлишга, таъмагирлик ва нокасликдан узоқ бўлишга чақириб, жоҳиллик ва нафс, ўзига бино қўйишларни қоралайди. Бу ўринда ҳазратнинг фикрларини келтирсак фойдадан холи бўлмайди:

«Қаноат-бир чашмадирки, олган билан унинг суви куримайды: у бир хазинадирки, ундаги бойлик сочилған билан камаймайды. У бир экинзордирки, уруғи иззат ва шафқат хосилини беради, у бир дарахтдирки, унда қарам бўлмаслик ва хурмат меваси бордир. Қаноат бир қўрғонки, унга кирсанг нафснинг ғалвасидан қутуласан. Қаноат бир чўққики, унга чиқсанг, дўст душманга муҳтоҗлиқдан халос бўласан.

Таъмагирлик ва нокаслик шундай ёмон феълки, улар гўё икки ёқимсиз эгизакдир. Униси бундан ёмон-буниси ундан ёмон, иккаласи ҳамма ёмондан-ёмон. Буларнинг бири нокас ва бирининг иқболи паст иккаласининг моҳияти бирдир»<sup>1</sup>, ёки «такаббурлик-шайтон иши ва манманлик нодон иши. Такаббур одам барчага ёқимсиз»<sup>2</sup> деб айтилиши бежиз эмас. Яна бир ривоят: қадимги Эрон шоҳларидан Хушанг ўз ўғлига васият қилиб айтади-«Эй фарзанд, иккиюзлама, ғаразгўй одамлардан ҳазар қил, уларни ёнингга йўлатма, чунки улар маъносиз даъво билан дўстлик лофини урадилар, яхшилик гавҳарларини ёмонлик ипига тизадилар. Маъқул ва мақбул ишларни қабиҳ, жирканчли либосга ўраб, ёмон шаклда сенга кўрсатадилар»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> А.Навоий. Маҳбуб ул қулуб. Т., 1983, 45-бет.

<sup>2</sup> А.Навоий. Махбуб ул қулуб. Т.: 1983, 90-бет

<sup>3</sup> Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Т.: 1988, 64-бет.

Аллома Арасту айтади: «Тўғрилик учун қурбон бўлиш-ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан кўра хайрлидир». «Ёлғончи кишидан яхшилик, вафолик кутиб бўлмайди».

Бу фикрлар инсонларни фақат яхшиликка чорлайди, ҳақиқатни, ҳалолликни тарғиб қиласди. Инсоний хислатлардан яна бири бу – ҳалоллиқдир. Ҳалоллик ва поклик ҳаромдан ҳазар қилиш, ҳақиқатгўй бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келаверамайди. Лекин, аксарият инсонлар бу хислатлардан холи эмаслар: ҳалоллик, поклик инсоннинг юксак маънавиятли бўлишига ёрдам беради. У алдамчилик, порахўрлик, муғомбирлик, иккиюзламачилиқ,adolatsizlik хислатларига қарши курашишга ундаиди. Шу сабабли, шарқ ҳалқлари адабиёти, ҳалқ оғзаки ижодида, Қуръону Карим ва Ҳадиси шарифларда ҳалоллик хислатларига катта эътибор берилган. Унда ҳаром, ҳариш, ўғирлик, босқинчилик қаллоблик, фирибгарлик, хиёнаткорлик, эгри қўллик, порахўрлик, муттаҳамлик билан топилган ва шахсий мулк қилиб олинган мол-мулк қораланган. Бундай йўллар билан топилган пуллар ва мол-мулкларнинг баракаси бўлмайди. Аксинча, қўрқув, даҳшат нотинчликни олиб келади. Доно ҳалқимиз бу соҳада ҳам ўз фикрарини айтиб келган: «Тез келган давлатнинг баҳоси бўлмас», «Ҳаром қўл аралашса, ҳалол қўлдан кетар», «Ҳаром жойда барака бўлмас», «Ўғирлик ош баданга юқмас», «Ҳаромни ҳаром чақирав» каби ҳикматлар фикримизнинг далилидир.

Иккиюзламачилик бу – ўз фикрига ишонмаслиқ натижасида келиб чиқкан бекарор, салбий фазилатдир. Ҳа, иккиюзламачилик инсондаги энг салбий хусусиятлардандир. Иккиюзламачилик деганда, дўст ва қавмлар олдида буқаламундек товланиб турувчиларни тушуниш лозим. Чунки, ҳайвон ҳам шароитга қараб ўз ранги ва турқини ўзгартириб туради. Иккиюзламачи, сўзидан ҳам сезилиб турибдики, унда муқимлик йўқ деган маъно чиқади, яъни шундай кишида турғун юз йўқ. Иккиюзламачиларни ёвуз ёки мунофиқларга ўхшатиш мумкин. Улар қабиҳ ишларни раво кўриб, ҳеч нарсани сезмагандай бўлиб, душман билан ҳам, дўст билан ҳам мулоқотда бўлиб юраверадилар.

Иккиюзламачилик меҳнат ёки маблағ талаб қилмайди, шу сабабли ҳам баъзи инсонлар енгилгина унга оғиб кетадилар. Баъзилар ўз манфаати олдида иккиюзламачилик қилиб одамларга хушомадгўй бўладилар. Хушомадни эса баъзи шахсларнинг ўзлари ёқтирадилар. Чунки, уларда ҳақиқий инсонийлик аломатлари камроқ бўлади. Иккиюзламачилар суҳбатларларда мустақил фикрни айта олмайдилар. Кўпга маълум бўлган фикрлар билан кифояланиб, уларнинг фикрини тасдиқлаб, ўша фикр билан чекланиб қўя қоладилар. Юксак маънавиятли киши ўз фикрига эга бўлиб, хушомадгўй ва мунофиқларни вақти келганда таъзирини бериши лозим. саъдий таърифича:

Ишонмагил маддоҳ, сўзамолларга,  
Заррача наф учун сени мадҳ этар.  
Бир кун муродин ҳосил этмасанг,  
Иккиюздан ортиқ айб санаб кетар.

Хулоса шуки, билимдонлик, вижданан поклик, дўстликка садоқатлилик, ростгўйлик ваadolatparvarlikни қарор топтириш инсонни юксак маънавиятли қилиб тарбиялайди. Маънавий баркамоллик эса комилликка етаклайди. Бу эса жамият ютуғига айланади.

**Таянч сўз ва иборалар:** билимдонлик, садоқатлилик, ростгўйлик, адолатпарварлик, тоталитар тузум, ифор, маънавий камолот, дўстлик, самимилик, ўзаро яхшилик, юксак ахлоқлилик, ишонч, соф вижданли, иймон, вафодорлик, одамийлик, ҳалоллик, инсоф, хурмат, иззат, алдамчилик, иккиюзламачилик, муғомбирлик, жоҳиллик, тубанлик, адолатсизлик, порахўрлик, таъмагирлик, нокаслик, такаббурлик, ғаразгўй, хақикатгўй, ҳаромхариш, қаллоблик, ёвуз, мунофик.

## **Ҳикматлардан намуналар**

Ёмон ишлардан ўзини эҳтиёт қилиб юрганларнигина билимдон, дейиш мумкин.

**Абу Наср Форобий**

Нодонлик бедаво дардир.

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.

Ёлғончилик кишиниadolатдан юз ўгириради.

Билиминг шундай нарсаки, у яланғоч бўлганингда ҳам ўзингда қолади, ҳаммомга кирсанг сув билан ювиб бўлмайди. Билим қайтариш ва такрорлаш мевасидир.

**Абу Райҳон Беруний**

Кудратлидир кимки бўлса билимдон,  
Билимдан кексалар дили навқирон.

Нодонликдан ёмонлик келади факат,  
Нодонга ёндошма, босмасин ғафлат.

**Абулқосим Фирдавсий**

Боқмас жаҳон совуқ сўз,  
Шилқим, юзсиз, баҳилга,  
Ёқимли бўл, хушхуқ бўл.  
Қолсин номинг кўп йилга.

**«Девону луготит турк»**

Жаҳолат аҳли бирла қурма сухбат,  
Етар ҳар дам бу ишдин жона заҳмат.

**Носир Хисрав**

Банда бўлсанг манманликни зинҳор ташла,  
Сахарларда жонинг қийнаб, тинмай ишла.  
Йўлдан озғон гумроҳларни йўлга бошла,  
Бир назарда дилларини сафо қилдим.

Хайфи одам ўз қадрини ўзи билмас,  
Манманлик қилиб, яхшиларни күзга илмас.

X X X

Ёмондан узоқ бўл, яхшига ёндош,  
Умринг зое кетгач, дилинг бўлур ғаш.  
Ёлғон бевикор қилур одамни,  
Ёлғон шармисор қилур одамни.

## **Тест топшириқлари**

- 1. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қачон қабул қилинган?**
  - а) 1998 йил 30 апрель;
  - в) 1997 йил 28-29 август;
  - г) 1996 йил 30 май;
  - д) 2000 йил 10 апрель;
  - е) 2001 йил 29 август.
- 2. «Кишининг билимдонлиги унинг тили орқали намоён бўлади. Ифорни яширса, ҳиди аён қилганидек, билимни ҳам яшириб бўлмайди, у сўз орқали маълум бўлаверади» деган фикр қайси мутафаккирга тегишили?**
  - а) Юсуф Хос Ҳожиб;
  - в) Алишер Навоий;
  - г) Комил Хоразмий;
  - д) Абдулла Авлоний;
  - е) Фитрат.
- 3. Қуйидаги манбалардан қайси бирида билимдонлик, дўстликка садоқатлилик, ростгўйлик каби хислатлар улуғланади?**
  - а) ҳадисларда;
  - в) марсияда;
  - г) эртакларда;
  - д) достонларда;
  - е) А ва Г.
- 4. Давлат томонидан неча йиллик умумтаълим бериш кафолатланган?**
  - а) 11 йиллик;
  - в) 12 йиллик;
  - г) 9 йиллик;
  - д) узлуксиз таълим бериш;
  - е) 8 йиллик.
- 5. Конституциянинг қайси моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳукуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади» дейилган.**
  - а) 40 – модда;
  - в) 41 – модда;
  - г) 42 – модда;
  - д) 38 – модда;
  - е) 37-модда.

**6. «Билим – барча кулфатларга қалқон» деган фикр қайси мұаллифға тегишли?**

- а) Пьер Лаплас;
- в) Ф. Бэкон;
- г) А. Рудакий;
- д) А. Навоий;
- е) Фирдавсий.

**7. Қуйидаги асарларнинг қайси бирида күпроқ, дўстлик, ростгўйлик, адолатпарварлик сифатлари кенг ёритилган?**

- а) «Фарход ва Ширин»;
- в) «Бобурнома»;
- г) «Камила ва Димна»;
- д) «Зафарнома»;
- е) «Темур тузуклари».

**8. Қуйидаги ҳикматли сўзлардан қайси бири донишманд халқимизнинг ҳалолликка, покликка чорловчи ўгитларидан саналанади?**

- а) «Тез келган давлатнинг баҳоси бўлмас»;
- в) «Ҳаром қўл аралашса, ҳалол қўлдан кетар»;
- г) «Ўғирлик оши баданга юқмас»;
- д) «Ҳаромни ҳаром чақиради»;
- е) барча жавоблар тўғри.

**9. Иккиюзламачилик бу –**

- а) ўз фикрига ишонмаслик натижасида келиб чиққан беқарорлиқдир;
- в) ўзгалар фикрини тан олмаслик;
- г) ўзгаларни менсимаслик;
- д) ўзига бино кўйиш;
- е) «ҳамелон»га ўхшаш.

## **15-мавзу: Иймон, эътиқод, диёнат, меҳр-шафқат, поклик ва ҳалоллик, шахснинг олижаноб фазилатлари**

### **15.1. Иймон - шахс қалби ва маънавий қиёфасининг ифодаси**

«Иймон» арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси «ишонч» демакдир. Дин нуқтаи-назарда, барча фикрларга ишонч ҳосил қилиниб тил билан иқор этишлик, ҳамда дил билан тасдиқлашга иймон деб аталади. Иймон мўмин мусулмон киши томонидан ислом динидаги 5 фарздан биринчисини ақл билан идрок этиши демакдир. Шу билан бир қаторда муқаддас китоб Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар орқали Оллоҳ тўғрисидаги барча-барча ваҳийларни, пайғамбаримиз орқали бандаларига етказилганига ишониш, ҳам ишонч-иймондир. Диний эътиқод орқали мушоҳада қилинганда: Оллоҳни инкор этиш ёки унга ишонмаслик энг катта иймонсизлик гуноҳи азим бўлса, унга иймон келтириб, ишониб у яратган жамики ер юзидаги ноз-неъматларга шукур қилишилилек бу жуда катта савобли ишлардандир. Эътиқодли, иймонли бўлиш учун инсон турли ижобий жиҳатларни ўзида мужассамлаштириб онгли равишда англаб етса, у инсонни эътиқодли деб эътироф этади. Эътиқод – бу ўз фикр ва қарашларга эга бўлган, кишиларга нисбатан ҳурматсизлик қилмасдан, уларни ҳам ўзидек билиб, уларга риоя қилишиликдир.

Диний жиҳатдан Оллоҳ таолонинг ҳақлигига, Муҳаммад алайҳиссалом унинг ердаги вакиллигига дил-дилдан иқор бўлишилилек эътиқодга боғлиқдир. Эътиқод, ҳаракат қилиш, танланган йўлида фаолият қўрсатиб ўз ғайратлилигини хаётда қўрсатишдир. Буюк бобокалонимиз Ал-Замахшарий айтганларидек «Ҳаракат заиф бўлган жойда, кучли билим фойдасиздир. Ҳаракатсиз билим – ипсиз камон ўқидир». Демак, ютуқларимизнинг гарови ҳаракат ва эътиқоддадир.

Таъкидлаганимиздек, бу фикрларимиз-иймон, яъни буюк фазилатнинг кирраларидан биридир. Эътиқод тушунчasi ҳам диний ва дунёвий талқинларга эга. Иймоннинг дунёвий талқини инсон маънавий камолотининг ўзаги ҳисобланади. Дунёвий эътиқод, дунёдаги барча ўзгаришлар, ҳаракатлар билан муштарак бўлгандагина, олижаноб инсоний фазилатлар маънавий иймонни сермазмун-сержило қиласди.

Иймонли, эътиқодли бўлишилилек натижасида келажак учун улкан мақсадлар туғилади, яъни келажакни қалб кўзи билан кўриб, ақл билан идрок этади. Бу инсоннинг руҳий, маънавий баркамолликка интилишининг натижасидир. Дунёвий мазмундаги иймоннинг натижаси ҳам инсонни улуғлайди, уни олижаноб шахс сифатида кўрсатади.

Дунёвий эътиқод баркамолликни тўлдиради, бойитади. Дунёвий фазилатлар билан инсон ўзини маърифатли қиласди. Дунёвий эътиқод Республикализнинг мустақиллик шароитида вужудга келадиган ҳар хил ижтимоий, маънавий, иқтисодий соҳаларни ўрганишни ҳам зарурий қилиб қўяди. Инсоннинг маънавий камолотга етишишининг шарти, омили бу-диний ва дунёвий эътиқод қирраларидир. Қачонки, биз юксак диний ва дунёвий

эътиқодга эга бўлган шахслар билан жамият қурсак, шундагина ўша жамият ҳар томонлама етук ва илғор жамият бўла олади.

Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун, эътиқодли маънавий баркамол, комил инсонларни тарбиялаш зарур. Зеро, ҳақиқий эътиқодли киши ўзи яшайдиган уй, кўча, маҳалла, туман, мамлакат ва давлатга меҳр кўзи билан боқиб унинг келажаги учун қайғурадиган олижаноб инсонлардир. Бинобарин, И.Гёте айтганидек: «Жиддий, теран, ҳақиқий ирова, энг аввало, мақсадга эришишга ишонч тасаввури билан уйғунликда ифодаланади».

Инсонларда ҳақиқий ирова, олий фазилатлар: эътиқод, икрор ва амал боғланганда, у келажакка ақл кўзгуси билан боқади. Давлатига, халқига меҳр-муҳаббат билан қарайди, керак бўлса, жонини ҳам фидо қиласди.

Юксак маънавиятли инсонни шакллантириш, бу эътиқодли-иродали инсон етишириш билан боғлиқ. Иродали, қатъиятли инсон жамият бойлигидир. Жамият роҳатидан баҳраманд бўлган инсон ўз фарзандларида ҳам иймон, эътиқод ва диёнатлиликни қарор топтиради. Бу дегани, ота ва бола ўртасидаги меҳр-оқибат муносабатни такомиллаштиради. Маънавий камолотга етишишнинг асосий мезони иймон, эътиқод экан, демак уларни шакллантириш зиёлилар иродаси ва қатъиятлилигига ҳам боғлиқ. Аммо, ушбу жараён ўз-ўзидан бўлмайди. У улкан ишонтира билиш меҳнатини талаб қиласди.

Келажакка ишонч, иймон, эътиқод, диёнат меҳр-шафқатли бўлишга боғлиқ. Аслида «Иймон алоҳида бир фазилат эмас, балки инсонга хос бўлган етук маънавият нормаларининг муайян тизимиdir. Иймонли одам комил инсон бўлади. Демак, иймон комил инсонийликни ифодаловчи барча фазилатларни ўз ичига олади»<sup>1</sup>.

Президент И.А.Каримов Ўзбекистоннинг келажаги буюк, деган эзгу ниятни ўртага ташлади. Бу эзгу ниятга ҳам иймон, ишонч, эътиқод орқали, шу билан бирга тинимсиз меҳнат, ҳаракат туфайли эришиш мумкин. Йиллар ўтиши билан Ўзбекистон ўзининг иқтисодий, сиёсий, маданий салоҳиятини ошира боришига иймонли инсонлар ёрдам беради. Буюк давлатга эга бўлиш фақат иқтисодий жиҳаттагина боғлиқ эмас. Тўғри, иқтисодиёт етакчи ўринга эга. Лекин, иқтисодиётни ривожлантиришга бел боғлаган мутасаддилар биринчи галда иймон, ҳалоллик, поклик, ижобий вижданлик амри билан иш юритсалар буюкликка эришиш мумкин.

Тадбиркорлар синфи шаклланар экан, аввало шу тадбиркорлар иймонли бўлиши давр талабидир. Тадбиркорлар, мулкчиликнинг турли шаклларидан фойдаланиб иш юритадилар. Уларда моддий манфаатдорлик мавжуд. Манфаатдорликка, инсоф ва диёнат нуқтаи назаридан ёндашилса, жамоа ва жамият фойда олади. Улар унда яшаётган барча инсонлар фаровонлигига ҳисса қўшади. Тадбиркорлик ва меҳнатсеварлик ўзбек халқининг азалдан шаклланган миллий қадриятлариданdir.

Тадбиркорлик фақат тижорат ёки оддий олди-сотидангина иборат эмас. Тадбиркорликда олижаноблик, сахийлик, раҳмдиллик хислатлари ҳам ўзининг

<sup>1</sup> Э. Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т.: «Университет», 56-бет.

ифодасини топиши зарур. Бу хислатларга эга бўлмаган тадбиркор, ишбилармон ҳақиқий иймонли тадбиркор ёки ишбилармон бўла олмайди. Улар шу бугуннинг ҳаёти билан яшайдилар. Узоқни кўра билмайдилар. Шу сабабли, айтишимиз лозимки, тадбиркорлар, ишбилармонлар биринчи навбатда мамлакат учун, ҳалқ манфаати, эҳтиёжлари учун жонкуяр бўлмоғи лозим. Улар бошқалар билан тенг ҳуқуқли бўлиб иш юритишлари, аввало, ўз иймон-эътиқоди олдида соф виждан билан фикрлашиши зарур. Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотларнинг баҳосини муттасил кўтариш, қалбаки ёки саёз фойда олиш йўлида эмас, балки, ҳақиқий жонкуярлик билан, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарса, Ватан олдидаги ўз бурчини амалга оширган бўлади. Фахр билан айта оламизки, ўзбек ҳалқи тарихида тижорат ва тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳамма вақт юксак маънавий фазилатлар билан боғлиқ бўлиб келган. Мулкчиликнинг янги турларига, ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан янгича муносабатларнинг қарор топиши, тобора чукурроқ илдиз отиши ана шундай юксак инсоний, маънавий, маданий қадриятларни ҳам тиклашни, уларга амал қилиб иш юритишни тақозо қиласди.

Маъмурий-буйруқбозлиқ тизимиға асосланган собиқ совет тузумида мамлакатимизда мулкнинг кўп турлари давлат ихтиёрига ўтганлиги туфайли ишбилармонлик ва моддий манфаатдорлик, ҳалқнинг қадимдан шаклланган ишлаб чиқариш соҳаси малакалари, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, поклик, иймон-эътиқодлари пасайди. Сир эмас, ўтган ярим асрдан кўпроқ даврда «давлат мулки, бу ҳам менинг мулким», деган эътиқод, иймон тўла шаклланмади. Ишлаб чиқариш воситалари ва қуролларига, ер ва сувга, атроф-муҳитга, етиштирилаётган маҳсулот сифатига нисбатан лоқайдлик билан қараш ҳоллари кенгроқ тарқалди. Айниқса, ёшлар ишбилармонлик ва тадбиркорлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, поклик, иймон, эътиқод, инсонпарварлик каби юксак маънавий фазилатлардан маҳрум бўлиш даражасига бориб қолдилар. Меҳнат қилишга сунъий ёндашилди, маъмурий топшириқ асосида меҳнат қилинди. Меҳнат қилиш «онгли» фаолиятдир деган шиор, шиорлигича қолиб кетди. Текинхўрлик, меҳнатнинг қадрини билмаслик, ишламасдан ютуқларга эришиш, чиройли турмуш тарзига эга бўлиш, гўзал кийиниб, сайд қилишларга бориш, машиналар олиш, уй-жойларга текин эришиш каби хислатлар кучайиб, иймон-эътиқод иккинчи даражага тушиб қолди.

Ҳақиқий меҳнат орқасидан бой бўлганлар собиқ иттифоқ даврида қувғин қилинди. Улар ўрнига ўша тузумдаги раҳбарлар «янги бойлар» тусини олдилар. Бу бойлар мансабдорлар бўлиб, совет тузуми томонидан улар учун яратиб берилган имтиёзлар натижаси эди.

Миллий маънавият, дин, иймон, эътиқод билан алоқадор бўлган маҳаллий қадриятларни барбод этиш инсонлар ўртасидаги муносабатга, ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормаслик каби ноўрин фазилатларнинг кучайиши тоталитар тузумнинг натижаси бўлиб, юксак маънавий фазилатларнинг шаклланишига тўсиқ эди. Тўғри, ҳозирги даврда ҳали инсонлар орасида булар каби саёз маънавий иллатларнинг борлиги сезилиб турибди, буларнинг олдини

олиб иш юритиш пайти келди. Уларга қарши кураш ҳар бир фуқаро, зиёлиниг долзарб вазифасидир. Шу боис бозор муносабатларига ўтар эканмиз, мамлакатимизнинг буюк келажагини таъминлашда иқтисодий имкониятлардан ташқари маънавий покланиш, камтарлик, ҳалоллик, инсонпарварлик, сахийлик, очик кўнгиллилик, меҳр-оқибат, саховат, виждон ва иймон билан чамбарчас боғлиқ бўлган миллий қадриятларга таяниб иш кўрмоқ зарур. Иймон ва эътиқод, одамгарчилик муваффақиятлар гаровидир.

Жамиятишимиз тараққиётидаги сиёсий эътиқод ҳам иймон билан боғланган. Мустақиллик ва уни мустаҳкамлаш сиёсий эътиқод ҳамда иймонга боғлиқ. Маълумки, сиёсий фаолиятда ҳам шахсий манфаатлар ўз аксини топади. Лекин сиёсий эътиқоди холисона бўлмаган шахслар ўз манфаатини амалга оширишда ўзининг иймон ва эътиқодига юзаки қарashi мумкин. Бундай ҳолатнинг бўлиши ҳалқ турмуш тарзини салбий томонларга буриб юбориши мумкин. Сабаби, иймон-эътиқоди мустаҳкам бўлмаган сиёсатчи кўпчилик манфаатидан ўз манфаатини устун кўяди. Хусусий манфаатни устувор деб билади. Бундай ҳолатда мамлакат миқёсида тенгсизлик, бекарорлик келиб чиқади. Мустақиллик даврида таркиб топаётган ватанпарварлик хислатлари ҳам иймон ва эътиқодга боғлиқдир. Бу соҳада ҳам иймон, эътиқод йўналтирувчи омилга айланиши лозим. Ҳалқи меҳнатсевар, ватанпарвар, миллатпарвар, байналминал, виждонли, ҳақиқий иймонли бўлган мамлакатнинг келажаги порлоқ ва буюк бўлади.

## 15.2. Диёнатли бўлишлик юксак маънавий фазилатдир

Дарҳақиқат, иймон, эътиқоди билан диёнат тушунчалари ўзаро мужассамдир, шу сабабли энди диёнат тушунчаси ҳақида фикр юритамиз. Диёнат, виждон, виждонлилик, инсоф, меҳр-шафқат қоидаларига қаттиқ риоя этиш диндорлик, тақводорлик деган маъноларни ҳам англатади<sup>1</sup>. Диёнат тушунчасига яқин фикрлар эса ватанпарварлик, инсофлилиkdir. Диёнат тушунчаси иймонли инсон тушунчасининг бир бўлагидир. Инсоннинг ҳақиқий эътиқодига, икrorига, амал қиласиган нарсасига қарши бормаслик диёнатлилик демакдир. Иймон ва диёнат бир бирига узвий боғлиқ бўлган маънавий камолотга етказувчи фазилатлардан бири сифатида қаралади. Диёнат негизида виждонлилик ётади. Хўш, инсонда виждон қандай пайдо бўлади.

«Виждон–бу кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, феъл-атвори учун оила, жамоат, жамият ва Ватан олдида маънавий масъулият ҳис этишдир»<sup>2</sup>. Демак, виждон ҳар бир ишга ўзининг, салбий ёки ижобий қилган ҳаракатини ақлан тушуниб этиш ва унга холисона баҳо беришидир. Ижобий ёки керакли фикр юритиш диёнатлилик билан боғлиқдир. Ўз навбатида булар инсоф билан ҳам боғлиқдир.

Инсоф-бу шундай фазилатки, жамиятда мавжуд бўлган ишларга, муносабатларга тўғрилик, софдиллик, баробарлик, ҳалоллик каби юксак маънавий жиҳатларни қамраб олган, маънавиятга оид тушунчадир. Инсоф-бу шундай юксак фазилатки, у мужассам бўлган инсонда жаҳолат ва қарамлиқ, зўравонлик ва инсофсизлик бўлмайди. Инсофли бўлишда ўзининг манфаатини бошқаларнидан устун қўйиши ноўриндир. Инсофли инсон бўлишлик ўта олий фазилатдир.

Инсон қачонки диёнат тушунчасининг туб-туб илдизларини тушуниб етмас экан, у юксак маънавиятли, инсофли ҳам бўла олмайди. Сабаби, юксак инсоний фазилатлар диёнат билан боғланган. Диёнат тушунчасида раҳмдиллик, камтаринлик, беғаразлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, виждонлилик, инсофлилик, меҳр-оқибатлик, раҳм-шафқатлилик ва шу каби бир қатор инсоннинг олий фазилатлари ўз аксини топади.

Диёнатли бўлишликнинг бош мезони маърифатли бўлишликда ҳамдир. Маърифат орқали инсон юқоридаги тушунчаларнинг моҳиятини тушунади. Зоро, бу миллатимизга хос бўлган бағрикенгликни ўргатади.

И.А.Каримов айтганидек «...соф инсоний туйғу, . . . ўзбекларда шу қадар ривожланганки, миллий-маънавий кенг феъллик уларнинг умумий маданияти ва руҳиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган.

Оғир синов йилларида, урушлар ва Сталин қатағонлари даврида Ўзбекистон ҳудудига келиб қолган айрим миллатлар, кишилар, оилалар ҳатто бутун-бутун ҳалқларни ҳам қуршаб илиқ-яхши муносабат, самимият ва ғамхўрлик, ўзбек ҳалқига хос бўлган бағрикенглик, инсоний меҳрибонлик ва ўзгалар қайғусига шерик бўлиш, очик кўнгиллик ва меҳмондўстликнинг ёрқин

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том, 223-бет.

<sup>2</sup> Иброҳимов ва бошқалар. Ватан туйғуси. Т.: 1996, 27-бет.

намойиши бўлди»<sup>1</sup>. Ҳақиқатдан ҳам олижанобликнинг таркибий қисми бўлмиш диёнат миллатимиздаги ўзига хос ва мос кўринишлардандир.

Диёнат тушунчасининг қирраларидан яна бири бу раҳм- шафқатлилик ва меҳр-оқибатлилик тушунчаларидир. Бу тушунчалар турмуш тарзимиз, фаолиятимиз давомида намоён бўлади. Сабаби, юксак маънавиятлиликни уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Раҳм-шафқатли бўлишлик кишиларга нисбатан меҳр-оқибатли, раҳмдил бўлишлик, келажакда миллатнинг маънавий-маданий руҳиятини юксак даражага кўтарилишига катта имконият туғдириб беради. Бу эса юксак баркамол авлодни етиштиришга шароит яратади.

Диёнат инсоннинг олижаноблик фазилатлари ичida энг юксак ва олий хислатдир. Диёнатли бўлишликни кенг маънода таҳлил қила билиш зарур. Шундагина диёнат тушунчаси инсонга нақадар керакли маънавий, руҳий, иродавий куч эканлиги тушуниб етилади. Диёнат инсоннинг олий фазилатларидан бири экан, демак, шу фазилат инсонпарварлик тушунчасига ҳамоҳангдир. Диёнат кўрсатиш, унга амал қилиш деганда, инсонни-инсон сифатида кўриб, уни қадрлаш, бўлар-бўлмас сўзлар билан инсоннинг дилини оғритмайдиган, обрў-эътибори, шаънига ёмон сўзлар билан тегмайдиган муносабатларни ҳам тушуниш керак.

Ўзбекистон хукумати олиб бораётган сиёsat диёнатли сиёsatдир. Чунки, амалга оширилаётган тадбирлар ўзбек халқи манфаатини ифодалайди. Улуғвор мақсадлар Ўзбекистон аҳолисининг тинч-тотув, тўқ ва фаровон яшашини таъминлашга қаратилган. Ҳаётни фаровон ва эркин қилишга чорлайди. Бинобарин, халқнинг ишончини оқлаш учун диёнат билан иш юритишни талаб этади. Диёнат адолат рамзидир. Адолат билан иш юритган инсон ҳеч кимга зарар ва зиён етказмайди, факат ўзи яшаётган жамиятга фойда келтиради.

Диёнатсизлик ва адолатсизлик қилган кишининг фикри тор бўлиб, бажарган вазифасининг моҳиятини, унинг келажагини фаҳмлаб етмайди. Аслида диёнатсизликни ва адолатсизликни амалга ошириш учун кўп соҳаларни билиш шарт эмас, факат унинг мазмун ва фойдаси, зарари ва заҳматига эътиборни қаратиш лозим. Демак, диёнат ва адолат, ҳақиқатнинг ҳаётга татбиқ қилиниши инсондан барча соҳаларга лоқайд қарамасликни талаб этади.

Диёнатнинг умри боқийдир. Диёнат ўз маъноси жихатдан юксак фазилатлар ичida энг олийсидир. Барча инсоний фазилатлар шу диёнатликка бориб тақалади. Чунки, у ҳақгўйликка ҳам боғлиқдир. Диёнатнинг баркамоллиги ҳақгўйлик билан ўлчанади. Диёнатни ҳақгўйлик билан олиб борган инсон самимий, сахий, олижаноб инсондир. Диёнатли бўлиш учун буюк аллома ёки соҳибқирон бўлиш ҳам шарт эмас. Сабаби, ҳар бир инсон фаолиятида диёнатли бўлиш учун имкон топилади. Кундалик турмушда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабат, алоқа ва мулоқот, бажарадиган вазифалар диёнат билан тўқнашишнинг манбаидир. Фақат улкан, фойдали ишларни амалга ошириш, уни диёнат деб билиш ҳам хатодир. Диёнат кичик ишларда, кундалик ҳаётда, энг арзимас ҳаракатларда ҳам намоён бўлиши мумкин. У ҳамиша, ҳамма ерда пайдо бўлса-да, инсон ундан юз ўгирмаса,

<sup>1</sup> И. А. Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т.: «Ўзбекистон», 1999, 478-бет.

юксак фазилатга хос характерни ўзида тарбиялайди. Диёнатсизлик оқкүнгиликни тарбияламайди.

Диёнат кишининг тенгсиз бойлигига айланганда ундан бошқалар ҳам раво топадилар. Диёнатли инсон фақат ўз қадр-қийматини эмас, балки, бошқалар қадр-қийматини ҳам эъзозлайди. Қачон ва қаерда диёнат бузилса, эзгу ҳаракатларга зарба берилган бўлади, бу эса инсоний фазилатлардан узоклаштиради. Диёнат бу-эътиқоднинг кучлилигига боғлиқ бўлиб, барча мақсадларни, орзу-умидларни амалга ошишига ёрдам беради. Зоро, бошқаларга диёнатлилик кўрсатган инсон ўзгалардан диёнат кўради. Диёнат кўрсатиш иродага ҳам боғлиқ. Иродаси суст бўлган инсон диёнат хислатларини намоён қила олмайди. Чунки, диёнат ҳам сабр-тоқат, ор-номус, ҳақгўйлик, самимилик, уятчанлик каби жараёнларни акс эттиради. Бу инсоний фазилатлар диёнатлилик характерини мустаҳкамлайди, уни инсонларда рўёбга чиқишига қўмаклашади.

Диёнатли кишида ор-номус хислатлари устун бўлади. Ор-номусли кишининг ўзи ҳам дарҳақиқат диёнатлидир. Ор-номусли инсон диёнатли бўлишни ўзига байроқ қилиб оладики, бу байроқ изидан бошқалар ҳам эргашади. Диёнат ва ор-номусга эга бўлган инсон кўпчилик учун зарур бўлган вазифаларни амалга оширади, шу иштиёқ билан яшайди. Оғир вазиятларда ҳам ўзини йўқотмайди, номус ва виждонини сотмайди, одамийлик фазилатида қолади. Диёнатли бўлиш турли салбий ҳолатлардан сақлайди. Ножўя ишлардан узоклаштиради. У юксак маънавиятлиликнинг белгисидир.

### **15.3. Бозор иқтисодиёти шароитида поклик ва ҳалоллик хислатлари**

Пок ва ҳалол бўлиш инсоннинг етук маънавий фазилатлариданdir. Поклик ва ҳалоллик тушунчалари ҳақида кўпроқ диний китобларда кўплаб мукаммал фикрлар айтилган. Поклик бу-ҳаётй нуқтаи назардан зарур бўлиб, ақлий ва жисмоний тоза, соф кўнгилликка риоя қилиш керак бўлган инсоний фазилатdir. Поклик бу шундай олий фазилатки, бу кишиларни комил инсон бўлишига ёрдам берадиган хислатлардан биридир. Поклик маълум маънода хиёнат сўзи билан тескари ҳамдир. Бу тушунча оила, атроф-муҳитда, кўчак-кўйда, маҳаллада кенг тарқалгандир. Пок бўлишлик, хиёнат қилмаслиkdir. Масалан, турмуш ўртоғига, дўстига, қавм-қариндошига, жамoa ва жамиятига хиёнат қилмайдиган ҳар бир инсонни пок, ҳалол инсон дейдилар. Пок бўлишлик кундалик турмушда ва ислом динида талқин қилинадиган улуғ инсоний фазилатdir. Жумладан, поклик ва ҳалоллик ҳақида сўз юритганда, ўғрилик, сурбетлик, порахўрлик, зино, фаҳш, шахвонийликка берилиш каби хислатларнинг салбийлиги қораланади.

Пок ва ҳалол деб ҳисобланган инсон, юқорида келтириб ўтилган инсоннинг маънавий руҳияти ва ахлоқ-одобига зид бўлган ишлар билан шуғулланмайди. Бу ҳақда гапиришдан ҳам ҳазар қиласди. Нопок инсонлар ҳамиша қоралаб келинган, танқид қилинган. Мақсад, инсон поклигини таъминлаш бўлган. Поклик-бу инсоннинг юксак маънавий фазилатидир. Поклик ва ҳалоллик ўзаро яқин тушунчалардир.

Ҳалоллик ҳам инсоннинг поклик хислати сингари унинг юксак ички ва ташқи гўзаллигини бойитувчи ижобий фазилатdir. Диний нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсақ, Аллоҳ таоло томонидан рухсат этилиши мумкин бўлган барча ижобий вазифалар, ноз-неъматлар ҳалол деб айтилган. Ҳалоллик ҳам поклик хислати каби юксак онглилик даражасига эга бўлган инсоннинг маънавий фазилатидир.

Ҳалоллик шундай жараёнларданки, у кишиларнинг ҳақини емаслик, кишиларнинг омонатига хиёнат қилмаслик, ёмон кўз билан қарамаслик кабилардир. Ҳалоллик ҳаром нарсалардан эҳтиёт бўлиш, ҳasad билан эмас, ҳавас билан қараш ва бошқалардир. Кишилар ушбу маънавий туйғуларни англаб етсаларгина, жамиятимиз турмуш даражаси юксакликка кўтарилади. Ҳалоллик туйғуси, юқорида такидлаб ўтилганидек, жамиятимизда мавжуд бўлса, барча соҳаларда у ҳукмрон бўлса, иш жараёнлари чин кўнгилдан, кўз бўямачиликларсиз, ҳasadларсиз йўлга қўйилса, мақсадга эришилади.

Республика мустақилликка эришгандан сўнг тоталитар тузум давридаги маъмурий-буйруқбозлик тизимиға асосланган «режали» иқтисодиётдан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўта бошлади. Кишилик жамиятининг юз йиллар мобайнида иқтисодий соҳада эришган энг улкан ютуғи бу бозор иқтисодиётидир. Кўпгина ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, шу иқтисодиёт орқали фаровон хаётга эришиш мумкин. Шу иқтисодиёт орқали жаҳонда салоҳиятли ўринга эга бўлиш мумкин. Шу иқтисодиёт орқали ҳалқ турмуш тарзи юксак даражага кўтарилиши мумкин.

Лекин, оламдан бўлак мукаммал нарсанинг ўзи йўқ, фақат, олам бекаму-кўст мукаммал уйғунликда яратилган. Шу сабабли, бозор тизимини ҳам тўла ижобий ёки салбий бўлишини тараққиёт қўрсатади.

Унда ҳам камчиликлар мавжуд бўлади. Зоро, И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Бозорга, айниқса унинг шаклланиш босқичида узоқ ва чукур инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатидан кескин табақалашуви, ҳуқуққа зид хатти-харакатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир»<sup>1</sup>.

Демак, ўтиш даврида фуқароларимиз ҳалоллик тушунчасини яна бир чуқурроқ таҳлил қиласалар фойдадан холи бўлмайди. Сабаби, бозор иқтисодиёти шароитида ҳам ҳар соҳада юқорида кўрсатилганидек қийинчиликлар юз бериши табиийдир. Бинобарин, ўтиш даврида ҳаром ва ҳалолни фарқига боришлиқ, иймонли, диёнатли, пок виждонли, ҳалол бўлиш том маънода маънавиятли, маърифатли инсоннинг хислатидир.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида ахён-ахёнда тарозидан уришлар, тарози тошларининг вазнини камайтиришлар, тижоратнинг ҳақиқий ҳолати ва уни юритишни бошқача тушунувчилар учраб турибди. Бундай кишилар ҳалоллик тушунчаси ҳақида ижобий фикр юритиб қўрсалар жамият фойда кўради, холос.

Мутаффакир ибн Сино айтганларидек «... кўп еб, кўп ётишдан, оз ўйлаб кўп гапиришдан, ножўя ҳаракатлар қилиб куч-қувватини беҳуда совуришдан, дангаса бўлиб кулала тушиб ётишдан» сақланган ҳолда ҳақиқий бозор иқтисодиётини ривожлантириш давр талабидир. Демак, ҳалоллик инсон фазилатларининг буюгидир. Бу хислатга эга бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ҳозирги пайт тараққиёти ҳам шуни талаб этади. Ҳалолликни оила, жамият шакллантиради. Қабул қилинаётган турли соҳадаги қонунлар ҳам ҳалолликка етакловчи омиллардандир. Унга риоя қилиш ҳалолликдан далолатдир. Демократик давлат барча қонунлари бор мамлакатда эмас, аксинча, мазкур қонунлар халқ онгига чукур сингиган бўлса, омманинг ҳуқуқий онги талаб даражасида бўлса, ҳалоллик рўй беради. Қонунларда кўрсатилган инсон бурчлари, инсондаги ҳалоллик туйғулари билан мужассам бўлган жойда ишонч, эътиқод пайдо бўлади.

Жамият аъзоларини ҳалолликка, покликка, камтаринликка, инсонпарварликка, меҳр-оқибатга, меҳр-мурувватга чақиравчи давлат ҳужжатлари билан бирга шаръий хукмлар, яъни шариат қонунлари ҳам мавжуддир. Муқаддас китоблар «Авесто», «Қуръон», «Таврот», «Инжил», «Забур», «Хадис»ларда кўрсатилган ҳақ-ҳуқуқлар инсонларни доимо яхшиликка, покликка, ҳалолликка ундан келдики, улардан баҳраманд бўлган инсонлар ўз фаолиятларида кам бўлмаганлар, ютуқларга эришганлар. Чунки, уларда кишилар ўртасидаги самимий муносабатлар адолат билан кўрсатиб берилганки, уларнинг барчаси инсон, инсоннинг фазилати билан боғланган.

<sup>1</sup> И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т.: «Ўзбекистон», 1999, 38-бет

Улар қанчалик эски бўлмасин, ҳозирги кунда ҳам инсонларда юксак маънавий хислатларнинг шаклланишига таъсир этиб келмоқда. Шариат ҳуқуқларида ҳалоллик, инсонпарварлик қоидаларига риоя қилиш ниҳоятда зарур эканлиги қайд қилинган. Айниқса, тижорат ва тадбиркорликда кўзбўямачиликка йўл қўйиш, бирорларни алдаш, аҳолининг ҳақига хиёнат қилиш, оммани, бевабечораларни оғир аҳволга солиб қўйишга қаратилган ишлар худо олдидаги катта гуноҳ эканлиги таъкидланган. Булар мусулмончилик талабларидан узоклашганликни билдирувчи ноўрин ҳаракатлар сифатида тасвиранган. Шу сабабли айтишимиз мумкинки, барча тадбиркорлар, ишбилармонлар (раҳбарлар ҳам) чиқарилган қонунларни билишлари билан бирга шариат қонунларига ҳам жиддий амал қилсалар фойдадан холи бўлмас эди. Ҳаром-ҳариш, гуноҳли ишларни Оллоҳдан ҳам, халқдан ҳам яшириб бўлмайди. Очигини айтганда, ҳаром-ҳариш ишларни турли сунъий тавба-тазарру, тоат-ибодатлар билан ювишга нтилиш беҳуда интилишдир. Ҳаром йўллар билан топилган мол-дунё ҳеч кимга буюрмаган, буюрмайди ҳам. Яхшиси ҳаром ишларга қўл урмаслик, ундан ҳазар қилиш даркор. Ҳаром ишларга қўл уриш, ҳаётда ҳам, шариатда ҳам мутлақо тақиқланган ишларга берилиб кетиш демакдир. Маълумки, шариатда ҳаром ишларни бажариш гуноҳ ҳисобланади. Уларни зулмий ҳаромлар деб ҳам айтилади. Жумладан, бирорнинг молини ўғирлаш, ўзгалар мол-мулкини ўзиники билан аралаштириш, олган қарзларини тўламаслик, яхши мулк олиб, унинг ўрнига ёмон мулкни бериш, бирорларни устидан кулиш, бирорнинг гапини иккинчи кишига чақимчилик билан етказиш, иккиюзламачилик қилиш, қўшниларни ранжитиш, озиқ-овқатларни арzon вақтида олиб қўйиб, қиммат пайтида сотиш, молларни тегишли баҳосидан икки баробар қимматига сотиш, бирорнинг яширин сирини бирорга айтиш, золимлар зулмига кўмак бериш, садақа сўраган гадони жеркиб бериш, бирорни беҳуда қўрқитиш, факир кишиларни ҳурматсизлаш, алдаш, нотўғри маслаҳат бериш йўллари ҳам бекиёс кўп бўлиб, улар ҳар куни ҳаётимида тез-тез учраб туради. Ваъдага вафо қилиш, ҳадяларга яраша ҳадялар қайтариш, яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш, бозорда сотилаётган нарсанинг айбларини айтиб сотиш, айбсиз киши айбланаётганда уни оқлаш, сўзи ўтадиган кишиларни ҳаром ишлардан қайтариш, сўзда ва ҳар бир ишда тўғри ва ҳаққоний бўлиш, гувоҳлик берганда кўрган ва эшитганларини тегишли жойда тўғри тасдиқлаш, бирорнинг нарсаси қўлга тушганда уни эгасига қайтариш, қарзларни ўз вақтида адо этиш кабилар ҳалоллик белгисини кўрсатувчи соҳаларнинг бир қисмидир. Бу белгилар кундалик ҳаётда одатий фаолиятлар тарзига кирса-да, юксак маънавиятни билдирувчи омиллардир.

Ҳалоллик инсонга баҳт келтиради. У буюклиknинг нишонасидир. Инсонлар ҳалолликдан юз ўгириб, нопок бўлсалар, улар келажакда шунга ўрганиб қоладилар. Охир-оқибат ҳаёт лаззатларини ҳам унугдилар. Бинобарин, инсонларни бир хил турмуш тарзлари ҳаётда мавжуд. Уларнинг ҳаётга келиши ҳам ўхшаш бўлса-да, кейинчалик ҳалоллик ва нопокликлари билан бир-бирларидан фарқ қиласилар. Ҳалол одамларнинг номи баланд бўлиб, нопокларнинг номи жирканч бўлади. Ҳалоллик инсоннинг бебаҳо зийнатидир.

Ҳалоллик ютуқлар гаровидир, у тўғрилик деганидир. Ҳалол бўлиш учун инсон доно ақлга, фаросатга эга бўлмоғи лозим. Одатда ҳалол одамлар кўпларнинг манфаатини кўзлаб иш юритадилар, шахсий манфаатни эса иккинчи даражли қилиб қўядилар. Бу хислатга эга бўлганлар олижаноб кишилар ҳисобланадилар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳалолликни одамлар ўртасида ошкора қилиш ҳам ҳақиқий ҳалолликка кирмайди. Ҳалоллик камтарлик билан холисона қилингандагина ўринлидир, ҳамма бўлмағур ишлардан ўз вақтида хулоса қилиш, турли найрангчилар фаолиятидан нафратланиш ҳам ҳалолликнинг бир туридир. Ҳалоллик, маълумки сотилмайди, у инсондаги ички руҳий ҳолатнинг намоён бўлишидир. Мурувват кўрсатиш, бирорлар ғамига шерик бўлиб, дардлашиш ҳам ҳалоллик натижасидир.

Биз яшаб турган шароит ва замонда раҳбар ходимларнинг ҳалол бўлиши энг зарур хислатлардандир. Чунки, раҳбарлар ўз фаолиятида турли воқеаларга дуч келадилар. Бу воқеа ва юмушларни ҳалоллик ва фидоийлик билан бажармас эканлар, бундай раҳбарлар ҳалқ нафратига дучор бўладилар. «Бугунги ўтиш давридан фойдаланиб,-дейди И.Каримов,-баъзи бир нафс балоси гирдобига тушган раҳбарлар ўз манфаатини кўзлаб, нопок йўлларга, ҳатто жиноят йўлига ўтиб кетаётган ҳолларни учратиш мумкин... айрим ташкилот раҳбарларининг пораҳўрлик, молиявий ҳатолар ва талон-торожлик йўлига кириб қолгани фош бўляпти. Шу каби жирканч ҳаракату интилишда юрган кимсалар бу беш кунлик дунёни, охиратини мутлақо ўйламайдилар. Уларга инсоф, меҳру оқибат тушунчалари мутлақо бегона»<sup>1</sup>. Демак, ана шу салбий хислатларнинг олдини олиш, долзарб ҳисобланади. Бунинг учун юксак маънавиятли, ҳалол ёш авлодни тарбиялаб, вояга етказиш муҳим вазифа бўлиб қолаётир.

**Таянч сўз ва иборалар:** иймон, эътиқод, диёнат, меҳр-шафқат, поклик ва ҳалоллик, маънавий камолот, ҳақиқий ирова, тадбиркорлик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, сиёсий эътиқод, диёнат, диндорлик, тақводорлик, виждон, инсоф, раҳм-шафқатлилик, бағрикенглиқ, очиқкўнгиллилик, меҳмондўстлик, баркамол авлод, меҳр-оқибат, диёнатсизлик, адолатсизлик, ҳақгўйлик, оқкўнгиллилик, ор-номус, поклик ва ҳалоллик, зино, фаҳш, шаҳвонийлик, юксак онглилик, шариат қонунлари, зулмий ҳаромлар.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том Т.: «Ўзбекистон», 1996, 271-272-бетлар.

## **Хикматлардан намуналар**

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқинлик, алдамчи эхтирослар, ғам- ғусса бўлмайди.

**Абу Райҳон Беруний**

Ҳамиша ақлингни раҳнамо этгил,  
Нолойиқ ишлардан олисга кетгил.

**Абулқосим Фирдавсий**

Ер остига кирдим нодонлардин,  
Илким очиб дуо тилаб мардонлардин.  
Фариб жоним юз тасаддуқ донолардин,  
Доно топмай ер остига кирдим мано.

**Аҳмад Яссавий**

Қуёш нури беркитилмайди, ҳақиқат шами сўнмайди.

**Аз-Замахшарий**

Кўзгуга берардим кечқурун сайқал,  
Боқдим унга тиник бўлган бил маҳал:  
Шунча кўп кўринди ўз айбимки, мен  
Ўзгалар айбини унутдим тугал.

**Пахлавон Махмуд**

Улуғлик шарафин истаган одам,  
Кичикларга айлар ҳиммату карам.

**Хусрав Дехлавий**

## **Тест топшириқлари**

**1. «Иймон» арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси -**

- а) ишонч демакдир;
- в) билим демакдир;
- г) таниш демакдир;
- д) ўқимоқ демакдир;
- е) эътиқод демакдир.

**2. Диний нуқтаи- назардан олиб қараганда иймон -**

- а) инсоннинг маънавий ва руҳий олами мажмуасидир;
- в) маънавий ва моддий бойликлар яратиш тизимиdir;
- г) барча фикрларга ишонч ҳосил қилиниб тил билан иқорор этишлик ҳамда дил билан тасдиқлашдир;
- д) диний билимларни эгаллашдир;
- е) барча жавоблар тўғри.

**3. Эътиқод бу -**

- а) ўз фикр ва қарашларга эга бўлган, кишиларга нисбатан ҳурматсизлик қилмасдан, уларни ҳам ўзидек билиб, уларга риоя қилишдир;
- в) Оллоҳ тўғрисидаги ваҳийларни Пайғамбаримиз орқали бандаларига етказганлигига ишонишдир;
- г) ҳаракат қилиш, танланган йўлда фаолият кўрсатиб ўз ғайратлилигини кўрсатишдир;
- д) дин йўлида фидойилик;
- е) А ва В

**4. «Жиддий, теран, ҳақиқий ирода, энг аввало, мақсадга эришишга ишонч тасаввури билан уйғунликда ифодаланади» деган фикр қайси файласуф қаламига мансуб?**

- а) И. Конт;
- в) И. Гёте;
- г) Аз – Замахшарий;
- д) Форобий;
- е) барча жавоблар тўғри.

**5. «Ватанин севмоқ иймондандир» ибораси қайси манбадан олинган?**

- а) Ҳадисдан;
- в) И. А. Каримов;
- г) Қобусномадан;
- д) Қуръони каримдан;
- е) барча жавоблар тўғри.

**6. Маълумки, тасаввуф таълимотида иймон, эътиқод, поклик, ҳалоллик фазилатлари олға сурилади. Ўзига хос тасаввуфий таълимот яратган тасаввуф намояндаларини кўрсатинг?**

- а) Хожа Баҳовуддин Муҳаммад Нақшбанд;
- в) Сўфи Оллоёр;
- г) Аҳмад Яссавий;
- д) Нажмиддин Кубро;
- е) а ва д.

**7. «Агар ул аттизам истаса ҳарома, яна ул нусхада битилди хома. Қиёмат кун дардгир этарлар. Ани шайтон била занжир этарлар», деган пурҳикмат сўзлар қайси тасаввуф илми намоёндаси қаламига мансуб?**

- а) Сўфи Оллоёр;
- в) Абдулхолик Фиждувоний;
- г) Аҳмад Яссавий;
- д) Нажмиддин Кубро;
- е) аниқ жавоб йўқ.

**8. Конституциянинг қайси моддасида динга эътиқод қилиш, виждон эркинлиги кафолатланган?**

- а) 31 – моддасида;
- в) 30 – моддасида;
- г) 27 – моддасида;
- д) 28 – моддасида;
- е) 37- моддасида.

**9. Қуйидаги таърифлардан қайси бири диёнат тушунчасини ифодалайди?**

- а) диёнат виждон, инсоф, меҳр-шавқат қоидаларига қаттиқ риоя этиш, диндорлик, тақводорлик деган маъноларни англатади;
- в) диёнат маданият тушунчаси билан бир маънони беради;
- г) инсоннинг ўз эътиқодига, икрорига амал қиласиган нарсасига қарши бормаслиги диёнатdir;
- д) эътиқод эркинлигини англатади;
- е) А ва В

**10. Қайси пайғамбар адабиётда гўзаллик тимсоли сифатида тасвирланган?**

- а) Исо;
- в) Довуд;
- г) Иброҳим;
- д) Юсуф;
- е) Масих.

**11. «Қутадғу билиг» мазмунан қандай асар?**

- а) ривоятлар ҳақидағи асари;
- в) биографик асар;
- г) севги-мухаббат асари;
- д) панднома асари;
- е) қаҳрамонлик асари.

**12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорида кўрсатилишича, лотин ёзувига ўтиш қачон тўлиқ тугалланиши керак?**

- а) 2000 йил 2 сентябрида;
- в) 2005 йил 1 сентябрида;
- г) 2006 йил 20 сентябрда;
- д) 2007 йил 1 октябрда;
- е) 2008 йил 1 сентябрида.

**13. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарининг муаллифи ким?**

- а) Абу Райхон Беруний;
- в) Абу Наср Форобий;
- г) Саккокий;
- д) Хондамир;
- е) Улугбек.

**14. Буюк мұхаддис Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг қабри қаерда жойлашган?**

- а) Челакда;
- в) Қоракўлда;
- г) Самарқандда;
- д) Бухорода;
- е) Хивада.

## **16-мавзу: Ота-онага иззат-ҳурмат, оиласа садоқат маънавият, маърифатнинг мезони**

### **16.1. Оила жамиятнинг таркибий қисми ва унинг муайян ижтимоий тузум билан боғлиқлиги. Оила ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари**

Қомусий олим Мирзо Улугбек: «Ақл-одоб билан, бойлик қадру- саховат билан, қувват қадру-баҳодирлик билан ошади», - деб башорат қилган эди. Зеро, тарбияни ҳар бир ёш ўз оиласида, боғчада, мактабда, маҳалласида, жамоасида, жамиятда олади. Жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланган оиладаги эр ва хотин ўртасидаги, ота-она билан фарзандлар, қўни-қўшилар, қариндошлар ўртасидаги муносабатларда сақланган муомала маданияти тарбиянинг ажралмас қисмидир. Кундан-кунга «Оила- жамиятнинг негизи» деган фалсафий фикр кундалик ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиб бораётир. Демак, соғлом оила кўпайганда жамият ҳам соғлом ривожланади. Унда порахўрлик, мансабпарастлик, шахсиятпарастлик, боқимандалик барҳам топа боради.

Билимдон ва баркамол шахс аввало, оиласа, жамоада сўнг эса жамиятда шаклланади. Шу муносабат билан таъкидлаб ўтиш керакки, жамият ҳар бир оиланинг баркамоллиги учун қайғуриши лозим. Маълум маънода, оила тинчлиги, баркамоллиги жамият, давлат фаолиятига ҳам боғлиқдир. Бу соҳада Ўзбекистонда мустақилликка эришгандан сўнг бир қанча ўзгаришлар ва вазифалар амалга оширилди. Жумладан, 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилиниши фикримизнинг ёрқин далилидир. Республика Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишлиланган мажлисидаги табрик сўзида 1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилганда, уни залда ўтирганлар хайриҳоҳлик ва гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Чунки, оиласа бўлган ҳурмат ва иззат Ўзбекистонда қурилаётган янги жамиятнинг илк мевалари дандир. Ушбу йиғилишда айтилган фикрлар оиланинг мавқеи, жамиятда тутган ўрнини яна бир бор юксак поғонага кўтариб қўйди. Маълумки, Ўзбекистон Конституциясининг XIV боб 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга»дир дейилган. Шу асосда оиласа эътибор кундан-кунга, йилдан-йилга ошиб бораётир. Дарҳақиқат, «...оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урфодатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак авлодлар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор»<sup>1</sup>.

Республикамизда фуқаролик демократик жамият барпо этиш мақсадида турли вазифалар амалга оширилаётган экан, шубҳасиз у ўз натижасини беради. Оила ҳуқуқи учун жамиятда юксакликка кўтарилиш мақсадида барча имкониятлар ҳам вужудга келаётир. Демак, ҳуқуқий муносабатлар жамиятда ўз ўрнига қўйилса, оила фаровонлиги янада ошади. Моддий ноз-неъматлар билан таъминланади. Шундай экан, бой оилаларнинг кўпайиши, ўта камбағалларни

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Оила фаровонлиги-миллат фаровонлиги. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 9 бет.

бўлмаслиги жамиятнинг олий мақсадига айланиши лозим. Бинобарин, оила фаровон ва тинч бўлса, шу оила яшаётган маҳалла ҳам тинч ва осойишта бўлади. Маҳаллада олиб борилаётган тарбиявий ва ҳуқуқий ишлар самараси ҳам кўпаяди. Шу маънода И.А.Каримовнинг «Маҳаллани ўз-ўзини бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси деб аташ мумкин», -деган иборалари бежиз айтилмаган. Турли миллат оилалари ташкил этадиган маҳаллалар, асосан, оилавий тарбиянинг маскани хамдир. Оила катталари ўз болаларига қанчалик муҳим тарбияни берса, ўша оила яшаётган маҳалланинг тарбияси ҳам ундан қолишмайди, ҳатто таъсирчан ҳам бўлади. Тўғри, оила тўғрисида мулоҳаза юритар эканмиз, аввало, оила деганда, она кўз ўнгимизда гавдаланади. Зеро, она оиланинг «ядросидир». Негаки, оила муқаддаслигини таъминловчи шахс онадир. Онанинг поклиги, ақл фаросат билан иш тутиши, меҳри садоқатидир. «...Она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учун айтилмайди, балки, унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий рух киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради». Ана шу жараёнларнинг моҳиятини ва аҳамиятини сезган жамият оиланинг фаолиятини тубдан яхшилашга интилади. Шу сабабли ҳам Президент И.А.Каримов таъкидлайдики: «...Оиласа эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб қувватлаш-буғунги кунимиз учун ва эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор»<sup>1</sup>.

Президентимиз оила ва унинг муаммоларини жамият эътиборидан четда қолдирмаслик йўлларини излаб топаётир. Ўзбекистондаги ҳар бир оила давлат равнақи, жамияти учун жон куйдирадиган оила сифатида шакланаётир. Инсоннинг фаолияти ва ўз оиласининг келажаги йўлида меҳнат қилишга доимо тайёр эканлиги унинг ички ва ташки имкониятларини ташкил этади. Ўзбекистондаги ҳар бир оила азалдан ўз меҳнати билан фаҳрланадиган меҳнаткаш оиладир. Таъбир жоиз бўлса, ўзбек оиласи меҳнати натижасидан кўпларни баҳраманд бўлишига интиладиган оиладир. Шундай бўлса-да, оила жамият, давлат тасарруфида фаолият кўрсатувчи асосий таянчdir. Шуни ҳисобга олган ҳолда жамият оила учун имкониятларидан келиб чиқиб ғамхўрликни ўз ўрнига қўйиши табиий ҳолда бўлиши лозим. 1998 йилда оила манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш учун Давлат дастурини ишлаб чиқишига Президент бош-қош бўлди. Бу дастурнинг асосий мақсади оиланинг жамиятни ўзгаришидаги тутган ўрни ва иштирокини мустаҳкамлаш, оиланинг ҳуқуқий ва ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ва оила фаровонлигини қучайтириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашдир. Дастур асосан олти бўлимдан иборат бўлиб, булар қўйидагилар:

**1-бўлим.** Оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатлари ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болалик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш;

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Оила фаровонлиги-миллат фаровонлиги. Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил 10-бет

**2-бўлим.** Оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш; оила аъзоларининг соғлигини муҳофаза қилиш ва таълим даражасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш;

**3-бўлим.** Оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оила даромадларини, оила аъзоларининг иш билан таъминлаш даражасини ошириш, рўзгор юмуши ва турмуш шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

**4-бўлим.** Оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини ва маданий манфаатларини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

**5-бўлим.** Оиланинг соғлом, ақл-заковатли ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг вазифаларини такомиллаштириш;

**6-бўлим.** Оила муаммоларини илмий ва ижтимоий татбиқ этиш, оила, хотин-қизлар ва болаларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини кўрсатувчи статистика ахборотларини тўплаш тизимини такомилаштириш ва бошқалар.

Шундай қилиб, оиласа тааллуқли барча масалар давлат дастурида ўз аксини топган. Ушбу ҳужжатга илова сифатида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилиниши муносабати билан ишлаб чиқилиши ёки қайтадан кўриб чиқилиши зарур бўлган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар рўйхати ҳам берилган. Бу рўйхат ва тадбирларни тартибга солиш учун давлат комиссияси ҳам тузилдики, у тадбирларни амалга оширишда бош-қош бўлди. Тўғри, бу дастур асосан 1998 йилда амалга ошириш учун қабул қилинган бўлса ҳам, ундаги баъзи соҳалар давлатимизнинг доимий дастурига айланиши ҳам кўзда тутилган. Дастурни олиб эндиликда таҳлил қиладиган бўлсак, унда бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг аксарият қисмининг бажарилганилигини гувоҳи бўламиз. Жумладан, кўп болали ва кам таъминланган оилалар учун оилавий дам олиш уйларининг барпо қилиниши, кам таъминланган оилаларнинг давлат ҳимоясига олиниши, тиббий-ижтимоий хизматларнинг ўрнига қўйилиши, жисмоний тарбия, спорт комплексларининг қурилиши, оилавий туризм дастурининг ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ этилиши, оила университетлари ва маҳаллий жойларда аёллар учун кичик ва ўрта корхоналарнинг қурилиши, тадбиркорлик фаолиятига аёлларни жалб қилишининг ташкил этилиши, оилавий байрамлар ўтказилиши, ёш оила ҳақида китоблар нашр қилиниши, намунавий оилалар танлов қўриклари ўтказилиши фикримизнинг далилидир.

Ушбу дастурнинг давоми сифатида 2001 йил «Оналар ва болалар йили» муносабати билан тадбирлари қабул қилинди. Бу тадбирлар ҳам давлатимизда қурилаётган янги жамиятнинг оиласа бўлган ижобий ҳаракатларининг дебочасидир. Тўғри, бундай тадбирларнинг баъзилари мустақилликка эришганимизга қадар ҳам назардан четда қолмаган. Минг афсуслар бўлсинким, қабул қилинган қарор ва тадбирлар қоғозларда ёзилганича қолиб кетган эди.

Республика мустақиллиги, кўриб турибмизки, оила равнақи учун барча шарт-шароитларни яратишга интилиб, оилаларнинг мустаҳкам бўлишига эътиборни қаратадаёт. Шундай экан, ҳар бир оила ҳам, ўз навбатида шу жамият

учун унинг ривожланиши ва барқарорлигини таъминлаш максадида иш олиб бориши кутилади. Барча оилалар мақсади бир бўлгандагина жамият равнақи амалга ошади. Жамият обрў-эътибори ҳам ортади. Тўғри, жамият учун жон куйдирувчи оилалар миқдори йилдан йилга ошаётир. Жумладан, баъзи ўзига тўқ тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар, жамоат учун мактаб, касалхона, масжид, маданий, майший хизмат қўрсатиш корхоналарини беминнат қуриб бериб саховат ишлари билан шуғулланаётирлар. Баъзилари эса, ўз масъулияtlарини сидқидилдан бажариб, жамият фойдасига ўз вазифаларини амалга ошираётирлар. Ахлоқли ва одобли фарзандларни тарбиялаб, вояга етказмоқдалар. Баъзи зиёли оилалар ўз кутубхоналарини мактабларга, жамоат жойларига топширмоқдалар. Демак, жамиятимиз амалга ошираётган ғамхўрлик ва тадбирлар зое кетмаяпти, десак хато бўлмайди. Бу диалектик жараён давом этишига аминмиз. Зеро, ҳалқимизнинг руҳи оила руҳи билан боғлангандир. «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш-Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.»<sup>1</sup>

Биз юқорида оила жамиятнинг пойdevori, асоси дедик. Маълумки, ҳар қандай иморатнинг ҳаётийлигининг асосий шарти унинг пойdevorinинг мустаҳкамлигидадир. Худди шундай, ҳар бир жамиятнинг гуллаб яшнаши, юксалишида оиланинг бирдамлиги, ота-она ўртасидаги, фарзандлар билан ота-она ўртасидаги муносабатларнинг ижобий қарор топтирилиши бирламчи зарурият ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистгон» 1999, 60-бет.

## **16.2. Оилада ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри ҳал қилиниши оила баҳт-саодатининг муҳим шартидир**

Бу муаммони таҳлил қилишда Ўрта Осиё ҳалқларининг урф-одатлари, қадриятларининг ўрни алоҳидадир. Қадимдан оила тинчлиги, фаровонлиги, фарзанд тарбиясининг бирламчи эканлигини алломаларимиз Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Кайковус каби мутафаккирларимиз ўз асарларида уқдириб кетганлар. Бинобарин, оила, баҳт-саодатининг зарурый шарти ота-она, фарзандларнинг ўз олдидаги масъулиятларини тўлақонли хис эта билишлари билан белгиланган.

Боланинг одобли, юксак ахлоқли, билимли, хушмуомала, тўғрисўз, ватанпарвар бўлиб камолга етишида ота-онанинг ҳиссаси бекиёсдир. Зоро, донишмандларимиз айтганларидек, ҳеч ким онадан ахлоқсиз бўлиб туғилмайди. Фарзанднинг яхши ёки ёмон инсон бўлиб етишишида у тарбияланётган муҳит, авваламбор, аксарият ҳолда ота-она сабабчидир.

Албатта, бизнинг ёшларимиздаги тарбия ўзига хос камтаринлик, хушмуомалалик хусусияти билан барчага ибратлидир. Аммо шундай ёшлар ҳам борки, уларнинг бепарволиги, лоқайдлиги, муомаласининг нақадар қўполлиги, жамоат жойларида ўзини нақадар одобсизларча тутиши тарбиячини ўйлантириб қўяди. Тарбия соҳасидаги оддий, лекин фалсафий ривоятлардан бири қўпчиликка маълум. Шундай бўлса-да уни такрорлашга тўғри келади.

Бир киши фарзанд кўрибди. Фарзанди туғилган кундан икки ой ўтгач, ўша киши бир донишманд хузурига бориб, тақсир, менга Оллоҳ таоло фарзанд ато этди. Энди унга қачондан тарбия берсам бўлади деб сўрабди. Донишманд фарзанднинг неча ёшда деб сўрабди. Шунда, ҳалиги киши икки ой бўлди деб жавоб берган экан, донишманд, э, аттанг сен камида икки ой кечикибсан. Сен фарзандингга тарбияни она қорнидаёқ бера бошлишинг керак эди, деб жавоб берибди.

Кўриниб турибдики, фарзандга тарбия бошдан берилиши керак. Бунинг учун она ҳомиладорлик пайтидаёқ ўзини турли ножӯя ишлардан сақлай билиши керак. Фарзанд дунёга келгач эса, беланчакка солишдан тортиб, алла айтиш, овқатлантиришгacha бўлган жараёнга дикқат билан ёндашиши зарур.

Болани ҳадеб эркалатавериш, уни ўзи хоҳлаган ишини қилишга қўйиб бериш ҳам ярамайди. Бунинг оқибатида бола ниҳоятда танти, ялқов, лоқайд, бемехр ўсади ва оқибатда ота-она шаънига доғ туширади.

Болани ўқитиши, меҳнат қилишга ўргатиш ота-онанинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бунинг учун ота-онанинг ўзлари бола тарбиясини пухта билишлари, унга оид адабиётлар билан танишиб чиққан бўлишлари лозим. Боланинг улғайишига қараб аввал осон иш, масалан, уйни тартибга келтириб қўйиши, ундан кейин эса аста-секин оғир меҳнатга жалб эта бориши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат болада меҳнатга нисбатан қўниманинг пайдо бўлишига, унинг меҳнатсевар бўлишига, ҳамда ўз олдидаги масъулиятини сеза билишига кўмаклашади.

Бу хусусда Кайковус «Қобуснома»да шундай дейди: «Бас, керактурким, ҳар турлик фазл ва ҳунарни фарзандингга ўргатғайсан, то оталик шафқати шартин бажо келтурмиш бўлғайсан. Киши бошига на иш тушарин билмағусидир, фазл ва ҳунар ишга яратғусидир»<sup>1</sup>.

Ота-оналарнинг фарзандлари олдидағи асосий бурчларидан бири уларнинг таълим-тарбия олишларига кўмаклашишdir. Бунда албатта, ота-она қаторида тарбиячилар ҳам масъулдирлар. Бунинг исботи тариқасида Кайковуснинг қўйидаги сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ: «Болаларга муаллимлар адаб берсунлар. ...Фарзанд беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдан қаҳринг келса, ўз қўлинг била урмағил, муаллимларнинг таёғи билан қўрқитғил»<sup>1</sup>.

Фарзандларнинг ота-она олдидағи бурчлари ҳам мухимdir. Ривоятга кўра, бир куни ҳаж сафарида бир киши онасини елкасида кўтариб, Каъбани айлантириб юрар эди. Ва ниҳоят у киши жуда ҳолдан тойган ҳолда пайғамбаримиз Муҳаммад саллогоҳу алайҳи вассалам олдига кириб келди ва эй, Расулуллоҳ, онам мени шунча азоблар билан улғайтириди, оқ сут берди, кечалари ухламади. Энди мен онамнинг олдидағи ҳақимни адо этишим зарур. Айтинг-чи, - Мен ўз ҳаққимни адо этдимми?-деб сўрайди. Шунда Муҳаммад с.а.в. «Йўқ, сен бу билан ҳам онанг сени дунёга келтираётганида чеккан бир кечалик тўлғоқ азобларини ҳам адо этмагансан»-дебди.

Кўриниб турибдики, фарзандларнинг ота-онасини рози қилиши, уларга иззат-ҳурмат ва доимий ғамхўрлик кўрсатиши муқаддас бурчdir. Зоро, ҳалқимизда «Ота рози-худо рози», «Жаннат оналар оёғи остидадир», «Ота-онасини ризо қилувчи фарзандлардан Оллоҳ ҳам ризо бўлгусидир» каби ҳикматли сўзлар бекорга мавжуд эмас.

Афсуски, бугунги кунда ота-оналарига нисбатан меҳрисиз ўсган ёшлар ҳам учраб туради. Улар ота-онаси кексайганда ҳол-аҳволидан хабар олиш у ёқда турсин, ҳатто қариялар уйига олиб бориб ташлашгача етишади. Бу бурч эмас, балки ҳурматсизликнинг юқори нуқтасидир. Ахир доно ҳалқимиз томонидан: «Отани танимаган тангрини танимас», «Отасини дилини оғритган эл ичидан хор бўлур, онасини дилини оғритган парча нонга зор бўлур» каби айтилган нақлларда олам-олам маъно ётади. Баъзи ёшлар бундай пурҳикматли сўзларнинг тагига етишса, нур устига аъло нур бўларди. Тўғри, аксарият ҳолда ҳалқимизда оналар улуғланади. Шундай бўлиши ҳам керак. Демак, бу фарзандларнинг оналар олдидағи бурчлари ниҳоятда юксаклигидан далолат беради. Ҳадисларда айтилишича, Муҳаммад с.а.в дан, «Ё расулуллоҳ, мен аввал онамга яхшилик қиласми, ё отамга»?-деб савол берганида расулуллоҳ «онангга» деб жавоб берибди. «Кейинчи?» «Яна онангга», «Кейинчи?» «Яна онангга», тўртинчи маротаба сўраганида «Энди отангга» деб жавоб берибди.

<sup>1</sup> Қобуснома. Т.: 1986, 84-бет.

<sup>1</sup> Қобуснома. Т.: 1986, 84-85-бетлар.

### **16.3. Ғарб ва Шарқдаги оила-тарбия усулларидағи, ўхшашликлар ва тафовутлар**

Ҳар бир юртнинг, мамлакатнинг удумлари, урф-одатлари ўзига хосдир. Улар баъзан ўхшаёт, баъзан эса умуман фарқ қиласиди. Ҳатто, оиладаги ўзаро муносабат, тарбия усуллари ҳам бир-биридан фарқ қиласиди. Биз буни Ғарб ва Шарқ мамлакатлари мисолида кўрамиз. Одатда бу фикрлар ота ва она, ота-она билан фарзанд ўртасидаги муносабатларда, никоҳ маросимлари, кундалик хаётда, кишилар орасида ўз аксини топган. Шарқ мамлакатларида, хусусан, ўзбек халқи тарбия муаммосига ўзига хос хусусиятлар билан ёндошади.

Ғарб мамлакатларида аҳоли ўртасида бундай ҳолатлар бошқачароқ характеристидир. Сабаби, Ғарб мамлакатларидағи тараққиёт тарбияга ҳам таъсир этганки, уларда индивидуаллик кўпроқ тараққий этган. Шахс мустақиллигига аҳамият қаратилган. Тўғри, Ғарб ва Шарқ мамлакатларида яшовчи халқлар фаолиятида анчагина ўхшашликлар ҳам мавжуд. Бир сир эмас. Масалан, тинч ва фаровон, баҳтли, саодатли яшаёт, узоқ умрни кўришни орзу қилиш, ўз соғлигига эътиборни қаратиш, турмуш шароитини яхшилаш, билимга интилиш кабилар шу ўхшашликлар жумласидандир.

Бу фарқлар ва ўхшашликлар тарбия соҳасида ҳам кўзга ташланади, албатта. Лекин Шарқдаги ота-оналар ўз фаолиятларини кўпроқ фарзандларига бағишлийдилар, уларни келажаги учун яшайдилар. Ёлғизлатиб қўймасликка ҳаракат қиласидилар. Ушбу йўналишда ўзларининг фаровон яшашларини ҳам баъзизда унугдилар. Аниқроқ айтадиган бўлсак, барча эзгу ниятларини фарзандларга бағишлийдилар. Биз кўрмаган яхши дамларни болаларимиз кўрсин, деб ўта даражада муносабат билдирадилар. Бундай ҳолат Шарқ мамлакати аҳолиси бўлган ўзбек миллатига ҳам хосдир.

Ота-оналар, қариялар, ўрта ёшдаги кишилар бир-бири билан учрашганларида, сухбат ва мулоқатларида доимо дуога қўл очиб, бир-бирларига узоқ умр тилайдилар, барака топинг дейдилар. Қилган меҳнатларингизни фарзандларингизни роҳатини кўринг деб уқтирадилар. Бу ҳолатлар ўзбек аҳолисининг урф-одатларига сингиб кетган.

Шарқ ва Ғарб мамлакатларида кекса кишиларга бўлган хурмат ва иззат бир-бирига яқин бўлсада, лекин Шарқ мамлакатларида бу масалага жиддий ёндошилади. Зеро халқимизда «Қари билганини пари билмас», «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қари бор уйнинг зари бор» каби нақллар мавжуд. Қолаверса, Ҳукуматимизнинг кексаларга яратадиган шароитлари ҳам бунинг яққол далилидир. 2001 йил 7-декабрда Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллиги муносабати билан ўтказилган мажлисда Президентимиз 2002 йилни «Қарияларни қадрлаш» йили деб эълон қилди. Бу давлатимизнинг кексаларга бўлган эзгу-хурматининг ифодалашидир.

Тарбиянинг баъзи хусусиятлари никоҳ маросимларида ҳам намоён бўлаётир. Никоҳ маросимлари ниҳоятда дабдабали, қатор-қатор машиналар, видеога тушишлар, альбом қилишлар, спиртли ичимликлар қўйиш, «асал ойи сафарлари» каби ҳоллар кўпайган. Бу ҳолатларнинг баъзилари Ғарб

мамлакатларида күпроқ оммалашган. Бундай одатлар оила бюджетига ҳам боғлиқ албатта. Ғарб ёшларини түй маросимлари, дафн маросимлари, ичимликсиз ўтмайди.

Никоҳ кунидаги кийинишлиар ҳам тортишувга сабабчи ҳоллардан биридир. Чунки, ёшларимиз охирги йилларда түйларда европача кийиниб ўтиришни истайдилар. Тўғри, мустақилликка эришганимиздан кейин миллий лиbosлар ҳам қўлланила бошланди, бу хайрли ишлардандир.

Шарқ ёшларининг ғарб ёшларидан фарқли жихатларидан яна бири шуки, улар ота-она билан муомалада сизсизлаб гапиришади.

#### **16.4. Оила шаклланишида севги, муҳаббат, маънавий-рухий яқинлик, ўзаро тенглиқ масалалари. Оилада поклик оила тинчлигининг зарурый шарти**

Зотан, Оила жамиятнинг пойдевори сифатида жуда юқори даражада мустаҳкам бўлиши даркор. Бунинг учун эса оила гули ва гултожиси бўлган эрхотин бир-бирига ҳар тарафлама мос келиши талаб этилади. Сир эмаски, ҳозирги пайтда жуда кўп оилаларда ажралиш ҳоллари қўпаймоқда. Бунинг натижасида тирик етим болалар сони қўпайиб бораётир. Албатта, бу ҳолат ёшларнинг меҳрсиз ўсишига сабаб бўлади. Никоҳ тушунчаси икки ёшнинг бевосита унаштириб қўйилиши натижасидагина юзага келадиган ҳодиса сифатида намоён бўлса, ички хусусиятини йўқотади. Никоҳ ҳақиқийлиги келин-куёвларнинг ўзаро севги-муҳаббати, маънавий-рухий ҳолати яқинлиги, поклиги, ҳалоллиги, чинакам садоқатлилиги каби хислатларнинг мавжудлигига таянади. Афсуски, кўп оилаларда балоғат ёшига етмаган қизларни мажбуран эрга бериш ёки йигитларни ўzlари хоҳламаган ҳолларда уйлантириб қўйиш ҳоллари учрайди. Бу ҳолат эса, кўп ҳолларда оиланинг бузилиб кетишига олиб келади, чунки ёшлар ўртасида баъзи бир тафовутлар бўлиши, бу эса бир-бирларини тушуна олмасликларига сабаб бўлади. Баъзи бир эрларнинг хотинларига нисбатан паст назар билан қарашлари, хотин доимо эр измida бўлиши керак деган нотўғри тушунчага маҳкам ёпишиб олиб, жуфти ҳалолини хўрлаш ёки баъзи оилаларда хотиннинг топармон-тутармон бўлиши ҳамда эрини камситиши оилани таназзулга олиб келади. Тўғри, ҳалқимизда «эр яrim худо», «хотин эр вазири» ёки «эрни эр қиласидиган ҳам хотин, қора ер қиласидиган ҳам хотин» каби мақоллар мавжуд. Аммо бу мақолларни тўғри маънода тушуниш лозим. Бу оилада пул топиш, оилани боқиш, бошқариш ишларига қўпроқ эркакларнинг масъуллигидан келиб чиқадиган маъно англашилади.

Оила фаровонлиги, мустаҳкамлигига эр-хотиннинг ўзаро маънавий-рухий яқинлиги, бир-бирини тушуна олиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. «Беайб парвардигор» деганларидек, ҳеч ким бекаму-кўст яратилган эмас. Исломда «Хотинлар сиз учун либосдир, сиз улар учун либосдирсиз» дейилган. Шу билан бирга эр-хотин ўртасидаги ўзаро меҳрлилик ҳам оила фаровонлиги гаровидир. Агар оилада эр хотинга меҳрсиз бўлса, унга эътибор бермай, яхши муомала қилмаса, хотинда меҳрга эҳтиёж туғилади ва бошқадан ўз эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилиши мумкин. Натижада хотин вафосизлик йўлига ўтишга мажбур бўлади. Эрнинг олдидағи энг олий вазифалардан бири, бу ўз турмуш ўртоғини тўғри танлай билишдир. Бу тўғрида Кайковус шундай дейди: «Хотин олсанг улуғ салоҳлиғ (яхши) хонадондин хотин талаб қилғил, ҳар турлук авбошнинг қизин олмағил, нединким, хотинни уйнинг кадбонулиғи учун олурлар, шахват учун олмаслар.

Хотин камолга етган, оқила бўлғон, онасининг кадбонулиғин, отасининг кадхудолигин кўрғон ва билғон бўлсун. Агар бундек нозанин қўлингга тушса, уни асло қўлдин чиқармағил ва жаҳд қилиб уни олғил...»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қобуснома. Т.: 1986, 70-бет.

Кўриниб турибиди, турмуш ўртоқни танлашда у тарбия топган оиладаги маънавий ҳаёт, хонадоннинг юрт орасидаги обрўси ҳам эътиборга олиниши зарур. Албатта, бу ҳам оила фаровонлигини қўзлайдиган муҳим тадбирдир.

**Таянч сўз ва иборалар:** «Оила йили», «Оила ҳуқуқи», «Оила тўғрисидаги давлат дастури», Оила кодекси, саховатли оилалар, ўзаро меҳрлилик.

### **Хикматлардан намуналар:**

Тутгил қариларнинг қалтироқ қўлин,  
Қаригач билурсан кексалик йўлин.

Ёшлик, телбаликни чиқар бошингдан,  
Онанг хизматида бўлгил ёшингдан.

**Носир Хисрав**

Токи бор ғайрату мардлиқдан асар,  
Аҳлу аёлингни этма дарбадар.

**Пахлавон Махмуд**

Йиллар ўтиб кетди тепангдан ғир - ғир,  
Отанг мозорига бордингми бир дам.  
Отанг хотирига нима эзгулик –  
Қилдингки, ўғлингдан кутасан сен ҳам.

**Саъдий**

Ёш ҳар қанча ишда бўлсин ибратли,  
Кўп кўрган кексанинг иши ибратли.

**Хусрав Дехлавий**

Сирингни қўнгулда сақлагил берк,  
Мушфиқ сенга йўқ жаҳонда сентек.  
Айтма деб ани бир кишига айтма,  
Турмаским, ани эшитса тинч-тек.

**Сайфи Саройи**

Илм олишга белингни чоғла,  
Бошқа ҳар ишдан қўлингни боғла.  
Устод, муаллимсиз қолса бир замон,  
Нодонлиқдан қора бўларди жаҳон.

**Абдураҳмон Жомий**

Ота-бала айбдорни ҳоким олдига элтиб, аввал отасини юз дарра урдилар, - ғинг демади. Сүнгра ўғлини ётқизиб, бир дарра уриб эдилар, нола – фарёд чекди.

- Ўзингга юз дарра сукқанда «вой» демадинг, нега буни бир дарра ургандаёқ фарёд чекасан, - сўрабди жаллодлар.

- Олдинги калтаклар менинг танамга ботганди, бу зарбалар эса, жигаримга тегмоқда, дебди ота.

### Сафий

Доғи ҳижрон дардини ёрдан жудолардан сўранг,  
Биз каби ҳижронзада юрган гадолардан сўранг...  
Ошиқ улдурким нигорин кўйида жондин кечиб,  
Сарбасар куйган вужуди қаҳраболардан сўранг.

Х Х Х

Куйингда қаландарман, куймақда самандарман,  
Рахм айла бу ҳолимга, ҳажрингда хуноб этма,  
Эй кўзлари жаллодим, етсин сенга бу додим,  
Кўй, жабру жафоларни, ҳолимни хароб этма.

Х Х Х

Ҳар овқатга қўлинг урма бўлсанг тўқ,  
Чунки ул келтирас беҳад мashaққат.  
Ҳайвонлар ичида абраҳидир юз,  
Тўйиб ейиб олгани чоғида овқат.

### Алишер Навоий

## **Тест топшириқлари**

- 1. Президентимиз ташаббуси билан қайси йил «Оила йили» деб эълон қилинди?**  
а) 1996 йил;  
в) 1997 йил;  
г) 1998 йил;  
д) 1999 йил;  
е) 2000 йил.
  
- 2. «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга». Мазкур жумлалар Конституциянинг қайси моддасида кўрсатилган?**  
а) 63 – моддасида;  
в) 64 – моддасида;  
г) 65 – моддасида;  
д) 66 – моддасида;
  
- 3. «Маҳаллани ўз - ўзини бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси деб аташ мумкин» деган ибора муаллифи ким?**  
а) Бехбудий;  
в) И. А. Каримов;  
г) Фитрат;  
д) А. Авлоний;  
е) А. Навоий.
  
- 4. «Оила кодекси» қачон қабул қилинган?**  
а) 1999 йил;  
в) 1998 йил;  
г) 2000 йил;  
д) 1997 йил;  
е) 2001 йил.
  
- 5. 1998 йилда оила манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш учун Давлат дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур нечта бўлимдан иборат?**  
а) 7 - бўлимдан;  
в) 6 – бўлимдан;  
г) 5 – бўлимдан;  
д) 4 – бўлимдан;  
е) 3-бўлимдан.

**6. «Хотин олсанг улуғ салоҳлиғ (яхши) хонадондин хотин талаб қилғил, ҳар турлук авбошнинг қизин олмағил, нединким, хотинни уйнинг кадбонулиғи учун олурлар, шаҳват учун олмаслар», деган фикрлар қайси асардан олинган?**

- а) «Бобурнома»дан;
- в) «Хамса»дан;
- г) «Қобуснома»дан;
- д) «Темур тузуклари»дан;
- е) «Зафарнома»дан.

**7. Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ота-она билан фарзанд ўртасидаги муносабатларда фарқли жиҳатлар қай даражада намоён бўлади?**

- а) ота – она билан кундалик мулоқотда;
- в) фарқи деярли йўқ;
- г) ота – она олдидаги бурчларини адо этилади;
- д) манфаатларда;
- е) А ва В

**8. «...Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак авлодлар қандай инсон бўлиб этишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчиғи эканлигини тан олишимиз даркор», деган фикр Президентимизнинг қайси асаридан олинган?**

- а) «Ўзбекистон буюк келажак сари»;
- в) «Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги»;
- г) «Тарихий хотирасиз келажак йўқ»;
- д) «Ватан мангуд қолади»;
- е) «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли».

## **17-мавзу: Шахс маънавиятини ривожлантириш омиллари ва воситалари**

### **17.1. Инсоннинг ички ва ташқи гўзаллиги**

Инсоният ўзи яратган маънавий борлиқни яхлит тарзда таърифлашга ҳамма вақт ўзида эҳтиёж сезган. Биз мана шу хазинани қўпайтириш ҳақида фикр юритсақ, ҳамма вақт зиддиятга дуч келамиз. Чунки бу антиқа, ноёб ва муқаддас хазина қанчалик сарфланса, шунчалик бойиб, қўпайиб боради. Хазинамиз дурлари, гавҳарлари ва марваридлари-халқ оғзаки ижоди, дунёқараши, асрлар давомида сайқал топган фикрий кашфиётлари, ҳаётий кечинмаларидир. Шубҳасиз бу ерда заргар бўлиб дин, фалсафа, мантиқ, адабиёт санъат майдонга чиқади. Қайси бир ҳалқнинг хоҳ у Шарқда бўлсин, хоҳ у Ғарбда, оғзаки ёки ёзма ёдгорлигини ўрганадиган бўлсак, башар тафаккуридан мерос бўлиб қолган асотир-афсоналар, аср-асрлар давомида ҳосил бўлган ҳаётий кўникумалар ва ҳикматлар қаймоғи-маънавий тафаккур тажрибасининг инъикосини кўрамиз. Муқаддас хазиналар: «Авесто», «Ригведа», «Таврот», «Забур», «Инжил», «Куръони Карим» «Ҳадиси Шарифлар» ҳам ана шу минг йиллар ичида сайқал топиб шаклланган табиий эҳтиёжлар ҳосиласи сифатида юзага келган диний ва адабий- тарихий манбалардир.

Динлар инсоният тараққиётининг муайян босқичида янги маънавий-руҳий зарурат сифатида майдонга келган. Динлар маданий-маънавий ҳаётнинг барча соҳасини қамраб олиб, инсонлар фаолиятига ақлий ва бадиий жиҳатдан таъсир этиб келди, уларнинг маънавий юксалишига ёрдам берди. Янги таълимотлар, йўналиш, оқимлар, қарашлар силсиласини вужудга келтирди. Буларнинг қарийиб барчаси қандай мақсадларни қўзламасин, яхшиликни, эзгуликни қурол қилиб олишган. Чунки, инсон қайсиидир маънода салбий фазилатларга мойиллик сезса-да, онгли равишда ҳамма вақт ва ҳамма замонларда эзгуликка интилган ва шундай бўлиб қолажак. Айниқса, бу нарса Шарқда жумладан, Туронда яққол кўзга ташланадиган ҳолатdir. Шунинг учун ҳам буюк Шарқ алломалари дунёвий фанларнинг қайси соҳасида ижод қилишмасин, ахлоқ тушунчасига қаттиқ суюнишган ҳамда унга катта эътибор билан қараб, ўзларининг қомусий хулосалари билан бойитиб боришган.

Инсонларнинг интилиши, ҳаракатлари, орзу-умидлари, турмуш тарзини ўзида акс эттирган ҳалқ оғзаки ижоди намуналарида аҳолининг асосий руҳияти қамраб олинган. Жумладан ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ҳалқларида «Алпомиш», Туркман, Озарбайжон ўлкасида, Ўзбекистонда «Гўрўғли» достонларининг, қирғизларда «Манас» ҳалқ эпосининг вужудга келиши, уларда қарийиб бир хил манзаранинг турли талқинини, яъни эзгулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик, зиё ва зулмат, мардлик ва қўрқоқлик кураши, охирида эса эзгу ниятлар тантанаси, донишмандлик, ақл-идрок, қалб тозалиги, ҳалоллик, вазминлик, самимилик, раҳм-шафқатлилик, ватанпарварлик, инсонийлик, меҳнатсеварлик каби эзгу фазилатларнинг улуғланишини кўрамиз. Бу ўйғунликнинг бош сабабларидан бири бу шубҳасиз заминимиз ўтмишидаги

буюк таълимотлар, инсонпарвар, эркпарвар ғоя ва қараашлар, қолаверса ислом дини ва тасаввуфнинг катта роль ўйнаганлигидир.

Жумладан, тасаввуф таълимоти инсон қалби ва руҳиятини қўтаришга ҳаракат қилган. У жаҳолат ва худбинликка қарши чиқди, ахлоқий покликни тарғиб этди Тасаввуфда инсон маънавий камолоти ва у ҳақда қайғуриш баҳс масаласи бўлиб келган. Тасаввуфчилар тариқат ва шариат аҳкомларига суюниб маънавий сарчашмани излаган «ҳақ»қа чанқоқ кишиларни бирлаштиришга ҳаракат қилганлар, комил инсон масаласига эътибор қаратганлар. «Комил инсон бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳига туташ, файзу кароматдан сероб, сийрату суврати саранжом, қалби эзгу туйғуларига лиммо-лим покиза зот»<sup>1</sup>.

Комил инсон идеали инсон ички ва ташқи гўзаллигининг жамики уйғунлигини ўзида акс эттирган, нуқсонлардан ҳоли зот. Хўш, ўзи кишининг ички ва ташқи гўзаллиги деганда нимани тушуниш лозим, умуман гўзаллик бу ўзи нима? -деган табиий савол туғилади.

Гўзаллик бу уфуриб турган нафосат билан ёғдуланган мунаvvарлик, етуклиқ ва комиллик, ҳар жиҳатдан тутал ва мукаммал олий орзу. Гўзалликни ҳар ким ҳар хил тушунади, масалан, қалб қўри бериб ясалган ҳайкалтарошлиқ асари бу рассом учун энг гўзал ва мафтункор нарса бўлиши мумкин. Бошқа бирорлар учун эса бу баҳосидан қатъи назар оддий ёки одатдаги санъат асаридир. Шунинг учун ҳам шоир гўзалликни чиройли мисралардан, дехқон бепоён далалардан, рассом ранглар уйғунлигидан, ҳофиз гўзал хонишдан излайди ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам одамлар ҳар томондан чўққига интилган алпинистлар каби эзгулик сари интиладилар. Шу боис бўлса керак, «Дунёни гўзаллик ва эзгулик кутқаради» деган жумла халқимиз онгига сингиб кетган.

Инсон гўзаллиги ҳақида гап кетса, унинг ички ва ташқи гўзаллиги эътироф этилади. Чунки улар таркибий қисм сифатида мавжуд ва бу икки гўзаллик уйғун ҳолдагина ҳақиқий гўзаллиқдир.

Нафақат инсоннинг умумий гўзаллиги, балки инсоннинг ташқи гўзаллигини ҳам бу унинг мафтункор чехраси, бўй-басти, қош-киприги-ю, қимматбаҳо либос кийишида деб тушунадиганлар орамизда талайгина. Булар ҳам қисман тўғри албатта. Бироқ умуман олганда, бу унчалик ҳам тўғри эмас.

Инсоннинг ташқи гўзаллиги – бу унинг зоҳиран кўринадиган барча амалий ҳаракатлари ва фазилатлари: озода ва покиза юриш, ораста ва саранжом, ўзига ярашадиган кийим кийиш, Аллоҳ ўзи инъом этган гўзалликка гард юқтирасмаслик, оддийлик ва соддалиқ, вазмин ва жиддий муносабатни тушуниш кабилардир.

Инсоннинг ботинийдаги гўзаллиги – бу унинг ички гўзаллигидир. Бу эса инсон маънавияти кўзгуси саналади.

Ҳалоллиқ, поклик, инсофли, диёнатли, меҳр-оқибатли, муруватли ва саховатли бўлиш, қалб поклиги, тўғрилик, самимилик, ор-номуслилик, раҳм-шафқатлилик, вазминлик ва босиқлик ва бошқа ҳар бир ижобий фазилат ва

<sup>1</sup> Н. Комилов. Тасаввуф (биринчи китоб), Т.: 1996, 143-бет.

хислатлар инсон ички қалбий гўзаллиги асослари саналади. Бу кўпинча инсоннинг маънавий қиёфаси деб ҳам юритилади.

Ҳаётда кўпинча қуйидаги манзаранинг гувоҳи бўламиз: кундалик ҳаётимизда, ўқишда ёки ишда илк маротаба муносабатда бўлган киши ҳақида доим хулоса қилишга қизиқиш пайдо бўлади. Чунки, бундан кейин бевосита мулоқотда бўлиб турадиган одат ҳақида тасаввурга эга бўлишни муносабатимизнинг ўзи тақозо этади. Хуллас, унинг ташқи кўринишига қараб чиқарган хулосаларимиз, кўп ўтмай уни яқиндан ўргана борганимиз сари чиппакка чиқиши (ёки мустаҳкамланиб бориши) мумкин. Чунки кишининг ilk учрашувидаги ташқи кўриниши, сиполиги, ўзини тутиши ва бошқалар қолдирган тасаввур, бора-бора унинг ҳаракатларига ёпишмаслиги оқибатида бу ҳодиса рўй бериши табиий. Агар бу манзара турмуш қураётган иккита ёш ўртасида бўлса-чи, унда бу икки ёш ўртасидаги муносабат, меҳр-оқибат, инсоф, диёнат ва садоқат бешикда жон берган боладай гап. Хуллас инсон ҳар бир ҳаракати, гап-сўзи билан, салоҳияти, энг муҳими маънавияти билан ўзининг келажагига замин ҳозирлайди ёки шу келажакка асосни таъминлаб бориши лозим.

Бунинг учун эса, аввало, инсон маънавиятини юксалтириш керак. Маънавият - инсон ташқи ва ички гўзаллигини баҳоловчи ва белгиловчи мутлақо мунтазам мезондир. Маънавият келажагимиз танти тираги, сирли сарҳадидир.

Хўш, инсоннинг ички ва ташқи гўзаллиги, уйғуналигини, маънавиятини яна нималарда кўришимиз мумкин?

Инсондаги гўзаллик ва бой маънавиятлилик энг биринчи унинг муомаласида, ширинаханлигига, сўзни қопиб эмас, топиб гапиришидадир. Ҳалқимиз орасида «ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир»- деган доно нақл юриши ҳам бежиз эмас. Шунинг учун инсон ўзаро муносабатларда самимий, ширинахан, ҳар қандай ҳолат бўлганда ҳам яхши гап ва одоб билан иш юритишга ҳаракат қиласидиган бўлиши керак.

Юсуф Ҳос Ҳожиб «Одобнинг боши тил» деб бежиз ўгит бермаганлар. Инсон ҳар қандай аччиқ ҳақиқатни ҳам гўзал таърифлай олиши керак. Шу ерда бевосита фикримиз исботи сифатида қуйидаги ривоятни келтириб ўтишимиз мумкин. Кайковус «Қобуснома»сида шундай ҳикоят келтиради: «Бир кеча Хорун ар-Рашид туш кўради, тушида унинг барча тишлари тўкилиб кетганмиш. Халифа эртасига тушининг таъбирини билиш учун таъбирчиларни чақирибди. Келган таъбирчилардан бириси шундай дейди: «Эй амиралмўъминин, сенинг кўз олдингда барча қариндош-уруғларинг ўлади. Сендан бошқа ҳеч ким қолмайди». Бу сўзни эшитган Хорун ар-Рашид: «Менга бундай нохуш таъбир айтишга қандай журъат этдинг деб уни жазога тортади. Таъбир қилишга келган иккинчи киши эса шундай дебди:-» Эй амиралмўъминин, сенинг баҳтинг кулибди. Сен барча қариндошларингдан кўра кўпроқ умргузаронлик қиласан». Шунда Хорун ар-Рашид: «Барча ақлнинг йўли бирдир ва икковининг таъбири бир ерга бориб тақалади, аммо бу ибора билан у иборанинг орасида фарқ бағоят кўпdir», -дейди ва иккинчи таъбирчини мукофотлайди.

Хар қандай разиллик ва пасткашликка қарши йўналган жанговар оҳанг ва нафрат, содир этилган хар бир ҳаракатга фавқулодда эътибор ва зийраклик, ҳамма вақт ва ҳар жойда жўшқин кайфият, ҳар ишда мўътадил ва барқарор қатъият, мулоқотда ва муносабатда миллий оҳанг ва она тили соғлигига событлик, дўстлар ва жамоа ташвишига ўзини дахлор деб билишлик, муҳимлик даражасида кескин ва аниқ муносабат, зийрак ишораларга амал қилиш, бетакрор нафосат касб этиши, истеъдодни қадрлаш кабилар кишини чексиз хурматга сазовор этади. Шу билан бирга ростгўйлик, дўстликка садоқат, жасурлик ва мардлик, самимилик, раҳм-шафқатлилик, ҳалоллик, вазминлик, қалб тозалиги, юксак ахлоқлилик каби фазилатлар ҳам ижобий қирраларимизни намоён қилиб турадиган мезонлар саналади.

Ҳадислардан бирида шундай дейилади: «Ростгўйликдан хавфу хатар кўрсанглар ҳам рост сўзланглар. Шунда нажот топасизлар. Гарчи фойда кўриб турган бўлсангиз ҳам, ёлғондан сақланинглар. Чунки бари бир ёлғоннинг охиривой».

Шундай вазиятлар бўладики, ростини сўзлаб ҳақиқатга тик борган одам азият чекади. Шундай вазиятда биз иродасизлик қилиб алдоқчиликка ўтсак, биринчи навбатда ўзимизга заҳмат етказамиш.

Қўл билан ушлаб қўриш, қўз билан қўриш, ҳидлаб билиш ва ҳис қилиш мумкин бўлган нарсани муҳим мавҳумлик деб билиш, қандай аҳмоқлик бўлса ўзини ўзи алдаш (таскин топиш асносида бўлса-да) ва шунга ишониш ўзлигимизга бўлган кечириб бўлмас хиёнатдир. Кўнглимиз қавариб қадоққа айланишини бевосита кузатиб туриш жуда ҳам оғир қисмат бўлса керак.

Дўстлик деган олий тушунча бор экан, инсон ҳар доим ўзини қудратли сезади. Чунки ҳар қандай оғир кунда ҳам, энг баҳтли онларда ҳам биринчи навбатда дўстларинг йўлдош бўлади, ёки бўлмасам биз шундай бўлишини таъминлашимиз даркордир. Дўстона муносабатларда тамомила бетарафлик ва холислик, пок рақобатни тушуниш ва шакллантириш ҳар доим ҳам долзарбdir. Дўстона муносабатларда шундай бир ўқдан-да кучли сўз топишимиз керакки, у дўстликка чанг солмасин, дилдаги ғуборни усталик билан ювиб ташласин. Зоро, дўстлик бу шундай туйғуки, талашганда тегишли, силкитганда севикли бўладиган нарсалар унга чанг солмасин. Бу муносабатларда «миш-миш»лар, «эмиш-эмиш»ларга кўр-кўrona ишониш ва хулоса чиқариш ярамайди.

**Жасурлик.** Албатта, бу йигитларга хос сўз. Йигитларга хослиги шундаки, бу сўзни исм сифатида фақат йигитлардагина учратиш мумкин. Ўзини эр йигит санаган ҳар бир йигит учун ўзига нисбатан, номард деган сўзни эшитиш жуда оғир бўлса керак. Тасаввурига келган чалкашликни англаш қандай даражада фавқулодда содир бўлса, бу сўзниң қулоқларимизда акс садо бериши ҳам шунчалик бехос юз берадики, ўзингизни сўроққа кўмиб ташлайсиз. Ана шу ҳолатни кузатишга эҳтиёжни ўзимизда шакллантириш лозим.

Самимилик учун билдирилаётган фикр яшин тезлигига онгимизнинг серқатлам фильтрида синтезланиши зарур.

Шундагина холис хулосамиз вужудга келади. У эса муносиб жавобини топади.

Раҳм-шафқатга улуғворликни мезон сифатида қабул қилишимиз мумкин. Чунки раҳм-шафқат улуғларга хос. Ўзининг дарди билан яшайдиган одамга раҳм-шафқатдан гап очсанг кулгиси қистайди. Улуғлар эса бошқаларни ўйлагани учун ҳам улуғдир.

**Ҳалоллик.** Кишилардаги турфа одатлар ва ҳаракатларни кузатиб, қандайdir қонуният топиш эҳтиёжи ёки қизиқиши, қонуният амал қилишидан холис хulosи чиқариш ва шунга интилиш, ҳар дамда содир этилган ҳаракат хусусиятларини фаҳмлаш, реал кўз билан баҳолаб, ҳаракат чегарасини белгилашдир.

Ҳадислардан бирида шундай дейилади: «Кимки ҳалол касбини қилиб ухласа, гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайди».

**Вазминлик.** Бу хаёлот сарҳадсизлиги ва зарур бўлганда унга шўнғиши, ёхуд шу заруриятни англашдир. Хаёлотнинг минг бир фикрларидан, унинг туйнукларидан тушган нур орқали зарурини мажозий маънода ажратишдан олинган ҳосила сукут саклагудек муқаррар ҳодиса бўлиши керак. Чунки вазмин киши деганда хаёлга чўмган, қатъиятли нигоҳни тасаввур қилишга ўрганганмиз. Шунинг учун киши ҳақида ижобий фикр билдирилса, аввало унинг вазмин қиёфаси намоён бўлади.

**Қалб тозалиги.** Асли бу сайқал топган мантиқдир. Теран англанган кўламдор курашда-нафс ва ахлоқ курашида ахлоқ устунлиги ва шаклланган ҳиссиёт. Эзгуликка интилишдан юзага келган ирсий фазилат. Қалб тозалиги бу – ҳалол бўлиш, баҳиллик ва қизғанчиқлик қилмаслик, қалб тозалиги бу – сабр қаноатли бўлиш, хайру-эҳсон қилиш, қалб тозалиги бу-хушхулқлик ва хушфеъллик, меҳр-оқибатли ва шафқатли бўлиш, инсофли ва диёнатли бўлиш ва амал қилишдир.

Шунинг учун ҳам ҳадисларда шундай дейилади: «Кимки қалбини тоза, иймон учун холис ва соғлом, тилини ростгўй, ўзини хотиржам, хулқини тўғри, қулоғини тингловчи, кўзини ибрат назари билан боқувчи қилиб олган бўлса, демак, у баҳтидир».

Қалб тозалиги ҳамма вақт намунали бўлишга чорлайди. Намуна бўлишга сезилган ҳар дамдаги эҳтиёж ижобий қирраларимизни намоён этади. Айниқса, намунали ҳаракатда ёш болалар кучли тақлидчи бўлишлари билан бирга, ҳали унда кўникмалар шаклланмаган бўлади.

Лекин биз кўп ҳолларда бу эзгу фазилатларнинг ҳадисини олган бўлсак ҳам, шу фазилатларга интилсак ҳам, амал қилишимиз қийин кечади. Чунки, бизда бу кўникмалар ҳали унчалик шаклланмаган бўлади. Буларнинг асосий сабаби эса болалиқдан эътибор қилинмаганликдадир. Ҳар бир инсонда бу ноёб кўникмаларни шакллантиришда тарбиянинг аҳамияти каттадир.

Тарбия бу маънавиятнинг муҳташам дарвозасидир. Ана шу дарвозадан эзгулик сари, ўқтамлик ва қудрат сари, ҳар бир эзгу ишга мунтазам масъуллик сари мислсиз маҳорат билан қадам ташлаш лозим.

Маънавий комиллик, миллий ўзликни англашга ёрдам берадиган тарбия, муҳит, аввало оила, ота-она тарбиясидир. Бу сўзларимиз исботи, учун буюк маърифатпарвар жадидчиларимиздан бири Абдурауф Фитратнинг «Раҳбари

нажот» асарида келтирилган қуйидаги фикрларида кўришимиз мумкин: «Сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби, болалар ҳам қандай муҳитда бўлсалар, ўша муҳитнинг ҳар қандай одат ва ахлоқини қабул қиласилар. Ахлоқий тарбиянинг энг буюк шарти шундан иборатки, болалар кўпроқ яхши ва ёмон аҳволни ўз уйларидан, кўчадаги ўртоқларидан, мактабдаги ўқувчилардан қабул қиласилар».

Дунёга келган гўдак қулоғига айтиладиган муборак аzon ва муборак исми, онасининг ширин алласи, эзгу расм-руsumлар болада аста-секин кўникмаларни шакллантиради. Бола аста-секин улғайиб тили чиқа бошлагач эса, унга бўлар бўлмас ғайриоддий сўзларни эмас, балки миллий туйғулар, олижаноб фазилатлар, эзгу орзуларни билдирувчи она, ота, Ватан каби сўзларни ўргатиш зарур, бора-бора унда бу кўникмалар малакага айланиб боради. Тарбияда кечикиш инсонни йўқотиш демакдир, унда оддий икир-чикирларга ҳам эътибор бериш зарурдир. Ибн Сино, Беруний, Форобий, Навоий ва бошқа буюк аждодларимизнинг тарбия ҳақидаги ва хусусан комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги қимматли фикрлари ҳам жамият ривожланишида янги маънавий имкониятлар излаш мақсадлари билан боғланган. Форобий фозил шаҳар аҳолиси тўғрисида тўхталар экан, шахснинг маънавий камолотиниadolатли жамият қуришнинг энг авангارد шарти ҳисоблайди. Бугун биз XXI аср бўсағасида қандай йўлларни белгилаб олишимиз керак, тарбиявий ишларда нималарга суянишимиз керак деган савол ҳар бир «уйғоқ» ўзбекнинг қалбида жўш ураётир.

Асрларни талқин қилиб, хулоса қилсак, фақат бир нарса дахлизлигини ва аҳамиятини сақлаб келаётир. Бу ҳам бўлса мулк, мулкчилик. Кишилик даври ибтидосини ларзаларга олиб келган ҳам шу мулкий фарқ, тинимсиз ва бетартиб ривожланиш манбаи, эҳтиёжларимиз чексизлиги-ю, имкониятларимизнинг чекланганлигидир. Шу сабабли, инсонларни мулкка бўлган муносабати юксак маънавийлик билан алоқада бўлишини давр тақозо этади. Мулк ва мулкчиликдан маънавий узоклашмаслик лозимдир.

Тўғри, ҳозирги кунда ҳам мулкка эгалик ҳисси тараққиёт гарови деб белгиланаяпти, аммо бу дегани маънавийлик иккиламчи дегани эмас.

Кишилик тарихидаги ана шундай боқий муносабатларни англаб, шулар асосида маънавий камолотни кўзлаш мутафаккирларимизда азалдан шаклланган. Бу нарса муқаддас заминимизда ўша XIX аср охири XX аср бошларида жамиятнинг, маънавиятнинг, тарбиянинг инқирози чуқурлашган даврда ҳам изсиз йўқолмади. Бир қатор жадидчилар Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, А.Авлоний, Мунаввар қори, Сўфизода, Абдулла Қодирий ва бошқалар миллий маданиятни кўтармай, маърифий-тарбиявий ишларни ривожлантирамай ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмайди, деган ғояни илгари суришган. Шу ўринда Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» номли асарида келтирилган, Президент Ислом Каримов қайта-қайта такрорлайдиган қуйидаги фикрни келтириб ўтиш ўринлидир: «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир».

**Таянч сўз ва иборалар:** маънавий борлик, ҳаётий кечинмалар, Турон, комил инсон, ташқи гўзаллик, мунаварварлик, етуклик, комиллик, гўзаллик, оддийлик ва соддалиқ, вазминлик ва жиддий муносабат, саховатли, номусилик, раҳм-шафқатлилик, вазминлик ва босиқлик, сиполик шахс, шириңсухан, фавқулодда, эътибор, зийраклик, жўшқин кайфият, мўътадил ва барқарор қатъият, вазминлик, қалб тозалиги, жасурлик, самимийлик, баҳиллик ва қизганчиқлик.

### **Ҳикматлардан намуналар**

Бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси фазилатли жамоадир. Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир – бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади.

### **Абу Наср Форобий**

Инсоннинг кийимига қарама, билимига қара. Илм – бу ота, балки у сут беришда онадан фойдалироқдир. У ёмонликни тузатиш учун ҳамма нарсадан яхшироқдир. Агар тилингни тиймасанг. Жиловингни душманингга бериб қўясан.

Сенга энг яхши маслаҳат мутакаббирлик билан юзингни тескари бурма ва шон – шухратинг билан фахрланма.

### **Аз- Замахшарий**

## **Тест топшириқлари**

### **1. Инсоннинг ички гўзаллиги бу –**

- а) ҳалоллик, поклик, инсофлик, диёнатли бўлиш, муруватлилик, сахийликка интилиш каби ҳислатлар мажмуасидир;
- в) орасталик ва саранжомликка риоя этишdir;
- г) мардлик, инсонпарварлик, меҳр – оқибат каби юксак аҳлоқий ҳислатларни намоён этишdir;
- д) ҳокисорлик, адолатпарварлик;
- е) А ва Г.

### **2. Ташқи гўзаллик бу -**

- а) зоҳирон қўринадиган барча амалий ҳаракатларда намоён бўлади;
- в) инсоннинг ички оламини тавсифловчи ижобий ҳислатлар ва фазилатлар йиғинидисидир;
- г) озода ва покиза юриш, оаста ва саранжом, ўзига ярашадиган кийим кийиш, оддийлик ва соддалик ҳислатларини намоён этиш;
- д) камтаринлик, камсўзлик;
- е) А ва Г.

### **3. «Ташқи гўзаллик ўзини пинҳона ички олами билан янада гўзалдир» деган фикр кимга тегишли?**

- а) Шекспирга;
- в) И. Кантга;
- г) Г. Гегелга;
- д) Ф. Бэконга;
- е) Платонга.

### **4. Қуйидаги манбалардан қайси бирида асосан инсон ички гўзаллиги улуғланган?**

- а) эртакларда;
- в) ҳадисларда;
- г) тасаввуф таълимотида;
- д) «Авесто»да;
- е) В ва Г.

### **5. Тасаввуф таълимотида -**

- а) инсон қалби ва руҳиятини кўтаришга ҳаракат қилинади;
- в) иқтисодий мавзуларда фикр юртилади;
- г) инсон маънавий камолоти ва у ҳақида қайғуриш баҳс масаласи ҳисобланади;
- д) маънавий-маърифий юксалишга ҳаракат қилинади;
- е) А ва Г.

**6. «Одобнинг боши тил», деган ўгит ким томонидан айтилган?**

- а) Юсуф Хос Ҳожиб;
- в) Алишер Навоий;
- г) М. Қошғарий;
- д) Аҳмад Яссавий;
- е) Аҳмад Юнакий.

**7. «Ростгўйликдан хавфу-хатар кўрсанглар ҳам рост сўзланглар.**

**Шунда нажот топасизлар. Гарчи фойда кўриб турган бўлсангиз ҳам ёлғондан сақланинглар. Чунки барибир ёлғоннинг охиривой», деган сўзлар қайси манбадан олинган?**

- а) «Темур тузуклари»дан;
- в) «Авесто»дан;
- г) «Ҳадиси Шариф»дан;
- д) «Куръони Карим»дан;
- е) «Қобуснома»дан.

**8. Инсоннинг ички ва ташқи гўзаллиги ёритилган «Фозил одамлар шахри» асарининг муаллифи ким?**

- а) А. Навоий;
- в) З. Бобур;
- г) Абу Наср Форобий;
- д) А. Жомий;
- е) Абу Райҳон Беруний.

**9. «Кимки ҳалол касбни қилиб ухласа, гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайди», деган фикрлар қайси манбадан олинган?**

- а) соҳибқирон Амир Темур ўгитларидан;
- в) тасаввуф таълимотидан;
- г) Ҳадиси шарифлардан;
- д) Куръони Каримдан;
- е) «Қобуснома»дан.

## **Алломалар ҳикматлари ва халқ мақолларидан намуналар**

Билки қийин ҳаёт берур таппа тахт,  
Фозиллик, улуғлик, мардлик ҳамма вақт.

А.Рудакий

x x x

Ёмон одам йўлдошини қаритар.

x x x

Одам – темирдан қаттиқ, гулдан – нозик.

ўзбек мақоллари

x x x

Гар очлиқдан берса ҳам мард жон,  
Етимлар ҳақин емагай ҳеч қачон.

Саъдий Шерозий

x x x

Ёлғон-эгриликка ўрганма асло,  
Жаҳон тўғриликдан бўлмишdir барпо.

Абдушукур Балхий

x x x

Тўғрини де, тўғрини кўр, тўғри юр,  
Тўғри эшит, тўғри гапир, тўғри тур.

Абдураҳмон Жомий

x x x

Тўғри ҳар оғатдан қутилиб кетар,  
Масал бор: «Тўғрилар мақсадга етар».

К. Биноий

x x x

Тўғрилик учрамас ҳечам балога,  
Сарв қуриса ҳамки ярап асога

Сайдои Насафий

x x x

Эгрилик ҳосили - қабоҳат эрур,  
Тўғрилик ҳосили – саодат эрур.

А.Саноий

x x x

Жаҳонда ҳаммадан тўғрилик аъло,  
Эгриликдан ёмон борми ҳеч бало.

А.Фирдавсий

х х х

Одам бўлиб одам қадрин билмаган,  
Кишилардан ўтлаб юрган мол яхши.

Махтумқули

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдир,  
Гар мен одам ўлсам – ушбу басдир.

Алишер Навоий

Мен одамлар учун яшайман!  
Қудратим – шундадир.  
Фахрим – шундадир.  
Дўстларим – иқболим, баҳтим шундадир.

Нозим ҳикмат

Киши бўлмаса маънидин хабардор,  
Ани одам дема, де нақши девор...

Хувайдо

Яхшидан етар шарофат,  
Ёмондан етар касофат.

Тожик мақоли

Бир ерда бирга юрсанг бошинг қўшиб,  
Бир-бирингга сўзлагин қалдан жўшиб.

Абай

Дўст дўстига жонин қиласи қалқон,  
Дўстдан ҳам яхшироқ борми ҳеч инсон!?

х х х

Икки нарса дилдаги ғам офати:  
Дўст дийдори, доно киши суҳбати.

Абдушукур Балхий

Дўст учун жонингни фидо айлагин,  
Аммо душман киму, дўст ким, сайлагин!

Абдурахмон Жомий

ўзингни баҳтли деб санамагин сан,  
Тинч, сокин яшасанг бемехнат, беғам.  
Дўстинг бўлмаса-ю ҳеч кимса билан  
Дарду шодлигингни кўрмасанг баҳам.  
Майли умр кўргин сен роса юз йил,  
Қорсимон оқарсин сочинг ҳам майли.  
Дўстлар даврасида айтаман дадил:  
Сен ёруг дунёга келмабсан ҳали!

Расул Гамзатов

Х Х Х

Зийраклар бирла зиндон – гулистан,  
Ноаҳил қилас гулзорни зиндон.  
Кишига соғлом иш – дўстлик қилишдир,  
Вафо кўргазмак асли катта ишдир.

Носир Хисрав

Х Х Х

Йўлинг устида чоҳ қозиса агар,  
Қилур дўст ундан сени бохабар.  
Агар банду зиндонда дўсти ётар,  
Киши қайда гулзор сайрин этар.  
Агар тош билан ёвни янчолмасанг,  
Болам, лоақал дўст билан қилма жанг.

С.Шерозий

Савони жавобсиз қолдирма,  
Дўстни – эътиборсиз.

Х Х Х

Дўстинг билан сирдош ўл,  
Қилган ишига қўлдош бўл.

Х Х Х

Бевафо дўстдан таёқ яхши.  
Бебаҳо гулдан япроқ яхши.

Х Х Х

Чин дўст юракдан сўзлар.  
Дўстсиз бошим – тузсиз ошим.

Х Х Х

Сояга ўхшаган дўстдан яхширок,  
Кишининг қўлида йўнмаган таёқ.

Х Х Х

Йиқилганда бўлмаса тирак,  
Вафосиз дўст нимага керак.

Х Х Х

Кимки оро кирмас жонингга,  
Шерик бўлмасин у ширин нонингга.

ўзбек мақоллари

Х Х Х

Мард йигитнинг иши суҳбат – соз бўлар,  
Кўнгли қишиш бўлмайин, доим ёз бўлар.

Махтумқули

x x x

Бир гаріб кўнглинин қилолсанг шод –  
Яхшидир ер юзин қилгандан обод –  
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг  
Афзалдир юз қулни қилмоқдан озод.

Умар Хайём

x x x

Камтар бўл, барчани этгил баҳраманд,  
Сенинг ҳам мартабанг бўлғуси баланд.  
Уруғ аралашиб аввал тупроққа,  
Сўнгра бўй чўзади осмон-фалакка.

x x x

Димоғингни кўтарма, бўлмайин десанг оёқ ости,  
Қамиш кеккайгани учун бўйра бўлди-ю, ҳамма босди.

Абдураҳмон Жомий

x x x

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,  
ҳам жонлариға мояи дармон бўлғил.

Алишер Навоий

x x x

Шамдек бўл, шамни қўр куйиб қалбу тан,  
ўзгалар базмини қиласи равшан.  
Булут бўл, сув бериб қўйганда ёмғир,  
Гулни ҳам, хасни ҳам суғорар бир-бир.  
ҳаммага омонлик истагувчи бўл,  
Шунда адоватга қолмағай ҳеч йўл.

x x x

Эй, энг яхши одам ким, деб сўраган!  
Айтайн ким бўлур энг яхши одам:  
Энг яхши одам шу – кимдан халқига,  
Қандайдир наф тегар, ҳар куну ҳар дам.

Абдураҳмон Жомий

x x x

ўз нафсини мағлуб этолган марддир,  
Фийбатдан узоқ-узоқ кетолган марддир.  
Номард тепиб ўтар йиқилгандарни,  
Ожиз кишилар қўлин тутолган марддир.

А.Рудакий

x x x

Мухтожлик кўйида бир дилни овла,  
Юракка яқинроқ маъқулни овла.  
Минг каъба сафари бир дилча турмас,  
Маккада нима бор, кўнгулни овла.

Умар Хайём

x x x

Кел, жаҳонни топширмайлик ёмонга,  
Бурайлик барчани яхши томонга.  
Яхши ҳам, ёмон ҳам қолмас пойдор,  
Яхшиси: яхши иш бўлсин ёдгор.

А.Фирдавсий

x x x

Текиннинг миннати кўп,  
Мехнатнинг зийнати кўп.

x x x

Мехнат қилиб топганинг,  
Қанду асал тотганинг.

x x x

Мехнатдан дўст ортар,  
Гийбатдан – душман.

x x x

Дарё сувини баҳор тоширап,  
Одам қадрини меҳнат оширап.

x x x

Мехнат қилмаса бўстон қаерда,  
Бўстонлар ҳақида достон қаерда?

ўзбек мақоллари

x x x

Ақлга илм бирла бергил кўмак,  
Ақл - бу илмга харидор демак.

Носир Хисрав

x x x

Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик,  
Ақлдан борлигу, йүклигу, камлик.  
Киши иш қиларкан беақлу идрок,  
Бўлур қилмишидан юрак бағри чок.

x x x

Ақл бир тирик жонки, билмас завол,  
Ақл – турмуш асли, буни ёдлаб ол.

Фирдавсий

x x x

Ақлингга ақл қўш,  
Жаҳлингга – сабр!

x x x

Доно ўйлаб сўзлайди,  
ҳам узоқни кўзлайди.

x x x

Ой тунда керак,  
Ақл – кунда керак.

ўзбек мақоллари

x x x

Бир бевафо ёрга қулиб боққандан,  
Ширин жонни ишқ ўтига ёққандан,  
Ёт элларда мусофирилик тортгандан,  
Урса, сўкса, хўрласа ҳам эл яхши.

Махтумқули

x x x

ўз ерин қўйиб, хинд сори юзландим,  
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

x x x

Кўнглим бу ғариблиқдин шод бўлмади, оҳ,  
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

М.Бобур

x x x

Онасининг ғам-ғуссасига  
ўғил асло парвосиз боқмас,  
Куйдирмай жон ўз ўлкасига  
Юрган, содик граждан эмас.

Н.А.Некрасов

Х Х Х

Еримиз, сувимиз, фарзандимиз деб,  
Хотин, бола-чақа, дилбандимиз деб,  
Бирма-бир жонимиз этамиз фидо,  
Ватанни душманга бермаймиз асло!

А.Фирдавсий

Х Х Х

ўзгалар ғамини чекмаса одам,  
Анга нолойиқдир инсон деган ном.

Саъдий Шерозий

Х Х Х

Гар уруш тушса икки ҳамдамаро,  
Бот анинг тадбирини этмак керак.  
Биридан айб ўлса, зохир, ул бири.  
Узр айтиб айбини ёпмоқ керак.

Убайдий

Х Х Х

ҳар кимки дилозордир,  
хаёти оху зордир.

Х Х Х

Ким бирор дилини ситам-ла тилди,  
У ўз вужудин ярадор қилди.

Фарииддин Аттор

Х Х Х

Агар қилча низо бўлса одамда,  
Йўқолур осойиш, тартиб оламда.  
Юз хумда тиниқ сут бўлса, барини –  
Ачитар ним томчи сирка бир дамда.

А.Бедил

Х Х Х

ўзингга наштарни кўрмасанг раво,  
Бошқаларга найза кўтарма асло.

Хисрав Дехлавий

х х х

Не керагинг бор эса, бунёд қил,  
Яхшиси инсон дилин обод қил.

х х х

Адл мамлакатга бўларкан меъмор,  
Бошқа ҳеч бир нарса эмасдир даркор.

Абдураҳмон Жомий

х х х

Ул одам қўрар роҳат ўз баҳтидан,  
Қўл остидагин эзмаса зулм билан.

х х х

Ақллиликка маъқул эмас ҳеч қачон,  
Еса қўйни бўри, ётиб қўйчибон.

Саъдий Шерозий

х х х

Сабот истасанг мулк бунёдига,  
Адолат била ет улус додига,  
Адолатдан ўлди эл осоиши,  
Эл осоиши – мулк оройиши.

Мунис Хоразмий

х х х

ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,  
ҳар нечами, ағёдуур ёр айлар.  
Сўз қотғи эл қўнглига озор айлар,  
Юмшоги қўнгилларни гирифтормай айлар.

Алишер Навоий

х х х

Ростлик келтур – топармушсан нажот,  
Ростлик бир чашмаи оби ҳаёт.

Низомий Ганжавий

х х х

Бўйин товлама кекса тадбиридан,  
Қариларда бор тажриба, фикру фан.  
Темир қалъани ағдарур саъй этиб,

Кари фикру, ёшлар қилич ишлатиб.

С.Шерозий

x x x

Ёшлигингда одат қилсанг,  
Қаригунча кўникасан.  
Қариганингда одат қилсанг,  
Кўникунча кўмиласан.

ўзбек мақоли

x x x

ўйламай қилинган турмуш,  
Тўйдан кейин бузилар.

x x x

Бўз яктак қичитар,  
Яхши хотин тинчитар.

x x x

Ёмон турмуш яшатмас.

ўзбек мақоллари

x x x

Борма айтмаганнинг дастурхонига,  
Кўл узатсанг, қадринг тушар, нонига,  
Кўшма ўзгаларнинг барра кабобин.  
Қотган нону совуқ сувинг сонига.

Паҳлавон Маҳмуд

x x x

Мард ўғилдир, элга ёзар дастурхон,  
Тўғри сўз устида берар ширин жон,  
Умрини ўтказар, айтмайди ёлғон,  
Жаҳд айлаб, ёлғон сўз айтувчи бўлма.

Махтумқули

x x x

Кимки иғво-ёлғонни қилиб олса касб,  
Бўлажак шармсор бир умр бўйи.  
Кимсалар олдида очолмайин лаб,  
Виждони азобда қолар шу куйи.

ўзбек мақоли

x x x

ҳар киши ким биревга қозғай чох,  
Тушкай ул чох узра ўзи ногох.

Алишер Навоий

x x x

Биревга соғинса ҳар ким ёмонлик,  
Нихоят ул ўзи топмас омонлик.

А.Фирдавсий

x x x

Илм агар оз бўлса ҳам ҳеч этма хор,  
Оз илмнинг ҳам буюк қиймати бор.

Фарииддин Аттор

x x x

Жон агар бир шиша бўлса, илмдир худди чироф,  
ҳикмати инсон бўлур анга мисоли лампа ёғ.

Абу Али Ибн Сино

x x x

Билим бойлигига тўймайди одам,  
Камаймас бошқага қанча берса ҳам.  
Оlamda bilimdir ганжи бебаҳо,  
Ким билим эгаси – ўша подшо.

Асади Тусий

x x x

Илмни ўғри ҳам ўғирлаёлмас,  
Илмни ажал ҳам олиб кетолмас.

Р.Авҳадий

x x x

ҳаётин ўтказса ўрганиб сабоқ,  
Устод ҳам, шогирд ҳам ҳеч бўлмас нўноқ.  
Тўкиш-йигириш ҳам билим бирладир,  
Дунёни топиш ҳам билим бирладир.

x x x

Билиминг осмонга етган бўлса ҳам,  
Бошқалар илмига қулоқ сол ҳар дам.

Абдушукур Балхий

x x x

Кимки ҳаёт шаъмин илм ила ёқди,  
ҳаёти асрлар сўнмади, балқди.

Х Х Х

Инсоннинг қиймати эмас симу зар,  
Инсоннинг қиймати илм ҳам ҳунар.

А.Бедил

Х Х Х

ҳар ишда афзалдир билим орттириш,  
Билим орттиromoқда астойдил тириш.

Х Х Х

Илмдан дунёнинг иши создир, бок,  
Илмсизнинг иши чўзилур узоқ.

Абдураҳмон Жомий

Х Х Х

ҳар кишида илму санъат бордур,  
Бахту давлат ул кишига ёрдур.

Камий

Х Х Х

Кимки ўрганишни уят-ор демас,  
Сувдан дур топади, тошдан лаъл-олмос.

Низомий Ганжавий

Х Х Х

Жаҳолат – ўлимдир, билим – тириклик.  
Юмшоқ табиатлик бўлса жамоли,  
Илм бирла ҳикматдир одам камоли.

Х Х Х

Билимдин шод бўлур коми дилу жон,  
Билимсиз оламда ҳайрон, саргардон.

Носир Хисрав

Х Х Х

Шу оддий қўз билан боқмагил, балки –  
Билим қўзи билан боққил жаҳонга.  
Жаҳон дарё эрур, яхши ишингдан –  
Кема ясад ўтгил нари томонга.

Х Х Х

Ақлли кишилар ҳар қайси тилда,  
ҳар қандай замонда, ҳар қайси хилда,  
Билимларни тўплаб хурмат этдилар,  
Тошларга нақш этиб, битиб кетдилар:  
«Одамлар қалбининг чароги билим,  
Балодан сақланиш яроғи билим».

Х Х Х

Одамдан юқори тураркан олам,  
Билим оширмоқقا муҳтождир одам.

А.Рудакий

Х Х Х

ҳарчанд ўқибсен – илмдонсан,  
Агар амал қилмадинг, нодонсан.  
Устига китоб ортилган эшак,  
На олим ва на донодир, бешак.

Саъдий Шерозий

Х Х Х

Қудратлидир кимки бўлса, билимдон,  
Билимдон кексалар дили навқирон.

А.Фирдавсий

Х Х Х

Жаҳон басту кушоди илм бирла,  
Надур дилнинг муроди илм бирла.

Х Х Х

Кўнгулларни сурори илмдандир,

## **«Маънавият асослари» қўлланмасида фойдаланилган ва «Маънавият асослари» дарслари учун зарур бўладиган адабиётлар**

1. ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «ўзбекистон», 2003.
2. Каримов И.А. ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
3. Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
4. Каримов И.А. ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
5. Каримов И.А. ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
6. Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
7. Каримов И.А. Ислоҳотлар муваффақияти-истиқлол кафолати. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
8. Каримов И.А.. ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
9. Каримов И.А. Эҳтиром. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
10. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
11. Каримов И.А. ўзбекистон иқтисодий-сиёсатининг устувор йўналишлари. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
12. Каримов И.А. БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясидаги Маъруза. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
13. Каримов И.А. Ватан, эл манфаати муқаддасдир. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
14. Каримов И.А. Фан Ватан равнақига хизмат қилади. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
15. Каримов И.А. Иқтисодий мустақиллик-олий мақсадимиз. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
16. Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
17. Каримов И.А. Ватанимизнинг салоҳияти ва обрўйини янада оширайлик. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
18. Каримов И.А. Етакчилик-улкан масъулият. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
19. Каримов И.А. Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
20. Каримов И.А. Эл манфаати-фаолиятимиз асоси. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
21. Каримов И.А. Илму фан мамлакат тараққиётiga хизмат қилсин. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
22. Каримов И.А. ҳалоллик ва фидойилик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
23. Каримов И.А. Мустақиллигимиз боқий бўлсин. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
24. Каримов И.А. Мустақиллик-улкан маъсулият. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
25. Каримов И.А. Улуғбек руҳи барҳаёт. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.
26. Каримов И.А. Тадбиркорлик-иқтисодиёт келажаги. Т.: «ўзбекистон», 1996 й.

27. Каримов И.А. Халқ ишончи – юксак масъулият. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
28. Каримов И.А. ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
29. Каримов И.А. ўзбекистон йўли – жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидир. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
30. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
31. Каримов И.А. Фаолиятимиз Ватан манфаатларига хизмат қилсин. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
32. И.А. Каримов. «МАНАС» - қирғизнинг азалий ва абадий қомусидир. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
33. И.А. Каримов. ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
34. И.А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
35. И.А. Каримов. Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
36. И.А. Каримов. Ватан мангу қолади. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
37. И.А. Каримов. Дўстлик, тинчлик ва бунёдкорлик йўлидан. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
38. И.А. Каримов. Минтақада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
39. И.А. Каримов. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
40. И.А. Каримов. Мақсадимиз – тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
42. И.А. Каримов. Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
43. И.А. Каримов. Халқ ташвиши билан яшайлик. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
44. И.А. Каримов. Тараққиётнинг қудратли қаноти. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
45. И.А. Каримов. Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланайлик. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
46. И.А. Каримов. Бунёдкорлик – фаровон ҳаёт асоси. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
47. И.А. Каримов. Танлаган йўлимизнинг тўғрилигига ишончимиз комил. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
48. И.А. Каримов. Ислоҳотларни амалга оширишда қатъиятли бўлайлик. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
49. И.А. Каримов. Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидир. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
50. И.А. Каримов. ўзбекистон халқи ўз йўлидан қайтмайди. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
51. И.А. Каримов. Келажагини ўз қўли билан қураётган ўзбекистонга халақит берманг. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
52. И.А. Каримов. ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди. Т., «ўзбекистон», 1996 й.

53. И.А. Каримов. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. Т., «ўзбекистон», 1996 й.
54. И.А. Каримов. Иқтисодий ҳамкорлик – мамлакатларимиз тараққиётининг гаровидир. Т., «ўзбекистон», 1996 й. т.
- И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. Танлаган йўлини тўғрилигини ҳаёт тасдиқламоқда. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. ўзбекистон иқтисодий юксалиш йўлида. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаширишнинг муҳим вазифалари. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. Биз ўз куч ва имкониятларимизга ишонамиз. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. Азалий буюклик маскани. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. Соҳибқирон камолга етган юрт. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. Адолат ва қудрат тимсоли. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. Ислоҳот – аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш – бурчимиз. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. Қонунларимиз халқ манфаатларига хизмат қилсин. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. Демократик ўзгаришлар – жамиятимиз янгиланиши асоси. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. Мулқдорлар синфини шакллантириш – ислоҳотларнинг бош мезони. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А. Каримов. Ислоҳотлар изчиллиги – инсон манфаатлари омили. Т., «ўзбекистон», 1997 й.
- И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т., «ўзбекистон», 1998 й.
- И.А. Каримов. ўзбекистон халқига наврўз табриги. Т., «ўзбекистон», 1998 й.
- И.А. Каримов. Янгича тафаккурга кенг йўл. Т., «ўзбекистон», 1998 й.
- И.А. Каримов. Юксак хуқуқий тафаккур – демократик жамият тақозоси. Т., «ўзбекистон», 1998 й.
- И.А. Каримов. ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «ўзбекистон», 1998 й.
- И.А. Каримов. Замонавий кадрлар – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Т., «ўзбекистон», 1998 й.
- И.А. Каримов. Янгича тафаккур – замон талаби. Т., «ўзбекистон», 1998 й.
- И.А. Каримов. Мустақиллик – муқаддас неъмат. Т., «ўзбекистон», 1998 й.

- И.А. Каримов. Баркамол авлод – ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., «ўзбекистон», 1998 й.
- И.А. Каримов. Ислоҳотлар ҳаётни, ҳаёт эса тафаккурни ўзгартиради. Т., «ўзбекистон», 1998 й.
- И.А. Каримов. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги. Т., «ўзбекистон», 1998 й.
- И.А. Каримов. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. Т., «ўзбекистон», 1998 й.
- И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Барқарор тараққиётга эришиш – устувор вазифа. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Жамиятимиз мағкураси халқни – халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Халқ фаровонлиги – фаолиятимиз мезони. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Халқимиз жипслиги – тинчлик ва тараққиёт гарови. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Имом Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишлиган маросимда сўзланган нутқ. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Аҳмад Ал-Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишлиган маросимда сўзланган нутқ. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Юнеско ижроия кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисида сўзланган нутқ. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Юксак маънавият – жамият тараққиётининг асоси. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Халқ ишончи – олий масъулият. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Фарзандларимиз биздан қўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтили бўлишлари шарт! Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Танлаган йўлимиздан бизни ҳеч ким қайтаролмайди. Т., «ўзбекистон», 1999 й.
- И.А. Каримов. Озод бўлсанг – озод бўл, эркин бўлсанг – эркин бўл, мустақил бўлсанг – мустақил бўл! Т., «ўзбекистон», 1999 й.

И.А. Каримов. ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «ўзбекистон», 1999 й.

И.А. Каримов. Хотира чироғи ўчмайди. Т., «ўзбекистон», 1999 й.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А.Каримов. Ирода ва иймон-эътиқодимиз синови. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. хушёрликка даъват. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Тадбиркорлик – юксалиш гарови. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Ватан озодлиги – олий саодат. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Соғлом авлод – халқимиз келажаги. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Мен ўзимни нафақат ўзбек халқининг, балки Қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан! Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Халққа хизмат қилиш – олий баҳт! Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Мақсадимиз – Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Эзгу ният, олижаноб мақсад йўлида изланиб-интилиб яшаш – кишини улуғлайди. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Шу муқаддас юрга ёруғ кунлар келтириш – ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Имкониятларни тўла ишга солиш – юксалиш гаровидир. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, ҳар бир оила фаровонлиги – мен учун олий саодат. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Буюк аждодларимиз шавкатининг тимсоли бўлган юрт. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Энг катта бойлигимиз – мамлакатимиздаги тинчлик, миллатлар ва фуқаролар тотувлигини қўз қорачиғидай асрайлик. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Пойтахтимиз – муқаддас оstonамиз. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Халқ дарди билан яшайлик. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш - энг муҳим вазифамиз. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Изланиш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик - давр талаби. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Соғлом авлод тарбияси – барчамизнинг муқаддас инсоний бурчими. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Халқ билан ҳамнафас яшаш ва ишлаш – олий бурч. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий – маънавий куч-кувват манбаи. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. ўзгариш ва янгиланиш – ҳаёт талаби. Т., «ўзбекистон»,

2000 й.

И.А. Каримов. Миллий истиқлол мағкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «ўзбекистон», 2000 й.

И.А. Каримов. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий йўл билан ҳамкорлик йўли. Т., «ўзбекистон» 2003 й.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. ҳадис. Ал-Жомиъ ас-саҳих (Ишонарли тўплам), Қомуслар бош таҳририяти, 1994 й.

Абдураҳимов М. Амир Темур ва Тўхтамиш. «Шарқ юлдози». 1991 йил, 11-сон.

А.Навоий. «Хамса». Т., 1966 й.

А.Навоий. «Махбуб-ул қулуб». Асарлар, 13-жилд. Тошкент, 1966 й.

Аминов Б., Шодиев М. Расулов Т. Шарқона бозор фазилатлари. Т., «Университет». 1996 й.

Амир Темур – буюк давлат арбоби. Тошкент Молия институти (илмий-назарий конференция материаллари). 1995 й, 24 ноябрь.

Амир Темур ўгитлари. Т., 1992 й.

Ат-Термизий. ҳадислар. «Шарқ юлдози». 1990 й, 9-сон.

Аттор Фаридиддин. Илоҳийнома. Т., «Ёзувчи», 1994 й.

Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т., 1990 й.

Аҳмад Яссавий. «Ҳикматлар», Т., 1991 й.

Ахмедов Б. Улуғбек (Эссе). Т., «Ёш гвардия». 1989 й.

Бобомуродов А. Ислом одоби ва маданияти. Т., «Чўлпон», 1995 й.

Буюк сиймолар, алломалар (ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар). Китоб 1. Т., «ўзбекистон», 1995 й.

Ватанинни севмоқ иймондандир. Иншолар тўплами. Т., 1995 й.

Қосимов Б. ва бошқалар. Ватан ва миллат муқаддасдир. Т., «ўқитувчи», 1996 й.

Диншунослик асослари. Т., ўзбекистон, 1995й.

Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. Т., 1994 й.

Абдураҳмон Жомий. Танланган асарлар. Т., 1971 й.

Зиё Кўкалп. Туркчилик асослари. ўзбегим. Т., «Ватан», 1993 й.

Зиямуҳаммедов Б, Зиямуҳаммедова С, Қодирова С, Маънавият асослари. Т., 2000 й.

Зиямуҳаммедов Б. Экология ва маънавият Т., 1997й.

Зиямуҳаммедов Б. Абдуллаева Ш. Педагогика Т., 2000 й.

Зуннун Ш., Зуннунов Н. Донишмандлар одоб – ахлоқ тўғрисида. Т., «ўқитувчи», 1996 й.

Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т., «ўзбекистон», 1996 й.

Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (адаб дурдоналари). Т., 1990 й.

Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т., «Шарқ», 1996 й.

Йўлдошев М. ўзи покнинг сўзи пок. «Тафаккур». 2-сон, 1996 й.

- Кайковус. Қобуснома. Т., «ўқитувчи», 1986 й.
- Каримов А. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино. Т., «Ёш гвардия», 1989 й.
- Каримов Н. Чўлпон учун кураш. «Фан ва турмуш». 1991 й.
- Каримов Б., Миразамов К. Миллат равнақи ва тил муаммолари. Т., 1993 й.
- Комил инсон (тўплам). Т., 1995 й.
- Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Т., 1996 й.
- Маданият ва жамият (тўплам). Т., 1993 й.
- Маънавият-масъуллик. Т., 1996 й.
- Маънавиятнинг ойдин йўли. Т., 1996 й.
- Маънавият ва бизнес. «Гулистон», 1996 й, 1-сон.
- Мўминов И. Амир Темурнинг ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., «Фан», 1993 й.
- Мунаввар Ҷори. Биографик очерк. «Фан ва турмуш», 1991 й, 4-сон.
- Муҳаммад Пайғамбар тарихи (Муҳаммад Саллалоҳу алайхи ва – саллам шажара ва насл - насаблари). Т., «Ёзувчи» 1993 й.
- Малик Мурод. ўзбек қадриятлари. Т., «Чўлпон», 1996 й.
- Мусурмонова О. ҳадислар – маънавият манбаи. Т., 1992 й.
- Мусурмонова О. Мустақиллик шароитида оила ва шахс камолоти. Т., 1994 й.
- Муҳаммад Ф.К. Аҳмад Яссавий. «Гулистон», 1996 й, 2-сон.
- Мирзакалон Исмоилий. Инсон одоби. Т., 1989 й.
- Нуриддинов М. Бобурийлар сулоласи. Т., «Фан» 1994 й.
- Нишонова С. Маънавият сабоқлари. Т., «ўқитувчи», 1994 й.
- Оила ахлоқи ва одоби (тўплам). Т., 1995 й.
- Олий Мажлис қарорлари. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Т., 1996 й, 28 сентябрь.
- Олимжонов О. Ислоҳот-инсон онгининг ўзгаришидир. «Беш тамойил ҳаётга» Т., 1995 й.
- Орипов А. Соҳибқирон. Т., «Ғафур Гулом», 1996 й.
- Олиммат-ул-Банот. «Муошарат одоби». Т., 1991 й.
- Оз-оз ўрганиб доно бўлур. ҳикматлар. Т., 1998 й.
- Отамуродов С. Сиёsat ва жамиятнинг маънавий маданияти мавзусидаги маъруза матнига услубий кўрсатма. Т., 1996 й.
- Пўлатов Х. Мафкуравий ҳукмронлик. «Мулоқот», 1991 й, 1-сон.
- Раҳматов О. Огоҳлик муқаддас бурч. Т., 2000 й.
- Ризоутдин Ибн Фахрутдин. «Оила». Т., 1991 й.
- Саъдий Шерозий. Гулистон. Т., 1968 й.
- Саифназаров И. Бозор иқтисодиёти ва шахс камолоти. Т., 1996 й.
- Саифназаров И., Саифназарова Ф. Маънавиятимизнинг умрбоқий сарчашмалари. Т., «Меҳнат», 1997 й.
- Саифназаров И. Ватанпарварликнинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари. Т., «Меҳнат», 1997 й.

Талабалар созида Ватан. Тўплам. Т., 1996 й.

Тасаввуф таълимоти ҳақида. 1990 й, «Шарқ юлдузи», 7-сон.

Темур ва Улугбек даври тарихи. Т., Қомуслар бош таҳририяти. 1996 й.

Туленов Ж., Ғафуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т., 1995 й.

Турон Усмон. Туркий халқлар мағкураси. Т., «Чўлпон», 1995 й.

Турсунов И. Истиқболга интилган қалблар нидоси. Т., 1993 й.

Увватов У. Замахшарий. «Гулистан», 1991 й, 5-сон.

Усмонов М. Донишмандлар одоб – аҳлоқ ҳақида. Т., «Фан», 1996 й.

Умаров Э. Эстетика (Нафосатшунослик). Т., «ўзбекистон», 1995 й.

Ульям Э. Бобур хиндистонда. Бобур ҳукмронлиги давридаги ҳиндистон тарихи. Т., «Чўлпон», 1995 й.

Умар Хайём. Наврўзнома. Т., 1990 й.

Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1991 й.

Хўжа Аббос ўғли. Миллий ифтихор. Т., 1995 й.

Холмирзаев Р., ҳамидов Х.О. Темурийлар даври маданияти (XV ва XVI аср ). Т., 1994 й.

Худойбердиев И. Ислом, шахс ва миллий психология. Т., «ўзбекистон», 1994 й.

Шайхова Х.О. Инсон ва унинг маънавий дунёси. Т., 1993 й.

Шарофутдинов О. Бозор маънавият кўзгуси. «Тафаккур», 1996 й, 6-сон.

Шарофутдинов О. Истиқдол фидойилари. Т., 1993 й.

Шарифхўжаев М. Ифтихор. Т., «ўзбекистон», 1993 й.

М. Истиқдол истиқболлари. Т., «ўзбекистон», 1994 й.

Шарқ донишмандлари ва одоб – аҳлоқ. Тошкент Молия институти (илмий-назарий конференция материаллари), 1995 й, 7-декабрь.

Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар. Т., «Меҳнат», 1991 й.

Юсуф Хос ҳожиб. «Кутадғу билиг», Т., 1990 й.

ўзбекистон Республикаси Т., «ўзбекистон», 1995 й.

ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 1992 й.

ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т., 1992 й.

ўзбекистон Республикасининг фуқаролар кодекси. Т., «ўзбекистон», 1996 й.

ўзбекистоннинг миллий мағкураси. Т., 1993 й.

ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. Т., «Фан», 1996 й.

ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида. Т., 1996 й.

Қосимов Б. Жадидчилик. «Ёшлиқ». 1990 й, 7-сон.

Куръони Карим. ўзбекча изоҳли тажриба. (Алоуддин Мансур), Т., «Чўлпон», 1992 й.

Ғайбуллоҳ Ас-Салом Сайди Умар. Толибнома. Т., «Шарқ», 1996 й.

Ғаниев И. Фитрат. Эътиқод. Ижод. Т., «Камалак», 1994 й.

Ғаззолий. ҳақойиқ ул ахборот. «Ёшлиқ», 1994 й, 4-сон.

ҳабибулла Зайниддин. Жалолиддин Мангуберди (Бадиа). Т., «Фан» 1993 й.

ҳазрати пайғамбарнинг ҳаёти. Т., «Камалак», 1996 й.

хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий хокимият. Т., 1996 й.

## Хулоса

Маънавият ва маърифат инсон, халқ, жамият, давлат фаолиятини юксалтиришнинг таянчидир. Бу жараён, яъни маънавият ва маърифат юксалмас экан парокандалиқ, инқироз ва хавфли ҳодисалар учун имконият яратилаверади. Мазкур салбий соҳаларни олдини олишда инсонларни юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш бебаҳо ҳаракатдир. Акс ҳолда, инсонлар билан инсонлар ўртасида турли зиддиятлар келиб чиқаверади. Шу ўринда юксак маънавият тараққиёти етакчи ўринни эгалashi лозим.

Маънавият ва маърифат жамиятнинг маънавий ҳаётини яъни, бир соҳасини, бир бўлагини ташкил этсада, бу соҳа барча соҳаларда устуворлик бўлишини тақазо этади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида маънавият ва маърифат ишларни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қабул қилиниши ўта муҳимдир.

Сабаби, янги инсонни камол топтириш, баркамол авлодни шакллантириш ўта муҳим диққатни жалб қиласиди. Бу эса ўз навбатида етук демократик жамиятни барпо этишга ёрдам беради.

Маънавият ва маърифат барча халқлар фаолиятида намоён бўлсада ўзбек халқи маънавияти ва маърифат ўзининг алоҳида хусусиятларига эга. Бу хусусиятлар урф – одатларда, миллий қадриятларда, маданий меросда ўз аксини топган. Ўзбек халқининг маънавияти инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, ижтимоий адолати тенглик, байналминаллик, ҳамкорлик, тотувлик, яхшилик қилиш каби эзгу ниятлар билан чамбарчас боғланган. Шу билан бирга бу ўзига хос хусусиятлар умуминсоний маънавият қирралари билан ҳам алоқада ва боғланишда, диалектик муносабатдадир. Ўзбек халқи маънавияти ўз моҳияти мазмуни билан ота – боболар маънавий меросига қатъий суюнади. Чунки ота – боболар маънавияти келажак авлодлар қанчалик янги даврлар талаби билан яшамасин шу авлодларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Ота – боболар маънавияти тарих силсиласидан ўтган инсоний дурдоналардир. Ўзбек халқи маънавияти ҳар қандай нигилистик (ўтмишдаги маданий фаолиятини инкор этувчи) қарашлар билан чиқаша олмайди.

Ўзбек халқи маънавияти ўзининг мазмун моҳияти билан зўравонлик, келишмовчилик, соҳтакорлик, ғайриинсоний ҳолатлар билан чиқиша олмайди. Бу халқнинг маънавияти асосида инсонийлик ва яна инсонийлик ётади. Шу билан бирга юқорида таъкидлаганимиздек, умуминсоний маънавият ва маърифатни инкор этмасдан, аксинча, умуминсоний маънавият ва маърифатни эзозлайди, унинг муҳим томонларини қабул қиласиди, ривожлантиради.

Миллий маънавиятимизни юксакликка кўтариш учун мустақиллик улкан имкониятлар яратади. Маънавиятимиз қирраларини ривожлантирган буюк алломаларимиз, ёзувчи шоир мутафаккирларимиз, саркарда-ю диний уламоларимиз фаолиятларидан намуна олиб янги давр авлодини шакллантиришда жонбозлик кўрсатиш давр талабидир. Уларни бебаҳо меросини қайта тиклаб ҳаётга татбиқ этаяпти. Маданий ёдгорликлар, илмий

манбалардан фойдаланишга мұяссар бўлмоқда. Қадимий қўлёзмаларни ўқимоқдалар. Буларнинг барчаси мустақиллик шарофатидандир.

Демак, эндиликдаги вазифа жамиятимизда истиқомат қилаётган барча инсонларни юксак маънавиятли ва комил инсонлик хислатларига бой қилиб тарбиялаш давр тақозосидир. Бу эзгу ниятлар асосида иш юритиш ҳар бир зиёлининг, маърифатли ходимнинг вазифасидир. Халқимизнинг истиқболи учун жон куйдириш шарафли вазифадир.

Маънавият ва маърифатнинг мазмун-моҳияти:

- миллий анъаналари бой маданий меросимизни ўрганиб фақат унга амал қилиш эмас, балки уни умуминсоний маънавият билан муштараклигини таъминлаб ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшишdir.

- юксак маънавиятлилик, халқимиз фаровонлигини таъминлаш учун ҳам зарурлигини унутмасдан мазкур соҳада тинмай иш олиб боришидир.

- барча ҳаракатда юксак маънавиятга интилган ҳолда мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий адолат меъёрида ҳамжиҳатлиликни, барқарорликни таъминлашни амалга ошириш зарурлигидир.

- юксак маънавиятли бўлиш учун диний экстремизм, террористик ҳаракатлардан узоқлашиш, миллатчилик ва шунга ўхашаш инсониятга зид келадиган унсурлардан холи бўлиш, янгича фикрлаш эътиқодли, иймони бутун, иродаси бакувват, меҳр - оқибат туйғулари билан қуролланган кишиларни тарбиялаш олий мақсад бўлмоғидир.

- баркамол авлод қалбига эл – юртга садоқат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, инсонийлик фазилатларини сингдириш кабилар айнан маънавият ва маърифатнинг мазмун-моҳиятини ташкил қилувчи соҳалар эканлиги унитилмаслиги лозимдир.

Шу кўрсатилган эзгу ниятларни амалга оширишда ушбу қўлланма ҳам жамиятдаги салбий нуқсонларнинг олдини олишга кўмаклашади, инсонларни фаровон яшашига замин бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз